

АГАТА КРИСТИ
Алифбо бүйича
Қотиллик



Энг сара 10 асар

Капитан Артур Гастингс, Британ империяси офицери ёзган муқаддима

Бу гал ўзимнинг одатдаги – факатгина ўзим гувоҳи бўлган воқеа ва ҳодисаларни ҳикоя қилиш қоидамни буздим. Шунинг учун айрим боблар учинчи шахс тилидан ёзилган.

Ўзим тасвирлаган воқеаларнинг ишончлилигига кафолат бераман. Шунчаки қаҳрамонларнинг фикрлари ва туйғуларини тасвирлашда бироз эркинликка йўл қўйдим. Яна шуни айтишим мумкинки, ҳамма хотиротларни дўстим Эркюль Пуаро кўриб чиқди.

Бу туркумдаги жиноятларнинг қаҳрамонлари ўртасидаги айрим иккинчи даражали муносабатларни шунчалик батафсил тасвирлаганимга сабаб шуки, ҳеч қачон одамларга хос омилларга беписанд бўлмаслик керак. Эркюль Пуаро менга бир пайтлар жиноят ишқ киссасига сабаб бўлиши мумкинлигини уқтирганди.

Алифбо бўйича қотилликка келсак, Пуаро бу жумбокнинг дохиёна ечимини топган, деб ўйлайман.

1-боб Хат

Бу воқеа 1935 йил июнда, Жанубий Америкадаги ранчомдан олти ойга қайтганимда содир бўлди. Биз учун оғир пайтлар эди. Ҳамма сингари биз ҳам халқаро тургунлик даврини бошдан кечираётгандик. Англияда бевосита иштирок этишим зарур бўлган ишларим бор эди. Хотиним ранчони бошқариш учун қолди.

Англияга келгач, биринчи қилган ишим эски қадрдан дўстим Эркюль Пуарони Лондондаги замонавий

квартирасидан кидириб топиш бўлди. Унга бошпаш сининг геометрик иисбатларидан иорхуилигимни билдирам. Хона ҳаддан ташкари тўртбурчак, дедим эски ҳатилга шама килиб, «Ута замонавий бу уйда товукларни тўртбурчак тухум кўйишга мажбур килодингизми?» деб сўрадим.

Пуаро кулиб юборди:

– Ў, эсингиздами? Бироқ фан ҳали товукларни замонавий дидларга мос бўлишга мажбур килолмайди. Улар турли катталик ва турфа рангдаги тухумлар кўйишади!

Мен эски дўстимни кўрганимдан хурсанд эдим. Кўриниши жуда яхши эди – ха, балки, охирги галдагидан бери бир кунга кексайгаидир.

– Кўринишингиз жуда яхши, Пуаро, – дедим. – Агар бунинг иложи бўлганда, сочингиздаги оклар камайибди, деган бўлардим...

– Нега энди иложи йўқ экан? – жилмайди Пуаро.

– Сочларим оқармаяпти, қорайяпти демокчимисиз?

– Худди шундай.

– Бироқ илмий жиҳатдан бунинг иложи йўқ-ку!

– Сиз ҳар доимгидексиз, Гастингс, тиник ва тажрибасиз аклингиз билан. Бор нарсани қабул киласиз ва ўйлаб ўтирмасдан изоҳ берасиз.

Пуарога ҳайрат билан қарадим.

У ҳеч нима демасдан ётоқхонага ўтди-да, шишача билан қайтиб чиқди.

Ҳеч нимани тушунмай шишачани олиб, куйидагини ўқидим: «Жонлантирувчи – соchlарнинг табиий рангини тиклайди. Жонлантирувчи – бўёқ эмас. Беш хил ранг – кулранг, қўнғир ранг, тўқ жигарранг, жигарранг ва кора».

Алифбо бүйича қотиллик

– Пуаро! – деб хитоб қилдим. – Соchlарингизни бүядингизми?

– Нихоят, тушундингиз.

– Шунинг учун соchlарингиз қорайибди-да!

– Шундай.

– Ҳа, азизим, – дедим ўзимга келиб, – кейинги келишимда сохта мўйлов билан юрсангиз керак... ёки, эҳтимол, ҳозирдан сохтадир?

Пуаро сесканиб кетди. У мўйловиданnihоятда ғурурланарди. Гапим унга оғир ботди.

– Йўқ, йўқ, азизим. Худога шукр, ҳали бунга анча бор. Сохта мўйлов! Қандай даҳшат!

У мўйлови ҳақиқийлигини исботлаш учун уф каттиқ тортди.

– Мўйловингиз жуда чиройли, – дедим.

– Чиндан ҳам шундай эмасми? Бутун Лондонни айланиб чиқинг – бунақасини топмайсиз.

«Жуда яхши машғулот-да», – деб ўйладим, лекин уни хафа қилмаслик учун индамадим.

– Биламан, бир неча йил олдин истеъфога чиккансиз, – дедим бунинг ўрнига.

– ...Ва қовокчалар етиширишга киришдим. Ҳеч канча ўтмай қотиллик содир бўлди ва мен қовокчаларга қўл силтадим. Бунга жавобан нима дейишингизни яхши биламан: мен хайрлашув томошасини кўяётган примадоннага ўхтайман. Номаълум марта кўядиган.

Кулиб юбордим.

– Чин сўзим, тахминан шундай бўлди. Ҳар гал «бўлди, охирги марта» дейман. Аммо, албатта, нимадир юз беради! Тан оламан, истеъфо менга сира ёқмайди. Кулранг моддани ишлатмаса, занг босиб қолади.

— Қараб туреам, қобилятиңизни мөърида намоен киляпсиз.

— Ҳа, мен таңлашни биламан. Ҳозир Эркюль Пуароға фақат «қаймоқлари» қизик.

— Хүш, қалай, күн қаймок олдингизми?

— Ү, анчагина. Кейин яқинда зўрга кутулиб қолдим.

— Муваффакиятсизликданми?

— Йўқ, йўқ. — Пуаро ғамгиш кўринарди. — Аммо мен, мен, Эркюль Пуаро, ҳалок бўлишимга бир баҳя қолди.

Хуштак чалиб кўйдим:

— Улдабурон қотилми?

— Улдабурондан ҳам кўра, сингилтак, худди шундай – енгллтак. Лекин бу ҳақда ташлашмайлик. Биласизми, Гастингс, ахир сизни ўзимнинг омад туморим деб хисоблайман...

— Шундайми? – ажабландим мен. – Тез-тезми?

Пуаро жавоб бермасдан, давом этди:

— Келаёттанингиздан хабар топишими билан ўзимта «яна нимадир юз беради», дедим. Биз яқин атрофда бўламиз. Иш ноодатий бўлади. Бу... – у ҳаяжон билан қўлларини силкиди, – нозик иш бўлиши керак...

— Менга қаранг, Пуаро, сизни «Ритц¹»да таом бу юряпти, деб ўйлаш мумкин.

— Чиндан ҳам, нима учун жиноятни буюртириш мумкин эмас? – У хўрсинди. – Ахир мен омадга, ҳатто тақдирга ишонаман. Сизнинг тақдирингиз эса ёнимда бўлиб, мени кечирилмас хатолардан асрар.

— Сиз нимани кечирилмас ҳатто деяпсиз?

— Очиқ-ойдин кўриниб турган нарсани кўздан кочиришни.

Гапнинг мазмунини тўла тушунмадим.

¹ «Ритц» – Лондондаги ресторани бор сердашам мадмонхона.



— Майли, — дедим жилмайиб, — ўша супержиноят көз беріб бұлдыми ёки йўқми?

Пешонасида ўйлашдан буришиқлар пайдо бұлди, құллари эса беихтиёр столдаги буюмларни битта чи-зикқа тера бошлади.

— Ишончны комил эмас, — деди у чўзиб.

Унинг гап оғанғи ғалати эди, ажабланиб қарадим. У бирдан ёзув столи томон юрди. Хат олди. Ичидә ўқиб чиқди-да, кейин менга узатди:

— Айтинг, дўстим, бундан қандай хулоса чиқаришиңгиз мумкин?

Хатни олдим. Оқ қоғозга босма ҳарфлар билан ёзилганди.

«Жаноб Эркюль Пуаро, ўзингизни бизнинг калтафаҳм британ полициямиз учун ҳаддан ортиқ қийинлик қыладиган жсумбоқларни фош қила-ман, деб кеккаясиз, шундай эмасми? Ҳуш, жаноб Ақлли Пуаро, қанчалик ақлли эканлигинизни кўрамиз.

Балки, бу ёнгоққа тишингиз ўтмас. Шу ойнинг 21-санасида Андоверга эътибор беринг.

Сизнинг ва ҳ.к.
ABC».

Конвертга қарадим. Унга ҳам босма ҳарфлар билан ёзилганди.

— WCI мухри турибди, — деди Пуаро нигоҳимни мухрга қаратганимда. — Нима дейсиз?

Елка қисдим:

— Бирор телбамикин?

— Бор гапингиз шуми?

Унинг овози ғамгин эди. Мен унга таажжуб билан қарадим:

— Сиз ҳаммасини ҳаддан ташқари жиддий қабул қиляпсиз, Пуаро.

— Дўстим, телбаларни жиддий қабул қилиш ҳам керак. Телба — жуда хавфли!

— Ҳа, тўғри, лекин буларнинг бари ортиқча отиб олган бирор бир эси пастнинг ахмокона ўйинига ухшайди.

— Қандай? Нима?

— Ҳеч нима — бу шунчаки ибора. У одам ширақайф бўлган, яъни керагидан ортиқ ичган демоқчиман.

— Мерси, Гастингс, «ширакайф» деган ибора билан танишман. Демак, сизнингча, бу ўринда фақат кайф бор...

— Сиз бошқа нарса бор деб ўйлайсизми? — сўрадим унинг жавоби оҳангидан ажабланиб.

Пуаро тушунарсиз бош чайқади-ю, жавоб бермади.

— Нима қилдингиз? — деб сўрадим.

— Жеппга кўрсатдим. У ҳам сиздек фикр билдириди. Улар ҳар куни Скотленд-Ярдда шундай нарсалар олишади. Мана, менга ҳам насиб қилди. Лекин барибир, Гастингс, бу хатда меига ёқмаётган нимадир бор...

Унинг гап оҳангига мени яна ажаблантириди.

— Агар чиндан ҳам буни жиддий қабул қилаётган бўлсангиз, бирор чора кўра оласизми? — деб сўрадим.

— Графлик полициясида ҳам хатни кўришди, улар ҳам хатни жиддий қабул қилишмади. Унда бармок излари йўқ. Эҳтимолий муаллифни излашга йўл йўк.

— Ҳа, ха, факат сизнинг ички сезгингиз бор?

— Ички сезги эмас, Гастингс! Ички сезги — бу ёмон сўз. Билимим, тажрибам айтятти: бу хатда нимадир бор... — Пуаро сўз тополмаётгандек, имо-ишора кила

бошлади, кейин яна бош чайқади: – Балки, пашшадан фил ясаётгандирман. Лекин нима бўлганда ҳам кутишдан бошка чора йўқ.

– Хуш, 21-нчи жума бўлади. Андовер туманида хаддан ташқари катта ўғирлик содир бўлса, унда...

– Ў, бу яхши юпанч бўлади!..

– Юпанч?! – Серрайиб колдим. – Дуруст «юпанч»ку...

– Ўғирлик мени бошка нарсадан қўрқишдан халос киларди!

– Нимадан?

– Котилликдан! – қисқа жавоб берди Пуаро.

2-боб

(Капитан Гастингс тилидан ёзилмаган)

Жаноб Александр Бонапарт Каст ўрнидан турмай, узокни яхши кўролмайдиган кўзлари билан ифлос ётакхонани кўздан кечирди. Нокулай алпозда ўтирганидан бели увишиб колганди. Қаддини ростлаётганда, кузатувчи унинг аслида анча баланд бўйли эркак эканлигини кўриши мумкин эди. Букчайганлик нотуғри тасаввур уйғотарди.

У эшикда осигулик эски пальто ёнига бориб, бир кути арzon сигаретани чиқарди-да, тутатди. Сўнг столи ёнига қайтиб, темир йўл маълумотномасини олдида, яна қофоз варағига куз югуртирди. Бу исмлар рўйхати эди. Нихоят, битта исмнинг тўғрисига белги кўйди. Ўша куни пайшанба, 20 июнь эди.

З-боб Андовер

Пуаронинг шубҳали аноним хат билан боғлик ноҳуш сезгилари 21-санагача буткул эсимдан чиқиб кетди. Менга буни биринчи бўлиб Жепп – Скотленд-Ярд катта инспекторининг дўстимни йўқлаб келиши эслатди. Оғир жиноятларни текшириш бўлимининг бу инспекторини кўп йиллардан бери танирдим, у мен билан самимий кўришди:

– У, ўлай агар, бу одам оёғи етмаган ерлардан келган капитан Гастингс! Эски дамлардагидек, мъсе Пуаро билан. Куринишингиз жуда яхши! Бошингизнинг ўртасида соч сийраклашган бўлса ҳам. А? Ҳаммамиз шунга караб кетяпмиз. Мен ҳам.

Ха, биродар Жепп менга нисбатан ҳеч қачон одобли бўлмаган. Мен мулойимлик билан ҳеч биримиз ёшармаётганимизни тасдикладим.

– Мъсе Пуародан ташкири, – деб кистирди Жепп айёrona. – У соч тоник²ига ажойиб реклама бўлиб хизмат қилиши мумкин эди. Бунинг устига, у доим эътибор марказида.

Пуаро жилмайди:

– Гастингсга мен худди бис³га чиқаётган примадоннага ўхшайман, дегандим!

Ишни ўз ўлимингизни текшириш билан тугатсангиз, ажабланмайман, – деди Жепп хушфөъллик билан кулиб. – Бу яхши фикр! Уни дафтарчага ёзиб олиш керак.

– Бу ишни айнан Гастингс қилишинга тўғри келади, – деб менга кўз кисди Пуаро.

² Тоник – алкогольсиз нордон газли ичимлик, терини тозалашга мўжалланган косметик суюклик.

³ Бис – томошибинларнинг «Яна булсан!» деган талаби.



— Ха-ха! Жуда қызық бұлади, — кулиб юборди Жепп. Менга эса бу фикр сира ҳам кулгили түйилмади. Аксинча, хунук түйилди. Эх, қария Пуаро! Яқинлашиб келаётган ўлим ҳақидаги ҳазиллар унга нисбатан үринли бўлиши даргумон.

Ҳиссиятларим юзимда акс этган бўлса керак, Жепп гапни бурди:

— Пуарога юборилган аноним хатдан хабардормисиз?

— Албатта! — деб хитоб қилдим. — Шунчаки буларнинг бари хаёлимдан кўтарилиб кетибди. Шошманг, қайси сана айтилганди?

— 21-нчи, — деди Жепп, — шунинг учун ҳам кириб ўттай дедим-да. Кеча 21-нчи эди, шунчаки қызықиб, кечки пайт Андоверга қўнгироқ қилдим. Бу чиндан ҳам ўйин бўлган. Ҳеч нима юз бермабди. Пештахта синдирилган — зумраша тош отган — ва иккита мастиликдаги тўполон. Шунинг учун бу гал бельгиялик дўстимиз нотўғри издан юрибди.

— Енгил тортганимни тан олишим керак, — бош ирғади Пуаро.

— Шунчаки бир нарсага ёпишиб олгансиз! — деди Жепп юмшоқлик билан. — Э Худо, ахир биз бундай хатлардан ҳар куни ўнталаб оламиз! Қиладиган иши йўқ ва «чордоги» тартибсиз одамлар ўтириб ёзаверишади... Лекин ҳеч нима қилишни режалаштиришмайди! Бу уларга куч берса керак.

— Мен чиндан ҳам нодонлик қилдим, «Эшак инига бурнимни тиқдим»...

— Сиз эшакларни арилар билан адаштиряпсиз, — кулимсиради Жепп. — Икки хил инглиз мақоли. Майли, мен кетишим керак. Қўшни кўчада иш бор — ўғирланган кимматбаҳо тақинчоқларни олишга. Йўл-йўлакай кириб ўттай дедим. Кулранг модда ишлатилмай қолгани чакки бўлди.



Жепп кетди.

– Жепп уичалик ўзгармаган-а? – сўради Пуаро.

– Кўринишдаи қарибди, – дедим ва қасоскорона кўшиб кўйдим: – Соч-соқоли оқарибди, бўрсиққа ўхшаб. Бу Жепп ҳар доим щунақа бўлган: умуман ҳазил қилишни билмайди! Бирор ўтираётганда, тагидан стулини суриб қўйиши, кулади.

– Унинг ўрнида кўп одамлар кулган бўларди.

– Бу шафқатсизлик.

– Ўтираётган одамнинг назарида...

– Майли, – дедим мен тинчланиб. (Сочимнинг қалинлиги ҳақида гапиришларига ҳар доим чидолмайман.) – Шунчаки хат билан боғлиқ иш амалга ошмаганидан афсусдаман. Сизга ёрдам беришим керак бўлгач, бошқа «қаймоқли» жиноят излаб кўришимга тўғри келади. Таомномани кўрайлик-чи. Ўгирлик? Қалбакилаштириш? Ута вегетарианларга хос! Қотиллик бўлиши керак! Қонли қотиллик. Ва, албатта, гарнири билан.

– Чиндан ҳам. Газаги билан.

– Курбон ким бўлади – эркакми ёки аёл? – деб давом этдим. – Менимча, эркак. Бирор «каттакон». Америкалик миллионер. Бош вазир. Газета магнати. Жиноят саҳнаси. Эски кутубхона маъқулми? Курол: гажакдор ханжар ёки бирорта ўтмас нарса – тошдан ўйилган бут...

Пуаро хўрсинди.

– Ёки, албатта, – дедим, – заҳар... тор мутахассисликка оид. Ёки тунда тўппончадан узилган ўқ. Кейин у ерда гўзал қиз бўлиши керак, ҳатто икки нафар...

– Сочлари қўнғир, – деб минғиллади дўстим.

– Гузал қизлардан бири, албаттаки, ноҳак гумон қилиниши... ва у йигит билан айтишиб қолган бўлиши керак. Кейин, табиийки, бошқа гумон қилинувчи-

лар ҳам булиши зарур. Сирли киёфали кампир... ва ўлдирилганинг бирор дўсти ёки душмани... котиби – сирли одам... ва муомаласи кўполроқ кўнгли очик эркак... икки нафар ишдан бушатилган хизматкор ёки егеръ⁴, ёки шунга ўхшаш одам... кейин Жеппга ўхшаганлардан галварс-изқувар..., шу кифоя қилса керак.

– Буларнинг бари «қаймокли»ми?

– Сизга маъкул эмасми?

Пуаро менга ғамгин қаради:

– Сиз кўрган детективларингизни жуда яхши гапириб бердингиз.

– Хўп, яхши, ўзингиз нима айтиб берардингиз?

Пуаро кўзларини юмиб, курси суюнчиғига суюнди. Унинг овози минғиллаб чиқди:

– Жуда оддий жиноят. Асоратларсиз жиноят. Тинч жойдаги жиноят... Ута совукқон, ўта махфий

– Қанакасига? Жиноят махфий булиши мумкинми?

– Дейлик, – деб минғиллади Пуаро, – тўрт киши бриж ўйнашга ўтирди. Биттаси – камин ёнидаги курсида. Окшом охирида камин олдидаги одамнинг ўлиқ экани маълум бўлади. Тўрт кишидан бири, «аҳмок»ни ўйнаши навбати ўзига етганда, яқин келиб, уни ўлдирган. Қолган уч киши эса ўйинга берилиб, ҳеч нимани сезмаган. Мана бу жиноят бўларди-да! Тўрт кишидан қайси бири?

– Ахир бунда ҳаяжонга соладиган ҳеч нима йўқ, – дедим.

Пуаро менга таънали қаради:

– Чунки гажакдор ханжарлар йўқ, товламачилик йўқ, зумрад – маъбуднинг ўғирланган кузи йўқ... Сиз хиссиётга берилувчансиз, Гастингс. Сизга битта эмас, бир туркум қотиллик керак.

⁴ Егеръ – профессионал овчи; баъзи армияларда маҳсус ўқчи харбий қисмларнинг солдати ёки офицери.



— Тан оламан, — дедим, — китобларда иккинчи қотиллик ишни жонлантиради. Қотиллик биринчи бобда содир бўлса ва ҳар бир кишининг алиби⁵сини кузатишингизга тўгри келса, кўп ўтмай бу бироз зерикарли бўлиб қолади.

Телефон жиринглади, Пуаро жавоб бериш учун турди:

— Алло. Ҳа, Пуаро эшитади.

Мен унинг юзи ўзгариб кетганини кўрдим. Жавоблари эса киска ва пойинтар-сойинтар бўлиб қолди.

— Ҳа... Ҳа, албатта... Албатта, борамиз... Чиндан ҳам... Балки, сиз айтгандекдир... Ҳа, олиб бораман. Кўришгунча.

У гўшакни қўйиб, ёнимга келди:

— Жепп кўнгироқ қилди, Гастингс.

— Шундайми?

— У Ярдга қайтибди. Андовердан хабар келибди...

— Андовердан?! — ҳайкириб юбордим.

Пуаро секин жавоб берди:

— Кичикроқ тамаки-газета дўкони эгаси бўлган Ашерфамилияли кекса аёл ўлик ҳолда топилибди.

Бироз эсанкираб қолдим. Мен ғаройиб бир нимани кутгандим. Тамаки дўкони эгаси бўлган кекса аёлнинг ўлдирилиши жўн ва қизикарсиз туйиларди.

Пуаро ўшандай овозда давом этди:

— Полиция айбдорни топа олишига ишоняпти...

Яна бир бор ҳафсалам пир бўлганини сездим.

— Аёл эри билан чиқишмаганга ўхшайди. У ичади ва кутуриб кетади. Бир неча марта хотинига ўлдира-ман, деб пўписа қилган. Шундай бўлса-да, — деб давом

⁵ Алиби — айбланувчининг жиноят содир бўлган пайтда бошка жойда бўлганилиги — унинг айбдор эмаслигига далил.



этди Пуаро, – полиция яна бир бор менга келган хатни кўрмоқчи. Сиз билан бирга дарҳол Андоверга жувашимизни айтдим.

Бироз жонландим. Охир-оқибат, бу жиноят қанчалик жўн туйилмасин, сўнгги марта мушкул аҳволга тушганимдан бери кўп вақт ўтди.

Пуаронинг охирги сўзларига унчалик эътибор бермадим.

– Бу бошланиши, – деди у...

4-боб Миссис Ашер

Андоверда бизни инспектор Глен, табассуми ёқимили баланд бўйли малласоч қарши олди.

Мухтасарлик мақсадида бу ишнинг қуруқ тафсилотларини қисқача айтиб ўтиш керак, деб ўйлайман.

Жиноят ҳақида констебль⁶ Дувр тунги соат 22 да хабар топган. Айланиб юрганда, дўкон эшигини текшириб кўришга қарор қилган ва унинг қулфланмаганини кўрган. Ичкарига кириб, аввалига у ерда ҳеч ким йўқ, деб ўйлаган, лекин пештахта орқасини ёритиб, кекса аёлнинг букчайиб ётган жасадига кўзи тушган. Полиция жарроҳи етиб келиб, аёлни, эҳтимол, бир қути сигарета учун токчага эгилганда, оғир нарса билан уришганини аниқлаган.

– Аммо вақтини аниқлаштиришга муваффақ бўлдик, – изоҳ берди инспектор, – 17:30 да тамаки харид қилиш учун кирган одамни топдик. Бошқа киши эса, тахминимча, 18:05 да кириб, дўкон бўшлигини кўрган.

⁶ Констебль – Англия ва Америкада полициячиларнинг қуий унвони ва унинг згаси.



Бундан чиқди, жиноят вакти – 17:30 билан 18:05 ораси. Ҳалича ўша Ашер деган нусхани кўрган бирор кишини тополмадим. Лекин ҳали ултурамиз, албатта. У кечки тўккизда «Учта тож»да яхшигина маст бўлган. Кидириб топишимиш билан шубха остидаги шахс сифатида қўлга оламиз.

– Унчалик ёқимли киши эмасми, инспектор? – сўради Пуаро.

– Разил.

– У хотини билан яшамасмиди?

– Йўқ, улар бир неча йил аввал ажрашган. Ашер – немис. Бир пайтлар официант бўлиб ишлаган, лекин ичкиликка ружу кўйиб, вакт ўтиб ишсиз қолган. Хотини ишлай бошлаган. Охири марта у бир кекса леди, мисс Роузницида ошпаз ва экономка⁷ бўлиб ишлаган. Маошининг катта қисмини эрига берарди, аммо эри доим ичиб олар, ишлаётган жойига бориб, тўполнон киларди. Шунинг учун у Грейнжда мисс Роузникига жойлашди. Бу Андовердан уч миля узокда, кишлокнинг хилват жойида. Ашернинг у ерга етиб бориши осон эмасди. Мисс Роуз вафот этгач, миссис Ашерга озрок мерос колди ва у тамаки ҳамда газета иши – жуда кичкина дўкон очди. Факат арzon сигареталар ва баъзи газеталар сотиладиган. Қўл учида зўрга кун кўтарди. Ашер яна унинг ёнига бориб, ҳакорат килалигидан бўлиб қолди. Миссис Ашер эса ундан кутулиш учун муентазам равишда озрок пул ажратарди – ҳафтасига ўн беш шиллинг.

– Уларнинг болалари борми? – сўради Пуаро.

– Йўқ. Киз жияни бор. Овертонда оқсочлик қиласи. Вазмин ёш аёл.

⁷ Экономка – бирорларнинг хўжалигини бошқарувчи аёл.



— Ўша Ашер хотинига пўписа қилган, деяпсизми?

— Худди шундай. Мастлигига золимга айланарди: сўкиб, бошингни уриб ёраман, деб дўк уради.

— Аёл неча ёшда эди?

— Олтмишга яқинлашиб қолган – ҳурматли ва меҳнаткаш!

— Инспектор, – деди Пуаро нохуш, – сизнингча, қотилликни ўша нусха – Ашер содир этганми?

Инспектор охиста йўталиб кўйди:

— Бу ҳақда гапиришга эртароқ, жаноб Пуаро, лекин Франц Ашернинг кўрсатмаларини эшишишни истардим. Кечаги оқшомни қандай ўтказганини гапириб берсин-чи...

Маъноли жимлик чўкди.

— Дўконда ҳеч нима йўқолмаганми?

— Ҳеч нима. Кассадаги пуллар бутун. Ўғрилик белгилари йўқ.

— Ашер бу ерга маст ҳолида бостириб кириб, хотинини ҳақорат қилишга тушган, кейин эса ўлдирган деб ўйлайсизми?

— Шундай бўлса керак! Аммо тан олишим керакки, сэр, анави ғалати хатга яна бир бор кўз ташламокчиман... Уни Ашер жўнатган бўлса, жуда ажабланган бўлардим.

Пуаро хатни берди, инспектор хўмрайиб ўқиб чиқди.

— Ашер ёзганга ўхшамайди, – деди у, нихоят.

— Ашернинг, агар жуда айёр бўлмаса, бунга акли етганига шубҳам бор. Қолаверса, у мункиллаб қолган-ку. Қули анча қалтирайди, бундай харфларни ёзолмайди. Хат сифатли коғозда ва яхши сиёҳ билан ёзилган. Хатда 21-санда кўрсатилгани ғалати. Тўғри, бу тасодиф бўлиши мумкин.



– Эхтимол.

– Менга бундай тасодифлар ёқмайди, мсье Пуаро.

– Инспектор бир-икки дақықа жим қолиб, қовоқ уйди: АВС. Жин урсин, бу ким бўлиши мумкин? Балки, Мэри Дроуэр (миссис Ашернинг жияни)нинг бизга бирор ёрдами тегиб қолар?

– Миссис Ашернинг ўтмиши ҳақида бирор нима биласизми?

– У Гемпширдан. Ҳали турмушга чиқмаган пайтида Лондонда ишга жойлашган. Ўша ерда Ашерни учратиб, унга турмушга чиқкан. Уруш пайтида кийналиб қолишган. Эрини 1922 йилда бутунлай ташлаб кетган. Ўша пайтда улар Лондонда яшарди. Ундан яшириниш учун бу ерга қайтган. Аммо Ашер унинг қаердалиги-дан хабар топган ва пул талаб қилиб, таъқиб этишни бошлаган.

Констебль кирди.

– Хуш, Бригс, нима гап?

– Сэр, Ашер шу ерда. Уни олиб келдик.

– Олиб киринглар. Қаерда экан?

– Темир йўл вагонида бекинган экан.

– Бу ёққа олиб киринглар.

Франц Ашер чиндан ҳам тубанлашган нусха эди. У гоҳ қаттик йиғлар, гоҳ гужанак бўлар, гоҳ тўполон қиласарди. Хира нигоҳи бир кишидан иккинчисига қадаларди.

– Сизларга нима керак? Мен ҳеч нима қилмадим. Мени бу ерга олиб келиш – уят ва шармандалик! Сизлар, чўчқалар, кандай журъат қилдинглар? – Унинг ўзини тутиши бирдан ўзгарди. – Йўқ, йўқ, бундай демоқчи эмасман, унга бешафқат бўлманглар. Бечора қари Францга ҳамма бешафқат. Бечора қари Франц...



Жаноб Ашер йиғлаб юборди.

— Етар, Ашер! — деди инспектор. — Үзингизни құлга олинг. Мен сизни ҳеч нимада айбламаяпман... ҳозирча. Агар истамасангиз... күрсатма беришга мажбур эмассиз. Аммо хотинингизни үлдиришга алоқадор бұлмасангиз...

Ашер унинг гапини бұлиб, бақириб юборди:

— Мен уни үлдирмадим! Мен уни үлдирмадим! Бу ёлғон! Сизлар, инглиз чүчқалари, ҳаммангиз менга қаршиисиз! Мен ҳеч қачон уни үлдирмаганман! Ҳеч қачон!

— Сиз унга жуда күп марта таҳдид қылғансиз, Ашер.

— Йүк, йүк. Сиз тушунмаяпсиз. Бу шунчаки ҳазил зди — мен ва Алиса үртасидаги беозор ҳазил. У тушунарди.

— Яхши ҳазил экан! Марҳамат қилиб айтинг, кеча кечкурун қаерда әдингиз?

— Ҳа, ҳа, ҳаммасини айтаман. Алисанинг ёнида эмасдим. Мен дүстларим билан, яхши дүстларим билан ейиш. Биз «Етти юлдуз»да ейиш, кейин «Қизғаш күппак»да...

У шопшилар, тутиларди.

— Дик Виллоуз — у мен билан бирга зди — қария Керди ҳам, Жорж ҳам, Плат ҳам, бошқа йигитлар ҳам. Сизларга айтапман-ку, мен Алисанинг ёнида эмас. Э Худо, рост гапирапман!

У бақириб юборди. Инспектор ходимиға бош ирғади:

— Олиб кетинг! Шубқа қилиниб, құлга олинди.

— Нима деб үйлашни ҳам билмайман, — деди у, ёвуз иржайиб, қалтираётган чолни олиб чиқиб кетишигач.

— Хат бұлмаганда, «У үлдирган!» деган бўлардим!



– Аммо у кимларни тилга олди?

– Ярамас улфатлар: баъзилари одамни сўйиб кетишдан қайтмайди. Ашернинг улар билан бўлганига шубҳам йўқ. Лекин уни бирор киши дўкон ёнида соат 17:30 ва 18 орасида кўрган-кўрмаганига ҳам кўп нарса боғлиқ.

Пуаро бош чайқади:

– Дўкондан ҳеч нима йўқолмаганига ишончингиз комилми?

– Айтиш қийин! Балки, бир-икки қути сигарета олишгандир, лекин бунинг учун қотиллик содир этиш мумкинлиги, амримаҳол.

– Ҳеч нима... нима десам экан... дўконга олиб кирилмаган ҳамми? У ерда бирор ғалати, ноўрин нарса топилмадими?

– Темир йўл маълумотномаси... – деди инспектор.

– Темир йўл маълумотномаси?

– Ҳа. Пештахтада муқоваси тепага қараб, очиқ ётган экан. Мана бундай... Кимдир Андовердан келадиган поездни қидирганга үхшайди.

– У шунга үхашаш бирор нима сотармиди?

Инспектор бош чайқади:

– Бунақалар факат Смитда ёки йирик дўконларда бор.

Пуаронинг кўзлари чақнаб кетди. Олдинга сурилди.

– Темир йўл маълумотномаси дедингиз. «Брэд шоу»ми ёки «ABC»ми?

Инспекторнинг ҳам кўзлари чақнаб кетди.

– Э Худо, – деди у. – Бу «ABC» эди.

5-боб

Мэри Дроуэр

Ҳа, ха, шундан – темир йўл маълумотномаси ҳакида илк бор гапирилгандан сўнг бу ишга жиддий қизиқиб қолдим. Аввалига миссис Ашер аглаҳ эрининг курбонига айланганига амин эдим. Ҳамма темир йўл станциялари алифбо тартибида саналган темир йўл маълумотномасининг тилга олиниши мени ҳаяжонга солди. Шубҳасиз, бу иккинчи тасодиф булиши мумкин эмасди.

Уликхонага мурдани кўздан кечиришга бордик. Бир тутам оқ сочи чаккаларига таранг тортилган, ажин босган қари юзга разм солиб қараганимда, мени ғалати туйғу камраб олди. Бу юз жуда сокин, зўрликдан жуда узоқ эди.

– Уни ким ва нима билан ургани тушунарсиз, – деди сержант. – Доктор Керр айтганидек, бу бир зумда содир бўлган. Бечора кекса одам, ажойиб аёл эди.

– У бир пайтлар чиройли бўлган бўлса керак, – деди Пуаро.

– Шундайми? – деб минғилладим ишонқирамай.

– Албатта, юз чизиқлари, бош шаклига қаранг.

У хўрсиниб, чойшабни тузатди ва биз үликхонадан чиқдик. Кейинги қилган ишимиз полиция жарроҳи билан гаплашиш бўлди.

Доктор Керр билимдон киши эди. У кизғин ва катъий гапиради:

– Жиноят қуроли топилмади. Нимадан фойдаланилганини айтиш қийин. Оғир таёқ, тўкмок, кум солинган коп – шунга ўхшаш бирор нима.

– Бундай зарба бериш учун кўп куч керакми?

Доктор Пуарога каттиқ қаради:

— Етмиш ёшли чол шундай қила олармиди, демокчимисиз? Ҳа, умуман заиф одам етарлича оғирликдаги воситани олиб, шундай натижага эришиши мүмкін зди.

— У ҳолда қотил аёл бўлиши ҳам мүмкін?

Бу тахмин доктор учун кутілмаган бўлди.

— Аёл? Тан олишим керак, бундай жиноятни аёл кишига боғлаш хаёлимга келмаганди. Бироқ, албатта, шундай бўлиши мүмкін, жуда ҳам бўлиши мүмкін. Аммо руҳшунослик нуқтаи назаридан буни аёл киши килмаган деб ўйлайман.

Пуаро маъқуллаб бош ирғади:

— Тўғри, тўғри. Бу ақлга сиғмайди. Лекин ҳамма нарсани инобатга олиш керак. Жасад қандай ётганди?

Доктор бизга қурбоннинг гавдаси қандай ҳолатда бўлганини батафсил тасвирлаб берди. Унинг фикрича, зарба берилган пайтда миссис Ашер пештахтага (демак, қотилга ҳам) орқа қилиб турган. Кейин жасади пештахта ортидаги газеталар тахлами устига сирғалиб тушган, шунинг учун дўконга тасодифан кирган одам мурдани кўрмаслиги мүмкін зди.

Докторга миннатдорчилик билдириб, кетганимиздан сўнг Пуаро:

— Сездингизми, Гастингс, — деди, — Ашернинг фойдасига бир далил топдик. Агар у дўконда жанжал чикарганда, хотини унга қараб турган бўларди. Бунинг ўрнига у орқа ўгирган... харидорга тамаки ёки сигарета олиш учунми?

Мен беихтиёр енгил титроқни сездим.

— Қандай даҳшат!

Пуаро ғамгин бош ирғади:

— Бечора аёл, — деб минғиллади у.



Кейин соатига қаради.

– Овертон бу ердан унчалик узоқ эмас, деб ўйлайман. Балки, ўша ерга бориб, мархуманинг жияни билан сухбатлашиб кўрармиз?

– Жиноят содир этилган дўкон-чи?

– У ерга кейинроқ киришни маъқул кўрардим. Сабаби бор.

Пуаро тушунтиrmади. Бир неча дақиқадан сўнг Лондон йўлидан Овертонга ғизиллаб кета бошладик. Инспектор бизга берган манзил бўйича тахминан бир миля узоқда Лондон томондаги қишлоқда жойлашган кенг уйга етиб бордик.

Қўнғироғимизга яқинда йифлаганидан кўзлари қизарган хушрўй қорасоч қиз чиқди.

Пуаро мулойимлик билан сўради:

– Ў! Ўйлашимча, бу ерда оқсоч бўлиб ишлайдиган мисс Мэри Дроуэр сизсиз?

– Ҳа, сэр. Мен Мэriman, сэр.

– У ҳолда, бекангиз қарши бўлмаса, балки, сиз билан бир неча дақиқа гаплашиб олишим мумкинdir. Бу холангиз миссис Ашер билан боғлик.

– Бека уйда эмас, сэр. Аминман, кирсанглар, у қарши бўлмасди.

У бизни кичик ошхонага бошлаб кирди. Пуаро дебраза олдидаги курсига ўтириб, қизга тикилиб қаради.

– Холангизнинг ўлими ҳақида эшитган бўлсангиз керак, албаттa?

Киз бош ирғади, кўзларида яна ёш пайдо бўлди.

– Бугун зрталаб, сэр. Полиция келди. Ў! Бу даҳшат! Бечора холам! Ҳаёти жуда оғир эди. Энди бўлса... Бирам даҳшатли!



— Полиция сизга Андоверга қайтишни таклиф килмадими?

— Улар терговга боришим кераклигини айтишди, душанба куни экан, сэр. Лекин мен ҳеч қаерга бормайман. Үзимни дўкон олдида тасаввур қилолмайман... ҳозир... қолаверса, бекамни ташлаб кетгим келмаяпти.

— Холангизни яхши кўрармидингиз, Мэри? — сўради Пуаро юмшоқлик билан.

— Албатта, сэр! У ҳар доим менга жуда меҳрибон эди, ҳар доим. Уникига Лондонга ўн бир ёшимда, онам вафот этганидан кейин келганман. Ўн олти ёшимда ишлашни бошладим, одатда, дам олиш кунлари холамникига борардим. У ўша немис билан кўп азоб чекди. Холам уни «қари иблис» дерди. Холамга ҳеч тинчлик бермасди, тўкинхўр ва тиланчи эди!

Киз тутикашиб кетди.

— Холангиз унинг таъқибидан қонун ёрдамида кутилишни ҳеч ўйламаганми?

— Биласизми, сэр, у холамнинг эри эди. Бундан қаерга қочиб кутулиб бўлади?

Киз оддий ва ишонарли қилиб гапиради.

— Мэри, айтинг-чи, у холангизга таҳдид килгани-йўкми?

— Ў, ҳа, сэр, у даҳшатли нарсаларни гапиради. Сўйиб ташлашини ва шунга үхшаш гапларни. Немисчалаб ва инглизчалаб сўкар, ҳақорат қиласади. Холам унга турмушга чиққанда, жуда яхши бўлганини эсларди. Одамларнинг бунчалик тубанлашиб кетиши даҳшатли, сэр.

— Ҳа, дарҳақиқат. Шундай қилиб, Мэри, таҳдидлардан хабардор бўлган ҳолда, юз берган воқеа ҳакида эшифтгач, унчалик ажабланмадингиз?

жид
чаки
лагай
ман.
пасай
курк

деди

лиш

К

эди,

маг;

имз
киз

боғ

ле

— О, йүк, сэр. Биласизми, сэр, мен ҳеч қачон уни жиддий таҳдид қилган, деб үйламаганман. Буни шунчаки жирканч сафсата, ундан ортиқ эмас, деб ҳисоблаганман. Холам ҳам ундан күрқарди, деб айттолмайман. Нима учун? Холам унга қарши чиққанда, попуги пасайиб қолишини күрганман. Аслида, у холамдан күрқарди...

— Лекин барибир холангиз унга пул берарди?

— Ҳа, у холамнинг эри эди, тушуняпсизми, сэр?

— Ҳа, буни айтдингиз. — Пуаро бироз жим қолиб, деди: — Дейлик, Ашер уни ўлдирмаган.

— Ўлдирмаган?! — Қиз унга таажжуб билан қаради.

— Ҳа. Дейлик, бу бошқа бирор бўлган... У ким бўлиши мумкин?

Қиз баттар ажабланди.

— Бунга ишониш қийин, сэр. Шундай эмасми?

— Холангиз умуман ҳеч кимдан кўрқмаганми?

Мэри бош чайқади:

— Холам одамлардан кўрқмасди. Унинг тили ўткир эди, ўзини ўзи ҳимоя қила оларди.

— Мабодо кимнингдир унда қасди борлигини эшитмаганмисиз?

— Йўқ, сэр!

— Бирор марта аноним хатлар олганми?

— Қандай хатлар, деяпсиз?

— Имзо қўйилмаган ёки АВС сингари ҳарфлар билан имзо қўйилган хатлар. — Пуаро унга тикилди, лекин қиз таажжубга тушиб, ҳайрон бош чайқади.

— Холангизнинг сиздан бошқа қариндошлари борми?

— Ҳозир йўқ. Холам оилада туртинчи фарзанд эди, лекин уларнинг фақат тўртлови катта ёшга етган. Том



тоғам урушда ҳалок бўлган, Гарри тоғам эса Жанубий Америкага кўчиб кетган, шундан бери у ҳакда ҳеч ким эшитмаган. Онам вафот этган, факат мен колганман.

— Холангизнинг қандайдир жамғармаси бормиди?

— Банкда озроқ пули бор эди, сэр. Ўзининг таъбирича, рисоладагидек дағн этишга етарли. Холам кўл учида кун кўрарди.

Пуаро ўйчан бош иргади. Ва ўзига гапираётгандек гапирди:

— Ҳозир ҳеч нима аниқ эмас... агар иш ойдинлашса...

У турди.

— Мэри, менга керак бўлиб қолсангиз, сизга шу ерга ёзаман.

— Умуман олганда, бу ерга холамга яқинроқ бўламан, деган мақсадда жойлашганман. Лекин энди, — унинг кўзларида яна ёш ҳалқаланди, — бу ерда мени ҳеч нима ушлаб тургани йўқ, Лондонга кайтаман. У ерда вактим хушроқ ўтади.

— Жўнаб кетганингизда, менга манзилингизни колдиришингизни истардим. Мана менинг ташриф қоғозим.

Пуаро қоғозни унга узатди. Киз унга таажжуб билан қаради:

— Демак, сиз... полицияга алоқадор эмассиз, сэр?

— Мен хусусий изқуварман.

Киз бир муддат жим қолиб, ниҳоят, сўради:

— Бирор шубҳали нарса борми, сэр?

— Ҳа, болагинам. Бу ишларнинг барида шубҳали нимадир бор. Кейинроқ менга ёрдамингиз тегиб қолиши мумкин.

— Албатта, сэр. Аммо барибир холамни ўлдиришгани нотўғри...

Унинг охирги гапи ғалати, лекин зўр меҳр билан эшилди.

Бир неча дақиқадан сўнг Андоверга жунадик.

6-боб Жиноят жойи

Фожиа содир бўлган кўча шаҳарнинг бош кўчаси муюлишидан бошланарди. Миссис Ашернинг дўкончилини кўчанинг ўнг томонидан пастга тушганда йўлнинг ярмида жойлашганди.

У ёққа кетаётганимизда, Пуаро соатига қаради. Шунда унинг нега жиноят жойига боришни кейинга қолдирганини тушундим: ҳозир айнан беш ярим эди... У кечаги кун муҳитини яратмоқчи эди.

Бироқ уни омадсизлик кутаётган экан. Табиийки, биз келганда, кўчанинг кечагиси билан ўхшашлиги кам эди. У ерда оломон тўпланиб турганди. Тахмин килиш учун жуда ақлли бўлишга ҳожат йўқ: бу ерда яшайдиганлар ўзларига ўхшаган одам ўлдирилган жойни қизиқиш билан томоша қилишаётганди.

Жалюзиси ёпик ис босган кичкина дўконча олдида безовта полициячи оломонни «ўтиб, туриб қолмаслик»ка чакираарди.

Тўхтадик. Эшик тепасида ёзув бор эди, Пуаро ўқиди:

– Ҳа. Ашер. Ҳа, бу шу ерда бўлиши керак... Ичкарига кирайлик, Гастингс.

Оломон орасидан ўтиб, полициячига мурожаат қилдик. Пуаро инспектор берган тавсияномаларни кўрсатди. Констебль бош иргаб, эшикни очди. Оломоннинг эътиборини ўзимизга қаратиб, ичкарига кирдик.

Ёпик жалюзи хонани шундай коронги қилиб турардики, констеблнинг чирок ўчириб-ёққични пайпаслаб топишига тұғри келди, камкувватли лампа хонани хира ёритди.

Атрофга назар ташладим.

Сочилиб ётган бир нечта арzon журнал, кечаги газеталар. Бир күнлик чанг.

Пештахта ортида – пастдан то шифтгача – тамаки ва сигарета кутиларига тұла қатор токчалар. У ерда яна ялпизли обинонлар ва арпали шакар солинган бир жуфт банка туарди. Хуллас, оддий бир дүконча.

Констебль гемпширча суст овозда тушунтира бошлади:

– Пастда пештахта орқасида, газеталар тахлами устида – ўша ерда эди. Докторнинг айтишича, бечора аёл ким урганини билмаган ҳам. Токчалардан бирига күл чүзган бұлса керак...

– Қулида ҳеч нима йүқ эканми?

– Йүқ, сэр, факат ёнида «Плэйерс» кутиси ётган экан.

Пуаро бosh ирғади. У кичкина жойда ҳамма нарсаны күздан кечира бошлади.

– Темир йұл маълумотномаси-чи?

– Бу ерда эди, сэр. – Констебль пештахтадаги жойни курсатди. – Андовер бор сахифаси очилиб, ағдариб қўйилганди. Гўё у Лондонга кетадиган поездни қидиргандек. Ундай бұлса, у одам сира ҳам Андовердан эмас. Тұғри, темир йұл маълумотномаси яна бошқа бирорға уни шунчаки бу ерда унутиб қолдирған ва қотилликка дахли йўқ одамга тегишли бўлиши ҳам мумкин.

– Бармоқ излари-чи? – тахмин қилдим мен.

Констебль бosh чайқади:

– Ҳаммасини текшириб кўрдик, сэр. Ҳеч нима йўқ.

– Пештахтада ҳамми? – сүрадиPuaro.
– Бу ерда жуда күп, сэр! Ҳаммаси аралашыб, чалкашиб кетган.

– Улар орасыда Ашернинг бармоқ излари борми?

– Аниқ айтишга ҳали эрта, сэр.

Puaro бош иргаб, аёл шу ерда яшаганми, деб сүради.

– Ха, сэр, мана бу эшикдан ўтинг. Кечирасиз, мен колишим керак...

Эшикни очиб, кичкинагина, саранжом-саришта даҳлиз-ошхонага кирдик. Bu ер жуда факирона жиҳозланган, нохуш кўринарди. Камин токчасида бир нечта сурат туарди. Яқин бориб, унга қарадим. Puaro ҳам менга қўшилди.

Ҳаммаси булиб учта сурат бор эди. Биринчиси – киз боланинг – Мэри Дроуэрнинг арzon сурати. У эгнига, шубҳасиз, энг яхши кийимини кийганди, юзида эса – кўпинча суратга тушаётганда пайдо бўладиган жонсиз табассум акс этганди.

Иккинчи сурат қимматроқ эди. Сочлари окарган кекса аёлнинг моҳирлик билан ретуш⁸ килинган тасвири. Бўйнида – мўйнали баланд ёка. Балки, бу миссис Ашернинг бекаси, унга кичик мерос колдирган мисс Роуздир.

Учинчи сурат жуда эски, ранги ўчган ва сарғайиб кетган эди. Унда кўлтиклашган ёш жуфтлик эски бичимдаги кийимда тасвирланганди. Эркакнинг устки кийимидағи ҳалқасимон илгакда гул бор эди. Бутун киёфасидан хурсандлиги сезилиб туарди.

– Тўй сурати бўлса керак, – деди Puaro. – Тан олинг, Гастингс, сизга у гўзал аёл бўлган, деганимидим!

Puaro ҳақ эди.

⁸ Ретуш – тушь, бўёқ, калам кабилар билан негатив ёки суратнинг кам-кўстини тўғрилаш, тузатиш, яхшилаш.



Даҳлиздаги зинапоядан юқоридаги иккита хонага чикиларди. Хоналардан бири жиҳозланмаган, буш эди. Бошқаси, афтидан, мархуманинг ётоқхонаси эди ва полиция текширувидан сунг ўзгаришсиз колганди. Каравотда бир жуфт эскирган адёл, комод тортмасида бир тахлам ямалган ич кийим, таом тайёрлаш усуллари ёзилган қоғозлар, «Яшил воҳа» деб номланган юмшок муковали роман, бир жуфт янги пайпок, бир жуфт декоратив чинни ҳайкалча: анча жойи синган дрезденлик чўпон ва сарик, кўк доғлари бор кучук кора плаш ва илгичда осилиб турган жун свитер - мархума Алиса Ашернинг бор бисоти шу эди.

Агар шахсий хатлари бўлган бўлса ҳам, полиция олиб кетган.

- Бечора аёл, - деб минғиллади Пуаро, - юринг, Гастингс, бу ерда бизга керакли хеч нима йўқ.

Кўчага чиққанимизда, у бир-икки дақиқа ўйланиб турди-да, кейин кўчани кесиб ўтди. Миссис Ашернинг дўкончаси тўгрисида кўкатчининг дўкончаси жойлашган бўлиб, у шундай солингандики, молнинг асосий кисми ташқарида эди.

Пуаро паст овозда менга кўрсатма берди-да, дўкончага кирди. Бир-икки дақиқадан кейин ортидан кирдим. Бу пайтда у салат устида савдолашаётганди. Мен эса бир фунт қулупнай сотиб олдим.

Пуаро хизмат қилаётган аёл билан қизгин сухбатлашарди.

- Бу ахир шундок сизнинг тўгрингизда-ку? Шундай шов-шувли воқеа!

Кун давомида, шубҳасиз, қотиллик ҳақидаги гаплардан чарчаган семиз аёл хулоса қилди:

- Бу бекорчилар даф бўлганда, яхши эди. У ёқда нимани томоша қилишади, ҳайронман?

— Кечаги оқшом бошқаларидан анча фарқ қилган бўлса керак, — деди Пуаро, — ҳатто жиноятчининг дўконга кираётганини ҳам кўргандирсиз: баланд бўйли соқол қўйган малласоч, шундай эмасми? Рус деб эшилдим.

— Нима? — Аёл дарров унга қаради. — Буни рус қилган деяпсизми?

— Полиция уни ҳибсга олганини эшилдим.

— Нималар деяпсиз?! — Аёл ҳаяжонланди. — Хорижлик!

— Ҳа. Мен уни кеча оқшом кўргансиз, деб ўйлагандим.

— Менда бундай имконият бўлмади. Кечки пайт одам кўп бўлади, ҳамма вақт ишдан қайтаётиб, кимдир кириб туради. Соқолли новча малласоч... йўқ, бунақа одамни кўрдим деёлмайман...

Менинг навбатим келди.

— Кечирасиз, сэр, — дедим Пуарога, — назаримда, сиздаги маълумот нотўғри. Менга қора сочли пакана киши дейишди.

Қизик баҳс чиқди, унга семиз аёл, қилтириқ эри ва бўғиқ овози отникига үхшайдиган хизматкор бола кўшилди. Камида тўртта қорасоч ўтгани, от-бала эса баланд бўйли малласони кўргани маълум бўлди.

— Лекин унинг соқоли йўқ эди, — деб қистирди у афсус билан.

Ниҳоят, харидлар қилиниб, ёлғонимизни фош этмасдан кўкатчининг дўкончасидан чиқдик.

— Бундан нима фойда, Пуаро? — сўрадим таъна билан.

— Жин урсин! Нотаниш одамнинг рўпарадаги дўкончага сездирмай кириш имкони қанчалик эканлигини билмоқчи эдим.



— Хийла-найрангларсиз, очикчасига сұраб күя колсанғыз бұлмасмиди?

— Ішкі, дүстім, сиз таклиф қилаётгандек, «очикчасига сұраганимда», саволларимга ҳеч қандай жавоб олмасдым. Сиз – инглизсиз, лекин шу пайтгача инглизларнинг тұғри саволларга қандай муносабат билдиришини билмайсиз. Бироқ менинг гапларим ва сизнинг бунга тескари даъволарингиз уларни гапирирди. Ұшанда иш қызыған, ҳамма үзи билан үзи овора пайт бұлганини билиб олдик. Ҳа, қотилимиз яхши пайтни танлабди, Гастингс.

Пуаро жим қолди, кейин таъна билан гапирирди:

— Гастингс, тұғри фикр юрита оласизми? Сизга оддийрок нарса сотиб олинг, дедим, сиз эса атай килгандек қулупнайни танладингиз! У чиройли костюмингизга хавф соляпти. Қаранг, ҳозир оқиб кетади.

Ҳа, у тұғри айтаётганди. Беихтиёр қулупнайни шу атрофда үйнаб юрган кичкина болакайга бердим, бу унга ноодатий ва шубҳали түйилди. Пуаро эса болани бутунлай ҳайратда қолдириб, салатни ҳам узатди.

У насиҳат қилишда давом этди:

— Арzon күкатчида қулупнай бўлмайди. Қулупнай, янги узилганини ҳисобга олмаганда, шарбат қилиб чиқарилади. Банан, озрок олма, ҳеч бўлмаганда карам... лекин қулупнай!..

— Бу хаёлимга келган биринчи нарса бўлди, — узр сўрадим мен.

— Тасаввурингиз бой эмаслиги таъсир қиласиди, — деди Пуаро кескин.

У тұхтади.

Ашернинг уйидан чап томондаги уй ва дўкон бўш эди. Деразага «Ижарага берилади» деб ёзилган лавҳа-

ча осиб кўйилганди. Нариги томонда муслин⁹дан тикилган пардалари кир бўлиб кетган уй жойлашганди.

Пуаро ўша уйга қараб юрди ва қўнғироқ йўқлиги учун эшик ҳалқасини қулочкашлаб тақиллатди.

Бироз ўтиб остоңада бурни анча ғалати жуда исқирт бола пайдо бўлди.

– Хайрли кеч, – деди Пуаро, – ойинг уйдами?

– А? – деди бола.

У бизга бадҳоҳлик ва катта шубҳа билан тикилди.

– Ойинг, – такрорлади Пуаро.

Боланинг фаҳмлаши учун ўн сонияча керак бўлди, шундан сўнг у ўгирилиб, юқорига қараб: «Ойи, сизни!» деб кичкирди-да, коронғиликка ғойиб бўлди.

Чўзик юзли аёл аввал накшинкор панжарадан бизга қаради-да, кейин пастга туша бошлади.

– Бекорга вақтингизни кетказяпсиз... – деб бошлади у. Пуаро унинг гапини бўлди.

У шляпасини ечиб, назокат билан таъзим қилди:

– Хайрли оқшом, хоним. Мен «Ивнинг Фликер» муҳбириман. Сиздан беш фунт гонорар эвазига кўшнингиз – миссис Ашер ҳакида мақола чоп этишга имкон беришингизни сўрайман.

Ғазабли сўзлар аёлнинг лабларида қотиб қолди, у соchlарини текислаб, юбкасини тузатганча зинадан тушди.

– Марҳамат, ўтинг. Бу ёққа, чапга. Ўтиринг, сэр.

Кичкинагина хона сохта якобинча бесўнақай жиҳозларга тўла эди. Биз аёл таклиф қилган қаттиқ софа¹⁰га ўтиришга муваффақ бўлдик.

– Кўпол гапирганим учун мени кечиринг, аммо сиз оворагарчиликларимни тасаввур қилолмайсиз.

⁹ Муслин – юпқа газлама тури.

¹⁰ Софа – кент юмшоқ диван.

Одамлар келиб, ҳали у, ҳали буни таклиф қилишади: чангюткичлар, пайпоклар, лавандали қутичалар ва ҳоказо. Исмингизни билиб олишади-да, кейин марҳамат, миссис Фаулер, ҳали у, ҳали бу деб келаверишади!

Пуаро аёлнинг исмини билиб олиб:

– Ҳа, миссис Фаулер, – деди, – умид қиламанки, таклифимга рози бўласиз.

– Билмадим... ҳа... – Беш фунт миссис Фаулернинг ҳавасини келтириб турарди. – Миссис Ашерни танирдим, албатта, лекин бирор нима ёзиш учун...

Пуаро шошиб, уни кўндиришга урина бошлади: ҳеч қандай оворагарчилик бўлмайди. У маълумотларни билиб олади, интервьюни эса кейин ёзади.

Тетиклашган миссис Фаулер хотиралар, тахминлар ва миш-мишларга берилди.

Миссис Ашер хилватда яшарди. Кўп қийинчиликларни бошдан кечирган, бечора. Миссис Ашер эридан қўрқкан, деб ишонч билан айтиб бўлмайди. Ахир унинг ўзи баджаҳл аёлга айланиши мумкин эди! Ҳар куни аҳвол шундай эди. Миссис Фаулер унга: «У бир кун сени тамом қиласди», дерди. Тамом қилди ҳам, шундай эмасми? Миссис Фаулер эса қўшни бўлган, аммо ҳеч қандай овозни эшитмаган...

Пуаро танаффусдан фойдаланиб, савол берди:

– Миссис Ашер қандайдир ғайриоддий хатлар олганми? Масалан, аниқ имзоси йўқ – ABC сингари бирор нима?

Миссис Фаулер йўқ деган маънода бош ирғади.

– Нимани назарда тутаётганингизни биламан: аноним хатлар – уларни шундай дейишади, адашмасам Бундай хатлар овоз чиқариб айтишга журъат килиб бўлмайдиган сўзларга тўла. Миссис Ашер бундай

ишилар билан шуғулланганми-йўқми, билмайман. Темир йўл маълумотномаси? «ABC»? Йук, бундай нарсанни кўрмадим. Ишончим комил, миссис Ашер бундай хат олганда, мен билардим. Қизалогим Эдди келиб, «Ойи, у ерда полициячилар жуда кўп. Ҳайрон бўлдим», – деди. «Ҳа, уйда ёлғиз қолишнинг оқибати шу – дедим, бу хақда эшитганимда, – ўша жияни ёнида булиши керак эди». Ичиб олган эркак кутурган бўрига айланади. Уни огоҳлантиргандим, минг марта-лаб айтгандим, мана, гапларим ўз тасдигини топди. У сени адо қиласди, дердим, мана – адо қилди. Эркак ичиб олганда, нималарга қодирлигини тасаввур ҳам қилолмайсиз – мана, исботи.

Миссис Фаулер хўрсинди.

– Ашернинг дўкончага кирганини ҳеч ким кўрмаган, шекилли? – сўради Пуаро.

Миссис Фаулер жирканиб кулиб қўйди:

– Табиийки, у ўзини кўрсатишни истамаган!

Жаноб Ашернинг дўкончага қандай қилиб сездирмай кирганини изоҳлаш қийин бўлди. У уйда орка эшик бўлмаганини, Ашерни теварак-атрофда яхши танишларини тан олди.

– Лекин у кўзга ташланишни истамай, никобланиб олган.

Пуаро яна бироз миссис Фаулерни тинглади, лекин у билганларини яна неchanчиdir марта тақрорлашга тушганда, ваъда қилинган пулни тўлаб, интервьюни тўхтатди.

– Бу беш фунтга арзимайди, Пуаро, – дедим кўчага чиққанимизда.

– Ҳозирча – ҳа.

– Сизнингча, у кўпроқ нарса биладими?

— Дүстим, сиз билан биз ноодатий вазиятдамиз: қандай саволларни беришни билмаймиз. Биз күз боғлаш ўйини ўйнаётган болалардекмиз. Қулларимизни чўзамиз, пайпаслаб излаймиз. Миссис Фаулер бизга ҳаммасини айтди ва ишончли бўлиши учун бир нечта тахминларни тикиштириди! Кейинчалик унинг кўрсатмалари асқотиши мумкин. Бу фунтларни мен унга келажак учун бердим.

Уни яхши тушунмадим, аммо бу пайтда биз инспектор Гленнинг олдига келиб қолгандик...

7-боб

Жаноб Партриж ва жаноб Ридделл

Инспектор Глен анча тунд киёфада эди. Афтидан, куни тамаки дўконига киргани тусмол қилинган одамларнинг рўйхатини тузиш билан ўтган.

— Яна кимнидир кўришибдими? — суради Пуаро.

— Ҳа, кўришибди. Кўринишдан ўғрига ўхшайдиган уч эркакни, кора мўйловли тўрт нафар пакана одамни... икки нафар соқолли кишини... уч нафар семизни — ҳаммаси нотанишлар ва ҳаммаси, гувоҳларга ишонадиган бўлсак, юз ифодаси ёвуз. Нега ҳеч ким бошқача кийиниб олган, тўппонча кўтарган бандитлар тўдасини кўрмаганига ажабланяпман!

Пуаро ачингандек жилмайди:

— Ҳеч ким Ашерни курганини айтмадими?

— Ҳеч ким. Унинг фойдасига яна битта очко. Констеблга бу иш Скотленд-Ярд учун деб тургандим. Бу жиноят маҳаллий кўламда деб ўйламайман.

— Фикрингизга қўшиламан, — деди Пуаро хўмрайиб.

— Биласизми, мсье Пуаро, бу жирканч иш... жирканч иш... Менга ёқмаяпти бу...



Лондонга қайтишдан аввал яна икки киши билан сұхбатлашдык.

Бириңчи сұхбат жаноб Жеймс Партриж – охирги бўлиб миссис Ашерни тирик кўрган киши билан бўлди.

Жаноб Партриж паст бўйли одам эди, касби – банк хизматчisi. У пенсне¹¹ тақар, жуда котма, ҳамма гапларида ниҳоятда синчков эди. У кичкина, ўзига ўхшаб саришта ва тартибли уйда яшарди.

– Мсье Пуаро, – деди у дўстим узатган ташриф қозонини ўқиб бўлгач. – Инспектор Глен юбордими? Менга қандай хизмат бор?

– Жаноб Партриж, миссис Ашерни ўлимидан аввал охирги бўлиб сиз кўрган экансиз.

Жаноб Партриж бармоқлари учини қовуштириди-да, Пуарога соxта қараш қилиб:

– Бу баҳсли тахмин, мсье Пуаро, – деди. – Миссис Ашернинг дўконига мендан кейин кўпчилик харид учун кирган бўлиши мумкин.

– Агар шундай бўлса, улар келиб, бу ҳақда айтишган бўларди.

Жаноб Партриж йуталди.

– Мсье Пуаро, айримларда бурч ҳисси йўқ. – У бизга кўзойнагидан қандайдир бойуғлилардек қаради.

– Айни ҳакиқат, – деб минғиллади Пуаро, – сиз, ўйлашимча, полицияга ўзингиз боргансиз?

– Албатта. Бу воқеа ҳақида эшлишим билан арзим аскотади деб, кечиктирмасдан бордим.

– Жуда туғри қарор, – деди Пуаро тантанали оҳангда. – Илтифот кўрсатиб, ҳикоянгизни тақрорлай оласизми?

– Албатта. Уйга қайтаётгандим, роппа-роса 17:30 да...

¹¹ Пенсне – кўзойнакнинг бир тури.

— Кечирасиз, нима учун вақтини бунчалик аниң өслаб қолдингиз?

Жаноб Партриж гапи бүлинганидан бироз аччикланди.

— Черковдаги соат бонг урди. Күлимдаги соатта қараганимда, бир дақикаға ортда қолаётган экан. Бу миссис Ашернинг дүкончасига киришимдан олдин эди.

— Сиз ҳар доим үша ердан харид қилармидингиз?

— Күпинча. Дүкон йўлимда эди. Ҳафтасига бир ёки икки марта ҳар доим «Жон Коттон Майлд» тамакисидан икки унция сотиб олардим.

— Миссис Ашерни яхши танирмидингиз? Ҳаётига, тақдирига оид қандайдир маълумотларни биласизми?

— Харидларим ва об-ҳаво ҳақидаги тасодифий қисқача сұхбатларни айтмаганда, у билан ҳеч қачон гаплашмаганман.

— Унга таҳдид қиласынан пиёниста эри ҳақида билармидингиз?

— Йўқ, мен у ҳақда ҳеч нима билмасдим!

— Аммо уни танирдингиз. Кеча оқшомда ундағы қайсиdir жиҳат сизга ғайриодатий туйилмадими? Балки, у асабий ёки ғазабда бўлгандир?

Жаноб Партриж ўйланиб қолди.

— Сезишимча, кўриниши одатдагидек эди, — деди у.

Пуаро турди:

— Жавобларингиз учун ташаккур, жаноб Партриж. Дарвоке, сизда мабодо «ABC» маълумотномаси йўкми? Лондонга қайтадиган поездни танламокчи эдим.

— Орқангиздаги токчада, — деди жаноб Партриж.

Токчада «ABC», «Брэдшоу», фонд биржасининг бир йиллиги, Келли манзиллар дафтари, «Ким аслида ким» ва маҳаллий манзиллар дафтари бор эди.

Пуаро «ABC»ни олиб, ўзини поезд танлаётган-дек кўрсатди, кейин жаноб Партижга раҳмат айтиб, ташқариға чиқди.

Кейинги учрашувимиз жаноб Альберт Ридделл билан бўлди ва бутунлай бошқача кечди.

Альберт Ридделл йўл ишчиси эди. Суҳбатимиз миссис Ридделл – ниҳоятда асабий аёл ликопчаларни жаранглатиши, Ридделл итининг ириллаган товуши жўрлиги ва жаноб Ридделлнинг ошкора душманларча муносабати билан кечди.

У қорача юзли, кичкина кўзлари шубҳали бесуна-қай томтешар эди. Гўштли пирог еб, устидан аччиқ-аччиқ чой ичарди.

Ридделл бизларга пиёласи оша қараб:

– Мен ҳаммасини айтиб бўлдим, шундай эмасми?
– деди жаҳл билан. – Мендан яна нима истайсиз?
Полициянгизга ҳам, хорижликларингизга ҳам тупурдим.

Пуаро менга истеҳзоли қараб қўйди-да, кейин:

– Ростини айтсан, сизга ҳамдардман, аммо сиз нима ҳақда гапирияпсиз? – деди. – Бу қотиллик, шундай эмасми? Шундай экан, бу ишда босиқ ва мулоҳазали бўлиш керак.

– Яххиси, жентльмен нима хоҳлаёттанини сўра, Берт, – деди аёл асабий.

– Учир, – ўшқирди томтешар.

– Ўлашимча, полицияга ўзингиз бормасдингиз,
– деди Пуаро йўл-йўлакай.

– Жин урсин! Бу менинг ишим эмас!

– Баҳсли масала, – деди Пуаро. – Қотиллик юз берди – полиция дўконда ким бўлганини билмокчи.
Мен ўзингиз борганингизда, табиий бўларди, деб ўйлайман.



– Мен ишлашим керак. Бүш пайтимда боришиңг мүмкин эди, деманг...

– Аммо полицияга миссис Ашернинг дўконига кирәётганингизни куришгани маълум бўлди. Шунинг учун сизни безовта қилишларига тўғри келди. Улар жавобларингиздан қониқишидими?

– Нега қониқиши масин? – ўшқирди Ридделл ғазаб билан.

Пуаро елка қисди.

– Нимани назарда тутяпсиз, жаноб? Менга қарши ҳеч кимда ҳеч қандай шубҳа йўқ. Кампирни эри тамом қилганини ҳамма билади...

– Лекин ўша оқшом эри у кўчада бўлмаган, сиз эса бўлгансиз...

– Буни менга тиркаб қўймоқчимисиз? Бунинг менга нима кераги бор? Мени унинг лаънати тамакисини ўғирламокчи бўлган, деб ўйлаяпсизми? Ёки, балки. мен савдои қотилдирман? Ёки, балки... – У таҳдидли киёфада турди.

Хотини бидирлаб кетди:

– Берт, Берт, бундай дема. Берт, улар ўйлашадики...

– Тинчланинг, мсье, – деди Пуаро. – Мен фақат ташрифингизни изоҳлаб беришингизни истайман. Назаримда, сиз рад этгандек бўлдингиз...

– Ким мени рад этяпти деди? – Жаноб Ридделл яна ўтириб олди. – Ҳечам.

– Дўконга соат 18 да кирдингизми?

– Ҳа, бир-икки дақиқадан кейин. Бир қути «Голд Флэйк» сотиб олмокчи эдим. Эшикни очдим...

– Ёпиқмиди?

– Ҳа. Мен дўконни ёпиқ деб ўйладим. Адашибман, очик экан. Кирдим, аммо ичкарида ҳеч ким йўқ эди.



Пештахтани тақиллатиб, бироз кутдим. Ҳеч ким жавоб бермади, чиқиб кетдим. Бор гап шу.

– Пештахта орқасидаги жасадни кўрмадингизми?

– Йук, йўқ, ҳеч нарсани пайқамадим.

– У ерда темир йўл маълумотномаси турганмиди?

– Ҳа, у ағдариб қўйилганди. Хаёлимдан бу аёл поездга шошиб, дўконни қулфлашни эсдан чиқарган бўлса керак, деган ўй ўтди.

– Балки, маълумотномани сал кўтарган ёки жойидан қўзғатгандирсиз?

– Йук, мутлақо.

– Дўконга кираётганда, кимнингдир чиқаётганини кўрмадингизми?

– Йук, ҳеч кимни... Бўлдими? Мендан яна нима истайсиз?

Пуаро турди:

– Бугунга етарли. Хайр, мсье.

Биз Ридделлни таажжубда қолдириб, чиқиб кетдик.

Кўчада Пуаро соатига қаради:

– Шошилсак, балки, 19:20 га улгуармиз, дўстим.

Шошилайлик.

8-боб Иккинчи хат

– Хўш? – сурадим тоқатсизланиб.

Биз биринчи класс вагонида ўтирардик. Экспресс поезд Андовердан йўлга тушди.

– Жиноятни ўрта бўйли, кизғиш соч ва чап кўзиғилай одам содир этган, – деди Пуаро. – Ўнг оёғи бироз оксайди, курагининг тагида холи бор.

— Пуаро?! — деб қичқириб юбордим.

Бир зум унга буткул ишондим. Лекин дүстим-нинг кўзларидағи мазахомуз учқунлар адашганимни англатди.

— Пуаро! — деб тақрорладим энди таъна билан.

— Азизим, сизга нима бўлди? Сиз менга итларга хос садоқат тўла нигоҳингизни тикдингиз, гўёки мен Шерлок Холмсдек. Ростини айтсан, мен на қотилнинг қандай кўриниши, на қаерда яшаши ва на уни қандай топишни биламан.

— Бирор из қолдирганда эди, — деб мингилладим.

— Ҳа, из — сизни ҳар доим излар жалб қилган! Афсуски, у сигарета чекмаган, кул ёки бирор ғайри-оддий михли пойабзал изларини қолдирмаган. Йўқ, у бундай илтифот кўрсатмаган. Аммо, дўстим, бизда, ҳеч бўлмаганда, темир йўл маълумотномаси — «ABC» бор — мана сизга унинг изи!

— Сиз уни адашиб қолдириб кетган деб ўйлайсизми?

— Йўқ, албатта. Уни атай қолдирган. Бармоқ излари шундан дарак беряпти.

— Аммо маълумотномада бармоқ излари йўқ эди!

— Мен ҳам шуни айтяпман-да. Кеча нима бўлди? Июннинг илиқ оқшоми эди. Бундай оқшомда одам қўл-коп кийиб айланиб юрадими? Бу, шубҳасиз, эътиборни ўзига тортган бўларди. Шунга қарамай, «ABC»да ҳеч қандай бармоқ излари йўқ эди, улар яхшилаб ўчирилган. Айбиз одам бармоқ изларини қолдиради, айбдор эса — йўқ. Бирор «ABC»ни сотиб олган, кейин олиб келган...

— Шу тахлит бирор нимани билиб олишимиз мумкин, деб ўйлайсизми?

— Дўстим Гастингс! Мен у қадар оптимист эмасман. Уша одам, қандайдир X, ўз қобилияtlаридан ниҳоятда



мағрурланади. У осонгина изига тушиш мүмкін бұлған йүлни таңлаганга үхшамайды.

– Унда «ABC» бизга ёрдам беролмайды.

– Бу маңнода – йүк.

– Аммо қайси маңнода ёрдам бера олади?

Пуаро дарров жавоб бермади. Кейин паст овозда гапирди:

– Ҳа. Биз нотаниш нусхага дуч келдик. У қоронғи-
ликда, үша ерда қолишга уринади. Бир томондан, биз
у ҳақда ҳеч нима билмаймиз. Бошқа томондан, етар-
лича биламиз. Уни сал-пал тасаввур қиляпман – чи-
ройли ёзадиган, сифатли қоғоз сотиб оладиган, үзини
күрсатиши жуда зарур бўлған одам. Уни кўряпман –
эътиборсиз қолган бола; уни қалбида хўрлик, бе-
зовта адолатсизлик ҳисси билан үсмокда. Унинг ди-
лидаги истакларни кўряпман... ўз хукуқларини ҳи-
моя қилиш... ўзига эътибор қаратиш, аммо у баттар
таҳқирланади. Ичидა ҳар дақиқада портлашга тайёр...

– Лекин буларнинг бари ғирт тўқима, – деб хуло-
са чиқардим, – амалий татбиги йўқ.

– Сиз, албаттa, ёнган гугурт, сигарета кули ва мих-
ли пойабзални маъқул кўрасиз. Ҳар қалай, ўзимизга
қатор саволлар беришимиз мүмкін. Нима учун айнан
«ABC»? Нима учун миссис Ашер? Нима учун Андо-
вер?

– Бу аёлнинг ўтмиши анча оддий кўриняпти, – де-
дим ўйланиб, – анави иккиси билан суҳбат ҳафсалам-
изни пир килди. Улар билганларимизга ҳеч нима
қўшимча қилишолмади.

– Ростини айтсам, мен айтарли ҳеч нима кутмаган-
дим ҳам. Аммо биз қотил бўлиши мүмкін бўлған ик-
ки кишини ҳисобдан чиқариб ташлолмасдик.

— Демак, сиз ўйламаяпсиз...

— Ҳар қалай, қотил ё Андоверда, ё унга яқын жойда яшаши өхтимоли мавжуд. Бу «Нима учун айнан Андовер?» деган саволингизга жавоб булиши мүмкін. Шундай килиб, биз ўша пайтда дүконда бўлган икки эркакни биламиз. Ҳозирча ҳеч нима униси ёки буниси қотил эмаслигини исботламаяпти.

— Ҳойнаҳой, у қўпол Ридделл бўлса керак, — дедим.

— У, мен Ридделлни ҳисобдан чиқаришга мойилман. У асабий валдироқи, ҳаддан ташқари питир-питир...

— Ахир айнан шу унинг...

— ABC хатини ёзган одамнинг феълига буткул тескари одамлигини кўрсатяпти. Манманлик ва такаббурлик — биз ана шу жиҳатларни излашимиз керак.

— Кучини қаёққа сарфлашни билмайдиган одамни-ми?

— Эҳтимол. Лекин баъзи асабий ҳафтафаҳмларда зўр манманлик ва мағрурлик пинҳон бўлади.

— Сизнингча, кичкина жаноб Партриж...

— Шунчаки у кўпроқ мос келади. Унинг ўзини тутиши хат муаллифиникига ўхшайди: дарров полицияга боради, ўзини олд планга чиқаради, вазиятидан роҳатланади.

— Чиндан ҳам, сизнингча, у?..

— Йўқ, Гастингс, у ҳақда ортиқ гап айтиб бўлмайди. Шахсан мен қотил Андовердан эмас, деб ҳисоблайман, лекин биз таҳлил занжирини унутмаслигимиз керак. Гарчи мен ҳамма вақт у ҳақда эркакдек гапираётган бўлсам-да, буни аёл амалга оширган булиши мумкинлигини эсдан чиқармаслигимиз керак.

— Йўқ, албатта!

– Зарба бериш усули, тан оламан, эркакка хос. Лекин аноним хатни эркакдан қура аёл ёзганга үхшайди. Буни инобатга олиб қўйишимиз лозим.

Бир неча дақиқа жим қолиб, кейин сўрадим:

– Бу ёғига нима қиласми?

– Ҳеч нима.

– Ҳеч нима?! – Ҳафсалам пир бўлгани ҳавода ҳам янграгандек бўлди.

– Нима, мен сеҳргарманми? Афсунгарманми? Мендан нима истайсиз?!

Воқеаларни хаёлимдан ўтказиб, нима деб жавоб беришни билмадим. Шундай бўлса-да, қандайдир ҳаракат қилиш кераклиги, тўхтаб бўлмаслиги, оёкларимиз тагидаги ўтнинг ўсишига йўл қўймаслигимиз зарурлигига амин эдим.

– «ABC», коғоз, конверт бор... – дедим.

– Бу йўналишда керакли ҳамма иш килиняпти. Полицияда бундай текширув учун барча воситалар бор. Агар бу йўналишда ниманидир аниқлаб бўлса, ишончингиз комил бўлсин – улар аниқлашади.

Бу мени бироз тинчлантириди.

Бир неча кун Пуаро бу ишни муҳокама қилишдан негадир ўзини олиб қочди.

Наҳотки миссис Ашернинг ўлдирилиши билан боғлиқ ишни текширишда мағлубиятга учраган бўлса? ABC унга қарши чиқди – ва ABC ютди! Дўстим шу қадар таъсирчан бўлиб чиқдик, ҳатто бу ишни муҳокама қилишга ҳам сабри чидамади. Хуш, аввали мувваффакиятлар ҳатто энг акллимизнинг ҳам бoshини айлантириб қўйиши мумкин.

Дўстимнинг ожизлигини тушуниб, бўлган воқеа ҳакида ортиқ гапирмадим. Жиноят матбуотнинг



эътиборинни деярли тортмади. Кекса аёлнинг ўлдирилиши кўп ўтмай газета саҳифаларини тарқ этиб, кўпроқ ҳаяжонга соладиган хабарларга жой бўшатди.

Ростини айтганда, бу иш хаёлимдан кўтарилди. Пуаронинг номини қандайдир муваффакиятсизликлар билан боғлашни истамаганим учун ҳам шундай бўлди, шекилли.

Пуарони икки кун кўрмадим, чунки дам олиш кунларини Йоркширда ўтказаётгандим. У ердан душанба куни кундузи қайтдим, хат эса соат олтида кечки почта билан келди. Пуаронинг конвертни кесиб, бирдан хўрсингани эсимда қолди.

– Келди, – деди у.

Мен тушунмасдан унга тикилдим.

– Нима келди?

– АВСнинг иккинчи хати.

Бир муддат унга таажжуб билан қараб қолдим. Чиндан ҳам бу иш ҳакида унугандим.

– Уқинг, – деди Пуаро ва менга хатни узатди.

Биринчи галгидек, бу хат ҳам босма ҳарфлар билан яхши қофозга ёзилганди.

«Жаноб Пуаро, хўш қалай? Биринчи таймда мен ютдим! Андовердаги иш силлиқчина кечди, шундай эмасми? Аммо вақтичоғлик энди бошлияпти. Эътиборингизни Денгиздаги-Бексхиллга қаратишга ижозат этинг. Санаси: шу ойнинг 25-си.

Қандай шодон яшаяпмиз!

Сизнинг ва ҳоказо.

ABC».



— Жин урсин, Пуаро, — деб хитоб қилдим, — бу телба яна бир жиноят содир этмоқчими?

— Худди шундай, Гастингс. Сиз нима кутгандингиз? Нима, Андовердаги ишни алоҳида воқеа деб ўйлаганмидингиз? Эсингиздами, мен бу фақат бошлиниши дегандим.

— Лекин бу даҳшат-ку!

— Ҳа, бу даҳшат!

— Бизга қарши – савдойи қотил!

— Ҳа.

Пуаронинг вазминлиги мени бошқа шавқли сўзлардан кўра кўпроқ ҳайратга солаётганди. Сесканганча унга хатни қайтариб бердим.

Эртасига эрталаб мажлисда эдик. Суссекс графлиги бош констебли, жиноят қидирув бўлими комиссари ёрдамчиси, Андовердан инспектор Глен, Суссекс полицияси катта инспектори Картер, Жепп ва кичик инспектор Кроум ҳамда доктор Томпсон, таникли психиатр – ҳамма бир жойга йиғилди. Хатдаги муҳр Гемпстедники эди, лекин, Пуаронинг фикрича, бу учалик муҳим эмасди.

Ҳаммасини обдан муҳокама қилишди. Доктор Томпсон ўрта ёшлардаги истарали киши булиб, маълумотига қарамай, оддий сўзлаш услубини сақлаб қолган, касбига хос маҳсус атамаларни ишлатишдан қочарди.

— Шубҳасиз, — деди комиссар ёрдамчиси, — бу иккита хатни бир киши юборган. Икковини ҳам битта одам ёзган.

— Ва бизда бу киши Андовердаги қотилликка алоқадор, деб ўйлашга барча асос бор.



— Худди шундай. Энди бизда 25-га, индинга, Бексхиллда бўлиши режалаштирилаётган иккинчи жиноят ҳақида аниқ огоҳлантириш бор. Қандай чора кўриш мумкин?

Суссекс бош констебли катта инспекторига қаради:

— Хўш, Картер, нима дейсиз?

Катта инспектор нохуш бош чайқади:

— Эҳтимолий қурбонга олиб борадиган ҳеч қандай ишора йўқ. Очиғини айтганда, қандай чора кўра олишимиз мумкин?

— Тахмин бор, — деб минғиллади Пуаро.

Ҳамма унга ўгирилди.

— Менимча, мўлжалланаётган қурбоннинг фамилияси В ҳарфидан бошланади.

— Хўш? — деб шубҳа билдириди катта инспектор.

— Алифбо уйғунлиги, — деди доктор Томпсон паришон.

— Мен буни тахмин сифатида айтяпман, ундан ортиқ эмас. Бу ўтган ойда ўлдирилган бечора аёлнинг дўкони эшиги тепасида аниқ ёзилган Ашер фамилиясини кўрганимда хаёлимга келди. Бексхилл кўрсатилган хатни олганимда, балки, қурбон сингари жойи ҳам алифбо тартибида танланнаётгандир, деб ўйладим.

— Балки, — деди доктор, — бошқа томондан, Ашер фамилияси тасодиф бўлгани, бу гал қурбон, фамилиясидан катъи назар, яна дўкон эгаси бўлган кекса аёл бўлиши мумкин. Эсингизда бўлсин, биз телбага дуч келганимиз. Шу пайтгача у бизга жумбокнинг калитини ҳам, жиноят сабабларини ҳам тақдим этмади.

— Ахир телба сабабларга таяниб иш киладими?

— сўради катта инспектор шубҳа билан.

— Албатта. Мияга ўрнашиб қолган фикр ўткир васвасанинг алоҳида белгиларидан бири саналади. Одам руҳоний ёки докторни, ёки тамаки дўконидаги кампирни ўлдириши тақдир томонидан белгиланганига тўла ишониши мумкин — бу ҳолатларнинг ҳаммасида ўзаро боғлиқ сабаблар бор. Биз алифбогагина ўралашиб қолмаслигимиз керак. Андовер кетидан Бексхилл келаётгани шунчаки тасодифдир.

— Картер, биз, охир-оқибат, фамилияси Вдан бошланадиган ҳаммани, айниқса, кичкина дўкончалар эгаларини аниқлашимиз; ёлғиз ишлайдиган барча тамаки ва газета сотувчиларини кузатиб, маълум эҳтиёткорлик чораларини кўришимиз мумкин. Бундан бошқа яна нимадир қила оламиз, деб ўйламайман. Иложи борича, ҳамма нотанишларни кузатиш зарур.

Катта инспектор оғир хўрсинди:

— Мактаблар ёпилиб, таътил бошлангандали? У жой бу ҳафтада одамга тўлиб кетди.

— Кўлимиздан келган ҳамма ишни қилишимиз керак, — чўрт кесди бош констебль.

Навбат инспектор Гленга келди.

— Мен Ашернинг иши билан боғлиқ ҳамманинг ортидан кузатув ташкиллаштираман. Анави икки гувоҳ — Партриж ва Ридделл — ва, албатта, Ашернинг кетидан. Уларнинг Андовердан чиқиб кетаётгани ҳақида салгина ишора бўлиши биланоқ кузатувга олишади.

Яна бир нечта таклиф билдирилиб, бошқа нарсалар ҳақида бироз гаплашилгандан сўнг мажлис тугади.

— Пуаро, — дедим дарё буйида айланиб юрганимизда, — бу жиноятнинг олдини олиш мумкинлигига ишонасизми?



У ҳорғин юзини менга ўғирди:

– Гавжум шаҳарнинг соғлом фикрлаши бир кишининг телбалигига қаршими? Хавотирдаман, Гастингс, жуда хавотирдаман. Қирувчи Жекнинг давомли муваффақиятларини эсланг.

– Даҳшат, – дедим мен.

– Жиннилик – даҳшатли нарса, Гастингс... Ташвишдаман... Жуда қаттиқ ташвишдаман.

9-боб

Денгиздаги-Бексхиллда бўлган қотиллик

25 июлда эрталаб қандай уйғонганим ҳалигача эсимда.

Етти яримлар эди.

Пуаро каравотим устига эгилиб, елкамдан секин туртарди. Унга бир қарабоқ уйқум қочиб кетди.

– Нима бўлди? – деб сўрадим ўринга сакраб ўти-рарканман.

Унинг жавоби оддий эди, аммо шу учта сўзга барча ҳиссиётлари жам бўлганди:

– Бу содир бўлди!

– Нима?! – деб қичқириб юбордим. – Айтмоқчи-сизки... лекин бугун энди 25-ку!

– Бу тунда ёки саҳарга яқин юз берган!

Каравотдан сакраб тушдим. Тез ювиниб-таранарканман, Пуаро менга Бексхиллдаги пляждада бир қизнинг жасади топилганини қисқача айтиб берди. Қизнинг исми Элизабет Барнард, кичик қаҳвахона официантини экан. Яқинда қуриб битказилган бунгало¹²да ота-она-

¹² Бунгало – бир оиласга мўлжалланган, томи текис, айвони кенг бир қаватли уй.



си билан яшаган. Тиббий хулоса унинг 23:30 ва тунги 01:00 орасида ўлганини аниқлашга имкон берган.

– Бу жиноят эканлигига ишончлари комилми? – деб сўрадим вужудимни тер босиб.

– Шундоққина жасад тагидан поездларнинг Бексхиллгача қатнаш жадвали саҳифаси очилган «ABC» темир йўл маълумотномаси топилган.

Титраб кетдим:

– Бу даҳшат!

– Эҳтиёт бўлинг, Гастингс! Менга уйимда иккинчи фожианинг кераги йўқ!

Устарадаги ва иягимдаги қонни ғамгин артиб олдим.

– Ҳаракат режамиз қандай? – деб сўрадим.

– Ҳозир машина келади. Сизга бир финжон қаҳва олиб келаман, кейин зудлик билан йўлга тушамиз.

Йигирма дақиқа ўтгач, полиция автомобилида Темзани кесиб ўтиб, Лондондан чиқиб кетдик. Тунов куни мажлисда қатнашган ва бу ишга расман жавобгар бўлган инспектор Кроум биз билан бирга эди. У Жеппнинг буткул акси эди. Ёшрок, босикрок, салобатлироқ. Билимли ва кўп ўқиган. Яқинда у ҳозирда Бродмур¹³да ўтирган жиноятчини сабр билан таъкиб қилиб, бир қанча ёш болаларнинг ўлдирилиши билан боғлиқ ишни фош этиб, шуҳрат топди.

Шубҳасиз, Кроум бу ишни олиб боришга ҳаммадан кўра кўпроқ мос эди, лекин у менга ўзига бироз ортиқча баҳо бераётгандек куринди. Пуарога муносабатида такаббурлик сезилиб қолаётганди. У Пуарога, ёшлар кексаларга қандай ён берса, шундай – «мактабтарбияси» руҳида ён бераётганди.

¹³ Бродмур – Англияning Йоркширида жойлашган руҳий касал жиноятчилар касалхонаси.



— Доктор Томпсон билан узок гаплашдик, — деди Кроум, — у котилликлар « занжири » га аклий бузилиш оқибати сифатида жуда қизиқыпти. Тұғри, мутахассис бұлмай туриб, бунинг тиббий нұқтаи назардан нималигини айтаб бұлмайди. — У томоқ кирди. — Умуман олганда, менинг охирги ишим — билмадим, бу ҳақда үқиганмисиз, — Мейбл Хоумер, Масуэлл-Хиллдаги үқувчи қиз билан боғлық иш... Биласизми, үша одам, Каппер ғалати эди, ишни унга боғлаш жуда қийин бұлди, вақоланки, бу унинг учинчи иши эди, сизга айтсам! Қуринищдан сиз ва менга үхшаган акли расо одам. Лекин ҳар хил синаш йүллари бор — гапидан илинтирадиган тузоклар, билсангиз, анча замонавий тузоклар. Сизнинг даврингизда бундай нарсалар бұлмаган. Одам үзини үзи фош қилиб құяди. У буни билади ва асабийлашади, тоқатсизлана бошлайди...

— Ҳатто менинг давримда ҳам бунақаси баъзида учраб турарди, — деди Пуаро.

Инспектор Кроум унга қаради:

— Ү, наҳотки?

Маълум муддат жимлик чүкди.

Нью-Кросс вокзалидан үтганимизда, Кроум:

— Мендан иш билан боғлық бирор нимани сұра-моқчи бұлсангиз, мархамат, сұрайверинг, — деди.

— Бизда, тахминимча, үлган қизнинг таърифи йўк?

— Унинг ёши йигирма учда бұлган, « Малла мушук » қаҳвахонасида официант бўлиб ишлаган...

— Буни назарда тутмаяпман. У чиройлимиди?

— Бу ҳақда менда маълумот йўк, — деди инспек-тор Кроум. Унинг киёфасидан: « Эх, бу хорижликлар! Ҳаммаси бир хил! » деган маъно англашиларди.

Пуаронинг күзларида таажжуб сезилди:

— Нима, сизга бу муҳим туйилмаяптими? Уҳ, бечора қизлар, ахир бу жуда муҳим-ку. Кўпинча бу уларнинг кисматини белгилайди!

Инспектор Кроум давом эттиришга қарор қилди.

— Наҳотки? — деб сўради у мулоҳимлик билан.

Яна жимлик чўкди.

Пуаро автомобиль «Етти дуб» ёнига етгандагина сухбатни давом эттириди:

— Мабодо қиз қандай килиб ва нима билан бўғиб ўлдирилганини билмайсизми?

— Ўзининг камари, кенг, тўқилган камари билан бўғиб ўлдирилган, —қисқа жавоб берди инспектор.

Пуаронинг кўзлари катта очилди.

— Аҳа, — деди у, — ниҳоят, бизда муайян ахборотнинг бир кисми бор. Шунинг ўзи бир нимани англатади, шундай эмасми?

— Ҳозирча илғамаяпман, — совуқ жавоб берди инспектор.

Унинг овозида ғижинишни сездим.

— Бу бизга жиноятчининг ўзига хос жиҳатини англатади, — дедим, — бу унинг шафқатсизлигидан дарак беради.

Пуаро менга тикилиб қаради. Мен буни инспекторга хаддан ташқари очик гапириб юбормаслик ҳакида огоҳлантириш, деб тушуниб, жим булдим.

Бексхиллда бизни катта инспектор Картер карши олди. Инспектор Келси — истараси иссик маданиятли йигит у билан бирга эди.

— Дастрлабки терговни ўзингиз ўтказмоқчимисиз, Кроум? — сўради катта инспектор. — У ҳолда, сизга асосий маълумотларни бераман. Дарҳол бу иш билан шуғулланишингиз мумкин.



— Миннатдорман, — деди Кроум.

— Биз унинг ота-онасига хабар бердик, — деди Картер, — улар учун жуда оғир зарба, албатта. Савол беришни бошлишимиздан аввал ўзларига келиб олишларига имкон бердим. Шунинг учун сиз энг бошидан бошлишингиз мумкин.

— Оиланинг бошқа аъзолари ҳам борми? — сўради Кроум.

— Лондонда опаси бор — ёзув машинкасида ишлайди. У билан боғланишди. Йигит ҳам бор. Ўйлашимча, киз ўша кеча у билан бирга бўлган.

— «ABC» маълумотномаси бирор нима бердими?

— У шу ерда. — Катта инспектор стол томонга бош ирғади. — Бармоқ излари йўқ. Бексхилл деган жойи очиқ экан. Айтиш керакки, янгиана. Камдан-кам очилгани кўриниб турибди. Бу жойларда харид килинмаган. Ҳамма дўконларга кириб чиқдим.

— Жасадни ким топди?

— Уйқуси келмайдиган тетик полковниклардан бири — Жером. Тонгти олтиларда ити билан сайр қилиб юрган экан. Қирғоқ бўйлаб Куден томонга қараб юрган. Ит ниманидир сезиб, югуриб кетган. Полковник уни чақирган, лекин у қулоқ солмаган. Узокдан қараб, бир нохушликни сезган. Яқинроқ борган... У жуда тўғри йўл тутган. Жасадга тегмасдан, дарров бизга қўнғироқ қилган.

— Киз ярим тунга яқин ўлганми?

— Ярим тун ва тунги бир орасида — бу аниқ. Ҳазилкаш қотилимиз гапида турадиган одам экан. 25-да дедими, демак, 25-да. Гарчи бу сутканинг энг бошида содир бўлган бўлса ҳам.

Кроум бош ирғади:

– Ҳа, бу услуб. Яна бирор гап борми? Ҳеч ким ҳеч нимани сезмаганми?

– Ҳали эрта. Ўтган тунда йигит билан айланиб юрган оқ кийимли қизни кўрган одамлар ҳадемай бизга бу ҳақда айтиш учун келишади. Тушунишимча, ўтган тунда камида тўрт юз нафар қиз йигит билан сайд қилган. Бу ёқимли машғулот бўлса керак!

– Сэр, бу мен учун эмас, – деди Кроум. – Яна қаҳвахона ва қизнинг уйи бор. Мен, яххиси, шу иш билан шуғулланаман. Келси мен билан бирга бориши мумкин.

– Жаноб Пуаро-чи? – сўради катта инспектор.

– Мен ҳамроҳ бўламан, – деди Пуаро Кроумга енгил таъзим қилиб.

Назаримда, Кроумнинг бундан сал ғаши келди. Илгари Пуарони кўрмаган Келси ёйилиб илжайди. Дўстимни илк бор кўриб турган одамлар уни гирт масхарабоздек қабул қилиши менга алам қиласарди.

– Қиз бўғиб ўлдирилган камар-чи? – сўради Кроум. – Мсье Пуаро буни жумбокнинг қимматли қалити, деб ўйлаяпти. Менимча, у камарни кўрмоқчи.

– Асло, – деди Пуаро, – мени нотуғри тушунибсиз.

– Бу сизга ҳеч нима бермайди, – деди Картер, – у бармоқ излари қолиши мумкин бўлган чарм камар эмас, қалин трикотаж шойидан тикилган белбоғ экан – бундай ишлар учун жуда мос восита.

Сесканиб кетдим.

– Майли, – деди Кроум, – юринглар, айланиб келамиз.

Чикдик.

Биринчи «Қизғиш мушук» соҳибасининг ёнига бордик. Бу шундоқ денгиз бўйида жойлашган оддий



кичкина қаҳвахона эди: олов ранг катак-катак мато билан қолланган кичик столлар ва олов ранг ёстикчали жуда ноқулай түкима стуллар. У ерда эрталабки қаҳва, чойнинг беш хил нави (девонширча, фермерча, мевали, карлтонча ва оддий) ва аёллар учун бир нечта газакбоп таом – қовурилган тухум, майда қискичбака ва коқ нонда қовурилган макарон тортиларди.

Эрталабки қаҳвахўрлик айни авжиди эди. Бека бизни шошиб, ифлос коронғи уй-жойга олиб кирди.

– Мисс... э-э-э... Мэрион? – сўради Кроум.

Мисс Мэрион ингичка ва ҳорғин овозда жавоб берди:

– Ҳа, менман. Қандай баҳтсизлик! Шундай оғир кулфат. Бу ишимизга қандай таъсир қилишини ҳатто тасаввур ҳам қилолмайман!

Мисс Мэрион, кирк ёшлардаги, қизғиши соchlарини битта қилиб йигиб олган жуда озғин аёл булиб, қизғиши мушукка ниҳоятда үхшарди. У кўйлагидаги бурма хошиялар ва бурмаларни асабий йигиб ёзарди.

– Бу шов-шув бўлади, – деди инспектор Келси далда берган каби. – Мана кўрасиз! Чой тортишга ултурмай қоласиз.

– Жирканч! – деди мисс Мэрион. – Қандай жирканч! Бунака одамларга умуман ишонмаслик керак.

Шундай бўлса-да, унинг кўзлари чакнаб кетди.

– Ҳалок бўлган киз ҳакида нима айта оласиз, мисс?

– Ҳеч нима, – деди мисс Мэрион қатъий, – мутлако ҳеч нима.

– У қачондан бери бу ерда ишларди?

– Бу иккинчи ёз.

– У сизни конктириармиди?

– Яхши официант киз эди – чаққон ва хушмуомала.

— Чиройлимиди? — сұради Пуаро.

Мисс Мэрион унга қаради. «Эх, бу хорижликлар!» — деган маъно англашиларди нигоҳидан.

— Чиройли ва келишган эди, — жавоб берди у лоқайд оҳангда.

— Кеча соат нечада ишини тугатди? — сұради Кроум.

— Кечки саккизда. Ишимиз кечки соат саккизда туғайди. Кечки овқат тайёрламаймиз. Чунки бунга талаб йўқ. Одамлар соат еттида, сал кейинроқ ҳам қовурилган тухум ва чой ичишга (Пуаро афтини бужмайтириди) келишади, лекин етти яримга бориб, мижозлар қадами узилади.

— У сизга оқшомни қандай ўтказмоқчилиги ҳақида гапирғанмиди?

— Йўқ, албатта, — деди мисс Мэрион таъкидлаб,

— биз бундай мавзуларни муҳокама қилмаганмиз.

— Унинг ёнига ҳеч ким кирмадими? Ёки шунга ўхшаш бирор нима бўлмадими?

— Йўқ.

— Кўриниши одатдагидекмиди? Балки, ҳаяжонда ёки тушкун кайфиятда бўлгандир?

— Ҳеч нима деёлмайман, — деди мисс Мэрион лоқайд.

— Қанча официант қизларингиз бор?

— Икки нафари доимий, 20 июлдан августнинг охиригача эса — қўшимча яна икки қиз ишлайди.

— Элизабет Барнард қўшимчалардан эмасмиди?

— У доимий официант қизлардан бири эди.

— Иккинчиси қандай?

— Мисс Хиглими? Яхши қиз!

— У мисс Барнард билан ўртоқмиди?

— Бир нима деёлмайман.

— Балки, у билан гаплашганимиз маъқулдир?



— Ҳозирми?

— Агар иложи бўлса.

— Уни ҳозир шу ерга юбораман, — деди мисс Мэрион туратиб. — Илтимос, уни иложи борича кўп ушлаб колманглар. Ҳозир эрталабки қаҳва пайти.

Мисс Мэрион хонадан чиқди.

— Жуда сулукатли¹⁴, — деди инспектор Келси ва уни ишвагар овозда мазах қилди: «Бир нима деёлмайман».

Хонага ҳансираб қолган, тўладан келган қорасоч, юзлари қизил, ҳаяжондан қора кўзлари катта очилган киз отилиб кирди.

— Мени мисс Мэрион жўнатди, — деди у нафас олмай.

— Мисс Хиглимисиз?

— Ҳа, бу мен.

— Элизабет Барнардни танирмидингиз?

— Ў, ҳа, Беттини танирдим, бу даҳшат! Бу жуда даҳшатли! Ишонолмаяпман. Эрталаб қизлар билан фақат шу ҳақда гаплашдик. Ишонгим келмайди. «Биласизларми, — дедим уларга, — буни тасаввур қилиш қийин. Бетти! Ҳар доим шу ерда бўлган Бетти Бернардни ўлдиришибди! Бунга ишониш қийин». Бир неча марта ўзимни чимчиладим, ухляяпман деб ўйладим. Беттини ўлдиришди... Бу... менитушуняпсизми... бундай бўлиши мумкин эмас!

— Марҳумани яхши билармидингиз? — сўради Кроум.

— Аслида, у бу ерда мендан кўпроқ ишлаган. Бу ерга март ойида келганман. У эса ўтган йилдан бери ишларди. У кўп куладиган, ҳазил қиласиганлардан эмасди. У жуда камгап эди, демоқчи эмасман, унда кувноқлик ва ҳоказолар пинҳон эди, лекин ўйин-кулги

¹⁴ Сулукатли — ўзбекча сўз, сермулозамат, сертакаллуф.

қилишни ёқтирмасди. Хуллас, у ҳам босик, ҳам босик-мас эди, нимани назарда тутаётганимни тушунган бўлсангиз керак.

Инспектор Кроум фаришталардек сабрини намоён қилди. Семиз мисс Хигли гувоҳ сифатида асабга тегарди. У айтган гапларини олти марталаб такрорлар, лекин натижаси жуда кам эди.

У ўлдирилган қиз билан яқин муносабатда эмасди. Элизабет Барнард, тахмин қилиш мумкинки, ўзини мисс Хиглидан анча юқори деб ҳисобларди. Иш пайтида ўзини дўстона тутган, лекин қизлар у ҳақда кам нарса билишарди. Элизабет Барнардинг станциядан унча узок бўлмаган «Корт ва Бранскилл» кўчмас мулк савдоси агентлигида ишлайдиган «дўсти» бор эди. Йўқ, у жаноб Корт ҳам, жаноб Бранскилл ҳам эмасди. Йигит клерк¹⁵ бўлиб ишларди. Қиз унинг исмини билмасди, лекин юзини яхши танирди. Йигит хушрўй – ў, жуда хушрўй эди! – ва доим яхши, пўрим кийинарди. Афтидан, мисс Хигли қалбининг тубида Элизабет Барнардга ҳасад қиласарди.

Охир-оқибат, мисс Хиглининг кўрсатмаларидан қуидаги хулоса келиб чиқди: Элизабет Барнард қаҳвахонада ҳеч ким билан оқшом режалари ҳақида гаплашмаган. Лекин, мисс Хиглининг фикрича, у «дўсти» билан учрашмоқчи эди. У «янги ёқаси жуда очиб турган» янги оқ кўйлак кийган...

Кейинги икки қиз билан қилган суҳбатимиздан айтарли фойда чиқмади. Бетти Барнард режалари ҳақида ҳеч нима демаган, уни Бексхиллда бутун оқшом давомида ҳеч ким кўрмаган.

¹⁵ Клерк – баъзи мамлакатларда ёзув-чизув ишларини олиб бора-диган кичик хизматчи.

10-боб

Барнард оиласи

Элизабет Барнардинг ота-онаси тадбиркор қурувчи томонидан яқиндагина қурилған бунгалолардан бирида яшарди. Бунгало Лланрудно¹⁶ деб аталарди.

Үзини йўқотиб қўйгандек кўринаётган жаноб Барнард эллик беш ёшлардаги семиз киши эди. У бизни қуриб, ичкарига таклиф қилди.

— Ўтинглар, жаноблар, — деди у.

Инспектор Келси ташаббус кўрсатди:

— Сэр, бу Скотленд-Ярдан инспектор Кроум, у бу ишни очишда бизга ёрдам бериш учун келди.

— Скотленд-Ярд? — сўради жаноб Барнард умид билан. — Бу яхши. Ўша ёвуз қотил қўлга олиниши керак Бечора қизим...

Унинг юзи қайғудан тиришди.

— Бу эса жаноб Эркюль Пуаро, у ҳам Лондондан, бу эса...

— Капитан Гастингс, — эсига солди Пуаро.

— Сизларни қарши олишдан хурсандман, — деди жаноб Барнард беихтиёр, — уйга киринглар. Сизларни кўриш учун хотиним турадими-йўқми, билмайман. У жуда чарчаган.

Бироқ биз хонада жойлашиб ўтиргунимизча миссис Барнард чиқиб қолди. Унинг яқиндагина йифлагани кўриниб турарди: қўзлари қизарганди. Кучли изтиробни бошдан кечирган одамдек, чайқалиб қадам ташларди.

— Хўш, онаси, қандайсан? — деб сўради эри ундан.
— Ўзингни яхши ҳис қилаётганингга аминмисан?

¹⁶ Лланрудно — дengiz kурорти va Уэльсдаги шаҳар dengiz kурорти va Уэльсдаги шаҳар.



Аёл елка қисиб, стулга ўтирди.

— Катта инспектор меҳрибонлик қилди, — деди жаноб Барнард. — Бизга мудхиш хабарни етказишгандан сунг саволларини кейинрок, бироз ўзимизга келгани мизда беришини айтди.

— Бу шафқатсизлик! Ў, бу қандай шафқатсизлик!
— деди миссис Барнард йиғламсираб. — Бу булиши мумкин бўлган энг шафқатсиз ҳодиса.

У сўзларни бироз чўзиб гапиради. Аввалига уни хорижлик деб ўйладим. Аммо дарвозадаги номни эслаб, унинг нуткида уэлсликларга хос талаффуз сези-лаётганини пайқадим.

— Тушунаман, хоним, бу жуда оғир, — деди инспектор Кроум. — Сизга жуда ҳамдардмиз, лекин ишга иложи борича тезроқ киришиш учун барча тафсилотларни билишни истардик.

— Ҳа, ҳа, бу тўғри иш бўлади, — маъқуллади жаноб Барнард бош ирғаб.

— Билишимча, қизингиз йигирма уч ёш бўлган. У сизлар билан яшаган ва «Қизғиш мушук» қаҳвахонасида ишлаган. Шундайми?

— Ҳа.

— Сиз бу ерга яқинда келгансиз, шундай эмасми? Аввал қаерда яшагансиз?

— Мен Кеннингтонда майда-чуйда металл буюмлар билан савдо қиласдим. Икки йил олдин бу ишни ташлади.

— Икки қизингиз борми?

— Ҳа, каттаси Лондонда идорада ишлайди.

— Қизингиз ўтган тунда уйга келмаганда, хавотирга тушдингизми?

— Келмаганини билмадик, — деди миссис Бернард йиғлаганча. — Отаси билан мен доим ухлашга эрта

ётамиз. Одатда, соат тұққыларда. Беттининг уйга қайтмаганини билмагандик, токи полициячи келиб, айтмагунча... у айтдики...

У үзини тутолмай қолди.

– Қизингиз, одатда, уйга кеч қайтармиди?

– Ҳозир қызлар қандайлигини биласиз, инспектор, – деди Барнард. – Ҳаддан ташқари мустакил. Бундай ёз оқшомларида улар уйга шошишмайды. Шундай булса-да, Бетти, одатда, үн бирда уйда буларди.

– У қандай киради? Эшик очық булармиди?

– Күпинча калитни гиламча тагида колдирадик.

– Эшитишимча, қизингиз унаштирилган, турмушга чиқмоқчи эди?

– Ҳозир ҳаммаси бизнинг даврдагидек расмий эмас,

– деб жавоб берди жаноб Барнард.

– Унинг исми Дональд Фразер, у менга жуда ёқарди,

– деди миссис Барнард. – Бечора йигит, бу хабар уни чуқур қайғуга солса керак. Қизик, у эшитганмикин?

– У Корт ва Бранскиллда ишлайди, шундайми?

– Ҳа, улар күчмас мулк бўйича агентлар.

– У одатда қизингизни ишдан кейин кечкурун кутиб олармиди?

– Ҳар куни эмас. Ҳафтада бир ёки икки марта.

– Билмайсизми, кеча қизингиз у билан учрашмокчимиidi?

– Айтмаганди. Бетти ҳеч қачон нима қилиши, қаерга бориши ҳақида деярли гапирмасди. Лекин у яхши киз эди... эди... Ү, ишонолмайман!

Миссис Барнард яна ҳўнграб юборди.

– Үзингни қўлга ол, азизам. Бардам бўл, – деб тинчлантиради уни эри. – Бу пиёлани охиригача ичиш мизга тўғри келади.



— Ишончим комил, Дональд ҳеч қачон... ҳеч қачон...
— Ҳұнграб йиғларди миссис Барнард.

— Ұзингни құлға ол, — деб тақрорлади жаноб Барнард.

— Худо гувоҳ, сизларга ёрдам беришни истайман, лекин мен ҳеч нимани, бу ишни қылған разил аблакни топишга ёрдам берадиган ҳеч нимани билмайман. Бетти жуда кувноқ, баҳтиёр қыз эди, севган йигити билан сайр қиласын. Уни үлдириш кимгadir нега керак бўлиб қолганини тушунолмаяпман... бу бемаънилик.

— Сиз ҳақиқатдан йироқ эмассиз, жаноб Барнард,
— деди Кроум. — Мисс Барнардинг хонасига назар ташласам дегандим. У ерда бирор нима булиши мумкин... хатлар ёки кундалиқ.

— Марҳамат, қуринг, — деди жаноб Барнард турало.

У бизни бошлаб кетди. Унга Кроум, кейин Пуаро, Келси ва мен эргашдим.

Аммо кутилмаганда боғичим ечилиб кетди. Уни боғлаш учун бироз орқада қолдим. Бу пайтда кучада такси тұхтаб, ундан бир қыз отилиб тушди. У ҳайдовчига пул тұлаб, сұқмоқдан уй томон шошилди, қулида кичикрөк жомадон бор эди. Уйга кириб, мени күргач, котиб қолди.

Унинг туришида гайриоддий нимадир бўлиб, бу мени қизиқтириб қўйди.

— Кимсиз? — деб сұради у.

Бир нечта пиллапояга тушдим. Қандай жавоб беришни билмай саросимага тушиб қолгандим. Унга исимни айтишим керакми? Ёки бу ерга полиция билан бирга келдим, дейми?

Лекин қызы қарор қабул қилишимга вақт бермади.

— Ҳа-а, тахмин қиляпман, — деди у.

У юпқа жун қалпоғини ечиб, стулга ташлади. Ёруғликка үгирилгани учун энди уни яхшироқ күришм мумкин эди. Бир қараңда у менга сингилларим болаликда үйнаган голланд күғирчокларини эслатди. Сочлари қора, калта қирқилған, ёноклари кенг, қомати замонавийларча бесұнақайроқ эди, лекин бу уни жозибасиз күрсатмасди. У гүзәл эмасди, жуда оддий, лекин ундан қандайдыр күвват, куч таралардиди, үзиге зытиборни тортмаслиги мумкин эмасди.

- Сиз мисс Барнардмисиз? – деб сүрадим.
- Мен – Меган Барнардман. Сиз эса полициядан бўлсангиз керак.

– Унчалик эмас... – деб минғилладим.

У гапимни бўлди:

- Ўилашимча, сизга айтадиган гапим йўқ. Синглим жозибали, қувноқ қиз эди ва йигитлар билан юрмасди.

У кулиб қўйиб, менга дадил қаради.

- Умид қиласманки, бу тўғри ибора? – деб сўради у.
- Агар мени маҳаллий мухбир деб ўйлаган бўлсангиз, ундей эмас.

- Унда кимсиз? – У атрофга назар ташлади. – Ойим билан дадам қани?

- Отангиз полициячиларга синглингизнинг ёткxонасини кўрсатяпти. Ойингиз уйда. У жуда қайғуга ботган.

Киз қандайдир қарорга келганга ўхшарди.

- Киринг, – деди у, эшикни итариб, ичкарига ўтаркан.

Унинг кетидан саранжом-саришта кичкина ошхонага ўтдим. Кетимдан эшикни ёпмоқчи эдим, кутилмаганда қаршиликни сездим. Кейинги сонияда Пуаро секингина хонага сирғалиб кирди.

- Мадемуазель Барнард? – сўради у тез таъзим килиб.



— Бу мсье Эркюль Пуаро, — дедим.

Меган Барнард унга кескин равиша синовчан қарди.

— Сиз ҳақингизда эшитғанман, — деди у. — Сиз — урға бұлған хусусий изқуварсиз, шундай эмасми?

— Унчалик ёқимли бўлмаса ҳам, мос йом, — деб жавоб берди Пуаро.

Қиз ошхона стулиниг четига ўтирди. У сумкасини ковлаб, сигарета чиқарди-да, тутатди ва икки марта тортиш орасида гапирди:

— Мсье Пуаро бизнинг камтарона жиноятимизда нимани унутиб қўйганини негадир кўрмаяпман.

— Мадемуазель, — деди Пуаро, — сиз ва мен кўрмайтган нарса, балки, кўп ўтмай пайдо бўлар. Лекин бу муҳим эмас. Муҳими, топиш осон бўлмайди.

— У нима экан?

— Мадемуазель, үлим нотўғри фикрни туғдирали, марҳумга нисбатан нотўғри фикрни. Дўстим Гастингсга ҳозиргина «жозибали ва қувноқ эди, йигитлар билан юрмасди» деганингизни эшитдим. Сиз газеталарни мазах қилиб шундай дедингиз. Ёш қиз ўлганда, бундай дейиш табиий. У гўзал бўлган. У бахтли бўлган. У яхшилик истовчи бўлган. У беташвиш бўлган. Шубҳали танишлари бўлмаган. Ўлганлар ҳақида ёмон гапиришмайди. Биласизми, ҳозир мен нимани истайман? Элизабет Барнардни биладиган ва унинг ўлганини билмайдиган бирор одамни топишни! Эҳтимол, ўшанда ҳақиқатга ўхшаш бирор нимани эшиштардим.

Меган Барнард бир неча дақиқа Пуарога қараб, индамасдан чекди. Кейин, ниҳоят, тилга кирди. Унинг гапи мени жойимда сапчиб тушишга мажбур қилди.

— Бетти кичкина ўжар эшак эди! — деди у.

11-боб

Меган Барнард

Меган Барнарднинг бу гапидан кейин Пуаро шошиб бош иргади.

— Сиз ақллисиз, мадемуазель, — деди у, — хайрли бўйсин.

Меган Барнард худди ўшандай бегараз оҳангда давом этди:

— Беттини жуда яхши кўрардим. Лекин менинг муҳаббатим унинг кичкина нодон қиз эканлигига кўз юмишимга асос бўлмасди, кези келганда, унга буни айтардим ҳам. Опа сифатида.

— У танбеҳларингизга эътибор берармиди?

— Йўқ, шекилли, — бехижолат жавоб берди Меган.

— Илтимос, тушунтириб беринг, мадемуазель.

Киз бир-икки дақиқа иккиланиб қолди.

— Сизга ёрдам бераман, — деди Пуаро сал жилмайиб.

— Гастингсга синглингиз жозибали ва баҳтли бўлганини, йигитлари бўлмаганини айтганингизни эшитдим. Бу ёлғон, шундай эмасми?

Меган чўзиб гапирди:

— Беттида ҳеч қандай ёмонлик йўқ эди, буни тушунишингизни истайман. У доим тўғри юради. Кунгилхушликни ёқтирадиган қизлар тоифасидан эмасди. Лекин одамлар орасига олиб чиқишлиарини, арзимас мақтову хушомадларни ёқтиради.

— У чиройликкинамиди?

Бу саволга — буни учинчи марта эшитаётгандим — ниҳоят, ижобий жавоб берилди.

Меган столдан сирғалиб тушиб, жомадони ёнига борди-да, очиб, нимадир олди ва Пуарога узатди. Чарм рамкадан оқ-малла сочли жилмаяётган қиз бокиб

туарди. У яқиндагина перманент¹⁷ қилган, жингалак сочлари ҳурпайиб туарди. Унинг табассуми нозли ва нотабиий эди. Бу юзни, албатта, жуда чиройли, деб бўлмасди, шунчаки жозибали эди.

Пуаро суратни қайтариб бераркан:

– Бир-бирингизга ӯхшамайсиз, мадемуазель, – деди.

– Ў, оиласизда фақат мен очик гапираман. Буни ҳар доим билардим.

У ӯзининг бу хусусиятига аҳамиятсиз нарсадек кўл силтади.

– Аникроқ айтинг, нима учун синглингизнинг хатти-ҳаракатларини нодонлик деб ҳисоблардингиз? Балки, унинг Дональд Фрэзерга муносабатини назарда тутаётгандирсиз?

– Худди шундай. Дон ювош одамлар тоифасидан, лекин уни баъзи нарсалар аччиқлантиарди, кейин...

– Кейин нима, мадемуазель? – Пуаро уни диққат билан кузатарди.

Киз жавоб бергунча бир муддат иккилангандек кўринди.

– У Беттининг руҳини тушириб юборишидан кўркардим. Бу жуда ачинарли бўларди. У жуда ишончли ва меҳнаткаш одам, унга яхши эр бўларди.

Пуаро ҳамон унга тикилиб туарди. Киз унинг қаршидан үнғайсизланмади ва унга худди шундай жавоб қайтарди. Нигоҳида шундай ифода бор эди, бу менга қизнинг келган пайтидаги хатти-ҳаракатларида сезилган кибрни эслатди.

– Ҳа, биз ортиқ ҳақиқатни гапирмаётганга ӯхшаймиз, – деди Пуаро нихоят.

Киз елка қисиб, эшик томон ӯгирилди.

¹⁷ Перманент – сочни узок вакт ёзилмайдиган қилиб жингалаклаш.



— Сизга ёрдам бериш учун құлымдан келганини қилдим, — деди у.

— Шошманг, мадемуазель, — деб уни тұхтатди Пуаро.
— Сизга бир гапни айтишим керак. Қайтинг.

Назаримда, қыз истамай итоат қилди.

Пуаро, мени таажжубға солиб, АВС хатлари, Ан-довердаги қотиллик ва үлдирилғанлар ёнидан топилған темир йүл маълумотномаси ҳақида батафсил гапира бошлади. Қизнинг оғзи очилиб, күзлари чақнаб, уни дикқат билан эшилди.

— Буларнинг бари ростми, мсье Пуаро?

— Ҳа, рост.

— Сиз чиндан ҳам синглимни даҳшатли савдои қотил үлдирган, деб ўйлайсизми?

— Ҳа.

У чуқур хұрсинди:

— Ў, Бетти, Бетти, бунча ёмон!

— Мадемуазель, энди мени қизиқтираётган маълумотларни бемалол айтишингиз мумкинligини билдингиз, нима бұлғанда ҳам улар аскотади.

— Ҳа, энди тушуняпман.

— Үнда сұхбатимизни давом эттирайлик. Тасаввур қилишимча, Дональд Фрэзер раشكчи ва зұравонга үхшайди, шундайми?

Меган Барнард паст овозда жавоб берди:

— Мен сизга ишонаман, мсье Пуаро. Сизга бор ҳақиқатни айтаман. Дон, ҳали айтганимдек, ювош, «тухум босиб ётадиган» одам эди, нимани назарда тутаётганимни тушунған бұлсанғиз керак. У ҳеч қачон фикрини очық айтмасди. Құпинча жуда ёмон нарсалар ҳақида үйларди. У раشكчи. Доим Беттини раشك қиларди. Бетти унга шайдо бўлиб қолди, Дон унга



шайдо булиб қолди, лекин фақат бир кишига шайдо булиб, бошқа ҳеч кимни пайқамаслик Беттининг феълига хос эмасди. У ўзига учраган келишган эркакларга эътибор берарди. Ва албатта, «Қизғиш мушук»да ишлаб, эркакларга кўп дуч келарди, айниқса, ёзги таътил пайтида. Унинг тили доим ўткир бўлган, агар хафа қилишса, муносиб жавоб қайтарарди. Қолаверса, улар билан учрашган, кино ёки бирор жойга борган булиши мумкин. Лекин у ўйин-кулгини ёқтиради. У кўпинча, қачондир Донга турмушга чиқаман, шунинг учун ҳозир, имкони борида ўйин-кулги килиб олиш керак, дерди.

Меган жим булиб қолди.

– Тушунаман. Давом этинг, – деди Пуаро.

– Унинг фикрлашини Дон тушунолмасди. Уни ёқтиргандан кейин нима учун бошқалар билан учрашишни хоҳлаётганидан жаҳли чиқарди. Бир ёки икки марта улар шу туфайли қаттиқ уришишган.

– Жаноб Фрэзер босиқлигини йўқотармиди?

– Барча босиқ одамлар сингари. Уларнинг жаҳли чиқса, жуда ёмон чиқади. Дон шундай дарғазаб бўлардики, Бетти қўрқиб кетарди.

– Бу қачон бўлганди?

– Жанжаллардан бири бир йил аввал, бошқаси эса, энг ёмони, бир ойча аввал бўлганди. Дам олиш кунлари уйда эдим, уларни яраптиришимга тўғри келди. Ўшанда Беттига тушунтиришга уриндим, унга нодонлигини айтдим. У бунинг ёмон томонини кўрмаётганини айтди. Лекин ўзини тентакларча тутди. Биласизми, ўтган йилги жанжалдан кейин бироз ёлғон-яшиқ қўшиб гапиришни одат қилди. Охирги жанжал Беттининг Донга дугонасиникига кетаётганини



айтгани, у эса Беттининг Истборга қандайдир эркак билан кетганидан хабар топгани туфайли келиб чиқди. Эркак оиласи экан, шунинг учун эҳтиёткорлик қилган, бу эса вазиятни баттар оғирлаштирган. Бетти билан Дон ўртасидаги жанжал жуда хунук бўлди. Бетти унга ҳали турмушга чиқмаганини, истаган одами билан юришга ҳақи борлигини гапирди. Доннинг ранги оқарди, титраб кетди ва қачондир... қачондир...

– Нима?

– Қотиллик содир этишини айтди, – деб гапини тугатди Меган паст овозда.

Киз жим бўлиб, Пуарога қаради. У ғамгин бош чайқади:

– Шунинг учун, табийки, сиз қўрқансиз...

– Мен бир дақиқага ҳам Доннинг чиндан ҳам шундай қилганини тасаввур қилолмайман! Лекин шундай деб ўйлашлари мумкинлигидан қўрқаман. Ўша жанжал ва айтган ҳамма гаплари – баъзилар буни билишади.

Пуаро яна ғамгин бош чайқади:

– Ҳа. Мадемуазель, сизга шуни айтишим мумкини, буларнинг бари қотилнинг худбинона кеккайиши туфайли юз берди. Доналъд Фрэзер фақатгина АВС-нинг савдоийларча мақтанчоқлиги туфайли шубҳадан қочиб кутулиши мумкин. – У бироз жим қолдида, кейин сўради: – Ўшандан кейин синглингиз ўша оиласи эркак ёки бошқа бирортаси билан учрашганми?

Меган бош чайқади:

– Билмайман. Ахир мен кетгандим-ку.

– Аммо нима деб ўйлайсиз?

– Яна учрашган бўлиши, амримаҳол, айниқса, ўш эркак билан. У жанжал чиқиши мумкинлигини ту-

шуниши билан ғойиб бўлди, лекин Бетти яна бир неча марта Донга ёлғон гапирган бўлса, ажабланмасдим. Биласизми, у рақс тушиш ва кинога боришни жуда ёқтиради, Доннинг эса у билан вақт ўтказишга имкони йўқ эди.

– Ундаи бўлса, синглингиз сирларини кимгадир ишониб айтган бўлса керак? Масалан, қаҳвахонадаги кизга?

– Ундаи деб ўйламайман. У Хиглини умуман ёқтирмасди. Уни беадаб деб ҳисобларди. Бошқалар эса янги эди. Бетти умуман бирорга ишонмасди.

Кизнинг тепасида электр қўнғироқ қаттиқ жиринглади. У дераза ёнига бориб, ташқарига қаради-ю, бошини кескин орқага олди.

– Бу Дон...

– Уни бу ерга таклиф қилинг, – деди Пуаро тез. – У билан шавкатли инспекторимиздан олдин гаплашиб олишни истардим.

Меган Барнارد ошхонадан тез юриб чиқди-да, бир неча сониядан сўнг Дональд Фрэзерни бошлаб кирди.

12-боб Дональд Фрэзер

Йигитга дарров раҳмим келди. Унинг рангпар, ҳорғин юзи ва хидалашган нигоҳидан караҳт эканлигини пайқаш қийин эмасди.

У бўйи деярли олти фут келадиган, унчалик кўркам бўлмаса-да, сепкил босган юзи истарали, ёноғи кенг ва соchlари қизғиш, қомати келишган йигит эди.

– Нима бўлди, Меган? – деди у. – Нима учун? Худо ҳаки, айт менга... Ҳозиргина эшилдим... Бетти...

Унинг овози бўғилди.

Пуаро унга стулни суреб қўйди, йигит ўтириди.

Дўстим чўнтағидан шиша идишча чиқариб, ундағи суюқликдан идиш-товоқ жавонида турган пиёлага кўйди-да, узатди:

– Буни ичинг, жаноб Фрэзер. Енгил тортасиз.

Йигит итоат қилди. Бренді¹⁸ ичгач, юзига қизиллик югурди. Қаддини ростлаб, яна қизга ўгирилди. У ўзини босик тутар, ҳаракатлари тийик эди.

– Шу ростми? – сўради у. – Бетти ўлдими... ўлдиришдими?

– Рост, Дон.

– Сен ҳозиргина Лондондан келдингми? – сўради у беихтиёр.

– Ҳа. Менга дадам қўнғирок килди.

– 9:30 даги поездда бўлса керак? – деди Доналъд Фрэзер. Унинг ақли ҳақиқатдан қочишга уриниб, шу арзимас тафсилотлардан нажот топаётганди.

– Ҳа!

Бир-икки дақиқа жимлик ҳукм сурди, кейин Фрэзер сўради:

– Полиция? Улар бирор нима қилишдими?

– Улар ҳозир юқорида. Ўйлашимча, Беттининг нарсаларини кўздан кечиришяпти.

– Улар билишмайдими, ким... Шубҳа қилишмаятими?

Фрэзер жим бўлиб қолди. Барча таъсирчан, тортишоқ одамлар сингари у зўравонлик ҳақидаги сўзларни тилга олишни ёқтирумасди.

Пуаро бироз олдинга сурилиб, савол берди. У дий, хотиржам оҳангда гапиради, гўё сўраётгани ахамиятсиз тафсилотлардек эди.

¹⁸ Бренді – ўткир спиртли ичимлик.

— Мисс Барнард ўтган оқшомда қаерга бормоқчилигини сизга айтмаганмиди?

Фрэзер саволга жавоб берди. У беихтиёр гапираётганды үхшарди:

— У менга Авлиё Леонарддаги дугонасикига бормоқчилигини айтганди.

— Унга ишондингизми?

— Мен... — У бирдан үзига келди. — Жин урсин! Бу билан нима демоқчисиз?

Унинг ғазаб жазавасида таҳдидли кийшайиб кетганды үзига қараб, қиз чиндан ҳам Фрэзернинг қахридан күрккан бўлиши мумкинлигини англашим.

— Бетти Барнардни ёвуз котил үлдирган, — деди Пуаро аниқ қилиб. — Бор ҳақиқатни айтибгина унинг изига тушишимизга ёрдам бера оласиз.

Фрэзер бир муддат Меганга қараб колди.

— Ҳа, Дон, — деди қиз. — Бизнинг ёки яна бировнинг туйғулари билан ҳисоблашишга вакт йўқ. Ҳаммасини очиқласига айт.

Дональд Фрэзер Пуарога шубҳаланиб каради:

— Сиз кимсиз? Полициядан эмасмисиз?

— Мен полициядан кўра яхшироқман, — деб жавоб берди Пуаро. У бу гапни кибрсиз айтди. Унинг учун бу бор гапнинг тасдиғи эди.

— Айтиб бер, — деди Меган.

Дональд Фрэзер таслим бўлди.

— Ишончим комил эмасди, — деди у. — Шундай деганида, унга ишондим. Бошқа ҳеч нима ҳакида үйлададим. Кейин, балки, унинг услубида нимадир бор эди, чоғи... Мен... мен қизиқа бошладим.

— Шундайми? — суради Пуаро.

У Дональд Фрэзернинг рӯпарасида ўтиради. Йигитга қадалган кўзлари гипноз қилаётганды үхшарди.

— Үзимнинг бадгумонлигимдан уялардим. Лекин... мен шунақаман... Бориб, қаҳвахонадан чиқишини кузатмоқчи эдим. Чиндан ҳам у ерга бордим. Аммо кейин бундай қилолмаслигимни сездим. Бетти мени кўриб қолиши мумкин эди, унинг бундан жаҳли чиқсан бўларди. Бир куни уни кузатиб юрганимни пайқаб қолди.

— Нима қилдингиз?

— Авлиё Леонардга жўнадим. У ерга соат саккизларда етиб бордим. Кейин уни топишга уриниб, автобусларни қарадим... Лекин у ерда Беттининг изи йўқ эди..

— Кейин-чи?

— Мен... мен бутунлай ақлимни йўқотиб қўйдим. Унинг бирор эркак билан бирга эканлигига амин эдим. Балки, уни машинада Гастингсга олиб кетгандир, деб ўйладим. У ёқка жўнадим, меҳмонхоналарни, ресторанларни қараб чиқдим, кинотеатрларга кирдим, пирс¹⁹га чиқдим. Ҳаммаси бемаънилик эди! Бетти у ерда бўлган тақдирда ҳам, уни топа олиш им гумон эди, қолаверса, уни олиб кетиши учун Гастингсдан бошқа жойлар ҳам кўп эди. — У жим булиб қолди. Овози бир маромда қолса-да, ҳикоя қилган пайтида ақлни оладиган, чидаб бўлмас азоб ва ғазаб оҳангларини пайқадим. — Охири бунга қўл силтаб, қайтиб келдим.

— Соат нечада?

— Билмайман. Пиёда қайтдим. Уйга қайтганимда, яrim тун ёки ундан кеч бўлган бўлса керак.

— Кейин...

Ошхона эшиги очилди.

— Бу ерда экансизлар-да, — деди инспектор Келси.

¹⁹Пирс – кемалар боғлаб қўйиладиган маҳсус жой.



Инспектор Кроум унинг кетидан кириб, Пуаро ва икки нотаниш одамга қараб қўйди.

– Мисс Меган Барнард ва жаноб Доналд Фрэзер,
– деб уларни таништириди Пуаро.

– Бу Лондондан инспектор Кроум, – деди у ёшларга қараб. Кейин инспекторга ўгирилиб, давом этди:

– Сиз юқорида текширув ўтказгунча мен бу ишга ойдинлик киритадиган бирор нима топиш умидида мисс Барнард ва жаноб Фрэзер билан сұхбатлашдим.

– Наҳотки? – деди инспектор Кроум. У Пуаро ҳакида эмас, икки янги киши ҳақида ўйларди.

Пуаро холл²⁰га йўналди. Инспектор Келсининг ёнидан ўтиб кетаётганда, мулойимлик билан сўради:

– Бирор нима чиқдими?

Бироқ уни ҳамкасби чалғитач, жавобни кутмади.

Мен Пуаронинг кетидан холлга чиқдим.

– Сиз учун бирор нима ойдинлашдими, Пуаро?
– деб сўрадим.

– Фақатгина қотилнинг ажойиб ҳиммати, Гастингс.

Мен унинг нимани назарда тутаётганини тушунмаганимни айтишга ботинмадим.

13-боб Мажлис

Мажлислар!

АВС иши ҳақидаги хотираларимнинг каттагина қисми мажлислар билан боғлиқ.

Скотленд-Ярддаги мажлис. Пуаронинг кошонасидаги. Расмий мажлислар. Норасмий мажлислар.

²⁰ Холл – кўпинча жамоат биноларида кутиш ёки дам олини учун ажратилган катта хона.

Бу мажлисга эса, аноним хатларга оид маълумотларни матбуотда эълон килиш керакми ёки йўқми, шуни ҳал килиш учун йиғилдик.

Бексхиллдаги қотиллик Андовердагига нисбатан анча кўп эътиборни тортди. Жозибали киз қурбон бўлди. Қотиллик соҳилдаги оммабоп курортда юз берди. Қотилликнинг барча тафсилотлари ошкор килинди ва ҳар куни таниб бўлмас даражада такрорланарди.

«ABC» темир йўл маълумотномаси ҳам ўз ўрнини эгаллади. У қотил поездда келиб, Лондонга қочмокчи бўлган, деган фикр уйготарди. Маъқул кўрилган тахминга кўра, маълумотнома якин атрофда сотиб олинган бўлиб, қотилнинг шахсини аниқлашда муҳим далил эди. Лекин Андовердаги қотиллик ҳақидаги сийрак хабарларда темир йўл маълумотномаси умуман тилга олинмасди, шунинг учун у пайтда жамоатчилик назарида бу икки қотилликнинг умумий жиҳати кам эди.

– Биз ҳаракат йўналишини белгилаб олишимиз керак, – деди комиссар ёрдамчиси. – Муаммо шундаки, қайси йуллар билан энг яхши натижаларга эришамиз? Далилларни ошкор этиш, жамоатчиликнинг қўллаб-қувватлашига умид қилиш – бу телбани кузатувчи...

– У телба эмас, – деб гап кистирди доктор Томпсон.

– ...«ABC» савдосини назорат қилувчи... ва ҳоказода ёрдам берувчи бир неча миллионлаб одамлар билан ҳамкорлик бўларди.... Бошка томондан, у одамга ниятларимизни билишига йўл қўймасдан, «яширинча» ишлашнинг ҳам фойдаси бор, деб ўйлайман. Аммо ҳам гап шунда-да, у шундоқ ҳам бизга нималар маъ-

лумлигини жуда яхши билади. Хатлари билан атай ўзига эътиборни тортади. Сиз нима деб ўйлайсиз, Кроум?

— Мен ҳам шундай фикрдаман, сэр. Агар буни овона қилсангиз, АВСни ўйинга тортган бўласиз. Бу эса айнан унга керак нарса — овоза бўлиш, ёмон ном чиқариш. Бу — у интилаётган нарса. Тўғри айтяпманманми, доктор? У кўзга ташланадиган сарлавҳаларга ўч.

Томпсон бош иргади.

Комиссар ёрдамчиси ўйланиб гапирди:

— Демак, унга орзу қилаётган шухратини бермаслик керак. Сизнинг фикрингиз қандай, мсье Пуаро?

Пуаро бир муддат жим ўтиради. Тилга киргач эса сўзларни яхшилаб танлаб гапирди:

— Айтиш қийин, жаноб Лайонел. Мен, пайқаганингиздек, манфаатдор томонман. Бу даъват менга нисбатан бўлди. Агар: «Далилларни сир тутинг, овоза қилманг» десам, бу менинг такаббурлигимдек қабул қилинмасмикин? Ўз обрўимдан хавотирланаётгандек кўринаманми? Айтиш қийин. Ошкор қилиш, ҳаммасини айтиб бериш — бунинг ўз афзалликлари бор. Ҳар қалай, шунинг ўзиёқ огоҳлантириш бўлади... Бошқа томондан эса, мен ҳам, инспектор Кроум сингари, аминманки, бу — қотил биздан истаётган нарса.

— Ҳм-м! — деди комиссар ёрдамчиси иягини ишқалаб. У нигоҳини доктор Томпсонга тикди. — Дейлик, ойпарастимиз ўч бўлган овоза қилишни рад этамиз. У қандай йўл тутиши мумкин?

— Бошқа жиноят содир этади, — деб юборди доктор, — дарров!

— Агар сарлавҳаларни расво қилиб ташласак-чи? Унда қандай муносабат бўлади?

— Худди шундай. Биринчи йўлдан юрганда, унинг кибрини тезлатасиз, иккинчисида эса — эътиборга олмаган бўласиз. Оқибати бир хил — кейинги жиноят.

— Нима дейсиз, мсье Пуаро?

— Доктор Томпсоннинг фикрига кўшиламан.

— Оқибати барибир бир, шундайми? Нима деб ўйлайсиз, бу ойпараст қанча жиноятни режалаштириб қўйган?

Доктор Томпсон Пуарога қаради.

— Афтидан, А дан Z гача, — деди у шўх овозда.

— Бунга эришолмайди, албатта. Ҳатто якин ҳам боролмайди. Сизлар аввалроқ қувиб етасизлар. Қизиқ, у X ҳарфи билан қандай йўл тутарди? — Энди у жиддий оҳангга ўтди. — Лекин сизлар уни анча аввал қўлга оласизлар. Дейлик, G ёки H да.

Комиссар ёрдамчиси столни муштлади.

— Жин урсин! Нима, бизни яна бешта қотиллик кутяпти, демоқчимисиз?

— Бунчага бормайди, сэр, — деди инспектор Кроум, — менга ишонинг.

У ишонч билан гапирди.

— Қайси ҳарфда тўхтаяпсиз, инспектор? — сўради Пуаро.

Унинг овозида енгил истехゾ бор эди. Кроум унга, назаримда, менсимайроқ қаради.

— Эҳтимол, кейингисида, мсье Пуаро. Нима булганда ҳам, уни F га етгунча ушлай оламиз, кафолат бераман.

У комиссар ёрдамчисига ўгирилди:

— Ўйлашимча, воқеа психологияси менга анча асан. Бирор нима нотўғри бўлса, доктор Томпсон мени тузади. Ҳар гал ABC жиноят содир этганда, магрур



лиги юз фоизга ошишини тасаввур қиляпман. У ҳар гал: «Мен ақлиман, улар мени тутишолмайди!» деб ўйлади. У ўзини ғолиблардек сезиб, манман ва бепарво бўлиб боради. Ўз ақлига ва бошқаларнинг аҳмоқлигига ортиқча баҳо беради. Ҳадемай эҳтиёткорлик чораларига аҳамият бермай қўяди. Шундай эмасми, доктор?

Томпсон бош иргади:

– Одатий ҳолат. Тиббий ибораларни ишлатмасдан бундан яхшироқ баён қилиб бўлмайди. Сиз бундай нарсалар ҳақида бирор нима биласизми, мсье Пуаро? Бу фикрга қўшиласизми?

Томпсоннинг Пуарога мурожаат қилгани Кроумга маъқул бўлди, деб ўйламайман. У ўзини бу соҳада ятона мутахассис деб ҳисобларди.

– Ҳаммаси инспектор Кроум айтганидек, – маъқуллади Пуаро.

– Паранойя²¹, – тўнғиллади доктор.

Пуаро Кроумға ўгирилди:

– Бексхиллдаги иш бўйича бирор аҳамиятли маълумот борми?

– Аниқ ҳеч нима йўқ. Истборндаги Силендайд официантини ўлдирилган қизнинг суратига қараб, 24-санада ўша ерда кўзойнак таққан ўрта ёшлардаги эркак билан овқатланган ёш аёлни таниди. Бексхиллдан Лондонга кетишда ярим йўлда жойлашган «Алвон чопар» емакхонасида ҳам худди шундай бўлди. Айтишларича, қиз 24-санада кечки тўққизларда ҳарбий-денгиз офицерига ўхшайдиган одам билан бирга бўлган. Улар ҳам, булар ҳам ҳақ бўлиши мумкин эмас, лекин уларнинг қайси биридир, балки, ҳақдир. Бошқа

²¹ Паранойя – руҳий қасаллик.



таниғанлар ҳам жуда кўп, албаттга, лекин уларнинг аксарияти ярамайди. АВСнинг изига тушолмадик.

— Майли. Кўлингиздан келганини қилганга ўхшайсиз, Кроум, — деди комиссар ёрдамчиси.

— Нима дейсиз, мсье Пуаро? Текширувдаги йўналишлардан бирортаси сизни қониқтирадими?

Пуаро шошилмай жавоб берди:

— Менимча, жуда муҳим бир калит бор — сабабни аниқлаш.

— Бу шундок ҳам аён эмасми? Алифбо уйғунлиги. Шундай эмасми, доктор?

— Ҳм-м, — деди Пуаро, — бу алифбо уйғунлиги. Лекин нима учун алифбо уйғунлиги? Телбада жиноят содир этиши учун доим жиддий сабаб бўлади.

— Кўйсангиз-чи, мсье Пуаро, — деди Кроум, — 1929 йилдаги Стоунменни эсланг. У асабига теккан ҳар кимни ўлдиришга уринган.

Пуаро унга ўгирилди:

— Тўғри. Агар сиз етарлича буюк ва нуфузли шахс бўлсангиз, энг майда асабга тегувчилардан ҳам холи бўлишингиз керак. Агар пашша пешонангизга қайта-қайта қўниб, қитиқлаши билан жаҳлингизни чиқарса, нима қиласиз? Уни ўлдиришга чоғланасиз. Бу борада шубҳангиз йўқ. Сиз муҳимсиз... пашша эса — йўқ. Сиз пашшани ўлдирасиз, аччиқланиш ўтиб кетади. Ҳаракатларингиз сизга олижаноб ва адолатлицек кўринади.

Пашшани ўлдиришга бошқа сабаб тозаликка жуда ўчлигингиздир. Пашша — жамият учун хавф туғдириши мумкин, уни йўқотиш керак. Ақлдан озган жиноятчининг мияси шундай ишлайди. Энди ўз вазия-



тимизни тушуниб олайлик: агар қурбонлар алифбо тартибида танланган бўлса, улар қотилни ғазаблантирган манба бўлгани учун ўлдирилмаяпти. Иккала ҳолатни бирлаштириш учун ҳаддан ташқари кўп ўхшашликлар бўлиши лозим.

— Худди шундай, — деди доктор Томпсон. — Бир воқеа эсимда: бир аёлнинг эри ўлимга ҳукм қилинганди. У маслаҳатчилар суди аъзоларини бирин-кетин ўлдиришни бошлаган. Жиноятлар бир бутун қилиб боғланишидан бевосита олдин бу бутунлай тасодифдек кўринган. Лекин, мсье Пуаро айтганидек, жиноятни «пала-партиш» содир этадиган қотиллар бўлмайди. Улар одамларни ёки йўлларида турганлари (салгина бўлса ҳам) учун ёки бирор қатъий фикрга кўра йўқ қилишади. Улар полициячилар ёки фоҳишаларни йўқ қилишади, чунки улар йўқ қилиниши кераклигига ишончлари комил. Назаримда, бизнинг ҳолатимизда буларнинг ҳеч бири тўғри келмайди. Миссис Ашер ва Бетти Барнардни бир синф вакилалари сифатида бирлаштириб бўлмайди. Тўғри, бу жинсий уйғунлик бўлиши мумкин, албатта. Иккала қурбон ҳам аёл эди. Бу ҳақда кейинги жиноятдан кейин фикрлашимиз осонроқ бўлади...

— Худо ҳақи, Томпсон, кейинги жиноят ҳақида бунчалик дадил гапирманг! — деб хитоб қилди сэр Лайонел аччиқланиб. — Биз унинг олдини олиш учун қўлимиздан келганини қилишимиз керак.

Доктор Томпсон индамади-ю, бир қадар ғашга тегадиган тарзда бурун қоқди.

— Ўз тахминингизни айтинг. Агар далилларни пайкашни истамасанғиз...



Комиссар ёрдамчиси Пуарога мурожаат қилди:

— Нимага шама қилаётганингизни кўриб турибман, лекин менга ҳали ҳаммаси тушунарли эмас.

— Қотил айнан қандай фикр юритган, деб ўзимдан сўраяпман, — деб гап бошлади Пуаро. — У, хатларидан кўриниб турибдики, ўз кўнглини очиш, «ўзини синаш мақсадида» ўлдиради. Чиндан ҳам шундай бўлиши мумкинми? Мабодо шундай бўлса ҳам, қурбонларини, алифбо бўйича танлашдан ташкари, яна қандай танлайди?! Агар у фақатгина кўнглини хушлаш учунги на ўлдирганда, буни овоза қилиб ўтирмасди, ҳеч бўлмаса қотилликлари учун жазоланмаслик мақсадида ҳам. Бироқ йўқ, у, ҳаммамиз сезганимиздек, шов-шув кўтаришга, жамоатчилик назарида ўзи ҳақида фикр ўйғотишга ҳаракат қиляпти. Унинг шахси қай тариқа «бўғилган» ва бунинг у танлаган икки қурбонга қандай боғлиқлиги бор? Ва сўнгги тахмин: унинг ҳаракатларига шахсан менга, Эркюль Пуарога бўлган нафрati сабаб бўлса-чи? Уни қачондир фаолиятим давомида (ўзим сезмаган ҳолда) мағлуб қилганим учун оммавий равишда менга қарши чиқаётган бўлса-чи? Ёки, балки, унинг нафрati мужмал — хорижликка қарши қаратилган бўлса-чи! Агар шундай бўлса ҳам, барибир, бунга нима сабаб бўлган? Хорижликлар унга қандай алам етказишган?

— Анча баҳсли саволлар, — деди Томпсон.

— Ҳа... Буларга ҳозир жавоб бериш бироз қийин, — деб унинг гапини маъқуллади инспектор Кроум.

— Дустим, шундай бўлса-да, — Пуаро унга тик каради, — жавоб айнан шуларда, шу саволларда яширин. Агар биз телбамиз нима учун бу жиноятларни содир этаётгани сабабини — эҳтимол, биз учун аклга тўғри

келмайдиган, унинг учун эса мантиқий сабабни аниқ билганимизда, кейинги қурбон ким бўлиши мумкинлигини била олардик.

Кроум бош чайқади:

– У қурбонларни тасодифий равишда танлайди – менинг фикрим шу.

– Бағрикенг қотил, – тўнғиллади Пуаро.

– Нима дедингиз?

– Мен бағрикенг қотил деяпман! Агар АВСнинг огоҳлантирувчи хатлари бўлмагандан, Франц Ашер хотинини, Дональд Фрэзер Бетти Барнардни ўлдиргани учун ҳибсга олиниши мумкин эди. Ёки у шунчалик кўнгилчанмики, бошқаларни азоб чекишга мажбур килолмаса?

– Мен бундан-да ғалати воқеаларни эшитганман, – деди Томпсон. – Қурбонлардан бири дарров ўлмасдан, узоқ азоб чеккани учунгина олти кишини тилка-тилка қилиб ўлдирган одамларни биламан. Аммо бу бизнинг қотилга хос деб ўйламайман. У ўз шухратини орттиришни истайди. Бундай изоҳ энг мос тушади.

– Жиноятларни ошкор қилиш борасида барibir бир карорга келмадик, – деди комиссар ёрдамчиси.

– Кошки, таклиф қила олганимда, сэр, – деди Кроум.

– Кейинги хатни кутсак-чи? Ундан сўнг тезкор нашрда эълон қилсак. Бу кўрсатилган шаҳарда бироз ваҳима туғдиради, лекин фамилияси Сдан бошланадиган ҳар бир кишини сергак туришга мажбур қиласди ва бу АВСнинг жасоратини синаб куради. Бу уни ҳаракатланишга мажбур қиласди. Ўшанда ҳаммамиз уни қўлга туширамиз.

Келажак бизга нималарни тайёрлаётгани ҳақида жуда кам нарса билардик.



14-боб Учинчи хат

ABCдан учинчи хат келган пайтни жуда яхши эслайман.

ABC фаолиятини давом эттира бошлаганда, ортиқча сусткашлик бұлмаслиги учун барча эҳтиёт чоралари күрилди, деб айтишим мумкин. Уйга Скотленд-Ярдан ёш сержант бириктирилди, агар Пуаро ва мен бұлмасам, почтани у очиши керак эди.

Кун кетидан кун ўтар, сабрсизлик ортиб борарди.

Инспектор Кроумнинг жиноятни очишга олиб борувчи «күп нарса кутса бұладиган» иплари бириң-кетин узилгани сайин унинг бегонасираши ва такаббурлиги яққолроқ билиниб борарди. Бетти Барнард билан бирга күрилган одамларнинг тавсифи кераксиз бўлиб чиқди. Бексхилл ва Куден атрофига пайкарган ҳар хил машиналар текшириб чиқилди... «ABC» темир йул маълумотномалари сотувини текшириш беайб одамлар орасида хавотир уйғотди.

Мен билан Пуарога келсак, ҳар гал почтачининг эшик тақиллашини эшиганимизда, юракларимиз гур силлаб уриб кетарди: ҳар қалай, мен шуни ҳис килардим; аниқ айттолмайман, лекин, назаримда, Пуаро ҳам шундай ахволда эди. Тахминимча, у бу ишнинг шундай кетаётганидан хафа эди. Вокеалар кутилмаган тус олгудек бўлса, шу ерда бўлишни маъқул кўриб, Лондондан кетишни истамади. Ўша ниҳоятда таҳликали кунларда хатто мўйлови ҳам кутилмагандага эгасининг эътиборидан мосуво бўлиб, сўлиб қолди.

ABCдан учинчи хат жума куни келди. Кечки хат-хабар келганда, соат тўққизга яқинлашиб қолганди...

Таниш қадам товушлари ва шахдам тақиллаш эшигилганда, туриб, почта қутиси ёнига ўтдим. Эсим-



да, у ерда тўртта ёки бешта хат бор эди. Охиргисида манзил босма ҳарфлар билан ёзилганди.

– Пуаро! – деб бақирдим... Овозим қотиб қолди.

– Келдими? Очинг, Гастингс. Тезрок. Ҳар бир сония ҳисобда. Режа тузиш керак!

Конвертни йиртиб очдим (Пуаро бу гал пала-партишлигим учун менга таъна қилмади) ва босма ҳарфлар ёзилган варакни олдим.

– Үқинг, – деди Пуаро.

Овоз чиқариб үқидим:

– «Бечора жаноб Пуаро, сиз бу кичик жиноятларда унчалик моҳир эмасмисиз? Камолга етган паллангиз ортда қолганми-а? Қуромиз, бу гал натижани яхшилай олармикинсиз. Бу гал енгилроқ. Черстон, 30-да. Бирор чора куришга яхшилаб ҳаракат қилинг! Биласиз, ҳаммасини ўзи истагандек амалга ошириш зерикарлироқ!

Омадли ов тилайман.

Сизнинг доимий АВСингиз».

– Черстон, – дедим, «АВС»нинг биздаги нусхаси томон отилиб. – Қаердалигини кўрайлик-чи.

– Гастингс. – Чинқироқ овоз гапимни бўлди. – Бу хат қаҷон ёзилган?

Хатга карадим:

– 27-да ёзилган.

– Тўғри эшитдимми, Гастингс? У қотиллик кунини 30-га белгилаганми?

– Ҳа, шундай. Бир дақиқа, бу...

– Э Худо, Гастингс, тушунмаяпсизми? Уттизинчи – бугун!!!

У кўли билан девордаги тақвимга ишора қилди. Ишонч ҳосил қилиш учун газетанинг янги сонини олдим.

— Лекин нимага... қанақасига... — Ҳаяжондан тутилиб қолдим.

Пуаро йиртилған конвертни полдан олди.

Миямда манзил билан боғлик гайриоддий нимадир сал-пал пайдо бұлғандек бұлди, лекин хат мазмунидан қаттық ташвишда бұлғаним учун манзилга эътибор берадиган ахволда эмасдим.

У пайтда Пуаро Уайтхэйвн-Мэншенсда яшарди. Манзилда шундай ёзилғанди: Эркюль Пуаро, Уайтхорс-Мэншенс. Бурчагида күндалангига қінғир-қийшиқ килиб: «Уайтхорс-Мэншенс ва Уайтхорс-Кортда номаълум — Уайтхэйвн-Мэншесни текшириб күринг» деб ёзилған ёзув бор эди.

— Э Худо! — инграб юборди Пуаро. — Наҳотки ҳатто тасодиф ҳам бу телбага ёрдам бераётган бұлса?! Тезрок, тезрок, Скотленд-Ярдни хабардор қилишимиз керак.

Бир-икки дақиқадан сүнг телефонда Кроум билан ғаплашдик. Бу гал босиқ инспектор: «Наҳотки?» демади. Оғзидан эвидаги лаънатлар отилиб чиқди. У айтмоқчи бұлған ҳамма ғапимизни эшилди, күнғирок килиб, Черстон билан шошилинч халқаро сұхбатга буюртма берди.

— Жуда кеч, — деди Пуаро.

— Бекор буни ишонч билан гапирияпсиз, — деб эътиroz билдиридим, гарчи үзимда ҳам ҳеч қандай умид бўлмаса-да.

У соатига қаради:

— Үндан йигирма бир дақиқа ўтдими? Бир соату кирк дақиқа қолди. АВС шунчалик узоқ кутармикин?

Аввалроқ токчадан олинган маълумотномани очдим.

– Черстон, Девоншир графлиги, – деб ўқидим. – Паддингтон вокзалидан 204/4 миля. Аҳолиси – 656. Жуда кичкина жойга ўхшайди. Шубҳасиз, у ерда оғайнимизни пайқашади.

– Шундай бўлса ҳам, барибир бир кишининг ҳаёти эвазига бўлади, – деди Пуаро. – Қандай поездлар бор? Менимча, поездда тезроқ етиб борамиз.

– Тунги поезд бор – Ньютон-Эбботгача ётоқ вагони – 6:08 да етиб боради, Черстонда эса 7:15 да бўлади.

– Паддингтондан юрадими?

– Ҳа, Паддингтондан.

– Шу поездда кетамиз, Гастингс.

– Йулга тушишдан олдин янгилик йиғишга вактингиз бўлиши даргумон.

– Қайгули хабарни қачон олишимизнинг нима фарқи бор: тундами ёки эртага эрталаб?

– Умуман олганда, ҳа.

Пуаро яна бир марта Скотленд-Ярдга қўнғироқ қилгунча мен баъзи нарсаларни жомадонга тахлаб солдим.

Бир неча дакиқадан сўнг у ётоқхонага кириб, сўради:

– Узр, бу ерда нима қиляпсиз?

– Сизнинг ўрнингизга нарсаларингизни йиғиштирдим. Бу вақтни тежайди, деб ўйладим.

– Ҳиссиётга берилаверманг, Гастингс. Бу қўлларингизга ва тўғри фикрлашингизга таъсир қиласди. Ахир пальтони шундай тахлайдими? Пижамамни нима қилганингизни қаранг. Шампунъ тўкилиб кетса, нима бўлади?

– Жин урсин, Пуаро! – деб бақириб юбордим. – Ҳаёт-мамот масаласи. Кийимимизга нима бўлишининг нима фарқи бор?

— Сизда меъёр ҳисси йўқ, Гастингс. У келишидан аввал поездга чиқмайсиз, кийимнинг расво бўлиши эса ҳеч қанақасига қотилликнинг олдини олмайди.

Пуаро жомадонни қўлимдан куч билан тортиб олиб, ўзи жойлаштиришга киришди. У хат ва конвертни ўзимиз билан олиб кетишимиз кераклигини айтди. Паддингтонда бизни Скотленд-Ярдан кимдир кутиб олади.

Перронга етиб борганимизда, биринчи бўлиб инспектор Кроумни кўрдик.

У Пуаронинг саволомуз нигоҳига жавоб берди:

— Ҳали янгилик йўқ. Ким бўлса, ҳаммаси оёққа турғазилди. Исми Сдан бошланадиганларнинг барчаси имкони борича телефонда огоҳлантириляпти. Имконият кам. Хат қани?

Пуаро хатни берди.

У паст овозда сўкинганча конвертни кўриб чиқди.

— Омадсизликни қаранг, юлдузлар аҳмоқона жойлашуви билан шу нусха томонда.

— Сизга бу атай қилингандек туйилмаяптими? — деб тахмин қилдим мен.

Кроум бош чайқади:

— Йўқ, унинг ўз қоидалари бор — аҳмоқона қоидалари — ва у ўша қоидаларга амал қиласди. Аниқ огоҳлантириш. Бу белгиланган. Унинг мақтанчоқлиги шунда намоён булади. Ўша киши «Ок от» вискисини ичишига деярли аминман.

— Ў, бу дохиёна! — деб хитоб қилди Пуаро. — У босма ҳарфлар билан хат ёзяпти, тўғрисида эса шиша турибди.

— Худди шундай, — деди Кроум. — Ҳамма ҳам ора-сирада худди шундай қиласди — кўз олдида турган нар-



сага ғайришуурый равишда тақлид қиласы. У «Уайт» деб ёзиши бошлаган ва «хэйвн» үрнига «хорс» деб давом эттирган...

Маълум булишича, инспектор ҳам поездда кетаётган экан.

— Қандайдир баҳтли тасодиф билан ҳеч нима содир булмаган бұлса ҳам, Черстонда булиш керак. Қотилимиз үша ерда ёки бугун үша ерда бұлған. Одамларимдан бири бирор нима бұлса-чи деб, поезд жұнаб кетгүнча телефон ёнида үтирибди.

Поезд жойидан жилганды, перронга қараб югураётган кишини күрдик. У инспекторнинг деразасига тенглашиб, нимадир деб бақирди.

Пуаро иккимиз йұлакка ошиқиб, инспекторнинг күпесини тақиллатдик.

— Нима, янгилик борми? — деб сүради Пуаро.

Кроум хотиржам жавоб берди:

— Ёмон янгилик. Сэр Кармайл Кларк боши ёрилған ҳолда топилибди.

Сэр Кармайл Кларк машхур бұлмаса-да, анча юқори мавқега эга одам эди, үз вактида эса жуда таниқли ларинголог бұлған. Нафакага чикқач, ҳәйттегі эңг зүр ишқибозликларидан бири — Хитой сопол буюмлари ва чинни үйіш билан шуғуллана бошлаган. Бир неча йил үтиб, амакисидан каттагина мерос қолғач, қизиқишига буткул берилди. У Хитой чинисининг эңг машхур тұпламларидан бирининг эгасига айланди. Сэр Кларк уйланған, аммо фарзандлари йүк эди, үзи учун Девоншир сохили яқинида курған уйда яшарди. Лондонга камдан-кам, асосан, кимошди савдо уюштирилғанда борарди.



Ёш ва ёқимтой Бетти Барнарднинг ўлимидан кейин унинг ўлими матбуотда қанча шов-шув кўтаришини тасаввур қилиш учун у қадар ақлли бўлиш шарт эмасди. Бу августда, газеталарда қизиқарли материаллар етишмайдиган пайтда содир бўлгани вазиятни баттар огираштиради.

– Яхши, – деди Пуаро, – эҳтимол, ошкоралик алоҳида уринишлар билан эришиб бўлмаган ишни қилар. Энди бутун мамлакат АВСнинг изига тушади!

– Афсуски, бу – у истаган нарса, – дедим мен.

– Тўғри. Бироқ бу уни ҳалок қиласди. Муваффақиятдан рухланиб, эҳтиётсизлик қиласди... Унинг ўз ажирлигига маҳлиё бўлиб қолишига умид қиляпман.

– Пуаро, бу жуда ғайриоддий! – деб ҳайқирдим кутилмаганда бир фикрдан қаттиқ таъсирланиб.

– Сизга бу текширишимизга тўғри келаётган шу турдаги биринчи жиноятдек туйилмаяптими?

– Гапингиз жуда тўғри, дўстим. Шу пайтгача тақдир бизга ичкаридан ишлашни насиб этди. У жуда машхур курбон билан боғлиқ эди. Муҳим жиҳатлари шулар эди: ўлимдан ким манфаатдор? Жиноят содир этиш учун ёнида бўлганларда қандай қулай имкониятлар бўлган? Бу доим «шахсий жиноят» бўлган. Бу ерда эса сиз билан фаолиятимиз давомида биринчи марта совуқкон, бетараф қотилликка дуч келдик. Ташки қотиллик.

Титраб кетдим.

– Бу жуда мудҳиш.

– Ҳа. Мен бошиданоқ, хатни ўқиганимда, бу ерда хунук нимадир борлигини ҳис қилдим... – У аччиқланниб имо-ишора қила бошлади. – Асабларга эрк бериб бўлмайди... Бу – одатдаги жиноятдан ёмонроқ эмас...

– Бу... бу...

— Яқин ва қадрли – сизга ишонадиган одамни эмас, бегонани ўлдиришлари ёмонроқми?

— Бу ёмонроқ, чунки телбавор...

— Йўқ, Гастингс. Бу ёмонроқ эмас. Шунчаки бу – қийинроқ.

— Йўқ, йўқ! Фикрингизга қўшилмайман. Бу ниҳоятда мудхишрок!

Эркюль Пуаро ўйланиб гапирди:

— У ҳолда уни фош этиш осонроқ бўлади, чунки бу телбавор жиноят. Маккор ва соғлом фикрлайдиган одам содир этган жиноят анча чигалроқ бўлади. Агар кимдир ҳеч бўлмаса асл сабабни топа олганда эди... Бу алифбо асосидаги иш... унда зиддиятлар бирам кўпки... Агар сабабини тушуна олганимда, ҳаммаси оддий ва аён бўларди... – У хўрсиниб, бош чайқади.

— Бу жиноятлар давом этмаслиги керак. Тезроқ, тезроқ ҳақиқатнинг тагига етишим зарур... Юринг, Гастингс. Бироз ухлаб оламиз. Эртага ишларимиз жуда кўп.

15-боб Сэр Кармайкл Кларк

Бир томондан Бриксгэм, бошқа томондан Пейnton ва Торки билан ўралган Черстон Торбей дарёси бурилган жойнинг тахминан ярмини қамраб олган. Атиги ўн йил аввал бу жой фақатгина гольф ўйнайдиган майдон, пастдаги далалар эса – денгизга қадар чўзилган ям-яшил кенглик эди. Бироқ яқиндан бери катта курилиш ишлари авж олди, энди соҳил бўйи уйлар, бунгалолар, йўлларга тўла эди.

Сэр Кармайкл Кларк денгизга қараган жойдан икки акр ер майдони сотиб олган. Уй замонавий лойиха

бүйича курилғанди: күзга яққол ташланмайдын оқ түртбурчак шаклида. Түплем жойлашған иккита галерея²²ни хисобға олмаганда, уйни катта деб бўлмасди.

Черстоңга тахминаи эрталаб соат саккизларда етиб бордик. Маҳаллий полиция офицери бизни станцияда кутиб олиб, изоҳ берди:

— Сэр Кармайкл Кларкнинг кечки овқатдан кейин сайр қилиш одати бўлган, шекилли. Полиция қўнғирок қилганда — ўн бирдан кейин — унинг қайтмагани маълум бўлди! Одатда, бир йўналишда сайр қилгани учун жасадни топишга кўп вақт керак бўлмади. Гарданига оғир буюм билан уриш оқибатида ўлган. Марҳумнинг танасида олд томони пастга қаратиб очиб кўйилган «ABC» темир йўл маълумотномаси бўлган.

Комбесайдга (уй шундай аталарди) тўққиз яrimда етиб бордик. Эшикни кекса бош қарол очди, титраётган қўллари ва буришган юзи фожиа унга қанчалик қаттиқ таъсир қилганидан дарак берарди.

- Хайрли тонг, Деверил, — деди ҳамроҳимиз.
- Хайрли тонг, жаноб Уэллс.
- Бу жентльменлар Лондондан келишди, Деверил.
- Марҳамат, жентльменлар, киринглар.

Бош қарол бизни нонушта дастурхони ёзилган узун емакхонага бошлаб кирди.

- Мен жаноб Франклини чакириб келаман.

Бир-икки дақиқадан сўнг хонага юзи офтобда қорайган гавдали малласоч кирди. Бу Франклин Кларк, марҳумнинг ягона укаси эди. Қатъиятли ва, афтидан, кутилмаган ҳолатларга ўрганиб қолган.

²² Галерея — биноларни бирлаштирувчи узун, тор йўлак, бино олдидаги узун айвон.



– Хайрли тонг, жентльменлар.

Инспектор Уэллс ҳаммани бир-бирига таништириди:

– Бу жиноят-қидирув бўлимидан инспектор Кроум, жаноб Эркюль Пуаро ва... ҳалиги... капитан Гайтер.

– Гастингс, – деб тузатдим совуққина.

Франклин Кларк галма-галдан ҳаммамизнинг кўлимини сиқиб чиқаркан, бир-бир қархисидаги одамга тикилиб қаради.

– Сизларни нонуштага таклиф қилишга ижозат этинглар, – деди у, – вазиятни таом устида муҳокама килиб олишимиз мумкин.

Ҳеч ким эътиroz билдиrmагач, мазали бекон ва қовурилган тухум, қаҳва билан нонушта қилдик.

– Энди ишга ўтсак, – деди Кларк. – Мен буни эшигган воқеаларим ичиди энг ваҳшиёнаси деган бўлардим. Инспектор Кроум, буларнинг бари акам савдоийнинг курбони бўлгани, бу учинчи қотиллик эканлиги ва ҳар гал мурданинг ёнида «ABC» маълумотномаси колдириб кетилганини билдирадими?

– Умуман олганда, далиллар шундай, жаноб Кларк.

– Аммо нима учун? Ҳатто руҳан оғир касал бўлган таклирда ҳам, бундай жиноятдан қандай фойда олиш мумкин?

Пуаро маъқуллаб бош ирғади.

– Нишонга аниқ тегдингиз, – деди у.

– Бу босқичда сабабларни суриштириб, тагига етишга уриниш мақсадга мувофиқ эмас, жаноб Кларк, – деди инспектор Кроум. – Бу психиатрларнинг иши, аммо, айтишим керакки, жиноий телбаликларда маълум тажрибага эгаман, уларнинг сабаблари, одатда,

нихоятда гайриоддий бўлади. Ўзини кўрсатиб қўйиш, хуллас, ҳеч нимани эплолмайдиган одам эмас, кимдир бўлиш истаги сезилади.

– Шу ростми, мсье Пуаро?

Жаноб Кларкнинг овозида шубҳа бор эди. Унинг шундай эътиборли одамга мурожаат қилишини инспектор Кроум у қадар хотиржам қабул қилмади.

– Худди шундай, – деди дўстим.

– Нима бўлганда ҳам, у таъқибдан узоқ вақт қочиб кутулоғмайди, – деди Кларк ўйланиб.

– Шундай деб ўйлайсизми? Улар жуда чапдаст. Шуни эсда тутишингиз керакки, бу нусха ташки кўринишдан умуман кўримсиз – у четлаб ўтиладиган, эътибор берилмайдиган ёки мазах қилинадиган одамлар тоифасига мансуб!

– Жаноб Кларк, баъзи нарсаларни аниқлаштириб олишга ижозат берасизми? – сўради Кроум гапга аралashiб.

– Албатта.

– Кеча акангизнинг кайфияти ва соғлиги одатдаги декмиди? Ҳеч қандай кутилмаган хат олмаганмиди? Ҳеч нимадан хафа бўлмаганмиди?

– Доимгидек эди.

– Демак, ҳеч нимадан хафа бўлмаган, кайғуга ботмаган?

– Кечирасиз, инспектор. Мен бундай демадим. Хафалик ва қайғуга ботиш – бечора акамнинг одатий ҳолати эди.

– Нега?

– Балки, сиз билмассиз, унинг хотини, леди Кларк оғир касал. Ўртамиизда қолсин-у, ростини айтсам, у саратонга чалинган, кўп яшамайди. Акам уни ўйлаб,

қаттиқ эзиларди. Ўзим яқинда Шарқдан қайтдим, унинг қанчалик ўзгарганини кўриб, хайрон қолдим.

– Жаноб Кларк, дейлик, акангиз жар этагидан то-пилган... ёки ёнида ётган тўппончадан ўлдирилган, – деди Пуаро. – Биринчи навбатда хаёлингизга нима келарди?

– Тўғрисини айтсам, мен дарров ўз жонига қасд қилиш, деб ўйлардим, – деб жавоб берди Кларк.

– Мана! – деди Пуаро.

– Нима?

– Далилларнинг ўзи айтиб турибди. Бунинг аҳамияти йўқ.

– Нима бўлганда ҳам, бу ўз жонига қасд қилиш бўлмаган, – қўполроқ оҳангда узук-узук гапирди Кроум.

– Жаноб Кларк, тушунишимча, ҳар оқшом сайр қилиш акангизнинг одати бўлган?

– Худди шундай. У ҳар доим шундай қиласарди.

– Ҳар оқшомми?

– Ҳа, агар ёмғир қуймаса, албатта.

– Уйдагиларнинг ҳаммаси унинг одатини билармиди?

– Албатта.

– Бошқалар ҳамми?

– «Бошқалар» деганда кимни назарда тутаётганингизни билмайман. Боғбон, балки, билгандир, балки, йўқ. Ишончим комил эмас.

– Қишлоқда-чи?

– Очиги, бу қишлоқ эмас. Бу ерда фақат почтахона ва Черстон-Феррерсда коттежлар бор, лекин қишлоқ ва дўконлар йўқ.

– Тахминимча, бу атрофда юрган нотаниш одамни пайкаш жуда осон бўларди?

— Аксинча. Августда бу ер нотаниш одамларга тұла бұлади. Улар ҳар куни Бриксгэм, Торки ва Пейнтондан машиналарда, автобусларда, пиёда келишади. А іави ерда, пастдаги кенг пляжлар, — у күрсатди, — жуда оммалашган, Элбери-Коув ҳам — машхур чиройли жой. Буларнинг бари одамларни бу ерларға сайрга келишга чорлайди. Мен буни ёқтирумайман. Июн ва июль бошида бу гүша қанчалик чиройли ва сокин бұлишини тасаввур қилолмайсиз.

— Демак, нотаниш кишини пайқаш қийин, демоқ чисиз?

— Йүк, агар у тентакдек күринган бұлмаса, албатта.

— У одам тентакдек күрінмайды, — деди Кроум ишонч билан. — Нимага шама қилаётганимни тушуняпсизми, жаноб Кларк? У одам бу жойларни аввалдан үрганиб чиққан, акангизнинг ҳар оқшом сайр қилиш одати борлигини аниқлаган. Дарвөке, кеча бу уйга ҳеч ким кириб, сәр Кармайлнни сұрамадими?

— Билишимча, йүк, лекин Деверилдан сұраб күриш мүмкін.

У күнғирчоқчани чалиб, бош қаролға худди шу саволни берди.

— Йүк, сәр Кармайлн ҳеч ким сұрамади, сәр. Үй атрофидә санқиб юрган ҳеч кимни күрмадым ҳам. Оқсоchlар ҳам күришмаган — улардан сұрадим.

Бош қарол бир зум кутгач, сұради:

— Бұлдими, сәр?

— Ҳа, Деверил, бораверинг.

Бош қарол эшикка етганда, ёш аёлни үтказиб юбориб, чиқиб кетди.

Франклин Кларк аёл кирғанда, үрнидан турди.

— Бу мисс Грей, жентльменлар. Акамнинг котибаси.

Кизнинг ноодатий, скандинавча оқ-сариқ соchlари эътиборимни тортди. Унинг соchlари кулранг, деярли рангсиз эди. Бундай оч кулранг кўзларни ва шаффоф-ярқироқ рангпарликни норвег ёки швед аёлларида куриш мумкин. Кўринишидан ёши йигирма еттиларда эди, у фақат ташки кўриниши билан эътиборни тортмасди, балки, ишда ҳам билимдон эди.

– Бирор фойдам тегиши мумкинми? – сўради мисс Грей ўтираётиб.

Кларк қаҳва таклиф қилди, лекин у рад этди.

– Сэр Кармайлкнинг ёзишмаларини сиз олиб борар-мидингиз? – сўради Кроум.

– Ҳа, ҳаммасини.

– У ABC деб имзо чекилган хат ёки бир нечта хат олмаганмиди?

– ABC? – У бош чайқади. – Ишончим комил, олмаган.

– Кечки сайр пайтида бирортасини кўргани ҳакида гапирмаганмиди?

– Йуқ. У бундай гап гапирмаганди.

– Ўзингиз нотаниш одамларни пайқамадингизми?

– Йилнинг бу пайтида, сиз айтгандек, «сандироклаб» юрадиган одамлар кўп булади. Гольф ўйнайдиган ўтзорга щунчаки тикилаётган ёки денгизга олиб тушадиган хиёбон бўйлаб судралиб кетаётган одамларни кўп учратиш мумкин. Қолаверса, йилнинг бу пайтида учраган деярли ҳар бир киши – нотаниш одам.

Пуаро паришон бош ирғади.

Инспектор Кроум сэр Кармайлкнинг доимий сайр йўналишини курсатишни сўради. Франклин Кларк бизни французча (полгача тушадиган) деразадан олиб ўтди, мисс Грей бизга ҳамроҳ бўлди.

У билан мен бошқалардан бироз орқада қолдик.

— Бу ҳаммангиз учун оғир зарба бўлса керак, — дедим мен.

— Бунга ақл бовар қилмайди. Ўша кеча полиция қўнғирок қилганда, ухлашга ётиб бўлгандим. Пастда баланд овозларни эшишиб, нима гаплигини билиш учун тушдим. Деверил ва жаноб Кларк газли фонус билан ташқарига чиқмоқчи бўлиб туришган экан.

— Сэр Кармайл сайдран, одатда, соат нечада қайтарди?

— Тўққиздан чоракта ўтганларда. Одатда, у уйга ён томондаги эшикдан киарди, баъзида дарров ухлашга кетарди, баъзида эса галереяга тўпламларининг ёнига бораради. Шунинг учун полициядан қўнғирок қилишмагунча ғойиб бўлганини пайқашмаган.

— Хотини учун бу жуда оғир зарба бўлса керак?

— Леди Кларк катта миқдордаги морфий таъсирида. У атрофда нима бўлаётганини англайдиган ҳолатда эмас, деб ўйлайман.

Кўча эшикдан гольф ўйналадиган майсазорга чиқдик. Бурчакдан кесиб юриб, ўйик жойдан иланг-билинг тикка сўқмоққа ўтдик.

— Бу сўқмоқ Элбери-Коувга олиб тушади, — тушунтириди Франклин Кларк. — Лекин икки йил олдин Бродсэндздаги асосий йўлдан Элберига олиб борадиган янги йўл солишиди, шунинг учун энди бу сўқмоқ деярли ҳувиллаб қолди.

Сўқмоқдан пастга тушиб бордик. Сўқмоқ этагидан денгизга чиқадиган йўл куманика²³ ва қирқкулоклар чакалакзори орқали ўтарди. Бирдан ўт билан қопланган, денгизга қараган чўқига ва оқ тошлари яркира-

²³ Куманика — майда қора ёки қизил мевали бута ва унинг меваси.

ётган пляжга чиқдик. Атрофда денгизга қадар ям-яшил дараҳтлар үсиб ётарди. Бу жуда чиройли жой эди – оқ, тұқ яшил ва зангори-күк.

– Қандай гүзәл! – деб юбордим завқимни тиёлмай.

Кларк тез мен томонға үгирildи:

– Шундай эмасми? Нега одамлар шундай жойлар бұлатуриб, хорижга Ривьерага кетишга интилишади?! Үз вактида бутун дунёни айланиб чиққанман ва, худо ҳақи, ҳеч қачон бундай чиройли жойни күрмаганман. – Кейин жүшқинлигидан уялгандек, бу вазиятта мосроқ оқангда гапирди: – Бу акамнинг кечаги сайри эди. Кейин чапға қайрилмасдан ферма ёнидан, дала орқали қайтиб тепага чиққан, жасад үша ердан топилған.

Кроум бош ирғади:

– Анча оддий. У одам шу ерда, панада турған. Аканғиз у зарба бермагунча ҳеч нимани сезмасди.

Ёнимдаги қызы сесканиб кетди.

– Бардам бұл, Тора, – деди Франклин Кларк. – Бу мұдхиш воқеа, лекин тафсилотлардан қочишиң ақлдан эмас.

Тора Грей – бу исм унга ярашарди.

Биз уйға қайтиб бордик. У ердан суратта олиб бүлишгандан сүнг жасадни олиб кетишиганди.

Кенг зинадан чиқаётганимизда, хонадан құлида қора сумка күтарған доктор чиқди.

– Биз учун бирор нима борми, доктор? – сүради Кларк.

Доктор бош чайқади:

– Жуда оддий ҳолат. Тергов учун хулосани тайёрлаб құяман. Хуллас, у қийналмаган. Дарров үлган. – Доктор ёнимиздан үтди. – Бориб, леди Кларкни құрай.



Хамма доктор чиққан хонага кирди, мен эса зинада иккиланиб туриб қолдим.

Тора Грэй хали хам зина бошида турарди. Унинг юзида күркувли ифода қотиб қолганди.

— Мисс Грэй... — тутилиб қолдим.

— Нима? — У менга қаради. — Мен Д ҳақида ўйлаётгандим.

— Д ҳақида? — Унга таажжуб билан қарадим.

— Ҳа. Кейинги қотиллик ҳақида. Нимадир қилиш керак. Буни тўхтатиш зарур.

Орқамда хона эшиги ёнида Кларк кўринди.

— Нимани тўхтатиш зарур, Тора? — деб сўради.

— Бу даҳшатли қотилликларни.

— Ҳа. — Кларкнинг жағлари ғазабли қисилди.

— Мсье Пуаро билан гаплашмоқчиман... Нима, Кроум — арзирли одамми? — деб юборди у тўсатдан.

Мен Кроум жуда ақлли офицер эканлигини айтдим. Лекин овозим етарлича дадил эшитилмади, шекили.

— Муомаласи қўпол экан, — деди Кларк. — Ўзини хамма нарсани биладигандек тутяпти, лекин ўзи нимани билади? Англашимча, ҳеч нимани.

У бир-икки дакиқа жим турди.

— Мсье Пуаро менга тўғри келади, — деди кейин. — Бир режам бор. Лекин бу ҳақда кейинроқ гаплашамиз.

У йўлакдан юриб, доктор кирган хона эшигини тақиллатди.

Бир зум иккиланиб турдим. Қиз тўғрига паришон караб турарди.

— Нима ҳақда ўйланиб қолдингиз, мисс Грэй?

У нигоҳини менга тикди:



— Кизик, у хозир қаерда экан... яъни қотил. Бу содир булгандан бери ҳали ўн икки соат ҳам ўтгани йўқ... У! Унинг хозир қаердалиги ва нима қилаётганини айтиб бера оладиган башоратчи бормикин?

— Полиция кидиряпти... — деб бошладим мен.

Оддий сўзларим уни карахтиликдан чиқарди — Тора Грей ўзини кўлга олди.

— Ҳа. Албатта, — деди.

У зинадан тушди. Мен унинг сўзларини ўйлаб, яна бироз турдим.

АВС...

У хозир каерда?

16-боб

(Капитан Гастиңгс тилидан ёзилмаган)

Жаноб Александр Бонапарт Кастан «Торки Палладиум»дан бошка томошибинлар билан бирга чиқди. У ерда «На чумчук бор...» деган юракни эзадиган фильм кўрди.

У кун ёруғидан кўзларини сал қисиб, дайди итдек атрофга кўз югуртириди — бу унга хос одат эди.

— Бу фикр... — деб минғиллади ўзича.

Газета тарқатувчи болалар ёнидан югуриб ўтишаркан, бақиришарди:

— Сўнгги янгиликлар!.. Черстонда савдои қотил!..

Улар ташиб юрган варакаларда шундай деб ёзилганди:

«ЧЕРСТОНДА ҚОТИЛЛИК. СЎНГГИ
ЯНГИЛИКЛАР».

Жаноб Каст чўнтагини кавлаб, танга топди-да, газета сотиб олди, лекин уни дарров очмади. Принцесс-Гарденсга кириб, Торки бандаргоҳига чиқадиган шийпон тагига қараб юрди. Ўриндиққа ўтириб, газетани очди.

Катта сарлавҳа билан шундай деб ёзилганди:

**«СЭР КАРМАЙКЛ КЛАРК ЎЛДИРИЛДИ.
ЧЕРСТОНДА МУДХИШ ФОЖИА.
САВДОЙИ ҚОТИЛНИНГ ИШИ».**

Пастроқда эса:

«Атиги бир ой олдин Англия Бексхиллда ёш қиз Элизабет Барнарднинг ўлдирилишидан ларзага келган ва ҳаяжонга тушган эди. Маълумки, бу ишда «ABC» темир йўл маълумотномаси қатнашган. Полиция иккала қотилликни бир киши содир этган деган фикрда. Савдои қотил бизнинг денгиз курортларимизни айланиб чиқмоқчи эканлиги эҳтимолдан холи эмас...»

Яқинида ўтирган фланель²⁴ шим ва эртексдан тикилган оч мовий кўйлак кийган йигит луқма ташлади:

– Жирканч иш-а?

Жаноб Каст чўчиб тушди:

– Ў, нихоятда... нихоятда...

Йигит унинг қўллари титраб, газетани зўрга ушлаб турганини пайқади.

– Ойпарамстларни аниқлаб бўлмайди, – деб вайсашга тушди йигит, – улар ҳар доим ҳам «анақа» эмас, билсангиз. Улар кўпинча сиздек ёки мендек кўринади...

– Шундай бўлса керак, – деди жаноб Каст.

²⁴ Фланель – ипдан ёки жундан тўқилган енгил мато.

— Шундай. Баъзиларни уруш умуман тузалмас қилиб кўйган.

— Мен... фикримча, сиз ҳақсиз.

— Мен урушни маъқулламайман, — деб давом этди йигит.

Жаноб Каст унга ўгирилди:

— Мен ўлат, цеце пашшаси, очлик ва саратонни маъқулламайман... лекин бу барибир содир бўлади!

— Урушнинг олдини олса бўлади, — деди йигит ишонч билан.

Жаноб Каст кулиб юборди ва маълум муддат ўзини тўхтатолмади.

Йигит бироз безовталанди. «Бунинг ўзи сал тен-такроқ экан», — деб ўйлади.

— Кечирасиз, сэр, урушда бўлгансиз, шекилли? — деди у.

— Бўлганман, — деди Каст, — ва у мени абгор қилди. Шундан бери бошим аввалгидекмас. Оғрийди. Қаттиқ оғрийди.

— Ў! Кечирасиз, — деди йигит қовушмай.

— Баъзida нима қилаётганимни зўрға англайман...

— Ростданми? Майли, мен кетишим керак, — деди йигит ва шошиб кетиб қолди. У соғлиғи ҳақида гапиришни бошлайдиган одамлар қандай булишини биларди.

Жаноб Каст газетаси билан қолди. Уни яна икки марта ўқиб чиқди.

Ёнидан одамлар ўтиб туришарди. Кўпчилик қотиллик ҳақида гапираварди...

— Даҳшат... Билмайсанми, бу хитойликлар билан боғлиқ эмасми? Анави официант қиз хитой қаҳвахонасидан эмасми?..

- Шундок гольф майсазорида...
- Мен буни пляжда бұлған деб эшитдим...
- ...Лекин, азизим, биз Элберидан чойни кечагина отиб келдик...
- ...Полиция құлға туширишига ишоняпти...
- ...Уни исталған дақикада құлға туширишлари мүмкін...
- ...Унинг Торкида эканлиги эхтимолға яқын...
- У аёл бұлған...

Жаноб Каст газетани эхтиётлаб тахлаб, ўриндикқа қүйди. Кейин туриб, бамайлихотир шаҳар томонга юриб кетди.

Ёнидан оқ, пушти, мовий рангли ёзги күйлак, халат ва шорти кийган қыздар үтди. Улар гаплашишар ва кулишарди. Күзлари үтаётган эркакларга баҳо берарди.

Жаноб Каст кичикрөк стол ёнига үтириб, Девоншир қаймоғи билан чой буюртируди.

17-боб Эътиборга лойиқ вақт

Сэр Кармайл Кларк үлдирилгандан сүнг АВС жумбоғи ҳақидаги иш жуда машхур бўлиб кетди. Газеталарда факат шу ҳақида ёзиларди. Ҳар хил турдаги «сирлар»нинг фош этилгани мальум қилинарди. Тез орада ҳибсга олишлар тўғрисида хабар берилди. Қотилликка қайсиdir даражада дахли бор ҳар бир одам ёки жойнинг сурати босилди. Интервью бериши мүмкін бўлған ҳар қандай одам билан интервью чикарилди. Парламентга сўровлар юборилди.

Андовердаги қотиллик қолған иккитасига қўшилди.

Скотленд-Ярдда ҳаммага ошкор қилиш жиноятчи-ни тутишнинг энг яхши йўли эканлигига буткул ишо-нишарди. Буюк Британия ахолиси ҳаваскор изкувар-лар армиясига айланди.

«Дейли флиker» илҳом билан сарлавҳа чиқарди:

«У СИЗНИНГ ШАҲРИНГИЗДА БЎЛИШИ МУМКИН».

Пуаро воқеалар қайнаган жойда эди, албатта. У ол-ган хатлар эълон қилиниб, қўлёзма шаклида берилди. Уни жиноятларнинг олдини олмаганликда айблашарди ва ҳадемай қотилнинг ким эканлигини айтади деб, ҳимоя қилишарди. Маҳаллий мухбирлар тинмай унинг интервьюсини ишлатишарди.

«Мсье Пуаро бугун нима дейди?»

Кейин, одатда, ярим устун bemânyi гаплар ёзиларди:
«Мсье Пуаро вазиятни пессимистларча баҳола-мокда».

«Мсье Пуаро омад остонасида».

«Капитан Гастингс, мсье Пуаронинг эски дўсти маҳсус мухбиришимизга айтиб беришича...»

– Пуаро, – мен ҳўнграб йиглашга тайёр эдим, – ўти-наман, менга ишонинг, мен бундай гапларни гапир-маганман!

Дустим юмшоқ жавоб берарди:

– Биламан, Гастингс, биламан. Айтилган сўз билан босилган сўз уртасида катта жарлик бор. Мана сизга маънони буткул ўзгартирадиган бошқача килиб ёзиш усули.

– Мени айтган деб ўйлашингизни истамасдим...

– Ўзингиз ташвишланманг-да. Бу муҳиммас. Бу бе-мânyiliklar бизга ҳатто ёрдам бериши мумкин.

— Қандай қилиб?

— Яхши! — деди Пуаро. — Агар бизнинг телбамиз бугунги газеталарни ўқиса, менга нисбатан рақиб сифатида ҳар қандай ҳурматини йўқотади. Шунинг узи ҳам катта гап!

Бошқа томондан, Скотленд-Ярд ва маҳаллий полиция тинмай ҳар хил тахминларни билдиради. Жиноят жойи атрофида квартира, жиҳозланган хоналарни ижарага берадиган одамлар суроқ қилинди. «Кўзлари олазарак жуда шубҳали» ёки «гуноҳкор юз»ли одами қўрган одамларнинг юзлаб ҳикоялари дикқат билан ўрганиб чиқилди. Ҳеч бир ахборот, ҳатто энг мавҳуми ҳам эътиборсиз қолдирилмади. Кўплаб одамлар чақирилиб, ўша машъум кеча билан боғлик харатлари ҳақида суроқ қилинди.

Кроум ва унинг ҳамкаслари тиним билмай ишлатган бўлса, Пуаро менга ялқовдек кўринарди...

Биз ҳамма вақт баҳслашардик.

— Мендан нима истайсиз, дўстим? Ишчи тергов – полиция буни мендан яхшироқ уддалайди. Итга ўхшаб у ёқдан-бу ёққа югуриб юришимни истайсизми?

— Уйда ўтиргандан кўра, ҳалиги... ҳалигинга ўхшаб...

— Соғлом фикрлайдиган одамга ўхшаб! Гастингс, менинг кучим бошимда, оёкларимда эмас! Сизга ҳар гал бекор ўтиргандек кўринганимда, фикр юритаман.

— Фикр юритасиз?! – деб бақириб юбордим. – Ахир ҳозир фикр юритадиган пайтми?!

— Ҳа, минг карра – ҳа!

— Лекин сиз учала жиноят тафсилотларини ёддан биласиз.

– Мен тафсилотлар ҳақида эмас, қотилнинг руҳияти, ақли ҳақида фикр юритяпман.

– Қотилнинг ақли ҳақида?

– Худди шундай. Қотилнинг нимага ўхшашини аниқлаганимда, унинг кимлигини биламан. Андовердаги қотилликдан сўнг қотил ҳақида нима билардик? Деярли ҳеч нима. Черстондаги қотилликдан сўнг-чи? Бироз кўпроқ. Мен юз ва гавда бичимини эмас, ақл тузилишини кўра бошлияпман. Ҳаракатланаётган ва ишлаётган ақлнинг. Кейинги жиноятдан сўнг...

– Пуаро!

Дўстим менга совуқконлик билан қаради:

– Ҳа, Гастингс, ҳойнаҳой, яна битта бўлади, деб ўйлайман. Кўп нарса тасодифга боғлиқ. Нотаниш қанчалик омадли бўлиб чиқиши қизик. Омад ундан юз ўгириши мумкин. Аммо нима бўлганда ҳам кейинги жиноятдан кейин биз кўпроқ нарса биламиз. Жиноят жиноятчини яхшигина фош этади. Услубларни, одатларни ўзгартиринг, қалбингиз эса ҳаракатларингиз билан фош бўлади. Тартибсиз белгилар мавжуд, баъзида битта эмас, иккита ақл ишлагандек туйилади, лекин унинг тузилиши аниқлашади, мен билиб оламан.

– Ким у?

– Йўқ, Гастингс, мен унинг исми ва манзилини билиб олмайман! Мен унинг қандай одамлигини билиб оламан...

– Кейин-чи?

– Кейин... «балиқ ови»га чиқаман. – Унга гангигиб қараб туарканман, Пуаро давом этди: – Гастингс, биласизми, тажрибали балиқчи қайси балиқقا қандайчувалчангни таклиф қилишни билади. Мен мос келадиган чувалчангни таклиф қиласман.

— Кейин-чи?

— Кейин-чи? Кейин-чи? Сиз худди нукул «наҳотки?» деб туралып прагматик Кроум сингари бадфеълсиз. Ҳа, майли, кейин у қармоққа илинади. Биз эса уни қармоқда чиқарып оламиз.

— Унгача эса одамлар ҳалок бўлиб кетяпти...

— Уч киши. Ваҳоланки... бир юз йигирма киши ҳар ҳафта йўлларда ҳалок бўлади, шундай эмасми?

— Бу бутунлай бошқа нарса.

— Ҳалок бўлаётганлар учун бу айнан бир нарса бўлса керак. Қолганлар – қариндошлар, дўстлар учун – ҳа, фарқи бор: аммо бу ишда мени ҳеч бўлмагандаги бир нарса қувонтиради.

— Ҳа, менга ақалли битта қувонтирадиган гап айтинг.

— Бекорга бундай пичинг қиляпсиз. Беайбга сира айб қўйилмагани қувонтиради. Шубҳа муҳитида яшаш – сенга боккан кўзларда муҳаббатли ифоданинг нафратга айланишини куриш... Бу заҳарли, бадбўй нарса. Йўқ, беайбнинг ҳаётини заҳарлаш – АВСга ҳеч бўлмагандаги шу айбни қўёлмаймиз.

— Ҳадемай уни оқлашни бошлайсиз, – деб кесатдим.

— Нега энди шундай бўлмасин? Биз унинг кўзлари билан қараганда, хайриҳоҳлик билан тугатамиз ҳам...

— Қойил, Пуаро!

— Э Худо, сизни қойил қолдирдим! Аввалига менинг ҳаракатсизлигим, кейин эса – қарашларим.

Мен жавоб ўрнига бош чайқадим.

— Барибир, – деди Пуаро, – менда сизни қувонтирадиган режа бор – бу режа суст эмас, фаол. Бундан ташқари, у кўп гапларга сабаб бўлади, аммо деярли бирорта фикр уйғотмайди.

— Қандай режа? – деб сўрадим эҳтиёткорлик билан.

– Дўстлар, қариндошлар ва хизматкорлардан билган ҳамма нарсани «суғуриб» олиш.

– Сиз улар ниманидир яширяпти, деб гумон қиляпсизми?

– Атай эмас. Лекин ҳамма билган нарсасини айтиб бериш доим танлаб айтишдан иборат бўлади. Агар сиздан кечаги кун ҳақида айтиб беришни сўрасам, сиз, эҳтимол: «Мен соат тўккизда уйқудан турдим, тўккиз яримда нонушта қилдим, қовурилган тухум билан бекон еб, қаҳва ичдим, кейин эса клубга бордим» деган бўлардингиз ва ҳоказо. «Тирноғимни синдириб олдим, уни кесиб ташлашга тўғри келди. Соқол олишга сув олиб келишларини айтиш учун қўнғироқ қилдим. Дастурхонга озгина қаҳва тўкиб юбордим...» деган гапларни айтмасдингиз. Ҳеч ким ҳаммасини айтиб беролмайди. Демак, улар танлашади. Одамлар ўзларига муҳим туйилган нарсаларни саралашади. Бирок аксарият ҳолларда улар нотўғри фикрлашади!

– Хўш, нима қилиш керак? Керакли тафсилотларни қандай аниқлаштира оламиз?

– Суҳбат йўли билан! Бирор воқеани, ёки бирор одамни, ёки бирор кунни қайта-қайта муҳокама қилиш керак, қўшимча тафсилотлар юзага чиқади.

– Қандай тафсилотлар?

– Мен аниқлаштиришни хоҳлаётган тафсилотлар. Муҳим жиҳатларни қайта тушуниб етиш учун етарлича вакт ўтди – учала қотилликда ҳам «ушлаб олиш» мумкин бўлган бирорта далилнинг йўклиги барча математик қонунларга зид. Йул курсатиш учун бирор бемаъни воқеа, bemânni жумла чиқиши керак! Тан оламан, бу дарёга тушиб кетган игнани қидиришдек гап, лекин дарёда игна бор – бунга аминман!

Унинг гаплари менга мавҳумдек туйилди.

— Курмаяпсизми? Сиз оддий оқсочдек топқыр эмассиз.
Пуаро менга хатни узатди. Хат бир текисда үкувчи-
ларга хос думалоқ ёзув билан ёзилғанди.

«Қадрли сэр, сизга хат ёзишига журъат қилга-
ним учун мени маъзур тутасиз, деб умид қиласа-
ман. Холамнинг үлдирилишига ўхшашига икки
мудҳиш қотилликдан сўнг кўп үйладим. Биз гўё
битта қайиқда ўтиргандекмиз. Газетада ёш
хонимнинг, яъни Бексхиллда үлдирилган ўша ёш
хонимнинг опасини сурати билан чиқаришибди.
Журъат топдим, унга хат ёздим ва Лондонга иш
қидириб боришимни айтдим. Уникига ёки онаси-
никига боришига рухсат сўрадим. Иккита калла
биттасидан яхшироқлигини, менга катта ойлик
керак эмаслигини, ўша иблиснинг кимлигини
аниқлаш кифоялигини айтдим...

Ёш хоним менга жуда илтифотли жавоб ёзди
ва ётоқхонада тургани учун сизга ҳам хат ёзга-
ним маъқуллигини айтди. Щунинг учун сизга
Лондонга кетаётганимни айтиши учун хат ёзяп-
ман, бу менинг манзилим.

*Сизни безовта қилмадим деб умид қиласа-
ман.*

*Хурмат билан,
Мэри Дроуэр».*

— Мэри Дроуэр — жуда ақлли қиз, — деди Пуаро. У
яна битта хатни олди. — Мана буни ўкинг.

Бу хат Франклин Кларкдан келган бўлиб, у Лондон-
га кетаётганини, агар қулай бўлса, эртаси куни кўнғи-
роқ қилишини хабар берганди.

— Умидсизланманг, дўстим, — деди Пуаро, — ҳаракат
ҳадемай бошланади.

18-боб

Пуаро нутқ сұзлайды

Франклин Кларк бизниңиң кундузги соат учда келди.

- Жаноб Пуаро, – деди у, – мен қониқмаяпман.
- Нима бұлды, жаноб Кларк?
- Кроум жуда иқтидорлы офицер, лекин, тұғриси... Дүстингизга бир гал хаёлимда нима борлигини англатгандым... Оёқларимиз тагида ўт үсишига йўл қўй-маслигимиз керак, деб ҳисоблайман...
- Сиз Гастингснинг сұзларини такрорлаяпсиз!
- Биз кейинги жиноятта тайёр булишимиз керак.
- Демак, яна жиноят бўлади деб үйлайсиз?
- Сиз бундай деб ўйламайсизми?
- Албатта!
- Хўп, яхши. Мен бунга нұқта қўймоқчиман.
- Бизга режангиз ҳақида батафсил гапириб беринг.
- Мсье Пуаро, мен сизнинг раҳбарлигингизда ишлайдиган ва ўлдирилганларнинг дўстлари ҳамда қариндошларидан иборат маҳсус легионга үхшаш бир нима ташкил этишни таклиф қиляпман...
- Ажойиб фикр.
- Маъқуллаётганингиздан хурсандман. Кучларни бирлаштириб, бирор нимага эришамиз деб үйлайман. Кейинги огоҳлантириш келганда, бизларнинг бирортамиз воқеа жойида бўлиб, аввалги жиноятларнинг бирортаси содир этилган жой яқинида булган бирор кишини танишимиз мумкин.
- Гоянгизни тушундим ва уни маъқуллайман, лекин биз бошқа қурбонларнинг қариндошлари ҳамда дўстлари сиздек эмаслигини, буткул бошқа доирадан-лигини инобатта олишимиз керак...

Франклин Кларк унинг гапини бўлди:

— Худди щундай. Ҳамма харажатларни кўтара оладиган одам факат менман. Ўзим унчалик бой эмасман, лекин акам бадавлат одам эди ва бу менга таъсир кўрсатди. Ҳали айтганимдек, маҳсус легион ташкил килишни таклиф этяпман. Унинг аъзоларига уларнинг маоши ва, табиийки, қўшимча харажатларига мувофик равишда пул тўланади.

— Легионни кимлардан тузишни таклиф қиляпсиз?

— Бу ҳақда ўйлаб кўрдим. Мисс Меган Барнардга хат ёздим, аслида, бу қисман унинг ғояси. Ўзимни, мисс Барнардни, мархума қизнинг қаллиғи бўлган жаноб Дональд Фрэзерни таклиф қиласман. Кейин андоверлик аёлнинг жияни бор, мисс Барнард унинг манзилини билади. Эрининг бизга ёрдами тегиши даргумон: уни ҳамма вакт ичиб юради, деб эшийтдим. Барнардинг ота-онасини ҳам назарда тутмаяпман — улар фаол ҳаракат учун қарилик қиласми.

— Бошқа ҳеч ким йўқми?

— Ҳа... ҳалиги... мисс Грей.

У қизнинг исмини айтиётуб, бироз қизарди.

— Ў! Мисс Грей?

Бир жуфт сўзда шундай юмшоқ истеҳзони ифодалашда дунёда ҳеч ким Пуарога тенг келолмайди. Франклин Кларк ўттиз беш йилга ёшариб, тортичок мактаб боласига ўхшаб қолди.

— Ҳа. Биласиз, мисс Грей акамнинг қўлида ишлайдиганига икки йилдан ошганди. У атрофни ва у ерда яшайдиганларни, қолган нарсаларни ҳам билади. Ахир мен бир ярим йилдан бери сафарда эдим.

Пуаро унга раҳм қилиб, мавзуни ўзгартирди:

- Шарқда бўлдингизми? Хитойдами?
- Ҳа. Акамнинг нарсалари хариди бўйича экспедиция ўтказдим.

- Бу жуда қизиқ бўлса керак. Майли, жаноб Кларк, гоянгизни ниҳоятда маъқуллайман. Кечагина Гастингсга манфаатдор одамларнинг бирлашиши талаб этилишини гапиргандим. Хотираларни бирлаштириш, фикр алмашиш зарур, охир-оқибат бу иш хақида ҳамма нарсани айтиш, гапириш, гапириш ва яна бир бор гапириш керак. Энг арзимас луқма ҳам ойдинлик киритиши мумкин.

Бир кундан сўнг «Махсус легион» Пуароникида учрашди.

Ҳамма стол юқорисида ўз жойини эгаллаган Пуарога содиклик билан қараб ўтиради. Учала қиз ҳам зътиборни тортарди – ок-сарик сочли Тора Грейнинг гайриоддий гўзаллиги, ғалати, хиндуларники сингари харакатсиз юзли қорачадан келган Меган Барнарднинг жўшқинлиги; назофат билан қора блузка ва юбка кийган Мэри Дроэрнинг истарали закий юзи. Икки эрек – гавдали, офтобда тобланган, гаплашишни яхши қурадиган Франклин Кларк ҳамда камгал ва босиқ Дональд Фрэзер – бир-бирига уҳшамасди.

Пуаронинг қисқа нутқ сўзламаслиги мумкин эмасди, албатта.

- Хонимлар ва жаноблар, бу ерга нима учун тўпланганимизни биласизлар. Полиция жиноятчининг изига тушиш учун қўлидан келганча ҳаракат қиляпти. Мен ҳам шу билан шуғулланяпман. Аммо, назаримда, шахсан қизиқкан ва қурбонларни шахсан билган кишиларнинг учрашуви ҳеч қандай қидирув эга бўлолмайдиган натижаларни бериши мумкин.

Бизда учта қотиллик бор – кекса аёл, ёш қыз ва ёши кайтган эркакнинг. Уларни фақат бир нарса – айнан бир киши үлдиргани бирлаштиради. Бундан чиқди, қотил учта ҳар хил жойда бўлган ва уни, ҳойнаҳой, кўплаб одамлар кўрган. Унинг зўрайиб бораётган босқичдаги жинни эканлиги, шубҳасиз. Бироқ ҳаракатлари унинг жиннилигини ошкор этиб қўймаётгани ҳам айни ҳақиқат. Бу одам эркак ҳам, аёл ҳам бўлиши мумкин, у иблис сингари маккор жинни. У изларни буткул чалкаштириб ташлашга муваффақ бўлди. Полицияда ноаниқ белгилар бор, шу боис уларга асосланиб, ҳеч қандай чора кўролмаяпти. Шундай бўлса-да, ноаниқ эмас, аниқ белгилар бўлиши керак. Ҳеч бўлмаса битта жиҳатни олайлик – ахир ўша қотил Бексхиллга яrim тунда бориб, шундоқкина соҳилда фамилияси В дан бошланадиган ёш ледини учратган бўлиши мумкин эмас-ку...

– Буни батафсил гапириш керакмикин? – деди Дональд Фрэзер. У зўрға гапираётгандек эди.

– Ҳаммасини батафсил гапириш керак, мсье, – деб жавоб берди Пуаро унга қараб. – Биз бу ерда ўз туйғуларимизни авайлаш учун эмас, ҳаммасини аниқлаштириш, керак бўлса, уларни қийнаш учун йиғилдик. Аввал айтганимдек, Бетти Барнард тасодифан АВСнинг қурбони бўлмади. Унинг бу қарори ўйланган, шунинг учун қасдан қилинган эди. У имкониятни аввалдан билиб олиши керак эди. У аввалдан аниқлаштирган нарсалар бор: Андовердаги жиноят учун қулай пайт, Бексхиллдаги мизансцена²⁵, Черстондаги Кармайкл Кларкнинг одатлари. Шахсан

²⁵ Мизансцена – спектаклнинг айрим пайтларида декорация ва актёрларнинг жойланиши.

мен далиллар ва шахсини аниқлаштирадиган заррача ишора йўклигига ишонмайман. Сизлардан бирортангиз, балки, ҳар бирингиз ўзи ҳатто билишини тахмин ҳам қилмаган нарсани билади, деб ўйлайман.

Эртами-кечми ўзаро мулоқот чоғида бирор нима ойдинлашади, биз илгари хаёлимизга ҳам келтирмаган аҳамиятга эга бўлади. Бу мозаикага ўхшайди. Ҳар бирингизда бир парча булиши ва алоҳида тарзда ҳеч нимани англатмаслиги, лекин бошқалар билан бирлашгач, бутун бир манзаранинг маълум бир қисмини ташкил қилиши мумкин.

– Сўзлар! – деб луқма ташлади Меган Барнард.

– Нима? – Пуаро унга саволомуз қаради.

– Сиз айтиётганларингиз. Булар факат сўзлар. Ҳеч нимани англатмайди.

У шундай қизғин гапирадики, мен буни феъл-атворининг ўзига хос жиҳати деб ўйладим.

– Сўзлар ғоянинг ташқи қобиғи ҳисобланади, ма демуазель!

– Ҳа, мен бу жўяли фикр деб ўйлайман, – деди Мэри Дроуэр. – Чиндан ҳам, мисс. Ўзингизга мутлақо аёндек туйилган нарсалар ҳақида гапирганингизда, кўпинча шундай бўлади. Сиз уларни, аслида, қандай бўлганини билмаган ҳолда тасаввур қиласиз. Суҳбат бирор нимани ойдинлаштиради.

– Агар «камрок гапириб, кўпроқ иш қил» деган мақолни эслайдиган бўлсақ, ҳозир биз бунинг тескарисини қилмоқчимиз, – деди Франклин Кларк.

– Сиз нима дейсиз, жаноб Фрэзер?

– Мен сиз айтиётган ғоянинг амалий қўлланилишига шубҳа қиляпман, мсье Пуаро.

– Сиз қандай фикрдасиз, Тора? – сўради Кларк.



— Менимча, гапириб бериш принципи маъқул иш.

— Дейлик, сизлар ҳаммангиз қотиллик арафасида-ти ҳамма нарсани эслашга уриниб кўрасизлар, — деб таклиф қилди Пуаро. — Сиздан бошлай қоламиз, жаноб Кларк.

— Эсимда, Карни ўлдиришган куни эрталаб мен сузишга кетдим. Саккизта скумбрия тутдим, ўша ернинг ўзида, кўрфазда. Тушликни уйда килдим. Ирландча жаркоп еганим эсимда. Тўр беланчакда бироз ухладим. Бир нечта хат ёздим, хат-хабарларни куриб чиқдим, кейин хатларни жўнатиш учун Пейntonга жунадим. Кейин кечки таомни тановул қилдим. Сунг Э.Несбитнинг китобини қайта ўқидим, уни болалигимдан яхши кўраман. Кейин телефон жиринглаб колди...

— Етарли. Жаноб Кларк, энди ўйлаб кўринг, эрталаб денгизга тушаётганингизда, бирор одамни учратмадингизми?

— Кўп одамни кўрдим.

— Балки ўша одамлар ҳақида бирор нимани эсларсиз?

— Йўқ, хеч қандай мудхиш жиҳатни эслолмайман.

— Бунга аминмисиз?

— Ҳа... эслаб кўрайлик-чи... Ажойиб семиз аёлни эслайман, у калта шойи кўйлакда эди. Яна... нега ёнида икки болача борлигига ажабландим... Фокстеръер²⁶ билан турган икки йигит денгиз бўйида тош отишаётганди... Ҳа, чўимилиб, чинқираётган соchlари малла киз бор эди... Қанча кўп нарса эсга тушаётгани қизик, худди суратни кўринадиган қилаётгандек.

— Хотирангиз яхши экан. Хўш, кейин-чи, боғда, почтага кетишида нима бўлди...

²⁶ Фокстеръер — унча катта бўлмаган овчи ит.

– Бөгөн боғни суғораётганди... Нарироқда велосипедчи тұхтади... Гандираклаб, дүстіга бақираётган калтафаҳм хотин. Афсуски, ҳаммаси шу...

Пуаро Тора Грэйга үгирилди.

– Мисс Грэй?

Тора унга аник, дадил овозда жавоб берди:

– Уша куни эрталаб сэр Кармайкл билан хат-хабарларни тартибға солдим, экономкани қидирдим. Хат ёздим, куннинг иккінчі ярмида құл иши билан шуғулландым, шекилли. Эслаш қийин. Буткул одатдаги кун эди. Ухлашга эрта ётдим.

Пуаро мени таажжубға солиб, ундан ортиқ сұраб-сурыштиrmади.

– Мисс Барнард, синглингизни охирги марта қачон күрганингизни эслай оласизми? – деди у.

– Үлимидан иккі ҳаftача олдин. Дам олиш куни уйға боргандим. Ҳаво жуда яхши эди. Гастингсга сузадиган бассейнга бордик.

– Асосан, нима ҳақда гаплашингизлар?

– Мен унга хотираларимни айтиб бердим, – деди Меган.

– Яна нима ҳақда? У нима ҳақда гапирди?

Қызы эслашға уриниб, қовоғини солди.

– У яқындагина шляпа ва бир жуфт ёзғи құлқоп сотиб олғани учун пули йүклигини гапирди. Дон ҳакида ҳам бироз... Кейин Милли Хиглини – у қаҳвахонадаги қызы – ёқтираслигини гапирди, Мэрионнинг – қаҳвахона эгаси бүлған аёл – устидан күлдик... Бошқа ҳеч нимани эслолмайман.

– У, – мени маъзур тутасиз, жаноб Фрэзер, – эхтимол, үзи учратған бирор әрқак ҳакида гапирмадими?

– Менимча, йўқ, – куруқ жавоб берди Меган.

Пуаро жағи түртбұрчак шаклдаги ёш қызғиши соч әркакка үгирилди.

— Жаноб Фрэзер, үтмишга қайтишингизни истайман. Сиз ўша мудхиш оқшомда қаҳвахонага борганингизни айтдингиз. Энг аввало, сиз Бетти Барнардинг чикишини кутмоқчи эдингиз. Эслолмайсизми, у ерда кутиб турған пайтингизда, бирор ким эътиборингизни тортдими?

— У ерда одам жуда күп эди. Ҳар бирини эслол майман.

— Кечирасиз, аммо, балки, уриниб күрарсиз? Ўз хәлларингиз билан қанчалик банд бўлманг, эҳтимол, беихтиёр ғайришуурый равишда бирор нарсани сезгандирсиз, лекин аниқлик билан...

Йигит қайсаrlик билан такрорлади:

— Ҳеч кимни эслаб қолмадим.

Пуаро бош ирғаб, Мэри Дроуэрға үгирилди:

— Ўйлашимча, холангиздан хат олиб турған бўлсангиз керак?

— Ў, ха, сэр.

— Охиргисини қачон олгансиз?

Мэри бир дақиқа ўлланиб қолди.

— Қотилликдан икки кун олдин, сэр.

— Унда нималар ҳақида ёзилганди?

— У қари шайтон атрофида үралашаётганини, ибора учун кечирасиз, унинг кавушини түғрилаб қўйганини ёзганди. Чоршанбада мени кутишини ёзганди. Бу менинг дам олиш куним эди, сэр, у менга кинога боришимизни айтганди. Ўша куни туғилган куним эди.

Нимадир, эҳтимол, кичик ўйин-култи ҳақидаги ўйлар бирдан қизнинг кўзларида ёш пайдо килди. У фарёдини босиб турарди. Кейин ўзини оқлай бошлади:



— Мени маъзур тутишингиз керак, сэр. Нодон кўринишни истамайман. Йиғидан фойда йўқ. Бу – сайртомушаларимизни аввалдан режалаштириш... унинг foяси эди... менинг ҳам. Бу мени ғамга ботирди, сэр.

— Нимани ҳис қилаётганингизни тушунаман, – деди Франклин Кларк, – ҳар доим қандайдир майда нарсалар, айниқса, ўйин-кулги ёки совғалар сингари, қувноқ ва табиий нимадир уларни эслатади. Бир куни автомобиль уриб кетган аёлни кўрганим эсимда. У эндинга пойабзал сотиб олган экан. Мен унинг ётганини ва йиртилган қутини кўрдим, қутидан баланд пошнали кичкина беўхшов туфли чиқиб турганди. Ичим ағдар-тўнтар бўлиб кетди – унинг кўриниши юракни эзарди.

Меган кутилмаған самимият билан гапирди:

— Ҳақиқат, даҳшатли ҳақиқат. Бетти... ўлганда, худди шундай бўлганди. Ойим унга совға сифатида пайпок сотиб олганди... шу воеа содир бўлган куни сотиб олганди. Бечора ойим, у каттиқ қайғуга ботди. Пайпок устида хўнграётганини кўрдим. «Буни Беттига сотиб олгандим... Буни Беттига сотиб олгандим... Унга эса кўриш ҳам насиб қилмади», деб айтиб, йиғлади.

Қизнинг овози титраб кетди. У олдинга – Франклин Кларк томонга сурилди. Уларнинг ўртасида бирдан умумий таассуротларга асосланган ўзаро тушуниш ҳисси туғилди.

— Биламан, – деди Франклин Кларк, – мен аник биламан. Булар эслаш жуда оғир бўлган нарсалар.

Дональд Фрэзер қимиirlаб қўйди.

Тора Грэй гапни бошқа мавзуга бурди.

— Келажакка режа тузмоқчимизми? – сўради у.

— Албатта, — деди Франклин Кларк энди одатдаги ишбилармөнлөргө хос охангда. — Үйлашимча, фурсаты етганды, яъни түрткүч хат келганды, бирга ҳаракат қилишимиз керак. Унгача эса, ҳойнаҳой, ҳар биримиз омадни алоҳида-алоҳида синааб куришимиз мумкин. Билмайман, мсье Пуаронинг фикрича, янги қидирув учун бирор бошланғич нұқта борми?

— Бир нима таклиф қилишим мумкин, — деди Пуаро.

— Яхши. Буни ёзиб оламан. — Кларк ён дафтарины чиқарди. — Гапириңг, мсье Пуаро. Ҳұш?

— Мен официант қызы Милли Хигли фойдалы бирор нима билиши мумкин, деб үйлайман.

«А. — Милли Хигли», — деб ёзды Франклин Кларк.

— Иккита ёндашувни таклиф қиласман. Сиз, мисс Барнард, менинг таъбири билан айтганды, ҳужумкор ёндашувни синааб күришингиз мумкин.

— Үйлашимча, бу менинг услубимга мос келади, деб ҳисоблайсиз? — деди Меган куруққина.

— Қызы билан жаңжал чиқаринг. Синглингизни ҳеч қағон ёқтирганини, синглингиз сизге у ҳақда ҳаммасини гапириб берганини айтинг. Агар адашмасам, бу қарши айбловлар оқимини пайдо қиласам. У сизге синглингиз ҳақида үйлаган ҳамма гапини айтади! Фойдалы далил юзага чиқиб қолиши мумкин.

— Иккінчи услуб-чи?

— Жаноб Фрэзер, сиздан үша қызга қизиқиши билдиришингизни илтимос қылсам бұладими?

— Бу шунчалик зарурми?

— Йўқ, зарур эмас. Бу шунчаки қидирувнинг амал-га оширса бұладиган йўли.

— Мен уриниб қўраман, — деди Франклин Кларк.

— Менинг... ҳалиги... тажрибам катта, мсье Пуаро. Еш



хоним борасида қандай чора күра олишим мүмкінligини үйлаб күришга рухсат этинг.

— Сизнинг үз ролингиз бор, унга амал қилиш керак, — деди Тора Грей анча кескин оҳангда.

Франклиннинг юзини ғам босди.

— Ҳа, — деди у, — бор.

— Айни пайтда у ерда күп нарса қила оласиз, деб үйламайман, — деди Пуаро. — Мадемуазель Грей хозир күпроқ мос келади...

Тора Грей унинг гапини бўлди:

— Биласизми, мсье Пуаро, мен Девонширдан бутунлай кетдим.

— Маъзур тутасиз? Тушунмадим.

— Мисс Грей ишларни тартибга келтиришимда ёрдамлашишга лутфан рози бўлди, — деди Франклин, — аммо, умуман олганда, у Лондонда ишлашни маъкул кўради.

Пуаро синовчан нигоҳини бир унисига, бир бунисиға тикди.

— Леди Кларкнинг аҳволи қандай? — сўради у.

Ранги окариб кетган Тора Грейга анкайиб, Кларкнинг жавобини эшитмай қолаёздим.

— Жуда ёмон. Дарвоке, мсье Пуаро, сиздан сўрамокчи эдим, Девонширга бориб, уни йўқлаш ниятингиз борми? У ҳали мен ўша ердалигимда, сиз билан кўришиш истагини билдириди. Тўғри, кўпинча кетма-кет икки кун меҳмон қабул қиласидиган аҳволда эмас, лекин уриниб кўрсангиз... менинг ҳисобимдан, албатта.

— Албатта, жаноб Кларк. Дейлик, индинга?

— Яхши. Мен ҳамширага хабар бераман, у зарур наркотик воситаларни қабул қилишини ташкиллашибиради.



— Сизга келсак, бұтам, — деди Пуаро Мэрига үгирилиб, — Андоверда фойдали ишни бажарагиз мумкин, деб үйлайман. Болалардан сұраб-суришириши.

— Болалардан?

— Ҳа. Болалар бошқа жойдан келган одамлар билан гаплашишни хоҳлашмайды, сизни эса холангиз яшаган күчада яхши танишади. У атрофда үйнайдиган болалар күп. Улар холангизнинг дүконидан чиқаётган одамни күрган бўлиши мумкин.

— Мисс Грэй билан мен-чи? — сұради Кларк. — Агар Бексхиллга боришим керак бўлмаса...

— Жаноб Пуаро, учинчи хатдаги муҳр қандай эди?
— сұради Тора Грэй.

— Путни, мадемуазель.

— «S.W. 15, Путни» — шундай, тўғрими? — деди у паришон.

— Буни қарангки, газеталар тўғри босишибди.

— Бу ABC лондонлик эканлигидан дарак беради, шекилли.

— Бу нұқтаи назардан олганда — ҳа.

— Унинг изига тушиш зарур, — деди Кларк. — Мсье Пуаро, сизнингча, агар мен эълон берсам... тахминан бундай мазмунда: ABC. Шошилинч. Э.П. изингизга тушган. Жим юришим учун юзталик. XYZ. Бунчалик қўпол тарзда эмас, албатта, лекин фикримни тушундингиз. Шу тарика унинг изига тушиш мумкин.

— Имконият бор... ҳа.

— Унинг менга ўқ узишига уринишини уюштириш мумкин.

— Менимча, бу жуда хавфли ва аҳмоқона, — деди Тора Грэй кескин.

— Нима деб үйлайсиз, мсье Пуаро?

— Уриниш заарар келтирмайды. Лекин АВС ҳийла ишлатади, деб үйлайман. — Пуаро сал жилмайды.

— Назаримда, жаноб Кларк, сиз, агар шундай дейиш мүмкин бўлса, қалбан ҳали ҳам боласиз.

Франклин Кларк бироз хижолат бўлди.

— Майли, — деди у ён дафтариға қараб, — бошлаймиз.
«А. — Мисс Барнард ва Милли Хигли.

В. — Жаноб Фрэзер ва мисс Хигли.

С. — Андовердаги болалар.

Д. — Эълон».

Бу кўп фойда беради, деб үйламайман, лекин кутаётган пайтимизда ақалли шу ишни қилиш мүмкин.

У турди, бир неча дақиқадан сўнг йигилганлар тарқалишди.

19-боб

Швеция орқали кетаётган

Пуаро қандайдир куйни паст овозда хиргойи қилганча қайтиб кирди.

— Унинг бунчалик аклли эканлиги ёмон-да, — деб тўнгиллади.

— Меган Барнард. Мадемуазель Меган. «Сўзлар» — у айтаётган ҳамма гапларим ҳеч нимани англатмаслигини дарров фахмлади.

— Демак, сўзларингизда маъно ифодаламадингиз?

— Ҳамма айтганларимни битта қиска жумлада жамлаш мүмкин эди. Мен эса ҳадеб такрорлайвердим, лекин мадемуазель Мегандан бошқа ҳеч ким буни пайқамади.

— Аммо нима учун?



– Бир жойдан жилиш учун! Ҳаммасига бүлажак ишни англатиш учун! Сұхбатни, буни шундай атаймиз, бошлаш учун!

– Бу йұналишлардан бирортаси бирор натыжа беради, деб үйлайсизми?

– Умид қиласан. – У кулимсираб қўйди. – Фожиа авжида биз комедияни бошлаймиз. Шундай эмасми?

– Нимани назарда тутяпсиз?

– Одамлар драмасини, Гастингс! Бироз мұлоҳаза юритинг. Умумий фожиа бирлаштирган уч гурухға мансуб одамларни. Англиядаги биринчи ишим эсингиздами? Ў, ундан бери қанча йиллар үтиб кетди. Мен бир-бирини севган икки кишини оддий йўл, бирини қотиллик учун ҳибсга олиш оркали бирлаштирудим! Ундан камига умид килмаса ҳам бўларди! Ўлим билан ёнма-ён бўлсак-да, барибир яшаймиз, Гастингс... Қотиллик, бир пайтлар айтганимдек, – бу жуда ажойиб топиштирувчи.

– Чиндан ҳам, Пуаро, – деб ҳайқирдим ғазаб билан, – ишончим комил, бу одамларнинг ҳеч бири битта нарсадан бошқасини үйламаяпти...

– Ў, азиз дўстим! Сизни нима қиласай?

– Мени?

– Албатта-да, улар кетиши билан хонага кираётиб, куй хиргойи қилмадингизми?

– Умуман олганда, күнгилда нимадир бўлса, хиргойи қилишади.

– Ҳа, лекин бу куй менга хаёлларингизни ошкор этди.

– Наҳотки?

– Ҳа. Куй хиргойи қилиш – нихоятда хавфли. Бу гайриихтиёрий үйларни ошкор этиб кўяди. Сиз хиргойи

қылган күй ҳарбий даврларга тегишли бүлса керак.
Бундай. – Пуаро ёқимсиз фальцет²⁷ билан күйлади:

Баъзан менга қорасоч аёл ёқади,

Баъзан – малласоч.

Идендан келгани

Швеция орқали...

Бундан очикрок нима бўлиши мумкин? Лекин мен
малласоч қорасочни сояда қолдиради деб ўйлайман!

– Бас қилсангиз-чи, Пуаро! – деб ҳайқирдим бироз
қизариб.

– Бу мутлақо табиий. Франклин Кларк бирдан мадемуазель Меган билан тил топишиб қолганини пайқадингизми? Мадемуазель Тора Грей бунга қандай
муносабат билдирганини-чи? Жаноб Дональд Фрэзер
эса, у...

– Пуаро, – дедим, – аклингиз ҳаддан ташқари хиссиятга берилади.

– Бу энг охирги навбатда ақлимга тааллукли. Сиз
хиссиятга берилувчансиз, Гастингс.

Мен қизғин баҳслашишга шайландим, бирок шу
пайт эшик очилди.

Не ажабки, бу Тора Грей эди.

– Қайтиб келганим учун кечирасиз, – деди у хотиржам, – лекин сизга айтадиган гапим борга ўхшаяпти,
мсье Пуаро.

– Албатта, мадемуазель. Марҳамат, ўтириңг.

У ўтириди ва бир дақика сўзларни танлаёттандек
иккиланиб қолди.

– Гап бундай, мсье Пуаро. Жаноб Кларк ҳозиргина
сизга Комбесайддан ўз хоҳишим билан кетганимни
аниқ килиб айтди. У жуда эътиборли ва холис одам.

²⁷Фальцет – ашула айтишда овознинг жуда юқори товуши.



Бирок, аслини олганда, бу унчалик тұғри әмас. Мен көляпман деган фикрга күникиб бұлғандым. Леди Кларк кетишимни истади! У жуда оғир касал аёл, онги наркотик воситалардан хирадашынан. У ҳеч сабесиз мени ёқтирмай қолди ва уйдан кетишимни талаб қилиб туриб олди.

Уннинг үзини тутишига фақат қойил қолиш керак әди. У тафсилотларни хунук күрсатишига уринмасди, вахоланки, күпчилик шундай қилишга уринган бұларди, балки, ажойиб тұғрисүзлик билан асосий гални айтди. Мен унга қойил қолаётганим – у менга маъкул бұлғанди.

– Бу ҳақда хабар қилганингиз яхши, – дедим мен.

– Ҳар доим ҳақиқатни айтган яхшиrok, – деди у сал жилмайиб. – Жаноб Кларкнинг орқасига беркинишни истамайман. Лекин у жуда олижаноб эркак.

Уннинг сўзларида иликлиқ сезилди, Франклин Кларкка мафтунлиги аниқ әди.

– Сиз тұғри йўл тутдингиз, мадемуазель, – деди Пуаро.

– Бу мен учун зарба бұлди, – тан олди Тора Грей, – леди Кларк мени бунчалик ёқтирмаслигини хаёлнимга ҳам келтирмагандым. – У турди. – Айтмоқчи бұлған бор гапим шу. Кўришгунча.

Мен уни пастгача кузатиб қўйдим.

– У мардлик қилди, – дедим хонага қайтиб киргач, – етарлича жасоратга эга экан.

– Режалилик ҳам.

– Нимани назарда тутяпсиз?

– Айтмоқчиманки, у келажакни кўра олиши мумкин.

Мен Пуарога шубҳа билан қарадим.

- У чиройли қиз, – дедим.
- Ва чиройли кийим кияди. Крепдан тикилган күйлак ва кумуш ранг тулки мўйнасидан тикилган ёқа – энг сўнгги антиқа мода!
- Сиз модистка²⁸нинг ўзисиз, Пуаро. Мен ҳеч қачон одамларнинг эгнида нима борлигини пайқамайман.
- Унда нудист²⁹лар томонига ўтишингиз керак.
- Энди жавоб бермокчи эдим, Пуаро бирдан мавзуни узгартириди: – Биласизми, Гастингс, кундузи сухбатларимизда муҳим гап айтиб бўлинди, деган ўйдан кутуломаяпман. Лекин нималигини тушунолмаяпман. Менда бир нима... нимадир аввал эшитган, ёки курган, ёки пайқаган нарсамни эслатаяпти, деган таассурот бўлди...
- Черстондаги бирор ниманими?
- Йўқ, Черстондаги эмас... Унгача... майли, хадемай буни эслайман... – Пуаро менга каради-ю, кулиб юборди ва яна хиргойи кила бошлади: – У фаришта, шундай эмасми? Иденлик, Швеция орқали кетаётган...
- Пуаро, – дедим, – жин урсин сизни!

20-боб Леди Кларк

Комбесайдни қайта кўрганимизда, чукур ва турғун дилгирлик ҳолатига чўмганди. Балки, қисман ҳаво туфайлидир – сентябрнинг рутубатли куни эди, ҳавода куз аломатлари сезила бошлаганди – ва қисман,

²⁸ Модистка – шляпадўз ва аёллар кийимларини тисувчи аёл

²⁹ Нудист – нудизм тарафдори. Нудизм – ёзда иккала жинис вакилларининг офтобда (одатда, маҳсус плижларда) бир жойда ялангоч бўлиши.

шубҳасиз, уйнинг деярли бүшаб қолганидан. Пастки қаватдаги хоналар қулфлаб беркитилган, дераза эшиклари ёпилганди. Бизни бошлаб киришган кичкина хонадан зах ва намиккан ҳид келарди.

Касалхонанинг эпчил қаровчи ҳамшираси крахмалланган қадама енгларини тортиб-тортиб ёнимизга кирди.

– Мсье Пуаро? – суроди у дарров. – Мен – ҳамшира Кэпстикман. Жаноб Кларк келишингиз ҳақида хат юборди.

Пуаро леди Кларкнинг саломатлиги ҳақида суроди.

– Умуман олганда, тахмин қилингандек ёмон эмас. Аҳволи жуда яхшиланишига умид қилиб булмайди, лекин даволашнинг баъзи янги усуллари унга ёрдам берди, албатта. Доктор Логан унинг ҳолатидан мамнун.

– Лекин унинг тузалмаслиги рост, шундай эмасми?

– Ў, биз ҳеч қачон бундай демаймиз, – деди ҳамшира Кэпстик унинг бунчалик очик гапирганидан хижолат тортиб.

– Эрининг ўлими унинг учун оғир қайғу бўлган бўлса керак?

– Биласизми, мсье Пуаро, унинг учун бу соғлом ва эси жойида бўлган одамга таъсир қилиши мумкин бўлганчалик оғир зарба бўлмади. Леди Кларк ҳозир ҳамма нарсани ноаниқ қабул қиляпти.

– Бундай савол учун кечирасиз: у ва эри бир-бирига уччалик қаттиқ боғланиб қолмаганмиди?

– Ў, ха, улар бахтиёр жуфтлик эди. Эри ундан роса ташвишланарди, бечора. Доктор учун бу – ёлғон умидлар билан алдаш ҳар доим қийин, билсангиз. Аввалинга бу унга азоб берган, деб ўйлайман.

— Аввалига? Кейин камроқми?

— Ҳамма нарсага кўникасиз, шундай эмасми? Қолаверса, сэр Кармайлнинг тўплами бор эди. Хобби — эркаклар учун яхши овунчоқ. Баъзида у сотишга кетарди, шундан сўнг мисс Грей билан каталогни қайта гузиб, музейдаги нарсаларни қайта жойлаштиришга киришишарди.

— Ў, ха, мисс Грей. У жўнаб кетдими?

— Ҳа. Бундан афсусдаман, лекин аёллар касал бўлганида, ҳар хил фаразга мойил бўлади. Улар билан баҳслашиш бефойда. Тан олиш керак, бу Мисс Грейга оғир ботди.

— Леди Кларк ҳар доим уни ёқтиргмаганми?

— Умуман олганда, аввалига ҳатто ёқтирган деб ўйлайман. Келинг, уларни ғийбат қилмайлик. Беморим ҳали сизлар билан нима ҳақда гаплашганимни сўрайди.

У бизни иккинчи қаватдаги хонага бошлаб чиқди. Леди Кларк дераза ёнидаги катта курсида ўтиради. У жуда ориқ эди, юзи эса қорайган, кучли оғриқлардан азоб чекадиган одамлар сингари беҳол эди. Ниҳоҳи бироз хира, паришон, корачиклари эса тўғноғич бош-часидек катталикада эди.

— Бу сиз кўришишни истаган мсье Пуаро, — деди ҳамшира Кэпстик тетик овозда.

— Ў, ха, мсье Пуаро, — деб такрорлади леди Кларк паришон.

У кўлини узатди.

— Дўстим капитан Гастингс, леди Кларк.

— Салом. Ташифингиздан хурсандман.

Биз унинг ноаниқ ишорасига итоат қилиб ўтиредик. Жимлик чўкди. Леди Кларк мудраб қолганга ўхшарди.

Ниҳоят, бироз зўриқиб қўзғалди.



— Кар ҳақида гаплашмоқчисизлар, шундайми? Карнинг ўлими ҳақида. Ҳа-ҳа. — У хўрсинди, лекин яна паришон бош чайқаб кўярди. — Биз ҳеч қачон шундай бўлади, деб ўйламаганмиз... Мен биринчи бўлиб кетишимга шубҳа қилмасдим... — У бир-икки дақиқа ўйланиб қолди. — Кар ёшига нисбатан жуда бақувват эди. Ҳеч қачон касал бўлмасди. Олтмишга яқинлашиб қолганди, лекин энди эллик ёшга кирганга ўхшарди... Ҳа, жуда бақувват...

У яна мудрай бошлади. Пуаро маълум дориларнинг таъсири ва улар вақтни чексиздек кўрсатишини билгани боис сукут сақлаб ўтирди.

— Ҳа, келиб яхши қилдингиз, — деди леди Кларк ту satdan. — Мен Франклиндан илтимос қилдим. У сизга айтиб қўйиши унутмаслигини айтди. Франклин аҳмоқлик қилмоқчи эмас, деб умид қиласман... Дунёни етарлича кўрганига қарамай, жуда ишонувчан. Эркаклар шундай... Улар болалигича қолишади... Жумладан, Франклин....

— У таъсирчан одам, — деди Пуаро.

— Ҳа-ҳа... ва рицарларга ўхшаган. Эркаклар бунга берилиб кетишади. Ҳатто Кар... — Унинг овози ўзгарди. Леди Кларк шошиб, бош чайқади: — Ҳаммаси тумандагидек... Тана фақат азоб беряпти, мсье Пуаро. Мен фақат оғриқ тинадими-йўқми, шундан ташвишдаман — бошқа ҳеч ниманинг аҳамияти йўқ.

— Биламан, леди Кларк. Бу ҳаётнинг фожиаларидан бири.

— Бундан аҳмоқقا ўхшаб қоляпман. Ҳатто сизга нима демокчи бўлганимни ҳам эслолмайман.

— Эрингизнинг ўлими билан боғлик бирор гап ними?

— Карнинг ўлими билан? Ҳа, эҳтимол... Жинни, бадбаҳт одам — мен қотилни назарда тутяпман. Ҳозирги замонда одамлар кети узилмайдиган түполон ва қий-чувга чидашолмайди. Жинниларга ҳар доим раҳмим келган — уларнинг мияси заҳарланган бўлса керак. Кейин, қамашгандан кейин ҳам даҳшатли бўлса керак. Аммо бошқа нима қилиш мумкин? Одамларни ўлдиришгач. — У оғриқдан секин бош чайқади. — Уни ҳали тутмадингизми? — деб сўради.

— Йўқ, ҳали йўқ.

— У ўша куни шу ерда изғиб юрган бўлса керак.

— Атрофда ўткинчилар жуда кўп бўлган, леди Кларк. Ҳозир таътил мавсуми.

— Ҳа... Унутибман... Лекин улар пляж ёнида юришади, уй ёнига чиқишмайди.

— Ўткинчилар ўша куни уйга яқин келишмаган.

— Ким шундай деяпти? — тўсатдан кескин сўради леди Кларк.

Пуаро бироз довдираб қолди.

— Хизматкорларингиз, — деди у, — мисс Грей.

— Бу киз — ёлғончи! — деди леди Кларк аниқ-равшан килиб.

Мен стулдан сал турдим. Пуаро менга тез қараб олди.

Леди Кларк давом этди, энди унинг нутқи сароси-мали янграрди:

— Мен уни ёқтирмайман. У менга ҳеч қачон ёқмаган. Кар уни кўкларга кўтарарди. Ҳар доим унинг ёлғиз етимлигини гапиради. Етим бўлса, нима қилибди? Уни жасур ва жуда яхши ишчи деб айтарди.

— Қизишиманг, азизам, — деб гапга аралашди ҳамшира Кэпстик, — толиқиб қолмаслигингиз керак.



— Уни дарров жүннатиб юбордим! Франклин сурбетларча уни менга мос келади деб тахмин килди. Чиндан хам, мос келди! «Унинг изи қанчалик тез йўқолса, шунчалик яхши» — дедим! Франклин — ахмок! Унинг ўша кизга илакишишини истамагандим. У — ёш бола! Овсар! «Агар истасанг, унга уч ойга маош бераман, — дедим. — Лекин кетади. Уйда ортиқ бир кун хам колишини истамайман!» Факат касаллик эркакларни эътиroz билдиришдан кайтара олади. У айтганимдек килди ва киз кетди. Жафокаш сингари кетди, ўйлашимча, янада самимийлик ва дадиллик билан!

— Кизишманг энди, азизам. Сизга мумкинмас.

Леди Кларк ҳамшира Кэпстикка кўл силтади.

— У сизни хам бошқалар сингари ахмок килди.

— Ў! Леди Кларк. Мен мисс Грэй ажойиб, куринишдан романтик, роман қаҳрамонларига ўхшайди, деб ўйлагандим.

— Ҳаммангиз конимни кайнатялсан, — деди леди Кларк bemажол.

— Аммо у кетди-ку. Кетиб бўлди.

Леди Кларк ночор бош чайкади, лекин жавоб бермади.

— Нега мисс Грэй — ёлғончи, дедингиз?

— Чунки у шундай. У сизга уйга нотзниш одамлар якинлашмади, деди, шундайми?

— Ҳа.

— Жуда яхши. Мен шу деразадан ўз кўзларим билан унинг уйнинг асосий эшиги олдида мутлако нотаниш эркак билан гаплашаштганини кўрдим.

— Ўша одамнинг куриниши кандай эди?

— Оддий одам. Айтарли хеч кандай жихати йўқ.



– Жентльменми ёки хунарманд?

– Хунарманд эмас. Күринишдан факир одам. Эслолмайман. – Тусатдан унинг юзи оғриқдан буришиб кетди. – Илтимос... энди... кетинглар... мен бироз чарчадим... ҳамшира...

Биз тушуниб, чиқиб кетдик.

– Фалати воқеа, – дедим Пуарога Лондонга қайтиб кетаётганимизда, – мисс Грей ва нотаниш эркак хақида.

– Куряпсизми, Гастингс? Сизга айтгандим: хар доим ниманидир аниқлаш мумкин.

– Нега киз ҳеч кимни күрмадим, деб ёлғон гапириди?

– Ўйлашимча, бунинг етти хил сабаби бор, улардан бири жуда оддий.

– Танбеҳми? – деб тахмин қилдим мен.

– Балки, бу фахм-идрокингиз учун асосдир, бирок бизнинг бу борада ташвишланишимиздан фойда йўқ. Жавобини унинг ўзидан сўраб билиш осонрок.

– Дейлик, у бизга яна ёлғон гапиради.

– Бу чиндан ҳам қизиқ бўлади ва... ўйлашга мажбур киласди.

– Бу даҳшат – қизнинг жинни билан алоқаси бўлиши мумкинлигини тахмин қилиш.

– Тўғри... мен бундай деб ўйламаяпман.

Мен яна бир неча дақиқа мулоҳаза қилдим.

– Гўзал қиз буларнинг бари туфайли оғир даврларни бошдан кечиряпти, – дедим ниҳоят хўрсиниб.

– Асло. Бу фикри хаёлингиздан чиқариб ташланг.

– Лекин ундиндай эмас, – деб ўзимнинг гапимни маъкулладим, – гўзал бўлгани учунгина ҳамма унга қарши.

— Бемаъни гапларни гапиряпсиз, дўстим. Комбесайдда ким унга қарши? Сэр Кармайклми? Франклинми? Ҳамшира Кэпстикми?

— Леди Кларк унга буткул қарши эканлиги аниқ.

— Дўстим, қалбингиз ёш гўзал қизларга раҳм-шафқат хиссига тўла. Менинг эса ёши қайтган ледиларга раҳмим келади. Балки, леди Кларк воқеа-ҳодисалар ва одамларни аниқ-равshan кўргандир, унинг эри, жаноб Франклин Кларк ва ҳамшира Кэпстик эса кўршапалак сингари кўр булган... капитан Гастингс ҳам...

— Сиз у қизга қарши тиш қайрагансиз, Пуаро.

У мени ҳайратга солиб, бирдан кўзларини пирпира бошлади.

— Балки, менга сизни романтик отингиздан тушириш ёқар, Гастингс. Сиз ҳар доим содик рицарсиз — ёрдамга келишга шайсиз — хонимларга, албатта.

— Қанчалик bemаънисиз, Пуаро, — дедим ўзимни кулгидан тиёлмай.

— Ҳа, майли, ҳамма вакт фожиага мойил бўлиб бўлмайди-ку. Фожиа асносида одамларнинг ҳаракатларини кузатиш мен учун тобора қизик бўлиб боряпти. Бизда учта оиласвий драма бор. Биринчиси — Андоверда: миссис Ашернинг фожиали ҳаёти, унинг кураши, немис эрини кўллаб-кувватлаши, жиянининг садоқати. Биргина шунинг ўзи бутун бир романни ташкил қилиши мумкин. Кейин Бексхиллда: баҳтиёр, омади юришган ота-она, бир-биридан анчагина фарқ қиласдиган икки қиз — жажжи эрка қиз ва акли тиник, ҳақиқатнинг холис тарафдори бўлган кучли ҳамда қатъиятли Меган. Яна бир қаҳрамон бор: босик, тартибли, лекин марҳумани ҳаддан ортиқ раشك қилган ва қаттиқ яхши кўрган шотланд йигит. Нихоят,

Черстондаги уй: ўлаётган хотин, ўзининг тўпламига муккасидан кетган, лекин унга ачиниб, ёрдам берадиган гўзал қизга меҳри ва ишончи ортиб бораётган эр; ундан сўнг, ука – серғайрат, келишган, қизиқарли, узок сафарлардан сўнг жуда романтик кайфиятли.

Тушунинг, Гастингс, воқеалар одатдагидек ривожланганда, бу учта алоҳида драма ҳеч қачон бир-бирига боғланмаган бўларди. Ҳаётнинг кутилмаган ҳодисалари – бундан ажабланишдан ҳеч қачон тўхтамайман, Гастингс.

– Мана, Паддингтонга ҳам келдиқ, – дедим.

Уайтхэйвн-Мэншенсга етиб боришимиз билан бизга қандайдир жентльмен Пуарони кутаётганини хабар қилишди.

Мен Франклин Кларк ёки, эҳтимол, Жеппни кўраман деб ўйлагандим, аммо не ажабки, у Дональд Фрэзер экан. У хижолатли кўринар, тутилиб гапириши янада яққол сезила бошлаганди.

Пуаро унинг ташрифи мақсадини суриштириб ўтиради, бунинг ўрнига сэндвич ва бир қадаҳ шароб таклиф қилди. Сэндвичлар келгунча Пуаро сухбат жиловини ўз қўлига олиб, қаерда бўлганимиз ва касал аёл билан нима ҳақда гаплашганимизни тушунтириди. Ҳали сэндвичларимизни еб, шаробга лаб теккизib улгурмасимиздан у сухбатга шахсий тус берди.

– Бексхиллдан келдингизми, жаноб Фрэзер?

– Ҳа.

– Милли Хигли билан силжиш сезилдими?

– Милли Хигли? Милли Хигли? – Фрэзер бу исмни таажжуб билан бир неча марта такрорлади. – Ҳа, анави
ки! Йўқ, у ерда ҳали ҳеч нима қилмадим. Бу...

У қўлларини қайириб, тўхтаб қолди.

— Ёнингизга нега келганимни билмайман! — деб «портлади» у.

— Мен биламан, — деди Пуаро.

— Билмайсиз. Қаердан билардингиз?

— Сиз кимгадир ниманидир айтишингиз кераклиги учун ёнимга келдингиз. Тұғри иш қылдингиз. Мен худди үша одамман. Гапириңг!

Пуаронинг қатъияти самара берди. Фрэзер унга миннатдорона итоаткорлик билан қаради.

— Шундай деб үйлайсизми?

— Жин урсин! Бунга аминман.

— Мсье Пуаро, сиз тушлар ҳақида бирор нима биласизми?

Ундан ҳар қандай гапни эшишишга тайёр эдим, факат буни эмас. Бирок Пуаро гарангсиб қолмади.

— Биламан, — деди у, — тушингизга бирор нима кирдими?..

— Ҳа. Үйлашимча, тушимга... бунинг кириши буткул табиий деб айтасиз. Лекин бу одатий туш эмас.

— Ундай эмасми?

— Бу кетма-кет уч кеча тушимга кирди, сэр... Ақдан озаётганга үхшайман...

— Менга айтиб беринг...

Фрэзернинг юзи бўздек оқариб кетди. Кузлари чакчайди. У чиндан ҳам ақлдан озган одамга үхшарди.

— Ҳар доим бир хил. Пляждаман. Беттини қидираман. У йўқолиб қолди — шунчаки йўқолиб колган, тушуняпсизми? Мен уни топишим керак. Унга камарини беришим керак. У менинг қўлимда. Кейин...

— Ҳўш?

— Туш ўзгаради... Ортиқ уни изламайман. ^{Бетти} У ерда, каршимда — пляжда ўтириби. У менинг ^{жинни} шаётганимни кўрмайди... бу — ў, йўқ...



- Давом этинг. - Пуаронинг овози ҳукмфармо, қатъий янгради.

- Мен унинг орқасидан яқинлашаман... у мени эшилтмайди... Мен унинг бўйини камар билан сиқиб торгаман, ў, торгаман...

Унинг овозидаги талваса қўрқинчли эди... Курсимнинг ёндорларини қисдим... Воеа шу қадар жонли гавдаланаётганди.

- У бўғилади... у ўлди. Мен уни бўғиб ўлдирдим
- мана, унинг боши орқага ташланади ва мен унинг ўзини кўраман... ва у Меган, Бетти эмас!

У ранги оқариб, қалтираганча ўзини оркага ташлади. Пуаро яна бир стакан шароб қўйиб, унга узатди.

- Бу туш нимани англатади, мсье Пуаро? Нега бундай туш кўряпман? Ҳар кеча?..

- Шаробдан ичинг, - буюрди Пуаро.

Йигит ичди ва боягидан босикроқ овозда суради:

- Бу нимани англатади? Мен... мен уни ўлдирмаганман, шундай эмасми?

Пуаро нима деб жавоб берганини билмайман, чунки шу дақиқада почтачининг эшикни тақиллатганини эшилдим-у, отилиб хонадан чиқдим.

Почта кутисидан олган нарсам мени Дональд Фрэзернинг ғайриоддий дил розини унутишга мажбур қилди.

Мехмонлар хонасига қайтиб киришга ошиқдим.

- Пуаро, - деб хитоб қилдим, - у келди! Тұртнчи хат!

У сакраб туриб, қўлимдан хатни юлқиб олди ва узининг коғоз кесадиган пичоини топиб, хатни очди. Хатни столга ёзиб қўйди.

Уни учаламиз бирга ўқидик.



«Яна бесамарми? Вуй! Вуй! Сиз ва полиция ўзи нима бишан бандисизлар? Қизиқ, а? Асал излаб, энди қасрса йүл оламиз?»

Бечора жаноб Пуаро. Сизга жуда раҳмим келдити.

Аббат эпломасан экансиз, қайта уринаверинг, уринаверинг, уринаверинг.

Узоқ йүл босишимиз керак.

Типперэри³⁰? Йүк – бу кейинроқ бўлади. Т ҳарфига.

Кейинги кичик нохуши ҳодиса 11 сентябрда Донкастерда содир бўлади.

Хозирча хайр.
ABC».

21-боб Қотилнинг тасвири

Ўша дақиқада тасвирдан Пуаро инсоний омил деб атайдиган кисм яна йўқола бошлади, шекилли. Биз учун табиий инсоний ташвишлар даври келгандек таассурот туғилганди, чунки мия ортиқ бу ҳақиқий даҳшатга токат қила оладиган аҳволда эмасди. Ҳар биримиз тўртинчи хат келгунча қандайдир ҳаракат килиш имкони йўқлигини хис қиласардик, хат бизга котиллик саҳнасини очиши керак эди. Кутиш муҳити ўрнини кучли асабийликнинг сусайиши эгаллади.

Аммо энди каттиқ оқ қоғоздан масхара килаётган бу босма ҳарфлар овни давом эттиришга мажбур қиласарди.

Инспектор Кроум Ярдан етиб келди. Кўп ўтмай Франклин Кларк ва Меган Барнард ҳам етиб келишди.

³⁰ Типперэри – Биринчи жаҳон уруши пайтида урф бўлган аскарлар кўшиғига ишора. «Типперэрига узоқ йўл...».



Киз Бексхиллдан келганини айтди.

– Жаноб Кларкдан бир нарсаны сұрамоқчи эдим.

У узр сұраб, үз харакатини изохлашга зүр беріб уринарди.

Мен бунга ортиқча эътибор бермай, шунчаки қайд этдім.

Мени ҳамmasидан ҳам күпроқ хат ташвишлантиради.

Кроум ҳам, назаримда, драманинг бу иштирокчи ларини күришдан хурсанд әмасди. У ниҳоятда расмий ва камгап әди.

– Хатни олиб кетаман, мсье Пуаро. Истасанғиз, нұсқасини қолдиришингиз мүмкін...

– Йүк, йүк, бунга зарурат йүк.

– Режаларингиз қандай, инспектор? – сұради Кларк.

– Аңча мураккаб, жаноб Кларк.

– Бу гал уни ушлашимиз керак, – деди Кларк. – Сизга шу мақсадда үз ассоциациямизни ташкил қылғанимизни айтишпим мүмкін. Манфаатдор томонлар легиони.

Инспектор Кроум доимги гақини айтди:

– Наҳотки?

– Тушунишимча, сиз ҳаваскорлар ҳақида яхши фикрда әмассиз.

– Сиз ҳам худди шундай воситаларга әгалигингиз, амримақол, шундай әмасми, жаноб Кларк?

– Биз шахсан манфаатдормиз, бунинг үзи ҳам катта гап.

– Наҳотки?

– Сизнінг вазифанғиз енгіл әмас деб үйлайман, инспектор. ABC чиндан ҳам сизни яна алдаб кетганга үшайди.

Мен Кроумнинг, бошқа усуллар иш бермаганда, жаҳл билан гапира бошлашини пайқадим.

— Бизни танқид қилишга етарлича асос бор, деб ўйламайман, — деди у. — 11-гача матбуотда овоза қилиш кампанияси учун етарлича вактимиз бор. Донкастерда ҳамма огоҳлантирилади. Исми Ҷдан бошланадиган ҳар бир кишига ўзини ҳимоя қилиши кераклиги айтилади. Биз шаҳарга полициянинг катта кучини жамлаймиз. Бу Англияning барча бош констебллари умумий розилиги билан ташкиллаштирилади. Бутун Донкастер, полиция ва ахоли бир кишини ушлашга чиқади ва биз уни ушлашимиз зарур!

Кларк хотиржам гапирди:

— Спортдан узоқлигингиз дарров сезиляпти, инспектор.

Кроум унга тикилиб қолди:

— Нимани назарда тутяпсиз, жаноб Кларк?
— Тавба! Наҳотки кейинги чоршабада Донкастерда «Сент-Лежер»³¹ ўтишини билмайсиз?

Инспекторнинг оғзи очилиб қолди. Умрида биринчи марта ўзининг «Наҳотки?»сини айттолмади. Бунинг ўрнига:

— Чинданми! — деди. — Бу ишни қийинлаштиради...
— АВС телба бўлса ҳам, ахмоқ эмас.

Бир-икки дақиқа жим қолдик, юзага келган вазиятни тасаввур қилдик. Отчопардаги оломон — спортни жуда яхши кўрадиган ишқибоз инглизлар оммаси...

— Ақлли режа, — деди Пуаро. — Нима бўлганда ҳам яхши ўйлаб топилган.

— Қотиллик отчопарда, эҳтимол, Лежер пойгаси пойтида содир бўлишига ишончим комил, — деди Кларк.

³¹ «Сент-Лежер» — Донкастер (Йоркшир графлиги)да ҳар йили ўтказиладиган уч ёшли байталлар пойгаси.

Бир зумга унинг спортчиларга хос ички сезгиси устун келиб, ёқимли ўйларга берилди...

Инспектор Кроум туриб, хатни олди.

- «Сент-Лежер» - бу мушкуллик, - тан олди, - бу аламли.

У чиқиб кетди. Биз даҳлизда овозларни эшитдик. Бир дақиқадан сўнг Тора Грей кирди.

- Инспектор менга яна хат борлигини айтди, - деди безовталаниб. - Бу гал қаерда?

Кўчада ёмғир ёғаётганди. Мисс Грейнинг эгнида кора пальто, юбка ва мўйна бор эди. Тилла ранг бошида кичкина кора шляпача қия турарди.

У айнан Франклин Кларкка мурожаат қилганди, тўғри ёнига ўтиб, қўлини унинг қўли устига қўйди. Мисс Грей жавоб кутарди.

- Донкастер - «Сент-Лежер» кунида.

Биз муҳокама учун жойлашиб ўтириб олдик.

Мени умидсизлик ҳисси чулғаб олди. Олти кишидан иборат кичкинагина гурух нима ҳам кила оларди? У ерда хамма бурчакни кузатувчи ўткир кўзли ва сергак беҳисоб полициячилар бўлади. Яна олти жуфт кўз нима кила оларди?

Гўё менинг ўйларимга жавоб тариқасида Пуаронинг овози янгради. У ўқитувчи ёки руҳонийдек гапиравди:

- Болаларим, биз кучимизни бекор сарфламаслигимиз керак. Бу ишга теран ақл билан ёндашишимиз зарур. Биз ҳақиқат излаб, ташига эмас, ичига бокишимиз, ҳар биримиз ўзимизга: «Қотил ҳақида мен нима биламан?» дейишимиз керак. Шу тариқа биз кидираётган одам тасвирини чизишимиз лозим.

- Биз у ҳақда ҳеч нима билмаймиз, - хўрсинди Тора Грей nochor.



— Йўқ, йўқ, мадемуазель. Бу ёлғон. Ҳар биримиз у ҳақда нимадир биламиз, аммо айнан нималигини билмаймиз. Билишимизга аминман, фақат уни ундира олганимизда эди.

Кларк бош чайқади:

— Бизга ҳеч нима маълум эмас: ёши қайтганми ёки ёшми, малласочми ёки қорасоч. Ҳеч биримиз уни кўрмаганмиз ва у билан гаплашмаганмиз. Билган ҳамма нарсамизни бир-бир эслаб чиқдик.

— Ҳаммасини эмас! Масалан, мисс Грей бизга сэр Кармайл Кларк үлдирилган кунда ҳеч қандай нотаниш одамларни кўрмаганини ва гаплашмаганини айтди.

Тора Грей бош ирғади:

— Худди шундай.

— Шундайми? Леди Кларк бизга ўз деразасидан сизнинг эшик олдида бир эркак билан гаплашаётганингизни кўрганини айтди, мадемуазель.

— У менинг нотаниш эркак билан гаплашаётганини кўрибдими? — Қиз чиндан ҳам ажабланаётганга ўхшарди. Бу соф, тиник нигоҳ фақатгина табий булиши мумкин эди, албатта. У бош чайқади. — Леди Кларк адашган бўлса керак. Мен ҳеч қачон... Ў! — У беихтиёр ҳайқириб юборди. Ёноқларига қизиллик югорди. — Эсладим! Қандай паришонхотирлик! Айтишни унугибман. Лекин бу унчалик муҳим эмас, деб ўйлайман. У шунчаки айланиб, пайпоқ сотиб юрадиган одамлардан бири — биласизми — собик ҳарбийлар. Улар жуда хирапашша булишади. У яқинлашганда, мен холлдан ўтиб кетаётгандим. У кўнғироқни чалиш ўрнига мен билан гаплашиб кетди. Лекин куринишдан жуда беозор эди. Бу эсимдан ҳам чиқиб кетибди.



Пуаро бошини күллари билан чангаллаб, у ёқдан бу ёкка тез бориб келарди. У шундай ғазаб билан тұнғиллардың, ҳеч ким бир оғиз гапиролмади.

– Пайпок, – деб тақрорларди у, – пайпок... пайпок... пайпок... бу мос келади... пайпок... пайпок... бу баҳона – ха... уч ой аввал... үша куни ҳам... энди ҳам. Э Худойим, тушундим!

У үтириди-да, менга қаттық қаради.

– Эсингиздами, Гастингс? Андовер. Дүкон. Биз тепаға чиқиб кетяпмиз. Ётоказына. Стул устида. Бир жуфт шойи пайпок. Икки күн олдин нима эътиборимни тортганини энди биламан. Сиз, мадемуазель... – У Меганга үгирildи. – Сиз онангизнинг синглингизга айнан қотиллик содир бұлған куни янги пайпок сотиб олгани учун йиғлаганини айтгандингиз... – У бизга қараб чиқди. – Тушуняпсизларми? Бу уч марта тақрорланған үша баҳона. Бу тасодиф булиши мумкин эмас. Мадемуазель гапирганда, менда у айтәётган нимадир нима биландир боғлиқдек түйилди. Энди унинг нимага боғлиқлигини биламан. Миссис Ашернинг құшниси – Миссис Фаулер айтган сұзлар. Доим ниманидир сотишга уринадиган одамлар ҳақида – у ҳам пайпокни тилга олғанди. Мадемуазель, айтинг-чи, онангиз үша пайпокни дүкондан эмас, уй эшигини тақиллатиб келған одамдан сотиб олгани ростми?

– Ҳа... ҳа... шундай... Эсладим. У лақиіллаб юриб, иш топишга уринадиган үша бечоралар ҳақида нимадир деганди.

– Аммо қандай боғлиқлик бор? – деб хитоб қилди Франклін. – Үша одамнинг айланиб, пайпок сотиб юриши ҳеч нимани исботламайди!

– Дүстим, сизга айтапман-ку, бу тасодиғ бўлиши мумкин эмас. Учта жиноят – ҳар гал кимдир пайпок сотиб, жойни текширади.

Пуаро Торага ўгирилди:

– Сўз сизга! Ўша одамни тасвирлаб беринг.

Қиз унга ожизона қаради:

– Тасвирлаб беролмайман... Тўғриси, қандай тасвирлашни билмайман. Унга деярли караганим хам йўқ. У эътиборни тортадиган одамлардан эмас...

Пуаро қабрдан келаётгандек бўғик, мудҳиш овозда гапирди:

– Буткул ҳақсиз, мадемуазель. Ҳамма жумбоқ сизнинг котил ҳақидаги тасвирингизда – у эса, шубҳасиз, котил! У эътиборни тортадиган одамлардан эмас. Ҳа, бунга шубҳа йўқ... Сиз қотилни тасвирлаб бердингиз!

22-боб

(Капитан Гастингс тилидан ёзилмаган)

Жаноб Александр Бонапарт Каст қимирамай ўтиради. Унинг нонуштаси совук ва кўл урилмаган ҳолда туради. Газета чой дамланадиган чойнакка суюб кўйилганди. Бу жаноб Каст ҳозиргина зўр қизикиш билан ўқиган газета эди.

У бирдан туриб, у ёқдан бу ёққа юрди ва бўғик инграганча бошини қўллари билан чангллаб, дераза ёнидаги курсига ўтирди.

Очилаётган эшик овозини эшитмади. Уй сохибаси миссис Марбери эшик олдида тўхтади.

– Жаноб Каст, мен ўйлагандим, яхши бир... қанака⁺ сига, нима бўлди? Тобингиз бўлмаяптими?

Жаноб Каст кўлларини бошидан олди.

– Ҳеч нима. Айтарли ҳеч нима булмади, мисс Марбери. Мен... эрталабдан бери үзимни ёмон ҳис қиляпман.

Миссис Марбери нонушта патнисини кўздан кечирди.

– Куриб турибман. Нонуштага қўл урмабсиз. Яна бошингиз безовта қиляптими?

– Йўқ. Яъни ҳа... Мен... мен... бироз тобим бўлмаяпти.

– Ҳа, маъзур тутасиз. Бугун ташқарига чиқмоқчи масмисиз?

Жаноб Каст сапчиб кетди:

– Йўқ, йўқ. Мен боришим керак. Иш бор. Муҳим. Жуда муҳим.

Унинг қўллари титрарди. Миссис Марбери унинг хаяжонини кўриб, тинчлантиришга уринди.

– Ҳа, зарур бўлса, зарур. Бу гал узокка борасизми?

– Йўқ. Мен... – У бир-икки дақиқа иккиланиб қолди. – Челтенхэмга бораман.

Унинг бу сўзни иккиланиб айтишида қандайdir ғалати оҳанг бор эди. Шунинг учун миссис Марбери унга таажжуб билан қаради.

– Челтенхэм – чиройликкина жой, – деди у сухбатни қизитиш учун. – Бир марта Бристолдан борганиман. У ерда ажойиб дуконлар бор.

– Мен ҳам шундай деб ўйлайман.

Миссис Марбери эгилиб, полдан ғижимлаб ташланган газетани олди ва тез қаддини ростлади, чунки буқчайиш қоматига ярапмасди.

– Газеталарда энди факат қотиллик билан боғлиқ ишлар, – деди у. – Эртага-чи! Одамнинг эти жимири-



лаб кетади-а? Донкастерда яшаганимда ва исмим Ддан бошланганда, биринчи поезддаёк жүнаб кетардим, сизга айтсам. Таваккал қилмасдим. Сиз нима дейсиз, жаноб Каст?

– Ҳеч нима, миссис Марбери, ҳеч нима.

– Бу пойгалар ва ҳоказолар. Шубҳасиз, қотил у ерда омадим келади деб үйлаяпти. Айтишларича, юзлаб полициячи түпланаётган экан... Жаноб Каст, кўри нишингиз жуда ёмон. Бирор нима ичмайсизми? Тўғриси, бугун йўлга чиқмаганингиз маъкул.

Жаноб Каст турди:

– Бу зарур, миссис Марбери. Мен доим... мажбуриятларимда пухта бўлганман. Одамлар сизга... сизга ишонишлари керак! Менга иш топширилганда, уни охиригача етказаман. Бу... бизнесда муваффақиятга эришишнинг ягона йўли.

– Аммо касал бўлсангиз-чи?

– Касал эмасман, миссис Марбери. Шунчаки бироз қаттиқ ҳаяжонландим – ҳар хил шахсий муаммолар. Яхши ухламадим. Умуман олганда эса тузукман.

Унинг ўзини тутиши шу қадар ишонарли эдики. миссис Марбери нонуштани йиғишириб, истамайгина хонадан чиқиб кетди.

Жаноб Каст каравот тагидан жомадон чиқариб, нарсаларини тахтай бошлади. Пижама, пардоз буюмлари, тоза ёқача, чарм шиппакни солди. Кейин жавонни очиб, токчадан жомадонга еттига ўн дюйм³²лик ўн иккита текис картон кутичани олиб солди.

Столда ётган темир йўл маълумотномасига назар солди-да, қўлида жомадонни ушлаганча хонадан

³² Дюйм – узунлик ўлчови, 25,5 мм.

чиқди. Уни холлга қўйиб, шляпа ва пальтони кийди. Шу аснода чукур хўрсинди. Шунчалик чукур хўрсиндики, қўшни хонадан чиқаётган қиз унга ташвишлиб қаради.

– Нимадир бўлдими, жаноб Касть?

– Ҳеч нима, мисс Лили.

– Шундай хўрсиндингизки!

Жаноб Касть узук-юлуқ овозда гапирди:

– Бу сизда қандайдир сезги уйғотяптими, мисс Лили?

– Билмадим... Тўғри, бир нима кўнгилдагидек эмаслиги сезилиб турадиган ва ҳаммаси кўнгилдагидек кечадиган кунлар бўлади.

– Тушунарли, – деди жаноб Касть. У яна хўрсинди.

– Хуп, хайр, мисс Лили. Хайр. Сиз доим менга яхши муносабатда бўлгансиз.

– Бутунлай кетаётгандек «хайр» деманг», – кулиб юборди Лили.

– Йўқ, йўқ, албатта, йўқ.

– Жумагача, – деди қиз кувноқ овозда. – Бу гал қаерга кетяпсиз? Яна қирғоққами?

– Йўқ, йўқ... ҳалиги... Челтенхэмга.

– Ў, у ер ҳам яхши. Лекин Торкидагидек эмас. У ер ажойиб бўлса керак. Кейинги йил таътилда бормоқчиман. Дарвоке, сиз қотиллик – алифбо бўйича қотиллик юз берган жойга жуда яқин бўлган бўлишингиз керак. Қотиллик сиз ўша ерда бўлган пайтда юз берган, шундай эмасми?

– Э-э... ҳа. Лекин Черстон у ердан олти-етти миля нарида.

– Барибир, бу зўр бўлса керак! Ахир сиз кўчада

котилнинг ёнидан ўтиб кетган бўлишингиз мумкин!

– Ҳа, мумкин, албатта, – деди жаноб Касть сунъий жилмайиб.

Лили Марбери буни сезди.

– У, жаъоб Касть, кўринишингиз ёмон.

– Мен яшимишман, жуда яхшиман. Хайр, мисс Марбери.

У ковушмай шляпасини кўтариб қўйди, жомадонини олиб, шошиб эшикдан чиқди.

– Ғалати чол, – деди Лили Марбери, – лекин, менимча, сал «анақароқ»...

Инспектор Кроум ўзининг кўл остидаги ходимига буюрди:

– Пайпок чиқарадиган ҳамма фирмаларнинг рўйхатини топиб, кўпайтиринг. Менга уларнинг ҳамма агентлари топширик бўйича ишлаб, буортма қидирадиган одамларнинг рўйхати керак.

– Бу АВС иши билан боғлиқми, сэр?

– Ҳа. Бу жаноб Эркюль Пуаронинг ғояларидан бири. – Инспекторнинг гап оҳангиде менсимаслик сезиларди. – Бундан ҳеч нима чиқмаса керак, лекин ҳар қандай, ҳатто энг арзимас имкониятни ҳам қўлдан чиқариб бўлмайди.

– Тўғри, сэр. Жаноб Пуаро ўз вақтида кўп иш қилган, лекин энди у бироз қариб қолган, деб ўйлайман.

– У найрангбоз, – деди инспектор Кроум, – ҳар доим ўзини катта олади. Баъзиларни чалғитади. Лекин мени эмас. Энди эса Донкастердаги тадбирга ўтсак...

Том Хартиган Лили Марберига айтди:

– Бугун тонгда истеъфодаги кишингизни курдим.

– Кимни? Жаноб Каствими?

– Каствни. Юостон³³да. Доимгидек, товугини йўқо-

³³ Юостон – Лондондаги вокзал.



тиб күйган одамга үхшарди. Менимча, у ярим телба. Кимдир унга күз-кулоқ булиб юриши керак. Аввал газетани тушириб юборди, кейин чиптани. Мен олдим – у йүқотиб күйганини сезмаганди ҳам. Хурсанд булиб менга миннатдорчилик билдириди, лекин, үйлашимча, у мени танимади.

– Ў, албатта, – деди Лили, – у факат холлдан ўтиб юрганинги кўрган, шунда ҳам кўп эмас.

Улар бир давра ракс тушишди.

– Сен жуда яхши раке тушасан, – деди Том.

– Давом этамиз, – деди Лили ва эгилиб, янада якинроқ келди.

Улар яна бир давра ракс тушишди.

– Юстон дединги ёки Паддингтон? – сўради Лили тўсатдан. – Қария Кастни қаерда кўрдинг, демокчиман?

– Юстонда.

– Ишончинг комилми?

– Албатта, комил. Нима деб үйлайпсан?

– Қизиқ. Мен Челтенхэмга Паддингтондан кетишади, деб үйлардим.

– Шундай. Лекин қария Каст Челтенхэмга кетмоқчи эмасди. У Донкастерга бормоқчи эди.

– Челтенхэмга.

– Донкастерга. Мен биламан-ку, қизалоқ! Ахир унинг чиптасида шу манзил ёзилганди...

– Аммо у менга Челтенхэмга кетяпман деди-ку. Аниқ эсимда.

– Йўқ, адашяпсан. У Донкастерга кетмоқчи эди, бу аниқ. Баъзиларнинг доим омади келади. Мен Лежерда тиллақунғизга тикдим, унинг чопишини кўргим келялти.

– Жаноб Каст пойгага боради, деб үйламайман, у

пойгага қизиқадиганларга үхшамайды. Ў, Том, умид киламанки, уни ўлдиришмайды. Ахир Донкастерда алифбо бўйича қотиллик юз бериши керак.

— Кастга ҳеч нима қилмайды. Унинг исми Ҷдан бошланмайды.

— Уни ўтган гал ўлдиришлари мумкин эди. Қотиллик содир бўлганда, у Торкида Черстонга яқин жойда бўлган.

— Наҳотки? Қандай тасодиф, а?

У қулиб юборди.

— Аввал Бексхиллда бўлмаганми, ишқилиб?

Лили қошларини чимиради:

— У кетганди... Ҳа, эсимда, у бу ерда эмасди... чунки ойим ямаб берган чўмилиш кийимини эсидан чиқариб кўйганди. Ойим: «Жаноб Кастан кеча чўмилиш кийимисиз жўнаб кетди» деганда, мен: «Ў, энг мудхиш қотиллик содир бўлганда, чўмилиш кийими нимас! Бексхиллда бир қизни бўғиб ўлдиришибди», дедим.

— Аммо унга чўмилиш кийими керак бўлган бўса, демак, қирғокқа бормоқчи бўлган. Эшитяпсанми, Лили, — у юзини қулгили буриштириди, — истеъфодаги кишингиз қотилнинг ўзи бўлса-чи?

— Бечора жаноб Кастви? У пашшага ҳам озор бермайди, — қулиб юборди Лили.

Улар ракс тушишда давом этишди: бу беташвиш онларда бирга эканликларидан бошқа ҳеч қандай завкйўқ эди.

23-боб

11 сентябрь. Донкастер

Донкастер!

11 сентябрни бутун умр эсласам керак.

Чиндан ҳам, ҳар гал «Сент Лежер» тилга олинганды, хаёлларим беихтиёр пойгага эмас, қотилликка қараб кетади.

Үз хиссиётларим ҳақида эслаганимда, күпроқ азобли қониқмаслик ҳисси қалқиб чиқади. Мана, биз ўша ердамиз, жойидамиз – Пуаро, мен, Кларк, Фрэзер, Меган Барнард, Тора Грей ва Мэри Дроуэр. Бизнинг ҳар биримиз нима қила олардик?

Бизда оломонда, минглаб одамлар орасида икки ёки уч ой аввал маълум вазиятларда ноаниқ кўринган юз ёки шахсни танишга ожиз умид бор эди.

Ғайриоддийлик, аслида, янада кучли эди. Ҳаммамиздан фақат Тора Грейгина ўша одамни аниқ таний олиши мумкин эди. Зўр дикқат қилгани учун хотиржамлигидан асар ҳам қолмади. Унинг вазмин, ишонарли феъли қаергадир йўқолганди. У гамгин, деярли йифлагудек бўлиб ўтиаркан, Пуарога пойма-пой гапиради:

– Унга бир марта ҳам қараганим йўқ. Нима учун? Қанчалик аҳмоқлик қилдим. Сизлар менга қараб колдингиз, ҳаммангиз... ва мен сизларга панд бераман. Чунки уни яна қурган такдиримда ҳам, таний олмайман. Мен юзларни яхши эслаб кололмайман.

Пуаро унга фақат такаллуф кўрсатарди. Бу мени хайратга солди, лекин у азоб чекаётган гўзалликка мендан кам ачинмасди. Ҳатто унинг елкасига юмшоқкина қоқиб кўйди.

— Қизалоқ, жазавага түшманг. Ҳозир бунга фурсат йўқ. Ўша одамни кўришингиз керак бўлса, уни танийсиз.

— Бунга аминмисиз? Аммо нима учун?

— Ў, ҳар хил сабаблар етарли... дейлик, қизилнинг ўрнини кора босгани учун.

— Нимани назарда тутяпсиз, Пуаро? — сўрадим мен.

— Мен қимор столи тилида гапирияпман. Рулетка³⁴ ўйнаганда, узок вақт қора тушиши мумкин, аммо охир-оқибат қизил пайдо бўлиши керак. Бу эҳтимоллик қонуни.

— Омад келишини назарда тутяпсизми?

— Худди шундай, Гастингс. Айнан шу ерда ўйинчига (қотилга ҳам, чунки у охир-оқибат шунчаки ўйинчининг олий вакили, чунки пулинин эмас, ҳаётини хавф остига қўйган) кўпинча соғлом сезги етишмайди. Ютгани учун ютишда давом этаман деб ўйлади! У стoldан зарур пайтда чўнтагини тўлдириб кетмайди. Омад ҳамроҳ бўлаётган қотил ҳам омадсизликка учраши мумкинлигини тушунолмайди! Ишларнинг омадли кечаётганини факат ўзига боғлайди, аммо сизларни ишонтириб айтаман, дўстларим, жиноят қанчалик пухта режалаштирилмасин, омад бўлмаса, у муваффақиятга эришолмайди!

— Жуда ошириб юбормадингизми? — эътиroz билдириди Франклин Кларк.

Пуаро ҳаяжон билан қўлларини бир-бирига урди:

— Йўқ, йўқ. Агар истасангиз, имкониятлар тенг, лекин ўзимиз томонга тортиб олишимиз керак. Ўзингиз ўйлаб кўринг! Кимдир айнан қотил чикаётганда,

³⁴ Рулетка — айланиб турувчи гардишга рақамлар қўйилган қимор ўйини.

миссис Ашернинг дўконига кирган булиши мумкин. Ўша одам пештахта ортига қараб, ўлган хотинни курган булиши ёки дарҳол қотилни ушлаб қолиши, ёки полицияга аниқ тасвирини айтиши мумкин эди, шунда қотилни ўша заҳоти ҳибсга олишарди.

– Ха, албаттa, булиши мумкин, – тан олди Кларк, – бундан чиқадики, қотил таваккал қилиши керак.

– Худди шундай. Ва кўплаб қиморбозлар сингари қотил кўпинча қачон тўхташни билмайди. Ҳар янги жиноят билан ўз қобилиятига ишончи ортаверади. Меъёр хисси унга панд беради. У: «Мен ақлли ва омадли эдим!» демайди. Йўқ, у факат: «Мен ақлли эдим!» дейди. Унинг ўз иқтидори ҳақидаги фикри кучайиб боради, аммо кейин, дўстларим, шарча айланади ва ўйин тугайди: у янги ракамда тўхтайди, киморхона эгаси «қизил» деб эълон қилади.

– Бу ишда ҳам шундай булади деб ўйлайсизми? – сўради Меган қошлирини чимириб, хўмраяркан.

– Бу эртами-кечки содир булиши керак! Шу пайтгача омад жиноятчи томонда эди – эртами-кечми у биз томонга ўтиши лозим. Ўтиб бўлганига ишончим комил! Пайпоқ билан боғлик ип – бу фақат бошлиниши. Энди ҳаммаси унга ёрдам бериш ўрнига унга карши булади! Ва у хато қилишни бошлайди...

– Айтишим керакки, сиз бизни руҳлантиряпсиз, – деди Франклин Кларк, – ҳаммамизга далда керак. Мени эрталабдан фалажлантирувчи ожизлик хисси камраб олганди.

– Қандайдир амалий натижаларга эриша олишимиз мумкинлиги менга анча мушкул туйилляпти, – деди Дональд Фрэзер.

– Журъатсиз бўлма, Дон, – деб юборди Меган.

— Мен ҳам ҳеч қачон сени нима кутаётганини билиб бўлмайди, демоқчиман... — деди Мэри Дроуэр бироз қизариб. — Ўша ёвуз шу ерда, биз ҳам... Алал-оқибат баъзида одамларга сира кутилмаган тарзда тўкнаш келасан.

— Бошқа бирор иш қила олганимизда эди, — дедим жаҳл билан.

— Гастингс, полиция қўлдан келганча ҳаракат қиласлаётганини унутмаслигингиз керак. Махсус констеблар жалб этилган. Инспектор Кроумимизнинг фельдига балки чидаб бўлмас, лекин у қобилиятли офицер. Полковник Андерсон, бош констебль ҳам — ишchan одам. Улар шаҳар ва отчопарни кузатиш ҳамда патруллик қилиш бўйича барча чораларни кўришиди. Ҳамма ёқда фукаролар кийимидағи одамлар бўлади. Қолаверса, матбуотдаги кампания. Жамоатчилик тулиқ огоҳлантирилган.

Дональд Фрэзер бош чайқади.

— У асло журъат қилолмайди, деб ўйлайман, — деди зўр умид билан, — гирт жинни бўлиш керак!

— Афсуски, у жинни! — эътиroz билдириди Кларк курук оҳангда. — Нима деб ўйлайсиз, мсье Пуаро? У бу ишни ташлайдими ёки уддалашга уриниб кўрадими?

— Менимча, унда савдоилик шу даражадики, у ўз ваъдасини бажаришга уриниб кўради! Воз кечиш мағлубиятни тан олишни англатган бўларди, бунга эса иззат-нафси ҳеч қачон йўл қўймайди. Айтишим мумкинки, бу доктор Томпсоннинг ҳам фикри. Биз уни ҳаракатни бошлаганида қўлга туширишни умид қилипмиз.

Дональд яна бош чайқади:

— У маккорлик қиласди.

Пуаро соатга қаради. Ишорани тушундик. Келишувга күра, биз эрталаб иложи борича күпроқ күчаларда патруллик қилиб, ўз ишимиз билан шуғулланишимиз, кейин эса отчопарда турли жойларни эгаллашимиз керак эди.

Мен «биз» деяпман. Табиийки, патруллик қилишда менинг иштирокимдан фойда кам эди, чунки мен ҳеч қачон АВСни кўрмаганман. Шундай бўлса-да, режа буйича ҳудудни имкон борича кенгроқ қамраб олиш керак бўлгани учун хонимлардан бирига ҳамроҳ сифатида ёрдамимни таклиф қилдим. Пуаро рози бўлди – афсуски, у ўшанда қўз қисиб қўйди.

Кизлар шляпаларини кийишга кетишиди. Дональд Фрэзер дераза олдида кўчага қараб турар, афтидан, хаёлга чўмганди.

Франклин Кларк унга қаради ва овозини бироз пасайтириб, Пуарога деди:

– Қулоқ солинг, мсье, Черстонга борганингиз ва акамнинг хотинини кўрганингизни биламан. У сизга айтдими... шама қилдими.... яъни... у умуман тахмин килдими?..

У саросимага тушиб жимиб қолди.

Пуаро жавоб берди. Унинг юзида соддалик акс этгандики, бу менда шубҳа уйғотди.

– Яъни? Акангизнинг хотини айтдими, шама килдими ёки тахмин қилдими – нимани?

Франклин Кларк кизарди.

– Балки, хозир шахсий ишларни тиқиширишинг вакти эмас, деб ҳисобларсиз...

– Асло!

– Лекин, менимча, саволни очиқ бериш керак. – Кларк йўға гапирди: – Акамнинг хотини жуда дилбар аёл...

Мен ҳар доим уни жуда яхши кўрганман... лекин, тўғри, у маълум муддат касал бўлган... ва шу касаллик пайтида... унга наркотик воситалар ва шунга ўшаш нарсалар беришган... мойиллиги бор... хуллас, одамлар ҳакида ҳар хил хаёлга боришга!

– А?

Энди, шубҳасиз, Пуаронинг кўзлари ўйнаб кетди. Лекин ўзининг дипломатик вазифасига берилган Франклайн Кларк буни сезмади.

– Бу Тора... мисс Грейга тегишли, – деди у.

– Ў, Тора Грей ҳакида гапираётган экансиз-да?

– Пуаронинг овозида содда таажжуб бор эди.

– Ха. Леди Кларкнинг хаёлида ҳар хил ўйлар бор. Биласизми, Тора, мисс Грей анча чиройли киз...

– Шундай, шекилли, – деди Пуаро.

– Аёллар эса, ҳатто энг яхшилари ҳам бошқа аёлларни бироз ёқтиришмайди. Тўғри, Тора акам учун бебаҳо эди – у доим Торани кўлида ишлаган котибаларнинг энг яхшиси дерди ва уни жуда яхши кўрарди. Лекин бу анча очиқ ва ҳаддан ортиқ намоён бўларди. Яъни Тора ундей кизлардан эмас...

– Ундей эмасми? – ёрдам берган бўлди Пуаро.

– Лекин акамининг хотини миясига куйиб олган... бу рашқ, у буни бирор марта кўрсатган, деб айтольмайман. Аммо Карнинг ўлимидан кейин, мисс Грейнинг қолиши масаласи тугилганда, Шарлоттанинг жаҳли чиқди. Тўғри, бу қисман касаллиги, морфий ва ҳоказолар туфайли. Ҳамшира Қўпстик шундай дейди: биз Шарлоттани хаёлидаги ўйлари учун айблашга ҳакли эмасмиз...

У тўхтади.

– Хўш?



— Мсье Пуаро, мен бир нарсани тушунишингизни истайман. Бу гапларда умуман ҳеч қандай асос йўқ. Бу шунчаки касал аёлнинг касал тасаввури. Қаранг... — У чунтагини кавлаштириди. — Мана, мен Малай давлатида бўлганимда, акамдан олган хат. Уни ўқиб чикишингизни истайман, чунки у ўрталаридағи муносабат даражасини яққол кўрсатади.

Пуаро хатни олди. Франклин орқадан келиб, бармоғини юргизганча баъзи сатрларни овоз чиқариб ўқиди:

— «...бу ерда ишлар одатдагидек кетяпти. Шарлотта оғрикни унчалик сезмаяпти. Бу охирги нукта бўлмаслигига умид қиласман. Тора Грэй эсингда булса керак? У истарали қиз, мен учун қандай далда булаётганини таърифлаб беролмайман. Усиз шу оғир кунларда нима қилган бўлардим, тасаввур қилолмайман. Унинг ҳамдардлиги ва эътибори барқарор. Диidi нозик, чиройли нарсаларни яхши кўради, мен каби Хитой санъатига қизиқади. У билан ишлаб, омадим келди. Ҳеч бир қиз фарзанд бундан яқин ва ҳамдард сухбатдош бўлолмайди. Унинг ҳаёти оғир ўтган. Бу ер унинг уйи ва ҳақиқий қисмати эканлигини сезиб, қувонаман...»

— Кўряпсизми, — деди Франклин, — акам унга шундай оталарча муносабатда бўлган. У акам учун қизицек эди. Ҳеч кимнинг уни айблашга ҳаки йўқ. Мен сизга бу хатни кўрсатишга қарор килдим. Тора ҳакида ногўғри таассуротга эга бўлишингизни истамасдим...

Пуаро хатни қайтариб берди.

— Сизни ишонтириб айтаманки, — деди у жилмайиб, — мен ҳеч қачон ногўғри таассурот олишимга йўл қўймайман. Ўз фикримни шакллантираман...

— Яхши, — деди Кларк, — нима бұлғанда ҳам, хатни сизга күрсатганимдан хурсандман. Бу ёққа қызлар келишяпти.

Хонадан чиқишимиз билан Пуаро мени чакирди:

— Экспедицияга ҳамроҳ бұлмоқчимисиз, Гастингс?

— Ү, ҳа. Бу ерда қолиб, бекор үтирсам, үзимни үнгайсиз сезардим.

— Жисм иши билан бирга ақл иши ҳам мавжуд, Гастингс.

— Ҳа, лекин бу борада сиз мендан кучлироқсиз, — дедим.

— Хонимлардан бирига ҳамроҳлик қилмокчисиз, шундайми?

— Шундай фикр бор эди.

— Қайси хонимни эътиборингиз билан сийлашни афзал құрасиз?

— Мен... ҳалиги... ҳали қарор қымадим.

— Мисс Барнардга нима дейсиз?

— У анча мустақил, — деб иккиландым мен.

— Мисс Грэй?

— Ҳа, у маъқулроқ.

— Гастингс, сизни очиқдан-очик муттаҳам деган бұлардым! Ҳамма ёқда фариштангиз — малласоч билан вақтни бирга үтказишга баҳона излайсиз!

— Пуаро, құйсангиз-чи!

— Режаларингизни бузәётганим учун жуда афсусдаман. Сиз ҳамроҳлик қилишингиз керак бұлган одам — Мэри Дроуэр. Сиздан уни ёлғиз қолдирмасликни сұрапшга мажбурман.

— Аммо нима учун, Пуаро?

— Чунки, қадрли дүстим, унинг исми Ддан бошланади!!! Биз таваккал қымаслигимиз керак.



Бу танбекни муносиб баҳоладим. Аввалига у менга зўрма-зўраки туйилди. Лекин кейин, агар АВС Пуарони ниҳоятда ёмон қўрса, унинг барча ҳаракатларидан жуда яхши хабардор бўлиши мумкинлигини тушундим. Бу ҳолатда унда Мэри Дроуэрни йўқ қилиш фикри жуда нозик тўртинчи зарбани бериш йўли сифатида туғилиши мумкин.

Мен ғамхўрликда содик бўлишга сўз бердим-да, Пуарони дераза ёнидаги курсида кўриб, чиқиш томон юрдим. Унинг олдида кичкина рулетка турарди. Эшик томон ўтаётганимда, рулеткани айлантириди-да, орқамдан гапирди:

– Кизил – бу яхши аломат, Гастингс. Омад биз томон ўгириляпти!

24-боб

(Капитан Гастингс тилидан ёзилмаган)

Жаноб Лидбеттернинг ёнида ўтирган киши унинг олдидан бесўнақайлик билан ўтаётиб, қоқилиб кетди. Камига олд ўриндиқقا шляпасини тушириб юборди, уни олиш учун энгашганда, жаҳл билан тўнғиллади. Бу ишларнинг бари «На чумчук...» фильмининг, жўшқинлик ва гўзалликка тўла, барча юлдузлар иштирок этган драманинг, жаноб Лидбеттер бир ҳафтадан бери кўришни интиқлик билан кутган ўша драманинг энг қизиган пайтида бўлди.

Кэтрин Ройал (жаноб Лидбеттернинг фикрича – дунинг етакчи актрисаси) ўйнаган тилла ранг сочли қаҳрамон аёл ҳозиргина туйғуларини тўкиб, хириллаган овозда қичқирганча ғазабини билдириди: «Хеч

қачон. Очликдан ўлишни афзал күрардим. Лекин мен очликдан ўлмайман. Ўша сўзларни эсланг: на чумчук тушади...»

Жаноб Лидбеттер бошини жаҳл билан ўнгдан чапга бурди. Одамларга ҳайронсан! Нега фильмнинг охиригача ўтиришолмайди... энг таъсирли пайтида кетишишади...

Ў, шуниси яхшироқ. Бадфеъл жентльмен чиқиш томон юрди. Жаноб Лидбеттерга бутун экран ва Нью-Йоркдаги Вэн-Шрайнер кошонаси деразаси ёнида турган Кэтрин Ройал яхши курина бошлади. Энди у поездга чикяпти, кўлида бола бор... Америкадаги поездлар қандай ажойиб, Англиядаги поездларга сира ухшамайди.

Ў, Стив яна тоғдаги кулбасида...

Фильм тўлқинлантирувчи диний ечимиға яқинлашаётганди.

Чироқ ёнганда, жаноб Лидбеттер мамнун хўрсинди, кўзларини сал қисганча секин турди. У ҳеч қачон кинотеатрдан дарров кетмаган. Унга доим оддий реал ҳаётга қайтиш учун маълум вақт керак бўларди.

У атрофга назар ташлади. Чиндан ҳам, одам унчалик кўп эмас. Уларнинг ҳаммаси пойгада. Жаноб Лидбеттер пойгани ҳам, карта ўйинини ҳам, ичкиликбозликни ҳам, чекишни ҳам маъқулламасди. Аксинча, унга кинога бориб завқланиш кўпроқ куч-куvvат берарди.

Ҳамма чиқиш томон ошиқарди. Жаноб Лидбеттер худди шундай қилишга шайланди. Ундан олдинги ўринидикдаги киши чукур курсида ухлаб ўтиради. Жаноб Лидбеттер «На чумчук...»дек драма қўйилаётгандага кимдир ухлаши мумкин деган ўйдан ғазбланаётганди.

Дарғазаб жентльмен чұзилған оёқлари үтиш йүлини түсіб қўйган ухлаётган кишига:

– Кечирасиз, сэр, – деди.

Жаноб Лидбеттер чиқаверишга етганды, ортига үтирилди. Орқада қандайдир тұполон бошланғанды... Балки, у одам қаттық мастдир, ухламаётгандир.

У иккиланиб қолди, кейин чиқиб кетди ва бу иши билан кун шов-шувини – «Сент-Лежер»да 1 га 85 тиқилған Каттаконнинг ғалабасидан ҳам каттароқ шовшувни үтказиб юборди.

– Афтидан, сиз ҳақсиз, сэр... – дерди дарбон. – У касал... Нима, нима гап, сэр?

Бошқаси бақириб, құлини тортиб олди ва қизил ёпишқоқ доғға тикилди.

– Кон...

Дарбон паст овозда хитоб килди. Унинг күзи үриндік тагидан чиқиб турған қандайдир сарик нарсанынг бурчагига тушди.

– Үлай агар! – деб ҳайқирди у. – Бу а... б... – «ABC»!

25-боб

(Капитан Гастиңг тилидан ёзилмаган)

Жаноб Касть «Ригал Синема» кинотеатридан чиқиб, осмонга қаради.

Ажойиб оқшом... Чиндан ҳам, ажойиб оқшом...

Браунинг³⁵дан «Самоларда Худо бор» деган иқтибос хаёлга келди.

Ва дунёда ҳамма нарса тинч.

У ҳар доим иқтибосларни яхши күрган.

³⁵Браунинг – Роберт Браунинг – инглиз шоири ва драматурги.

У ўзига ўзи жилмайиб, ўзи ижарада турган «Қора оққуш»га етиб боргунча күча бўйлаб юргилаб кетди. Зинапоялардан ўз хонасига – учинчи қаватдаги деразаси тош ётқизилган ички ҳовли ва гаражга қараган дим, кичкина хонага чиқди.

Хонага кириши билан табассуми бирдан сўнди. Енгида, манжета ёнида доғ бор эди. У доғга тегинди – ҳўл ва қизил, қон...

У қўлини чўнтағига тиқиб, узун ингичка пичоқни чиқарди. Пичоқ тифи ҳам ёпишқоқ ва қизил эди.

Жаноб Каст узоқ ўтирди.

Кейин силласи қуриган ҳайвондек хонага тез кўз югуртирди.

Шошиб лабларини ялади...

– Бу менинг айбим эмас, – деди жаноб Каст.

Бу унинг ким биландир баҳслашишига, ўкувчанинг ўқитувчи олдида ўзини оқлашига ўхшарди.

У яна лабларини ялади...

Яна пальтосининг енгига разм солди.

Нигоҳи хонани кесиб ўтиб, юз-қўл ювгичда тўхтади.

Бир дақиқадан сўнг у раковинани эски кўзадаги сув билан тўлдира бошлади. Пальтосини ечиб, енгини чайди-да, эҳтиёткорлик билан сикди...

Ўхў! Сув қизил бўлиб кетди...

Эшик тақиллади.

У эшикка тикилиб, харакатсиз қотди.

Эшик очилди. Тўладан келган ёш аёл кўлида кўза кутариб, хонага кирди.

– Кечирасиз, сэр, иссик сувингиз.

– Раҳмат... Совук сувда ювиниб олдим... – деди у зурға.

Бу гапни нега айтди? Аёлнинг кўзлари дарров ра-
ковинага қадалди.

У ғазаб билан гапирди:

- Мен... мен қўлимни кесиб олдим.

Жимлик чўкди – ха, шубҳасиз, жуда узоқ давом
этган жимлик. Шундан кейингина аёл:

- Ха, сэр, – деди.

Аёл эшикни ёпиб, чиқиб кетди.

Жаноб Каст гўё тош қотгандек турарди.

Келди, ниҳоят...

У кулоқ солди.

Овозлар, хитоблар, зинапояларда тепага чиқаёт-
ган қадам товушлари эшитиляптими? У ўз юраги-
нинг зарбларидан бошқа ҳеч нимани эшитмасди...
Қўккисдан муздек ҳаракатсизликдан ҳаракатга ўтди:
пальтони кийди, оёқ учиди эшик ёнига бориб, очди.
Бардан эшитилаётган таниш ғовур-ғувурдан бошқа
ҳеч қандай шовқин йўқ... Ҳамон ҳеч ким йўқ. Омади
келди. У пастки зинапояларда тўхтаб қолди. Энди ка-
ерга?

У бир қарорга келди, йўлакдан орқа эшик орқали
ховлига ўқдек отилиб чиқди. У ерда икки ҳайдовчи
машиналар билан ўралашиб, ғолиблар ва мағлублар-
ни мухокама қиласарди.

Жаноб Каст ҳовлини кесиб ўтиб, кўчага чиқди.

Биринчи муюлишдан сўнг ўнгга, кейин чапга, яна
ўнгга...

Вокзалга боришга журъат этадими?

Ха, у ер одамга тўла бўлса керак... маҳсус поезд-
ни... омад у томонда бўлса, ўйлаганига эришади.

Агар факат омад унга ҳамроҳ бўлса...



26-боб

(Капитан Гастингс тилидан ёзилмаган)

Инспектор Кроум жаноб Лидбеттернинг асабийлик билан гапиришини эшитарди.

– Ишонинг, инспектор, бу ҳақда ўйлаганимда, юрагим уришдан тұхтаб қолади. Ахир у бутун сеанс давомида менинг ёнимда ўтирди!

Жаноб Лидбеттернинг юраги ўзини қандай тутишига мутлақо бефарқ инспектор Кроум унга шундай деди:

– Марҳамат қилиб, бир нарсаны аниқлаштырсангиз. У одам картина деярли охирига етайдеганда чиқиб кетди... У ёнингиздан үтаётганди ва қоқилиб кетди...

– У ўзини қоқилиб кетгандек күрсатди. Энди тушуняпман. Кейин шляпасини олиш учун олдинги қатор ўриндиғига эгилди. Бечорани айнан ўшанда пи-чоклаб ўлдирған бұлса керак.

– Ҳеч нимани эшитмадингизми? Қичқирик ёки инграган товушни?

Жаноб Лидбеттер Кэтрин Ройалнинг хириллаган баланд овозидан бошқа ҳеч нимани эшитмаганди, лекин жұшқын тасаввурида инграган товушни ўйлаб чиқарди.

Инспектор Кроум унинг гапига ишонди ва давом этишни буюрди.

– Кейин эса у чиқиб кетди...

– Уни тасвирлаб бера оласизми?

– У жуда баланд эди. Камида олти фут. Баҳайбат одам.

– Малласочми ёки қорасоч?

– Мен... ишончим комил эмас. Назаримда, у кал эди. Машъум қиёфали эркак.

— Оксамаётганмиди? — сұради инспектор Кроум.

— Ҳа-ҳа, ҳозир, бу ҳақда айтганингиздан сұнг, эсладим, назаримда, у оксаётганди. Жуда корача эди, аралаш иркқа мансуб бұлса керак.

— Охирги марта чирок ёнғанда, жойида үтирганмиди?

— Йүк. У асосий картина бошланғандан сұнг кирди.

Инспектор Кроум бөш ирғаб, жаноб Лидбеттерга имзолаш учун протоколни узатди-да, ундан халос бұлды.

— Бу топиш мүмкін бұлған энг ёмон гувоҳ бұлса керак, — деди у умидсизләніб. — Сал йұналиш бериб юборса, ҳар бало деб ташлайди. Ұша одамнинг ташқи күриниши ҳақида заррача тасаввурға эга эмаслиги күндеқ равшан. Яна дарбонни чақириң.

Дарбон — жуда ихчам, қадди ҳарбийларча рост одам кириб, эшитишга шай бўлиб тұхтади. Унинг күзлари полковник Андерсонга қадалғанди.

— Хүш, Жеймсон, энди сизни эшитайлик-чи.

Жеймсон ҳарбийчасига салом берди.

— Хўп, сэр. Сеанснинг охири, сэр. Менга касал бўлиб қолған жентльмен бор деб айтишди. Жентльмен иккى шиллингу тұрт пенслик курсида ялпайиб үтиради. Бошқа жентльменлар атрофда туришарди. Менга жентльменга нимадир бўлғандек туйилди. Ёнида турған жентльменлардан бири қулини касал жентльменнинг пальтосига қулини теккизиб, эътиборимни тортылди. Қон экан, сэр. Жентльменнинг үлгани аник эди — пичоклаб үлдиришган, сэр. Нигоҳим үриндик тагидаги «ABC» темир йўл маълумотномасига тушди. Тұғри иш тутиш мақсадида у кишига тегмасдан, зудлик билан полицияга фожиа юз бергани ҳақида хабар бердим.

- Жуда яхши, Жеймсон, сиз жуда түғри йўл тутгансиз.
- Миннатдорман, сэр.
- Беш дақиқа аввал икки шиллингу тўрт пенслик жойни тарк этаётган одамни кўрдингизми?
- Улар бир неча киши эди, сэр.
- Уларни тасвиirlаб бера оласизми?
- Афсуски, йўқ, сэр. Бири жаноб Жеффри Парнелл эди. Кейин ёш йигит, Сэм Бэйкер бор эди, ёш хоними билан. Бошқа ҳеч кимни деярли пайқамадим.
- Афсус. Шу етарли, Жеймсон.
- Хўп, сэр.
- Дарбон честь берди-да, чиқиб кетди.
- Бизда тиббий хулоса бор, – деди полковник Андерсон, – лекин энди уни топган йигитни эшишиб кўрган маъкул.
- Полиция констебли кириб, честь берди.
- Жаноб Эркюль Пуаро шу ерда, сэр, бошқа жентльмен ҳам.
- Инспектор Кроумнинг ковоғи уйилди.
- Ҳа, майли, – деди у, – кира қолишсин.

27-боб

Донкастердаги қотиллик

Кираётиб, Пуаронинг оёғини босиб оларканман, инспектор Кроум айтган гапнинг охиринигина эшиздим. У ва бош констебль ташвишли ҳамда тушкун кўринарди.

Полковник Андерсон бош ирғаб, биз билан саломлашди.

– Келганингиздан хурсандман, мсье Пуаро, – деди у хушмуомалалик билан. Полковник Кроумнинг сўз-

ларини эшитганимизни пайқади, деб ўйлайман. – Яна бир қотиллик содир бўлди, тушуняпсизларми?

– Яна бир алифбо бўйича қотилликми?

– Ҳа, у телбалик даражасидаги дадил жиноят. Жиноятчи букилиб, бошқасининг орқасидан пичоқлаган.

– Бу гал пичоқлаб ўлдирибдими?

– Ҳа, усулларини бироз ўзгартиряпти, шундай эмасми? Бошига уриш, бўғиб ўлдириш, энди эса – пичоқ. Турфа киррали, иблис... Мана тиббий хулоса, истасангиз, танишиб чиқинг.

У қоғозларни Пуаро томон суриб кўйди.

– «ABC» маълумотномаси полда, ўлган кишининг оёклари орасида экан, – деб қўшимча қилди у.

– Ўлган кишининг шахси аниқландими? – сўради Пуаро.

– Ҳа. Бу гал ABC хато қилиби, – агар бундай изоҳ бизни бироз бўлса-да кониктирса. Марҳумнинг фамилияси Эрлфсилд – Жорж Эрлсфилд. Касби – сартарош.

– Қизик, – деди Пуаро.

– Балки, бошка ҳарфга ўтиб кетгандир? – тахмин қилди полковник.

Дўстим шубҳа билан бош чайқади.

– Кейинги гувоҳни чақирамизми? – сўради Кроум.
– У уйга шошяпти.

– Ҳа-ҳа, давом этайлик.

Урта ёшлардаги, «Алиса мўъжизалар мамлакатида»ги курбақа-хизматкорга жуда ўхшайдиган жентльменни ёнимизга бошлаб киришди. У жуда асабийлашган, овози ўткир ва ҳаяжонли эди.

– Умримдаги энг кучли изтироб, – деб чийиллаб гапирди у. – Менинг юрагим заиф, сэр, жуда заиф, улиб қолиш имумкин эди.

- Фамилияңгиз, илтимос, – деди инспектор.
- Даунз. Роджер Эммануэль Даунз.
- Касбингиз?
- Хайфилд үғил болалар мактабида дарс бераман.
- Жаноб Даунз, энди нима бұлганини гапириб беринг.

– Мен факат кисқача айтиб беришим мүмкін, жентльменлар. Сеанс тугагандан сұнг жойымдан турдим. Чап томонимдаги жой бүш зди, лекин кейингисида бир киши үтирганди, ухлаётганга үхшарди. Унинг ёнидан чиқиш йүлиға үтолмадим, чунки оёклари үтиш жойида чиқиб турғанди. Ундан үтиб кетишімга йүл беришини сұрадым. Қимирламагани учун илтимосимни тақрорладим... ҳалиги... сал баландроқ овозда. У яна жавоб бермади. Шунда үйғотиш учун елкасидан туртдим. Унинг танаси янада орқага ташланди, шунда унинг ө бехуш, ө жиддий касаллигини тушундим. «Бу жентльмен касал булиб қолибди. Дарбонни чақириңглар», деб қичкирдим. Дарбон келди. Қўлимни үша одамнинг елкасидан олганимда, қўлим хўл ва қизил бўлиб қолганини кўрдим. Унинг пичоқланганини тушундим. Худди шу пайтда дарбон «ABC» темир йўл маълумотномасини кўриб колди... Ишонтириб айтаманки, жентльменлар, жуда кучли ларзага тушдим! Ҳар нима булиши мүмкін зди! Мен кўп йиллардан бери юрак етишмовчилигидан азоб чекаман...

Полковник Андерсон жаноб Даунзга юзида анча ғалати ифода билан қараб үтиради.

– Үзингизни омади келган одам деб хисоблашингиз мүмкін, жаноб Даунз.

– Худди шундай, сэр. Ҳатто юрагим урмай қолди!



— Гапларимнинг маъносини унчалик тушунмадингиз, жаноб Даунз. Сиз икки ўриндик нарида ўтиргандим, дедингизми?

— Аслида, мен бошида ўлдирилган кишидан кейинги ўринда ўтиргандим... кейин буш ўриннинг орқасида ўтириш учун бир ўринга сурилдим.

— Сизнинг бўйингиз ва гавда тузилишингиз ўлдирилган билан тахминан бир хил, шундай эмасми? Сизнинг ҳам унга ўхшаб бўйингизга жун шарф уралганмиди?

— Мен пайқамадим... — деди қатъият билан жаноб Даунз.

— Сизга айтяпман-ку, шу ўринда омадингиз келган. Нима бўлганда ҳам, қотил сизни кузатаётганда, адаштириб юборган. У бошқа одамнинг орқасини танлаган. Қасам ичишга тайёрман, жаноб Даунз, ўша пичоқ сизга аталган!

Жаноб Даунзнинг юраги аввалги синовларга қанчалик яхши бардош берган бўлмасин, бунисини кутаришга қодир эмасди. Унинг нафаси кайтиб, курсига ўтирди, юзи қизариб кетди.

— Сув, — деб энтикарди у, — сув...

Унга стаканда сув олиб келишди. У оз-оздан ҳўплаб сув ичаркан, ахволи аста-секин яхшилана бошлади.

— Мени? — деди у. — Нима учун мени?!

— Шунакага ўхшайди, — деди Кроум, — чиндан ҳам, бу ягона изоҳ.

— Айтмоқчисизки, уша одам... ўша моддий шакл олган иблис... ўша конхўр жинни кулай фурсат кутиб, мени кузатиб юрганми?

— Шундай бўлганга ўхшайди.

— Аммо, худо ҳаки, нима учун мени? — қистарди ранжиган мактаб ўқитувчиси.



Инспектор Кроум «Нега энди сизни бўлмасин?» деб жавоб беришдан ўзини тийди ва бунинг ўрнига:

– Ойпастдан ҳаракатларига сабаб кутиш керак эмас, – деди.

– Э худо, жонимни асра, – деди жаноб Даунз пи-чирлаб. У турди. – Жентльменлар, сизларга бошқа керагим бўлмаса, уйга бора қолай... Мен... мен ўзими ёмон ҳис қиляпман.

– Албатта, жаноб Даунз. Аҳволингизни назорат қилиш учун сиз билан констеблни жўнатаман.

– Ў, йўқ-йўқ, раҳмат. Бунга ҳожат йўқ.

– Балки, бордир, – деб хириллаб гапирди полковник Андерсон.

У инспектор томонга қараб, нигоҳи билан сездирмай сўради. Инспектор ҳам сездирмай бош ирғаб жавоб берди.

Жаноб Даунз титраб, чиқиб кетди.

– У барибир тушунмади, – деди полковник Андерсон. – Улар икки киши бўлади-а?

– Ҳа, сэр. Инспекторингиз Райс ҳаммасини ташкиллаштириди. Уйни кузатишади.

– ABC ўз хатосини англағанда, яна уриниб куриши мумкин, деб ўйлайтисизларми? – деб сўради Пуаро.

Андерсон бош ирғади.

– Шундай бўлиши мумкин, – деди у, – ўша ABC тартибли нусхага ўхшайди. Ишлар дастурга кўра амалга ошмагач, жаҳли чиқади.

Пуаро паришон бош ирғади.

– Ошнанинг тасвирини олишни истардим, – деди полковник Андерсон жаҳл билан, – биз ҳали ҳам аник бир тасаввурга эга эмасмиз.

– Пайдо бўлиб қолиши мумкин, – деди Пуаро.



— Шундай деб ўйлайсизми? Ҳа, булиши мумкин. Ҳаммаларини жин урсин, бирортасининг кўзи борми узи?

— Сабрли бўлинг, — деди Пуаро.

— Сизда дадиллик сезиляпти, мсье Пуаро. Бундай оптимизмга асосингиз борми?

— Ҳа, полковник Андерсон. Шу пайтгача қотил хато қилмаганди. Кўп ўтмай хато қилишга мажбур бўлади.

— Агар бори шу бўлса, давом этинг, — тўнғиллади бош констебль, аммо унинг гапини бўлишди:

— «Қора оққуш»даги жаноб Болл ёш аёл билан шу ерда, сэр. Сизга ёрдам бериши мумкин бўлган гапи борлигини айтяпти.

— Бошлаб киринг. Ҳеч бўлмаса, бирорта фойдали маълумотга эга бўлишимиз керак...

«Қора оққуш»даги жаноб Болл гавдали, ҳафтафаҳм, камҳаракат эркак эди. Ундан пиво ҳиди келиб турарди. Унинг ёнида думалоқ кўзлари ҳаяжонда эканлигини яққол сездириб турган тўладан келган ёш аёл борэди.

— Умид қиласманки, хира булиб, вақтингизни ол-маяпман, — деди жаноб Болл паст овозда, — лекин манави келин, Мэри, сизга айтадиган гапи борлиги-ни таъкидлаяпти.

Мэри журъатсиз ҳингиллаб кулиб қўйди.

— Хўш, бутам, ним гап? — сўради полковник Андерсон. — Испинг нима?

— Мэри, сэр, Мэри Страуд.

— Хўш, Мэри, қани гапир.

Мэри думалоқ кўзларини хўжайинига тикди.

— Унинг вазифасига эркакларнинг хоналарига иссиқ сув олиб бориш киради, — деди жаноб Болл ёрдам бериб. — Ҳозир олти нафарга яқин жентльмен бизда турибди.

— Ҳа, ҳа, — деди Андерсон тоқатсизланиб.

— Давом эт, қизалоқ, — деди жаноб Болл, — ҳикоянгни гапир. Қўрқишга ҳожат йўқ...

Мэри оғир хўрсишиб, нафас олмасдан бидирлаб кетди:

— Мен эшикни тақиллатдим, лекин жавоб бўлмади. Одатда, агар жентльмен «киринг» демаса, кирмасдим, у ҳеч нима демагани учун кирдим, у эса қўлини юваётган экан.

Мэри жим қолиб, оғир нафас олди.

— Давом эт, бўтам, — деди Андерсон.

Мэри кўз кири билан хўжайинига қаради ва унинг шошилмай бош ирғашидан руҳланган каби, яна ҳикоя қилишга тушди.

— «Иссик сувингиз, сэр», — дедим, ахир мен эшикни тақиллатгандим-ку. «Мен совуқ сувда ювиндим», — деди у, шунинг учун, табиийки, раковинага қарадим, — ў худо, менга ёрдам бер! — унинг ҳамма ёғи қизил эди!

— Қизил? — сўради Андерсон кескин.

Болл сухбатга аралашди:

— Қизалоқ менга унинг эгнида пальто борлигини, енгидан ушлаб турганини, енгининг ҳамма ёғи ҳул эканлигини айтди — шундайми ахир, қизалок?

— Ҳа, сэр, шундай, сэр.

Мэри давом этди:

— Юзи эса, сэр, ғалати эди, жуда шубҳали кўринарди. Ичим ағдар-тўнтар бўлиб кетди.

— Бу қачон бўлди? — сўради Андерсон кескин.

— Бешдан чоракта ўтганларда, чамаси, агар адаш масам.

— Уч соат олдин, — деб гапни бўлди Андерсон. — Нега дарров келмадингиз?

— Бу ҳақда дарров эшитмадим, — деди Болл, — фақат янги қотиллик содир этилгани ҳакида хабар келгандан кейингина. Кейин эса бу қиз раковинадаги қон бұлған бұлиши мүмкін, деб бақиришга тушди, мен ундан нимани назарда тутаётганини сўрадим, у айтиб берди. Бу менга шубҳали туйилди, шунинг учун ўзим тепага чиқдим. Хонада ҳеч ким йўқ эди. Бир нечта савол бердим, ҳовлидаги болалардан бири кўчага чиқиб кетган бир кишини кўрганини айтди, боланинг тасвирлашича, у ўша киши эди. Шунинг учун хотинимга Мэрининг полицияга боргани маъқуллигини айтдим. Мэрига бу фикр ёқмади, мен унга бирга бораман, деб айтдим.

Инспектор Кроум унга бир варак қоғоз узатди.

— Ўша одамни тасвирлаб беринг, — деди у, — иложи борича, тезрок. Вақтни бой бериб бўлмайди.

— Унинг гавдаси ўртacha эди, — деди Мэри, — буқчайиб юрарди, кўзойнак такарди.

— Кийимлари-чи?

— Кора костюм ва кийилавериб тўзиган «хомбург» шляпа.

Кроум яна ҳовлидан чиқиб қетган киши сумка ёки жомадонсиз бўлганини ҳам сўраб билиб олди...

— Унда имконият бор, — деди у.

Икки кишини «Қора оқкуш»га юбориши. Фахр ва ғууруга тўлиб-тошган жаноб Болл ва йиғидан бироз қўзлари қизарган Мэри уларга ҳамроҳ бўлди.

Сержант ўн дақиқадан кейин қайтиб келди.

— Рўйхатга олиш журналини олиб келдим, сэр, — деди у, — мана имзо.

Биз стол атрофига тўпландик. Дастхат майда ва сиқиқ эди, ўқиш осон эмасди.

— А.Б. Кэйс — ёки Кэшми? — деди бош констебль.



- АВС, — деди Кроум маънодор.
- Юклари-чи? — сўради Андерсон.
- Каттагина битта жомадон, сэр. Картон кутиларга тўла.
- Кутиларга? Уларда нима бор экан?
- Пайпок, сэр. Шойи пайпок Кроум Пуарога ўтирилди.
- Табриклайман, — деди у. — Шубхалзарингиз тасдикланди.

28-боб

(Капитан Гастингс тилидан ёзилмаган)

Инспектор Кроум Скотленд-Ярддаги ўз идорасида ўтиради. Столидаги телефон узук-узук тингиллади, у гўшакни кўтарди.

— Жейкобс галирятти, сэр. Бу ерга бир ёш йигит келди, менимча, уни эшишиб кўришингиз керак.

Инспектор Кроум хўрсинди. Ҳар куни ўрта хисобда йигирма киши АВС иши бўйича келарди. Баъзилари беозор ойпараст, баъзилари соглом фикрли одамлар эди, лекин уларнинг ҳаммаси маълумотлари муҳим эканлигига астойдил ишонарди. Сержант Жейкобснинг иши одамларнинг злаги бўлиб хизмат килиш эди.

— Жуда соз, Жейкобс, — деди Кроум, — уни олиб киринг.

Бир неча дақиқадан сўнг инспектор хонасининг эшиги такиллаб, баланд бўйли, мисбатан келишган йигитни бошлаб, сержант Жейкобс кирди.

— Бу Том Хартиган, сэр. Унинг бизга айтадиган маълумоти бор, АВС ишига онд.

Инспектор хушмуомалалик билан туриб, унинг кўлини сикди.

— Хайрли тонг, жаноб Хартиган. Ўтиринг. Чекасизми? Сигаретами?

Том Хартиган қовушмай ўтириб, ўзи ичидә мухим кишилардан бири деб атайдиган кишига бир қадар ҳадиксираб қаради. Инспекторнинг ташқи кўриниши унинг ҳафсаласини пир қилгандек бўлди. У оддий одамга жуда ўхшарди!

— Хўш, демак, — деди инспектор Кроум, — сизда, сизнингча, ишга оид маълумотлар бор? Гапиринг!

Том асабийлик билан гап бошлади:

— Тўғри, бу ҳеч нимани англатмаслиги мумкин. Балки, шунчаки менинг фикримдир. Балки, вақтингизни олаётгандирман.

Инспектор Кроум сездирмай хўрсинди.

Одамларга далда бериш учун қанча вақт сарфлаш керак-а!

— Бу ҳақда биз хулоса чиқарганимиз маъқул. Тафсилотларни баён қилинг, жаноб Хартиган.

— Хуллас, гап бундай, сэр. Менинг севган қизим бор, унинг онаси эса хоналарни ижарага беради. Кэмдентаун йўналиши бўйича. Учинчи қаватнинг бир қисмини, ҳовлига қараган жойни бир йилдан кўпроқ вақтдан бери Кастан деган одам ижарага олган.

— Кастан, шундайми?

— Худди шундай, сэр. Ўрта ёшлардаги эркак, анча қўримсиз ва юмшоқ. Кейин бироз ғалатироқ, сизга айтсан. Пашибага ҳам озор бермайдиган одамлар тоифасидан, агар анча ғалати вазиятлар бўлмаганда, мен ҳеч қачон ҳеч қандай ёмон хаёлга бормасдим.

Том бироз хижолат бўлиб, бир неча марта гапини такрорлади, жаноб Кастан билан Юстон вокзалидаги кутилмаган учрашуви ва тушириб қўйилган чипта билан боғлиқ нохуш воқеани ҳикоя қилиб берди.



— Биласизми, сэр, буни истаганча тушунинг, лекин бу кулгили күринди. Лилининг — мен севган қиз, сэр, у айнан Челтенхэм деб айтганига ишончи комил, онаси ҳам худди шундай деялти. У жұнаб кетган кун эрталаб шу ҳақда бұлған сұхбатни аник эслайман, деялти. Түғри, у пайтда бунга унчалик эътибор бермадим. Лили үша одамга — Донкастерга отланаётган АВСга тұқнаш келиб қолмаслигига жуда умид қилишини, кейин эса аввалги жиноят пайтида Черстон туманида бұлганини айтди. Мен ундан ҳазиллашиб, ундан аввалги галда Кастнинг Бексхиллда бұлған-бұлмаганини сүрадим. У Кастнинг қаерда бұлганини билмаслигини, лекин қирғоққа бориб келгани аниқлигини айтди. Кейин эса мен унга жаноб Кастнинг үзи АВС бұлса, кулгили бұларди, деб айтдим, у эса бечора жаноб Каст пашшага ҳам озор бермайды, деди. Үшанды ҳамма гап шу билан тугади. Бошқа бу ҳақда үйламадик. Ҳар қалай, мен, сэр — фақат ғайришуурый рацишда. Мени үша Каст қизиқтира бошлади ва охирокибат күринишидан беозор күринган одам бироз иш ратпараст булиши мумкинлиги ҳақида үйладым.

Том нафасини ростлаб, гапини давом эттирди. Бу гал инспектор Кроум диққат билан эшитаётганди.

— Кейин эса, сэр, Донкастердаги қотилликдан сұнг, ҳамма газеталарда А.Б. Кейс ёки Кэц деган одамнинг қаердалиги ҳақида маълумот зарурлиги ёзилиб, унга тулиқ мос келадиган тасвир берилганди. Биринчи оқшомдаёқ Лилининг ёнига бориб, жаноб Каст исмининг биш ҳарфлари қандайлигини сүрадим. У аввалига эслолмади, лекин онаси эслади. У А.Б. эканлиги аник, деди. Кейин Каст Андовердаги биринчи котиллик пайтида сафарда бұлған-бұлмаганини аниклашга

уриндик. Сэр, биласиз, уч ой аввал бўлган ишни эслаш осон эмас. Биз анча ҳаракат қилдик ва ниҳоят, аникладик. Чунки миссис Марберининг укаси бор, у 21 июнда Канададан опасини кўришга келганди. Аслида, у кутимаганда келганди, миссис Марбери унга тунашга жой бермоқчи бўлди. Лили жаноб Касть сафарда бўлгани учун Берт Смит унинг каравотидан фойдаланиши мумкинлигини таклиф қилди. Лекин миссис Марбери рози бўлмади, бу ижарачига нисбатан яхши эмаслиги, ҳар доим ҳалол ва адолатли йул тутишни афзал кўришини айтди. Биз санасини аниқ эсладик, чунки жаноб Берт Смитнинг кемаси ўша куни Саутгемтонга етиб келди.

Инспектор Кроум ора-чорада қисқа қайдлар қилиб, ҳаммасини зўр дикқат билан эшитди.

– Бўлдими? – деб сўради у.

– Бўлди, сэр. Умид қиласманки, йўқ жойдан шовшув кутаряпти деб ўйламаяпсиз, – бироз қизарди Том.

– Асло ундей эмас. Келиб, тўғри иш қилдингиз. Тўғри, бу жуда кичкина далил: бу саналар шунчаки тасодиф булиши мумкин, исмларнинг ўхшашлиги ҳам. Лекин менда жаноб Кастингиз билан гаплашиб кўришга барча асослар бор. У ҳозир уйдами?

– Ҳа, сэр.

– Қачон қайтди?

– Донкастердаги қотиллик содир этилган куни окшомда, сэр.

– Ўшандан бери нима иш билан шуғулланяпти?

– Асосан, уйда ўтирибди, сэр. Кўриниши ҳам жуда бошқача. Газеталар сотиб олади. Эрталаб вақтли чиқиб, тонгги сонларни олиб келади, кейин эса қоронғи тушгач, яна чиқиб, кечкиларини олиб келади. Миссис



Марбери эса унинг ўзи билан ўзи кўп гаплашаётганни айтяпти. Унинг фикрича, Касть борган сари ғалати бўлиб боряпти.

— Миссис Марберининг манзилини айта оласизми?

Том унга манзилни берди.

— Раҳмат сизга. Кун давомида ўтишга ҳаракат қиласман. Сизни ўша Касть билан учрашганда, эҳтиёткор бўлиш ҳақида огоҳлантиришимга ҳожат бўлмаса керак. — У туриб, йигитнинг қўлини сикди. — Ёнимизга келиб, тўғри қилганингизга буткул амин бўлингиз мумкин. Хайр, жаноб Хартиган.

— Қалай, сэр? — сўради Жейкобс бир неча дақиқадан сўнг хонага яна киаркан. — Арзиди, деб ўйлайсизми?

— Умид қилса бўлади, — деди инспектор Кроум, — яъни агар йигит айтиб берган тафсилотлар мос келса. Ҳали пайпоқ тайёрловчи ҳақида ҳеч нима аникланмади. Бизда шунга ўхшаш қандайдир иш бўлганди. Дарвоқе, менга Черстон иши билан боғлиқ папка ни беринг-чи.

У керакли нарсани қидириб, бир неча дақика овора бўлди.

— Ҳа, мана у. Торки шаҳри полициясига ёзилган аризалар орасида экан. Хилл фамилияли йигит. «На чумчук...» фильмидан сўнг «Торки Палладиум» кинотеатридан чиқаётib, ўзини ғалати тутаётган одамни кўргани ҳақида курсатма беряпти: ўша одам ўзи билан ўзи гаплашган. Хилл унинг: «Бу фикр» деганини эшитган. «На чумчук...» — бу Донкастерда «Ригал Синема»да куйилган ўша фильмми?

— Ҳа, сэр.

— Бунда бир нима бўлниши мумкин. Ҳали гапиришга эрта, лекин кейинги котилликда ҳаракат табнати

ҳақидаги фикр қарамоғимиздаги кишига айнан ўша ерда келган бўлиши мумкин. Сизда, кўриб турибманки, Хиллнинг фамилияси ва манзили бор. Унинг эркак ҳақидаги тасвири анча мужмал, лекин Мэри Страуд ва манави Том Хартиган берган тасвирга анча мос келяпти...

У паришон бош иргади.

— Хўш, иссиқроқ бўлди, — деди инспектор Кроум анча эҳтиётсизлик қилиб, чунки унинг ўзи доим бироз совуқ эди.

— Қандай топшириқлар бўлади, сэр?

— Икки кишини Кэмдентаунни кузатишга қўй, лекин күшчамизни чўчитиб юборишлиарини истамайман. Комиссар ёрдамчиси билан гаплашиб олишим керак. Кейин ўша Кастанни бу ерга олиб келиб, кўрсатма беришини сўрасак, чакки бўлмасди. Ҳамма нарса унинг ростини айтиш даражасига етиб келганидан дарак беряпти.

Кўчада Том Хартиган қирғокда кутиб турган Лили Марберига кўшилди.

— Ҳаммаси жойидами, Том?

Том бош иргади.

— Инспектор Кроумнинг ўзи билан кўришдим.

— У қандай экан?

— Анча босиқ ва сулукатли — менинг изқуварлар ҳақидаги тасаввуримдан фарқ қиласди.

— Янги лорд Тренчард, — деди Лили ҳурмат билан, — уларнинг айримлари шундай гранд³⁶лар. У нима деди?

Том унга сухбатнинг мазмунини қисқача айтиб берди.

— Демак, улар чиндан ҳам ундан шубҳа қилишаётган экан-да?

³⁶ Гранд — сарой аъёнларига мансуб испан зодагони.



— Булиши мумкин, деб ҳисоблашяпти. Нима булганда ҳам, келиб, бир-иккита савол беришади.

— Бечора жаноб Касть.

— Жаноб Касть ҳақида «бечора» дейиш яхши эмас. Агар у АВС бўлса, тўртта мудхиш қотиллик унинг бўйнида.

Лили хўрсиниб, бош чайқади.

— Бу даҳшат, — деб хulosса қилди у.

— Майли, ҳозир тамадди қилишга боргинг келмаяптими, кизалоқ? Бир ўйлаб кўргин-а, агар биз ҳақ бўлиб чиқсак, ҳойнаҳой, менинг исмимни газеталарда ёзиб чиқишиади!

— Ў, Том, ростданми?

— Ҳа, нима? Сеникини ҳам. Ойингникини ҳам. Ким билсин, балки, сурат ҳам беришар.

— Ў, Том! — Лили ҳаяжон билан унинг қўлини сикди.

— Унгача эса Корнер-Хаусда тамадди қилиб олишга нима дейсан?

Лили унинг қўлини қаттиқроқ сикди.

— Қани кетдик!

— Яхши... ярим дақиқагина. Вокзалдан қўнғироқ қилиб олишим керак.

— Кимга?

— Учрашмоқчи бўлган дугонамга.

У чопиб, йўлни кесиб ўтди-да, уч дақиқалардан сўнг бироз қизариб қайтиб келди.

— Қани, Том. — У йигитнинг қўлтиғидан олди.

— Менга яна Скотленд-Ярд ҳақида гапириб бер. Яна бир кишини кўрмадингми?

— Кимни?



– Бельгиялик жентльменни. АВС ҳамма вақт хат ёзган ўша кишини.

– Йўқ, у ерда у йўқ эди.

– Хўп, менга бу ҳақда ҳамма нарсани гапириб бер. Ичкарига кирганингдан кейин нима бўлди? Ким билан гаплашдинг, уларга нима дединг?

Жаноб Каст телефон гўшагини ричагга авайлаб кўйди.

У эшик олдида бутун қиёфаси билан қизиқсиниб турган миссис Марберига ўгирилди.

– Сизга кўп қўнғироқ қилишмайдими, жаноб Каст?

– Йўқ... ҳалиги... йўқ, миссис Марбери. Кўп қилишмайди.

– Умид қиласанки, нохуш хабар эмас?

– Йўқ-йўқ. – Бу аёл бунча хира бўлмаса. Унинг нигоҳи қулидаги газетанинг рукнига тушди. «Туғилишлар – Никоҳлар – Таъзияномалар...» – Синглим ўғил туғибди, – деб юборди.

У – ҳеч қачон синглиси бўлмаган одам-а!

– Ў! Ҳа... ахир бу жиян-ку. («Шунча пайтдан бери бирор марта ҳам синглиси ҳақида гапирмаганди, – деб ўйлади аёл, – бу эркакларга хос!») Мана буни кутилмаган янгилик деса бўлади, сизга айтсам. Леди жаноб Кастни сўраганида, хаёлимга ҳам келмаганди. Аввалига у Лилиминг овозидек туйилди – унинг овози Лилиникига ўхшаш эди, фақат димоғдорроқ эди. Нимани назарда тутаётганимни тушуняпсизми – баланд жаранглайдиган. Ҳа, жаноб Каст, табриклайман. Бу биринчисими ёки жиянчаларингиз борми?

– Бу ягона, – деди жаноб Каст. – Менда бўлган ёки бўлиши мумкин бўлган ягона жиян ва... ҳалиги...



менимча, зудлик билан кетишим керак. Улар... улар боришимни хоҳлашяпти. Шошилсам, поездга улгуралман деб ўйлайман.

— Анча вакт бўлмайсизми, жаноб Касть? — сўради миссис Марбери у зинадан тепага чопиб кетганда, орқасидан чиқиб.

— Ў, йўқ... икки ёки уч кун... холос.

У ўз хонасига кириб кетди. Миссис Марбери ошхонага қайтиб, кўнгли бўшашиб, «ширингина гўдак»ни тасаввур қилди.

У бирдан ўзини айбдор сезди. Ўтган оқшомда Том ва Лили ҳадеб саналарни суриштиришди! Ўша жирканч махлук ABC — жаноб Касть бўлиши мумкинмумкин эмаслигини аниқлашга уринишди. Бор-йуги исмларининг бош ҳарфи ва бир нечта тасодиф туфайлигина.

«Бу ҳақда жиддий ўйлаган бўлишлари даргумон, — ўйларди у мамнун бўлиб, — умид қиласманки, энди ўзларидан уялиб қолишади».

Жаноб Каствинг синглиси фарзанд кўргани ҳакидаги хабар қандай қилиб ижаракчиси ҳакидаги барча шубҳаларни бирпасда йўқотганини унинг ўзи хам тушунтириб беролмасди. «Умид қиласманки, у кийналмаган, бечорагина», — ўйларди миссис Марбери Лилининг шойи ич кўйлакларини дазмоллашни бошлишдан аввал дазмолни юзи билан текшириб кўраркан.

Унинг ўйлари акушерлик мавзусида силлиқкина айланарди.

Жаноб Касть кўлида сафар қутисини кўтариб, зинадан секин тушди. Нигоҳи бир дақика телефонда тұхтаб, хотирасида ўша кисқа сұхбат жонланди:



- Бу сизмисиз, жаноб Касть? Менимча, бу сизга қизик бўлса керак – сизни Скотленд-Ярдан инспектор йўқлаб бориши мумкин...

У нима деб жавоб берди? Эслаёлмасди.

- Миннатдорман... миннатдорман... катта илтифот курсатдингиз...

Шунга ўхшаш бир нима деди.

Қиз нега унга қўнғироқ килди? Тахмин қилган бўлиши мумкинми? Ёки шунчаки инспектор келгунча уйда қолишига ишонч ҳосил қилмоқчи бўлгандир?

Овози-чи – онасининг олдида ўзгартирди...

Афтидан... афтидан, у биларди.

Лекин, шубҳасиз, агар билганда, бундай килмасди...

Аммо билган бўлиши ҳам мумкин эди. Аёллар доим галати бўлишган. Қачон шафқатсиз ва қачон меҳрибон бўлишларини билиб бўлмайди. У бир куни Лилининг копқондан сичқонни чиқариб юборганини кўрганди.

Юмшоқкўнгил қиз.

Юмшоқкўнгил, истарали қиз.

У холлда соябон ва пальтолар осиб ташланган кийим илгич олдида туриб қолди.

Шундай қилиши керакми?..

Ошхонадаги енгил шовқин уни бир қарорга келишга мажбур қилди.

Йўқ, вакт йўқ эди.

Миссис Марбери чиқиб қолиши мумкин.

У кўча эшикни очиб, чиқди-да, эшикни ёпди...

Қаерга?



29-боб Скотленд-Ярдда

Яна мажлис.

Комиссар ёрдамчиси, инспектор Кроум, Пуаро ва мен.

– Пайпокларнинг катта микдорда сотилишини текшириш ҳақидаги фикрингиз яхши, мсье Пуаро, – дерди комиссар ёрдамчиси.

Пуаро қўлларини чўзди.

– Бунга ҳамма нарса ишора қилаётганди. Ўша одам штатдаги агент бўлиши мумкин эмасди. У буюртмаларни хирадлик қилмасдан, тўғридан-тўғри сотган.

– Ҳозирча ҳаммаси аниқми, инспектор?

– Менимча, ха, сэр. – Кроум иш папкасига назар солди. – Жойлар ва саналарни айтиб ўтайми?

– Ҳа, марҳамат.

– Мен Черстон, Пейnton ва Торкини текшириб кўрдим. У юриб, пайпок таклиф килган жойларнинг рўйхатини олдим. Айтишим керакки, у ҳаммасини яхшилаб режалаштирган. «Питт»да, Торр вокзали ёнидаги кичкина меҳмонхонада колган. Қотиллик оқшомида меҳмонхонага 10:30 да қайтган. Торрга 10:20 да етиб келадиган Черстондан 9:57 да юрадиган поездга чиқсан бўлиши мумкин. Поездда ёки вокзалда ҳеч ким уни таъриф бўйича танимади. Лекин ўша жумада Дартмут регата³⁷си ўтказилган, Кингсвердан қайтувчи поездлар лик тўла бўлган.

Бексхиллда ҳам худди шундай. «Глобус»да ўз исми билан қолган. Ўнта жойга пайпок таклиф килган. Меҳмонхонадан оқшом тушиши билан чикиб кетган. Лондонга эртаси куни кундузи 11:30 ларда етиб бор-

³⁷ Регата – спорт кемалари анъанавий пойгаси.



ган. Андоверга келсак, у ерда ҳам шундай жараён бўлган. «Патлар»да қолган. Миссис Фаулер – миссис Ашернинг қўшнисига ва ўша кўчадаги олти кишига пайпок таклиф килган. Миссис Ашернинг бир жуфт пайпоғини жиянидан (фамилияси Дроэур) олдим – у Кастнинг пайпоқлари билан бир хил.

– Ҳозирча яхши, – деди комиссар ёрдамчиси.

– Олинган ахборотга мувофиқ ҳаракат қилиб, Хартиган менга берган манзил бўйича бориб, Каст уйдан аввалрок чиқиб кетганига амин бўлдим. Менга унга қўнғироқ қилишганини айтишди. Биринчи марта қўнғироқ қилишибди – бека менга шундай деди.

– Шеригими? – тахмин қилди комиссар ёрдамчиси.

– Даргумон, – деди Пуаро, – ғалати, лекин...

Ҳаммамиз унга қарадик, у жим бўлиб қолди.

– Мен у яшайдиган хонани яхшилаб тинтиб чиқдим, – деб давом этди инспектор. – Тинтуб охирги шубҳаларни тарқатди. Мен хатлар ёзилган қоғозга ўхашаш бир блок ёзув қоғози, кўпгина пайпок, пайпоқлар сақланган жавончанинг ичидаги эса худди шундай шакл ва ўлчамдаги ўрамни топдим. Лекин унинг ичидаги пайпок эмас, саккизта янгигина ABC темир йўл маълумотномаси бор экан!

– Аниқ исбот, – деди комиссар ёрдамчиси.

– Мен яна бир нарса топдим, – деди инспектор. Овози бирдан тантанали-расмий бўлиб қолди. – Бугун эрталаб топдим, сэр. Ҳали хабар қилишга улгурмадим. Унинг хонасида пичок йўқ эди...

– Уни ўзи билан олиб келса, ғирт аҳмоқлик килган бўларди, – дея луқма ташлади Пуаро.

– Аммо у соғлом фикрли одам эмас-ку, – деди инспектор. – Нима бўлганда ҳам, мен уни уйга қайтиб



олиб келиши, кейин эса ўз хонасига беркитиш хавфли эканлигини тушуниб (мсье Пуаро айтгандек), бошқа бирор жой топган бўлиши мумкин, деб ўйладим. Ўша жойни дарров топдим. Холлдаги кийим илгич: холлдаги кийим илгични жойидан қўзгатиш ҳеч кимнинг хаёлига келмайди. Уни девор ёнидан зўрға сурдим ва у ўша ерда экан!

– Пичоқми?

– Пичоқ. Бунга шубҳа йўқ. Унда ҳалигача қотиб қолган қон сақланган.

– Яхши иш, Кроум, – деди комиссар ёрдамчиси маъкуллаб. – Бизга энди фақат бир нарса керак.

– Нима?

– Унинг ўзи.

– Уни қўлга оламиз, сэр. Хавотирланманг.

Инспектор ишонч билан гапирди.

– Сиз нима дейсиз, мсье Пуаро?

Пуаро хаёл суришдан ўзига келди:

– Маъзур тутасиз?

– Биз жиноятчини қўлга олиш – фақатгина вақт масаласи деяпмиз. Қўшиласизми?

– А, бу... ҳа. Шубҳасиз.

Пуаро буни шундай паришон айтдики, ҳамма унга таажжуб билан қаради.

– Сизни нимадир безовта қиляптими, мсье?

– Бир нарса жуда безовта қиляпти. Сабаб...

– Аммо, азизим, бу ABC деганлари – ақлдан озган, – деди полиция комиссари ёрдамчиси.

– Мсье Пуаро нимани назарда тутаётганини тушуняпман, – деди Кроум илтифот билан унга ёрдамлашаркан. – У мутлақо ҳақ. Мияга ўрнашиб қолган

фикр бўлиши керак. Ўйлашимча, ёвузлик илдизи ўткир норасолик хиссига боғлиқ. Шундай таъкиб вассаси бўлиши мумкин, у ҳолда эса у буни мсье Пуаро билан боғлаган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Унда мсье Пуаро – унинг изидан бориб топиш мақсадида ёлланган изқувар деган пуч хаёл бўлган бўлиши мумкин.

– Ҳм-ҳм, – деди комиссар ёрдамчиси. – Менинг давримда, агар одам жинни бўлса – у жинни бўларди ва биз у ҳолатда илмий атамалар қидириб ўтирумасдик. Ҳойнаҳой, замонавий доктор АВСга ұхшаган одамларни меҳрибонлик масканига жойлаштириб, уларга охирги қирқ беш кун давомида қандай ажойиб бўлганликларини айтиб берган, кейин эса уларни жамиятнинг тўла ҳуқуқли, масъул аъзолари билан чиқарган бўларди.

Пуаро жилмайди, лекин жавоб бермади.

Мажлис охирлаб қолди.

– Яхши, сиз айтгандек, Кроум, – деди комиссар ёрдамчиси, – бу шунчаки вакт масаласи.

– Кўриниши бунчалик оддий бўлмаганда, аллақачон кўлимизга тушарди, – деб жавоб берди инспектор.

– Қизиқ, у ҳозир қаерда экан? – деди комиссар ёрдамчиси.

30-боб

(Капитан Гастингс тилидан ёзилмаган)

Жаноб Касть кўкатчининг дўкони ёнида тўхтади.
Йўл оша қаради.

Ха, бу ўша.

Миссис Ашер. Газета ва тамаки маҳсулотлари
сотувчиси...

Бўш деразада белги.

Ижарага берилади.

Бўш...

Бежон...

– Кечирасиз, сэр.

Кўкатчининг хотини лимонларга қўлини чўзиб,
олишга уриняпти.

У узр сўраб, четга ўтди.

Орқага, шаҳарнинг бош кўчаси томон шошилмай
юриб кетди.

Осон эмасди. Сира осон эмасди. Энди, пули
қолмагач...

Бутун кун давомида бирор егуликнинг йўқлиги уни
ғалати ва мулоҳазасиз туйғуларга бошлади...

У газета дўкони ташқарисидаги плакатга қаради.

«АВС ИШИ. ҚОТИЛ ҲАЛИ
ОЗОДЛИКДА. МСЬЕ ЭРКЮЛЬ ПУАРО
БИЛАН ИНТЕРВЬЮ».

Жаноб Касть ўзига ўзи гапирди:

– Эркюль Пуаро... Қизик, у билармикин?..

У яна юриб кетди.

Плакатга бақрайиб туриш яхши эмас...

– Ортиқ бундай юролмайман... – деб ўйлади у.

Оёқ олдида оёқ... қадам ташлаш – бунча ғалати
нарса...

Оёқ олдида оёқ – bemalni.

Ниҳоятда бемаъни.

Аммо инсон – bemayni жонзот-ку...

У ҳам, Александр Бонапарт Каст ҳам, хусусан, bemayni эди.

У ҳар доим...

Одамлар унинг устидан кулишарди...

У қаерга кетяпти? Каст буни билмасди. У охирига келди.

У энди ўз оёқларидан бошқа ҳеч нимага қарамаяпти.

Оёқ олдида оёқ.

У бошини кўтарди. Қархисида чироқлар. Ва ҳарфлар...

Полиция маҳкамаси.

– Қизиқ, – деди жаноб Каст. У сезилар-сезилмас кулимсираб кўйди.

Кейин ичкарига қадам кўйди. Аммо қўккисдан чайкалиб, юзтубан йиқилди.

31-боб Эркюль Пуаро савол беради

Ноябрнинг очиқ куни эди. Доктор Томпсон ва инспектор Жепп Пуарони полиция судида кўрилган «Кирол Александр Бонапарт Кастга қарши»³⁸ иши натижалари билан таништириш учун киришди. Ахир Пуаро бронхиал астма туфайли суд ишларида иштирок этолмади-да.

– Судга оширилди, – деди Жепп.

– Шу босқичда ҳимоя имкони берилаётгани ғайриоддий эмасми ахир? – деб сурадим мен. – Мен маҳбуслар доим ҳимояни кейинга суришади, деб хи-соблардим.

³⁸ Британ суд жараёнининг анъанавий формуласи.



— Одатай йўл, — деди Жепп, — менимча, ёш Лукас буни эплайман деб ўйлаган. Телбалик — унинг ягона баҳонаси.

Пуаро елка қисди:

— Телбалик ёрдамида озодликка эришиш? Қамок хукми, «токи бу ҳазрати олийлариға манзур экан», ўлимдан афзалроқ булиши даргумон.

— Менимча, Лукас имконият бор деб ўйлаяпти,
— деди Жепп. — Бексхиллдаги қотиллик масаласида
энг яхши алиби билан бутун иш заифлашиши мум-
кин. У бизнинг позициямиз қанчалик кучлилигини
тасаввур қилмаяпти. Нима бўлганда ҳам, Лукас ғала-
ти қиликлар қиляпти: у ёш, жамоатчилик назарида
ўзини кўрсатишни хоҳляяпти.

Пуаро Томпсонга ўгирилди:

— Сизнинг фикрингиз қандай, доктор?

— Каст ҳақидами? Онт ичаман, нима дейишни ҳам
билмайман. У соғ одамни жуда яхши ўйнаяпти. У
тутқаноқли киши, албатта.

— Қандай ажойиб якун булди, — дедим.

— Андовер полиция маҳкамасига кириб, тутқанок
билан йиқилиб тушганими? Ҳа, бу драма учун мос
театр пардаси. ABC доим таъсир кўрсатишни яхши
билган.

— Жиноят содир этиб, бу ҳақда билмаслик мум-
кини? — деб сўрадим. — Унинг инкор этишлари рост-
дек эштиляяпти.

Доктор Томпсон сезилар-сезилмас жилмайди:

— Сизни «Худо ҳақи!» қабилидаги театрал сохталиқ
адаштирмаслиги керак. Менимча, Каст қотилликлар
садир этганини жуда яхши билади. Сизнинг саволин-
гизга келсак, — деб давом этди Томпсон, — тутқаноқл

киши сомнамбулизм³⁹ ҳолатида қандайдир ҳаракатларни содир этиб, қилған ишлари ҳакида умуман ҳеч нима билмаслиги мумкин, албатта. Бироқ бундай ҳаракатлар туғилган ҳолатда шахснинг истагига зид бўлмаслиги керак! – У бу масала бўйича мулоҳаза юритишда давом этаркан, мени буткул гангитиб қўйди – ўқимишли одам ўзи билган мавзуда гапиргандা, кўпинча шундай бўлади. – Бироқ мен Каст бу жиноятларни билмасдан содир этган, деган фикрга қаршиман. Хатлар бўлмагандан, шу назарияни ўртага ташлашингиз мумкин эди. Хатлар бу назарияни буткул йўқка чиқаради. Улар жиноятларнинг қасддан уюштирилган ва яхшилаб режалаштирилганидан дарак беради.

– Хатлар масаласида ҳам бизда ҳалигача изоҳ йўқ,
– деди Пуаро.

– Бу сизни қизиқтиряптими?

– Улар менга ёзилгач, албатта. Хатлар масаласида ҳам Каст ўжарлик билан ҳеч нима демаяпти. Ўша хатлар нима учун менга ёзилганини тушунмагунимча иш охирига етганини ҳис қилмайман.

– Ҳа, мен буни сизнинг назарингиз билан тушунишм мумкин. Бу одам сизга нисбатан қандайдир кек саклаган, деб ўйлашга ҳеч қандай асос йўқ, шекилли?

– Йўқ, асло.

– Тахмин қилишим мумкин. Сизнинг исмингиз!

– Менинг исмим?

– Ҳа. Кастга иккита ниҳоятда дабдабали исм – афтидан, онасининг инжиқлиги туфайли – Александр ва Бонапарт малол келган. Фикримни илғаяпсизми? Енгилмас ҳисобланган Александр янги ерларни согинган. Бонапарт – Франциянинг буюк императори.

³⁹ Сомнамбулизм – ойпарастлик.



У ракиби бұлишини истайди – айтиш мүмкінки, үз даражасындағи ракиби. Худлас, үша құдратлы Геракл^{*} сизсіз.

– Сұмбарингиз үйлашға мажбур киляпти, доктор. Улар шундай фикрлар туғилишиңға ундаяпты...

– Ү, бу шунчаки тахмин. Бүпти, мен кетишім керак. Доктор Томпсон кетди. Жепп қолди.

– Сизни чиндан ҳам үша алиби ташвишлантырайтими? – сұради Пуаро.

– Бироз, – ган одди инспектор. – Аммо бу арзимаган нарса, унға ишонмаіман, чунки сохталигини биламан. Бирок уни синдириш учун тер түкишің түғри келади. Үша одам, Стрейнж, катый харakterди.

– Менга уни тасвирлаб беринг.

– Еши киркда. Катый, дадил, үжар төг мұхандиси. Менимча, күреатмалар зиди тингланишини у кистаган. У Чилига жүнаб кетмоқчи.

– У мен шу пайттаса күрган энг үзиге ишонған одамлардан бири, – дедим мен.

– Хато қылганини тан олишни истамайдыған одамдар тоифасыдан, – деди Пуаро үйчан.

– У хикоясида катый туриб олған, саволларға күмиб ташласа бұладығанлардан эмас. Ҳамма нарсаны үртага қўйиб. Касть билан 24 июль оқшомында Истборнда «Оқ хоч» меҳмонхонасида танишғанмай, деб қасам ичяпти. У әлгиз бұлған, ким биландыр гаплаштиси келған. Тушунишмача, Касть күнгилдағидек тингловчини топған. У судбатдошининг гапини бұлмаган. Кечки овқатдан сүнг Касть билан домино үйнаган. Маълум бўлишича, Стрейнж – доминога уста экан, уни ҳайраттаға солиб. Касть ҳам қойилмақом үйна-

* Эркюль (Hercule) – Геракл, Геркулес исемінің француз тәжірибе.

ган. Домино ғалати үйин-да. Одамлар уни деб ақлдан озишади. Соатлаб үйнашади. Каст билан Стрейнж, афтидан, шундай қилишган. Каст бориб ухламоқчи бўлган, лекин Стрейнж бу ҳақда эшитишни ҳам истамаган – ҳеч бўлмаса ярим тунгача давом эттиришларини талаб қилган. Худди шундай қилишган ҳам. Ўн иккидан ўн дақиқа ўтганда тарқалишган. Каст тунги ўн иккидан ўнта ўтганда, Истборндаги «Оқ хоч» меҳмонхонасида бўлган экан. Пляжда ярим тун ва тунги бир орасида Бексхиллдаги Бетти Барнардни бемалол бўғиб ўлдириши мумкин эмасди.

– Ҳал қилиб бўлмайдиган масала, шекилли, – деди Пуаро паришон.

– Бу Кроумни үйга ботишга мажбур қиласпти, – деди Жепп.

– Ўша одам, Стрейнж, ўзига жуда ишонадими?

– Ҳа. У қайсар иблис. Қаерда камчилиги борлигини тушуниш қийин. Дейлик, Стрейнж янгишяпти ва ўша одам Каст бўлмаган, аммо уни Каст эди деб гапиришнинг Стрейнжга нимага кераги бор? Меҳмонхона дафтаридастихат ҳам уники эканлиги аниқ. Уни шерик деб бўлмайди – ойпараст қотилларнинг шериги бўлмайди! Ё қиз кейинрок ўлганми? Доктор ўз хулосаларида буткул қатъий, нима бўлганда ҳам, Кастга Истборндаги меҳмонхонадан сездирмасдан чиқиб, Бексхиллга – ўн тўрт миля узоққа етиб бориш учун маълум вақт керак бўларди...

– Ҳа, бу муаммо, – деди Пуаро.

– Тўғри, очигини айтганда, бу унчалик мухим эмас. Биз Кастни Донкастердаги қотилликда ушладик: қондан дод бўлган пальто, пичоқ – бу ўринда ғайриқонуний йўл топиб бўлмайди. Ҳеч қандай маслаҳатчилар



суди уни оқламайды – ҳеч ким аксини даъво қилишга ботинолмайды. Аммо бу чиройли ишни бузяпти. У Черстондаги, Андовердаги қотилликни содир этган. Унда, жин урсин, Бексхиллдагини ҳам содир этган бўлиши керак. Аммо қандай қилиб? Буни билмаяпман!

Жепп бош чайқаб, турди.

– Энди имконият сизда, мсье Пуаро, – деди у – Кроум туманда. Мен шунча таърифини эшитган мия хужайраларингизни зўриқтиринг. Унинг буни қандай содир этганини кўрсатинг.

Жепп кетди.

– Хўш қандай, Пуаро? – деб сўрадим. – Кулранг моддангиз қандай? Масала кўламига мос келадими?

Пуаро саволимга савол билан жавоб берди:

– Гастингс, айтинг-чи, сиз ишни якунига етган деб ҳисоблайсизми?

– Деярли ҳа. Бизда одам бор. Даиллар ҳам. Факат чаласини тўлдириш қолди.

Пуаро бош чайқади:

– Иш якунига етди! Иш! Иш – бу одам, Гастингс. Одам ҳақида ҳамма нарсани билмас эканмиз, сир ўшандай чукурлигича колаверади. Уни судланувчилар курсисига ўтқизганимиз – бу ҳали галаба эмас!

– Биз у ҳакда анча кўп нарса биламиз.

– Биз мутлақо ҳеч нима билмаймиз! Унинг қаерда туғилганини биламиз. Унинг жанг қилганини ва бошидан яраланганини, тутқанок туфайли армиядан ҳайдалганини биламиз. Унинг миссис Марбериникида деярли икки йил давомида ижарада яшаганини биламиз. Унинг камган ва тортичок бўлганини биламиз – бундай одамларни ҳеч ким пайкамайди. Унинг койилмақом ақлли тизимлаштирилган қотиллик режасини

амалга оширганини биламиз. Унинг маълум қўпол хатоларга йўл қўйганини биламиз. Унинг шафқатсизлик билан, пушаймон бўлмасдан ўлдирганини биламиз. Яна унинг ўзи содир этган жиноятларда бошқа бирорни айблашга йўл қўймай, анча илтифот кўрсатганини биламиз. Гастингс, ахир бу одам қарама-қаршиликларга бойлигини кўрмаяпсизми? Ақли ноқис ва тадбиркор, шафқатсиз ва олижаноб – унинг икки хил табиатини уйғунлаштирадиган ҳандайдир омилни топишимиш керак.

– Албатта, агар унга психологик экспонат сифатида қарасангиз... – деб бошладим мен.

– Бу иш энг бошидан яна нимаси билан эътиборни тортди? Мен ҳамма вақт қотил кимлигини аниқлашга уриниб, тусмоллаб юрдим! Энди эса уни умуман билмаслигимни, боши берк кўчага кириб қолганимни тушундим, Гастингс.

– Бу ҳукмронлик иштиёқи...

– Ҳа, бу қўп нарсани изоҳлаши мумкин... Лекин ҳаммасини эмас. Мен қўйидагиларни билмоқчиман. У нима учун бу қотилликларни содир этди? Нима учун у айнан ўша одамларни танлади?..

– Алифбо бўйича...

– Ахир Бетти Бернард Бексхиллда исми Бдан бошланадиган ягона одамми? Бетти Барнард – менда бир фикр бор... У тўғри бўлиши керак, у, албатта, тўғри бўлиши керак. У ҳолда...

У бироз жим қолди. Унинг гапини бўлгим келмади. Мудраб қолибман, шекилли.

Пуаронинг елкамга кўл теккизишидан уйғондим.

– Қадрли Гастингсим, – деди у меҳр билан. – Менинг меҳрибон даҳом.

Кутилмаган бу эхтиромдан тамом хижолатда қолдим.

— Шундай, — деб қистарди Пуаро. — Ҳар доим, ҳар доим менга ёрдам берасиз... сиз менга омад келтирасиз. Сиз мени рухлантирасиз.

— Бу гал сизни қай тариқа рухлантиридим? — деб сүрадим.

— Үзимга аниқ саволлар бериб, сизнинг битта изоҳингизни — кундек равшан изоҳингизни эсладим. Ахир сизга очик-ойдин кўриниб турган нарсаларни қайд қилиш қобилиятингиз бор, демаганмидим! Мен айнан очик-ойдин кўриниб турган нарсага эътиборсизлик килибман.

— Ўша қандай ажойиб изоҳ экан? — сүрадим мен.

— У ҳамма нарсани кристаллдек шаффофлаштириди. Мен ҳамма саволларимга жавоб куряпман. Нима учун миссис Ашер, нима учун сэр Кармайл Кларк, нега Донкастер қотиллиги ва ниҳоят, жуда ҳам муҳим, нима учун Эркюль Пуаро?

— Марҳамат қилиб тушунтириб беролмайсизми? — деб сүрадим.

— Ҳозир эмас. Менга аввал қўшимча маълумотлар керак. Уни «Махсус легион»имиздан олишим мумкин. Кейин эса — кейин, битта саволга жавоб олгач, ABCни йўқлашга бораман. Ниҳоят, юзма-юз учрашамиз: ABC ва Эркюль Пуаро — ракиблар.

— Кейин-чи? — деб сүрадим.

— Кейин эса, — деди Пуаро, — гаплашиб оламиз! Ишонтириб айтаманки, Гастингс, яширадиган сири борлар учун сұхбатдан қўрқинчлироқ ҳеч нарса йўқ! Сұхбат, деганди менга бир марта кекса француз дошишманди, — бу одамнинг фикрлардан қутулиш учун ўйлаб топган нарсаси. У, шунингдек, одамнинг

яширмоқчи бўлаётган нарсасини аниқлаш учун энг яхши восита ҳам. Одам ўзини фош этмасдан ва ўзига хосликларини намоён этмасдан туриб, сухбат берадиган имкониятларидан ўзини тиёлмайди, Гастингс. У ҳар гал ўзини фош қилиб қўяди.

— Каст сизга нимани айтиб беришини кутяпсиз?

Эркюль Пуаро жилмайди.

— Ёлғонни, — деди у. — Ундан эса ҳақиқатни аниқлайман!

32-боб Тулкини тутиш

Кейинги бир неча кун давомида Пуаро жуда банд бўлди. У сирли равишда ғойиб бўлар, кам гаплашар, қовок солар ва, унинг фикрича, мен яқинда қойиллатган изоҳ ҳақидаги табиий қизиқишимни қондирishdan ўжарлик билан бош тортарди.

Унинг сирли юришларида ҳамроҳлик қилишга таклиф этилмадим — бу менинг бироз жаҳлимни чиқарди.

Бирор ҳафта охирида у Бексхилл ва унинг теварағига бормоқчилигини айтиб, менга бирга боришни таклиф килди. Бу таклифни бажонидил қабул қилганимни гапирмаса ҳам бўлади.

Таклиф, аниқлашимча, факат менгагина эмас, балки, «Махсус легионимиз» аъзоларига ҳам тегишли экан.

Пуаро уларни ҳам, мени қизиқтиргандек, қизиқтириб кўйди. Нима бўлганда ҳам, кун охирида мен Пуаронинг ўйлари қайси йўналишда ишлаётганини тасаввур кила бошладим.



У, бириңчи навбатда, жаноб Барнард ва миссис Барнардни йүқлаб, улардан жаноб Касть кирган соат ва айнан нималар дегани ҳақида аник маълумот олди. Кейин жаноб Касть қолган меҳмонхонага бориб, ўша жентльменнинг жўнаб кетиши ҳақида батофсил маълумот ундириди. Фикримча, бу саволлар ёрдамида янги маълумот олиб бўлмади, лекин Пуаро буткул қониқиш ҳосил қилганга ўхшарди.

Кейин пляжга – Бетти Барнардинг жасади топилган жойга бордик. У ерни айланиб юриб, бир неча дақиқа давомида шағални диққат билан текшириди. Менимча, бунда маъно кам эди, чунки кўтарилиган сув кунига икки марта бу ерни ювиб кетарди.

Бироқ бу пайтга келиб мен Пуаронинг ҳаракатлари қанчалик бемаъни туйилмасин, одатда, мулоҳаза билан амалга оширилишини билиб бўлгандим.

Кейин у пляждан машина қолдирилиши мумкин бўлган энг яқин жойга юриб борди. У ердан Бексхиллдан келган автобуслар жўнаб кетмагунча Истборн автобуслари кутиб турадиган жойга йўл олди. Ва ниҳоят, ҳаммамизни «Қизғиш мушук» қаҳвахонасига бошлади. У ерда тўладан келган официант қиз Милли Хигли олиб келган анча эски чойдан ичдик.

Пуаро унга дабдабали галлча услугуб⁴¹да хушомад қилди:

– Инглиз аёлларининг тўпиқлари доим жуда ингичка! Аммо сизники ажойиб, мадемуазель.

Милли Хигли ҳингиллаб кулиб қўйиб, ундан бу тарзда давом этмасликни сўради. У француз жентльменларини, уларнинг қандайлигини биларди.

⁴¹ Галлча услугуб – галлар – Галлия (ҳозирги Франция, Бельгия, Швейцария, Германиянинг бир қисми ва шимолий Италия) худудида яшаган келът қабилалари.



Пуаро унинг миллати борасида қилган хатосини тузатишга уринмади ҳам. У официант қизга шундай ошкора кўз сузаётгандики, мен тамом лол бўлиб қолдим.

— Хўп, — деди Пуаро, — Бексхиллда ишни тугатдим. Энди Истборнга кетаман. У ерда кичикроқ сурошириув ўтказаман — кейин бўлди. Менга ҳамроҳ бўлишингиз шарт эмас. Унгача эса меҳмонхонага қайтиб, коктейлдан баҳраманд бўламиз. Бу Карлтон чойи жирканч!

Коктейлларимизни оз-оздан ҳўплаб ичарканмиз, Франклин Кларк ғалати оҳангда гапирди:

— Нимани мақсад қилганингизни тусмоллашимиз мумкин. Сиз алибини бузиш учун шу ердасиз. Аммо нимадан бунчалик хурсандлигингизни тушунмаяпман. Сиз ҳеч қандай янги маълумот олмадингиз.

— Бу рост!

— Унда нима?

— Вазминлик. Вақти билан ҳаммаси изга тушади.

— Шундай бўлса-да, сиз ўзингиздан буткул мамнунга ўхшайсиз.

— Ҳозирча ҳеч нима кичкина фикримга зид келмаяпти — шунинг учун. — Унинг юзи жиддийлашди.

— Дўстим Гастингс менга бир куни ёшлигида «Ҳакиқат» номли ўйин ўйнаганини гапириб берганди. Бу ўйинда ҳар кимга навбатма-навбат учта савол берилади, улардан иккитасига рост жавоб берилиши керак. Учинчисини айланиб ўтиш мумкин. Саволлар эса беадаб бўлган. Бироқ энг бошидан ҳар ким аслида ҳакиқат, ҳакиқат ва фақатгина ҳакиқатни гапиришга онт ичиши керак эди.

У бироз жим қолди.



— Хүш? — деди Меган.

— Мен шу ўйинни ўйнамоқчиман. Фақат учта савол бериш шарт эмас. Битта етарли. Ҳар бирингизга биттадан савол.

— Албатта, — деди Кларк тоқатсизланиб, — биз ҳам масига, ҳар қандай саволга жавоб берамиз.

— Ў, лекин мен бу янада жиддий бўлишини истайман. Ҳақиқатни гапиришга қасам ичишга тайёрмисизлар?

У буни шундай тантанавор айтдики, қолганлар, у истагандек, қасам ичишли.

— Яхши, — деди Пуаро жонланиб, — бошлаймиз...

— Мен тайёрман, — деди Тора Грей.

— «Хонимлар биринчи навбатда» қоидасига амал қилиш бу гал одобдан бўлмайди. Бошқа бирордан бошлаймиз. — У Франклин Кларкка ўгирилди: — Қадрли Кларк, бу йил ледилар Аскот⁴²да кийиб юрган шляпалар ҳакида қандай фикрдасиз?

Франклин Кларк унга анқайиб қолди:

— Бу ҳазилми?

— Йўқ, албатта.

— Бу чиндан ҳам сизнинг саволингизми?

— Ҳа!

— Мсье Пуаро, умуман олганда, мен Аскотга бормайман, лекин автомобилларда кийиб ўтган нарсаларига қараб баҳо берадиган бўлсам, Аскотдаги аёлларнинг шляпалари, одатда, кийиладиганларидан ҳам беўхшов.

— Фалатими?

— Анча ғалати.

Пуаро жилмайиб, Дональд Фрэзерга ўгирилди:

— Сиз бу йил қачон таътил олгандингиз, мсье?

⁴² Аскот — Виндзор яқинидаги отчопар.

Энди Фрэзернинг тек қотиш навбати келди.

– Таътилим? Августнинг илк икки ҳафтаси.

Унинг юзи бирдан титраб кетди. Савол унга севган қизининг ўлимини эслатганини сездим.

Аммо Пуаро жавобга айтарли эътибор бермаганга ўхшарди. У Тора Грейга ўгирилди ва мен унинг овози бироз ўзгарганини эшитдим. Унинг овози кескинлашди. Унинг саволи кескин ва аник янгради:

– Мадемуазель, леди Кларк вафот этганда, агар сэр Кармайл сизга уйланишни таклиф қилганда, рози бўлармидингиз?

Қиз ток ургандек ирғиб турди:

– Менга бундай саволларни беришга қандай ҳаддингиз сиғди?! Бу... бу ҳақоратли!

– Эҳтимол. Лекин сиз ҳақиқатни айтишга онт ичдингиз. Бўпти, «ҳа»ми ёки «йўқ»?

– Сэр Кармайл жуда меҳрибон эди. У менга деярли қизидек муносабатда эди. Мен хам унга нисбатан меҳр ва миннатдорчилик ҳис қиласман.

– Мени кечирасиз, лекин бу жавоб эмас. «Ҳа»ми ёки «йўқ», мадемуазель?

У иккиланиб қолди.

– Жавоб – албатта, йўқ!

Пуаро буни эътиборсиз колдирди.

– Раҳмат, мадемуазель.

У Меган Барнардга юзланди. Қизнинг юзи жуда окариб кетганди. У худонинг судига куч тўплаётгандек оғир нафас оларди.

Пуаронинг овози қамчи билан ургандек янгради:

– Мадемуазель, қидиувимнинг натижаларини қандай кўришга умид қиляпсиз? Ҳақиқатни қидириб тошишимни истайсизми ёки йўқ?



У бошини ғуур билан орқага ташлади. Унинг қандай жавоб беришини аниқ билардим. Меган ҳақиқатга жуда ўч.

Унинг жавоби аниқ эшитилди... ва мени ҳайратда қолдирди:

— Йўқ!

Ҳаммамиз ирғиб турдик. Пуаро унинг юзига разм солиб, олдинга эгилди.

— Мадемуазель Меган, — деди у, — сиз ҳақиқатни истамаслигингиз мумкин, лекин номусим ҳақи, сизга уни гапириш имкони берилган!

У эшик томон юрди, лекин қайтиб, Мэри Дроуэрга яқин келди.

— Айтинг-чи, бутам, сизнинг севган йигитингиз борми?

Мэри ҳадикли кўринар, кўркувдан қизариб кетди.

— У, жаноб Пуаро. Мен... мен... ишончим комил эмас.

Пуаро жилмайди:

— Унда бу яхши, бутам.

У менга қаради:

— Юринг, Гастингс, Истборнга жўнашимиз керак.

Машина кутиб турганди, кўп ўтмай Певенси орқали Истборнга олиб борадиган йўлда қирғоқ бўйлаб кета бошладик.

— Сиздан ҳозир бир нарсани сўрасам бўладими, Пуаро?

— Ҳозир эмас. Қилаётган ишларимга диққаг қаратинг.

Мен жим бўлдим.

Афтидан, узидан мамнун бўлган Пуаро қандайдир куйни хиргойи қиласарди. Певенсидан ўтиб кетаётгани мизда, у тўхтаб, қасрни кўриб чиқишни таклиф қилди.



Машинага қайтиб, бир дақықага бир гурух болаларга – ўн ёшли скаут⁴³ қызларга қараб туриб қолдик. Улар чинқироқ овозда оҳангни бузиб қўшиқ айтишарди...

– Улар нимани куйлашяпти, Гастингс? Тушунолмаялман.

Мен қулоқ солиб, ниҳоят, нақорат сўзларни илғадим:

...Тулкини тутиш

Ва қутига қамаш,

Қочиб кетишига йўл қўймаслик...

– Тулкини тутиш ва қутига қамаш, қочиб кетишига йўл қўймаслик! – такрорлади Пуаро. Тўсатдан унинг юзи тундлашиб, жиддийлашди. – Бу даҳшат, Гастингс.

– У бир дақиқа жим қолди. – Сиз тулки овлайсизми?

– Мен – йўқ. Ов билан шуғулланишга ҳеч қачон имконим бўлмаган. Бу жойда яхши ов бўлади, деб ўйламайман ҳам.

– Мен умуман Англиядаги овни назарда тутгандим. Спортнинг ғалати тури. Ўрмон чангальзорида кутиш... кейин улар «ату» деб бақиришади, шундай эмасми?.. Кейин таъқиб бошланади... бутун мамлакат буйлаб... уюмлар ва зовурлардан... тулки эса қочади... баъзида чалғитиш учун катта жойни айланиб юради, изини йўқотишга уринади... лекин итлар...

– Тозилар!

– ...тозилар издан адашишмайди ва ниҳоят, уни ушлашади, тулки ҳалок бўлади: тез ва даҳшатли.

– Бу чиндан ҳам бешафқат эшитилади, деб ўйлайман, аммо, аслида...

⁴³ Скаут – йигирманчи аср бошларида аввал Англияда, кейин бошка баъзи буржуа давлатларида тузилган ҳарбий-сиёсий характердаги болалар ташкилоти аъзоси.



— Тулки завқ оладими? Бу бемаънилик деманг, дўстим. Ҳар қалай, шуниси маъқул: болалар куйлагандагидан кўра тез, бешафқат ўлим яхшироқ... Маҳбус бўлиш... кутида... бир умр... Йўқ, бу яхши эмас, сизга айтсан. — У бош чайқади. Кейин бошқача оҳангда гапирди: — Эртага мен жаноб Кастнинг олдига бораман, — сўнг ҳайдовчига буюрди: — Лондонга қайтамиз.

— Ахир Истборнга бормоқчи эмасмисиз? — деб хитоб қилдим.

— Нима учун? Мен... ўз мақсадларим учун етарлича маълумотни биламан.

33-боб

Александр Бонапарт Каст

Пуаронинг ўша ғалати одам — Александр Бонапарт Каст билан сұхбатида мен қатнашмадим. Полициядаги танишлар ва бу ишдаги ўзига хос ҳолатлар туфайли Пуаро ички ишлар вазирлигидан ордер олишга қийналмади, бирок бу ордер менга тегишли эмасди. Нима бўлганда ҳам, Пуаронинг фикрича, сұхбат буткул шахсий ўтиши — икки киши юзма-юз гаплашиши мухим эди.

Бирок у менга ўрталарида бўлиб ўтган гаплар ҳақида шу қадар батафсил ҳисбот бердики, ҳисботни ўзим у ерда иштирок этгандек, қатъий ишонч билан эшиздим.

Жаноб Каст, афтидан, одамлардан қочарди. Унинг букчайиши янада яққол сезила бошлаганди.

Тушунишимча, Пуаро бироз вакт гапирмаган.

У қаршисидаги одамга қараб ўтирган.

Афтидан, бу оғир дамлар эди. Пуаронинг ўрнида мен безовталанган бўлардим. Бироқ Пуаро маълум таъсир кўрсатишнигина ўйлаган.

Ниҳоят, юмшоқ овозда гап бошлигани:

— Кимлигимни биласизми?

У инкор маъносида бош чайқаган:

— Йўқ... йўқ... Биламан деб айтольмайман. Агар сиз жаноб Лукаснинг... бу нима дейиларди?.. одами бул масангиз. Ёки, балки, жаноб Мэйнарддан келдингизми? («Мэйнард ва Коул» ҳимоянинг вакили эди).

У хушмуомалалик билан, лекин унчалик қизик масдан гапирган. Афтидан, у қандайдир ички паришонликка берилганди.

— Мен – Эркюль Пуароман...

Пуаро сўзларни жуда юмшоқ оҳангда айтган... ва қандай таъсир қилганини кузатган.

Жаноб Касть бошини сал кўтарган:

— Наҳотки?

У бу сўзни инспектор Кроум айтиши мумкин булгандек табиий гапирган, лекин мамнуниятсиз. У бошини кўтариб, Пуарога қараган.

Эркюль Пуаро унинг кўзларига қараб, бир-икки марта бош ирғаган.

— Ха, – деган у, – мен сиз хат ёзган ўша одамман.

Алоқа дарров бузилган. Жаноб Касть кўзларини ерга тикиб, асабий овозда гапирган:

— Мен ҳеч қачон сизга хат ёзмаганман. У хатларни мен ёзмаганман. Буни такрорлашдан чарчадим.

— Биламан, – деган Пуаро, – аммо уларни сиз ёзмаган бўлсангиз, унда ким?



— Душман. Менинг душманим бўлса керак. Уларнинг ҳаммаси менга қарши. Полиция... ҳар бири... ҳамма менга қарши. Бу жуда катта фитна.

Пуаро жавоб бермаган.

— Ҳар доим кимнингдир қули менга қарши, — деган жаноб Каст.

— Ҳатто бола бўлганингизда ҳамми?

Жаноб Каст ўйланиб қолган.

— Йўқ... йўқ... унчалик эмас. Ойим мени жуда яхши кўради. Лекин у шухратпараст эди. Шунинг учун менга бемаъни исмлар қўйган. Унда мени машҳур шахс бўла олади, деган тутуриксиз фикр бор эди. У доим мени ўз ҳукуқимни ҳимоя қилишга чақирали, менга ироди кучи ҳақида гапиравади... Менга истаган ишингни қила оласан дерди! — У бир дақиқага жим бўлиб қолган. — У адашган, албатта. Буни ҳеч қанча вақт ўтмай тушундим. Мен ҳаётда нимагадир эришадиган одамлардан эмасдим. Ҳар доим аҳмокликлар қилардим, бемаъни кўринардим. Мен жуда тортичок бўлиб қолдим, одамлардан қўрқардим. Мактаб йиллари мен учун оғир давр бўлди... болалар исмларимни билиб олишди... улар доим мени шу туфайли мазах қилишарди... Мактабда ҳаммаси ёмон эди: ўйинларда, дарсларда, ҳаммасида. — У бош чайқади. — Бунинг устига, бечора онам вафот этди. Ҳатто тижорат коллежида ўқиганимда ҳам, менга машинкада ёзиш ва стенографияни ўрганиш учун бошқалардан кўпроқ вақт керак эди. Кейин мен ҳали бефаҳмлигимни сезмасдим — агар нимани назарда тутаётганимни тушунаётган бўлсангиз.

У тўсатдан сухбатдошига даъват қилаётгандек қараган.



– Нимани назарда тутаётганингизни тушуняпман, – деган Пуаро, – давом этинг.

– Бу шунчаки, ҳамма мени бефаҳм деб үйлайди, деган сезги эди. Жуда бұғувчи ҳаракат. Идорада ҳам шундай бұлган.

– Кейинрок урушда ҳамми? – деб эслатган Пуаро.

Жаноб Кастнинг юзи бирдан яшнаб кетган.

– Биласизми, – деган у, – мен урушдан роҳатланғанман. Аввалига үзимни ҳамма билан тенг ҳис қилғанман. Ҳаммамиз битта аравага құшилғандик. Мен ҳамма қатори эдим. – Унинг табассуми сұнади. – Кейин эса бошимдан яраланғанман. Жуда енгил ярадорлик. Улар менда тутқаноқ бўлишини пайқашди... Тұғри, мен қилған ишимга буткул амин бўлмаган пайтлар бўлган. Хотира сусайиши. Ва албатта, бир ёки икки марта йиқилиб тушғанман. Аммо бунинг учун мени демобилизация⁴⁴ қилишлари шарт эмасди.

– Кейин-чи? – сўраган Пуаро.

– Клерк бўлиб ишга кирдим. Тұғри, яхши пул то-пишим мумкин эди. Урушдан кейин уринишларим унчалик ёмон эмасди. Тұғри, ойлик камрок... Етарли-ча ғайратли эмасдим. Кўтарилишлар доим мени чет-лаб үтарди. Кўтарилиш жуда қийин эди, чиндан ҳам жуда қийин... Айниқса, танглик бошланғанда. Рости-ни айтганда, руҳий мувозанатни зурға сақлардим. Кейин пайпоқ билан боғлиқ шу ишга таклиф тушди... Ойлик ва воситачилик ҳақи!

Пуаро хотиржам овозда гапирган:

– Аммо, сиз айтгандек, сизни ёллаган фирма буни инкор этаётганидан хабарингиз борми?

Жаноб Каст яна асабий бўлиб қолган.

⁴⁴ Демобилизация – ҳарбий хизматдан бўшатиши.

– Бунга сабаб шуки, улар тил бириктиришган, тил бириктирган бўлишлари керак. – У давом этган:

– Менда ёзма далиллар бор. Менда уларнинг қаерга бориш ҳакидаги кўрсатмалари, уйларига бориладиган одамларнинг рўйхати бор.

– Аниқроқ айтадиган бўлса, ёзма далиллар эмас, балки, машинкада терилган далиллар.

– Бу айнан бир нарса. Аслида, улгуржи савдо кила-диган катта фирма хатларини машинкада теради.

– Жаноб Каст, ахир ёзув машинкасини идентифи-циациялаш мумкинлигини билмайсизми? Бу хатлар-нинг ҳаммаси битта машинкада терилган.

– Нима бўлибди шундай бўлса?

– Ва ўша машинка сизнинг ўз машинкангиз – хонангиздан топилган машинка.

– Уни менга фирма иш бошлаганимда жўнатган.

– Ҳа, лекин у хатлар кейин олинган. Шунинг учун бу уларни гўё ўзингиз териб, ўзингизга ўзингиз жўнатгандек кўриняпти.

– Йўқ, йўқ! Буларнинг бари менга қарши фитна-нинг бир қисми! – Кутилмаганда у қўшимча қилган:

– Қолаверса, уларнинг хатлари шу турдаги машинкада терилган.

– Ўша турдаги, лекин айнан ўша машинкада эмас.

Жаноб Каст қайсарлик билан такрорлади:

– Бу фитна!

– Жавондан топилган «ABC» маълумотномалари ҳамми?

– Улар ҳақида ҳеч нима билмайман. Мен уларнинг ҳаммасини пайпок деб ўйлагандим.

– Ўша биринчи Андовердаги одамлар рўйхатида миссис Ашернинг фамилиясини белгилаб қўйдингиз



– Чунки ундан бошлашга қарор қилдим. Нимадандир бошлаш керак-ку ахир.

– Ҳа, шундай. Кимдандин бошлаш керак.

– Мен буни назарда тутмагандим! – деди жаноб Каст. – Сиз айтган нарсаны эмас!..

– Аммо сиз нимани назарда тутганимни биласиз?

Жаноб Каст жавоб бермади. У титрарди.

– Буни мен қилмадим! – деди у. – Мен мутлақо айбизман! Буларнинг бари хато. Ана, иккинчи жиноятга қаранг – Бексхиллдаги. Мен Истборнда домино ўйнадим. Буни тан олишингиз керак!

Унинг овози тантанавор янгарди.

– Ҳа, – деди Пуаро. Унинг овози бир маромда, мулойим янгарди. – Аммо бу жуда оддий, шундай эмасми, бир кунга адашиш? Агар сиз жаноб Стрейнж сингари қатъиятли, ўзига ишонган одам бўлсангиз, ҳеч қачон ноҳақ бўлишингиз мумкинлигини тан олмайсиз. Сиз ўз гапимда тураман, дедингиз... У ҳам шундай. Мехмонхонанинг рўйхатга олиш дафтарида ҳам имзо чекаётганда, санани адаштириш ёки нотўғри санани ёзиш жуда осон – буни, ҳойнаҳой, ҳеч ким дарров сезмайди.

– Мен ўша оқшом домино ўйнаганман!

– Сиз, ҳойнаҳой, доминони жуда яхши ўйнасангиз керак.

Жаноб Каст бироз жонланди.

– Мен... мен... ҳа, ўйлашимча, яхши.

– Бу жуда ўзига тортадиган ўйин, шундай эмасми, катта маҳорат ҳам талаб қиласди?

– Ў, унда варианtlар шунчалик кўп, шунчалик кўп! Ситида кўп ўйнашимизга тўғри келган, тушлик танаффус пайтида. Умуман нотаниш одамлар домино

ўйинида топишиши сизни ҳайратга солган бўларди.

– У кулиб қўйди. – Бир одамни эслайман, у доим эсимда бўлган, чунки менга бир нарсани гапириб берганди. Биз шунчаки бир финжон қаҳва устида гаплашиб, домино ўйнашни бошладик. Ҳа, йигирма дақиқа ўтиб, бу одамни бутун умрим давомида танишимни ҳис қилдим.

– У сизга нимани гапириб берди?

Жаноб Кастнинг юзи тундлашди.

– Ичимда ҳамма нарса ўзгарди, жирканч даражада ўзгарди. У қўлимдаги чизикларга қараб, такдирни айтиб берди. Менга ўзининг қўлини ва бир куни чўкишидан дарак бераётган чизикларни кўрсатди, у эса чиндан ҳам икки марта чўкиб кетаёзди. Кейин эса менинг қўлимга қараб, ажойиб нарсаларни башорат қилди: ўлмасимдан аввал Англиядаги энг машхур одамлардан бири бўлишимни. Мен ҳақимда бутун мамлакат гапиришини айтди. Лекин у айтдики... у айтдики...

Жаноб Каст тутилиб, жим бўлиб қолди...

– Хўш?

Пуаронинг ўткир нигоҳи гипноз килаётгандек эди. Жаноб Каст унга қаради, атрофга аланглади, кейин авраб қўйилган қуёндек яна бир марта аланглади.

– У айтдики... у айтдики... мажбурий ўлим топишм мумкинлигини айтди, кейин кулиб юборди ва шунчаки ҳазиллашганини айтди... – У бирдан жим бўлиб қолди. Кўзлари энди Пуарога қарамас, олазарак бўларди... – Бошим... Бош оғрифидан жуда қаттиқ азоб чекаман... Баъзизда оғриқ жуда кучли бўлади. Кейин шундай пайт бўладики, мен билмайман... мен билмайман...

У жим бўлиб қолди.



Пуаро олдинга эгилди. У хотиржам, лекин жуда катъий гапиради:

– Аммо сиз қотилликларни содир этганингизни биласиз, шундай эмасми?

Жаноб Каст бошини кўтариб қаради. Унинг нигоҳи буткул хотиржам ва очик эди. Қарши таъсир кучлари уни тарк этганди.

– Ҳа, – деди у. – Биламан.

– Аммо мен тўғри гапиряпман, шундай эмасми – сиз уларни нима учун ўлдирганингизни билмайсиз?

Жаноб Каст бош чайқади.

– Йўқ, – деди у. – Билмайман.

34-боб Пуаро тушунтиради

Биз асабларимиз таранг тортилганча, Пуаронинг бу иш юзасидан яқуний изоҳини дикқат билан эшишиб ўтирадик.

– Бу иш давомида мени бир савол ташвишга солди: нима учун? – дерди у. – Гастингс менга бир гал иш тугади деб айтди. Мен унга иш одамда бўлади, деб айтдим! Бу жумбоқ қотиллик эмас, АВС сирида эди. У нима учун бу қотилликларни содир этиш керак деб ҳисоблади? Нима учун у рақиб сифатида мени танлади?

Одамнинг жинни бўлгани жавоб бўлолмайди. Одам жинни бўлгани учун жинниликлар қиласи – бу билимсизлик ва бемаънилик. Жинни ҳам ўз ҳаракатларида соғлом одам сифатида мантиққа ва мулоҳазага асосланади: ўзининг шахсий, ғаразли нуқтаи назари билан иш тутади.



Бу ишдаги мұхым жиҳат түртта ёки ундан ортиқ қотилликни содир этиб, улар ҳақида Эркюль Пуарога жұнатылған хатлардан аввалдан хабар беришни мантикий ва маъқул деб ҳисоблайдиган онгни тасаввур килиш эди.

Дүстим Гастингс биринчи хатни олган пайтимдан дилим хуфтон бұлиб, қайғура бошлаганимни тасдиқлади. Менга үшандәөқ бу хатнинг нимасидир чатоқдек түйилди.

— Сиз буткул ҳақ бұлғансиз, — деди Франклин Кларк қуруққина.

— Ҳа. Лекин үшанда, энг бошида мен хатога йўл қўйдим. Сезгиларимга, жуда кучли сезгиларимга оддий таассурот даражасида қолишига имкон бердим. Уларга гўё бу ички сезгидек қарадим. Вазмин, соғлом фикрлайдиган онгда ички сезги — жўшқин тахмин бўлмайди! Сизлар, албатта, тахмин қилишингиз мумкин ва тахмин ё тўғри, ё нотўғри бўлади. Агар у тўғри бўлса, сиз уни ички сезги деб атайсиз, нотўғри бўлса, одатда, у ҳақда ортиқ гапирмайсиз. Аммо кўпинча ички сезги деб аталадиган нарса, аслида, мантикий дедукция⁴⁵ ёки тажрибага асосланган таассуротdir. Билимдон одам картина ёки мебель қисмининг, ёки чекдаги имзонинг нимасинингдир номаъқуллигини сезса, унинг сезгиси чиндан ҳам кўплаб белгилар ва деталларга асосланади. Унинг үша деталларни синичклаб текширишининг кераги йўқ — тажрибаси уни бундан халос қиласи, натижада эса қандайдир нуқсон бор деган аниқ таассурот пайдо бўлади. Бу тахмин эмас — бу тажрибага асосланган таассурот.

⁴⁵ Дедукция — умумий ҳолатдан хусусий холосалар чиқариш.



Ха майли, мен хатга муносиб баҳо бермаганимни тан оламан. У мени ташвишга солиб қўйди. Мен Андовердаги қотиллик, уқтирилганидек, содир булишига амин эдим. Адашмадим. Бу ишни содир этган одамнинг ким бўлганини аниқлашга ҳеч қандай асос ва восита йўқ эди. Ягона имконият буни содир этган одамнинг қандайлигини англашга уриниш эди.

Менда асос қилиб олиш учун қуйидагилар бор эди: хат, жиноят услуби, қурбон. Жиноят ва хат ёзиш сабабини аниқлаш зарур эди.

— Овоза қилиш, — деб тахмин қилди Кларк.

— Норасолик ҳисси буни изоҳлайди, албатта, — деб кўшимча қилди Тора Грей.

— Тўғри, шундай фикр туғилиши аник. Лекин нима учун менга? Нима учун Эркюль Пуарога? Скотленд-Ярдга хат жўнатиб ҳам, анча овоза қилиш мумкин эди. Газета биринчи хатни босиб чиқармаслиги мумкин эди, лекин ABC иккинчи жиноятигача матбуот ўзи қодир бўлган энг зўр шов-шувни кўтаришига амин булиши керак эди. Унда нима учун Эркюль Пуарога? Қандай сабабларга кўра? Хатда хорижликларга қарши енгил огоҳлантириш сезилганди, аммо бу мен қоникиш ҳис қилишим учун етарли изоҳ эмасди.

Кейин иккинчи хат келди, шундан сўнг Бексхиллда Бетти Барнард ўлдирилди. Ўшанда қотиллик алифбо тартибида давом этаётгани аён бўлди (гарчи мен бундан гумон қила бошлаган бўлсам ҳам). Бироқ кўпчилик учун якуний бўлган воқеа мен учун савол бўлиб қолаётганди: ABCга бу қотилликларни содир этишнинг нима кераги бор?

Меган Барнард курсида қимиirlаб қўйди.

— Ахир бу қонга ташналиқ әмасми?.. — деди у.
Пуаро унга үгирилди.

— Сиз буткул ҳақсиз, мадемуазель, ўлдиришга ташналиқ. Бирок бу далилларга тұлық мос келма-япти. Ўлдиришни хоҳлайдиган савдойи қотил, одатда, иложи борича күпроқ қурбонни ўлдиришни истайди. Бу тез-тез такрорланадиган кучли истак. Бундай қотилнинг асосий фикри — изни йўқотиш, улар ҳақда жар солмаслик. Танланган қурбонларга дикқат билан қарасак, уларни ўзини шубҳа остига қўймасдан ҳам ўлдириши мумкин бўлганини тушунамиз. Франц Ашер, Дональд Фрэзер ёки Меган Барнард, балки, жаноб Кларк — полиция, булар бевосита далиллар бўлмаган тақдирда ҳам, шу одамлардан шубҳаланарди. Номаълум савдойи қотил хаёлларига ҳам келмасди! Унда нима учун қотил ўзига эътиборни тортиши кераклигини ҳис қилди? Ҳар бир мурда ёнида «ABC» темир йўл маълумотномасини қолдиришга зарурат бормиди? Бу мажбуриятмиди? Темир йўл маълумотномаси билан боғлиқ қандайdir нуқсонли ҳис мавжудмиди?

Ўзимни қотилнинг ўрнида тасаввур қилиб, буни маҳол деб топдим. Ахир бу олийҳимматлик әмас-ку? Бегуноҳга қўйилган жиноят масъулиятидан кўрқиши?

Асосий саволга жавоб беролмасам ҳам, қотил ҳақида маълум нарсаларни билиб олишимни ҳис қиласдим.

— Масалан, қайсиларни? — сўради Фрэзер.

— Жадвал шаклида фикрлашидан бошласак. Унинг жиноятлари алифбо тартибида тузилганди — бу, шубҳасиз, унинг учун муҳим эди. Бошқа томондан, у қурбон танлашда анча тартибсиз бўлган: миссис Ашер, Бетти



Барнард, сэр Кармайлк Кларк – уларнинг бари бир-бираидан кескин фарқ қиласади. Бу на жинсга бўлган нафрат, на маълум ёш билан боғлик нафрат эди. Бу эса менга жуда қизиқ туйилди. Агар одам фарқламасдан ўлдирса, бу унинг йўлида турган ёки ғашига тегадиган ҳар кимни йўқотишини билдиради. Бироқ алифбо тартиби бу ундаи ҳолат эмаслигини кўрсатади. Бошқа тоифадаги қотил, одатда, маълум турдаги қурбонларни танлайди, яъни деярли ҳар доим қарама-қарши жинс вакилларини. АВСнинг ҳаракатлари тарзида тасодифий бир нима бор эди ва у менга алифбо бўйича танловга зиддек туйилди.

Мен кичик бир хулоса чиқаришга журъят этдим. АВС менга таклиф килган образни темир йўлчасига фикрлайдиган одам деб аташим мумкин эди. Бу аёллардан кўра, кўпроқ эркакларга хос. Ўғил болалар поездларни қиз болалардан кўпроқ яхши куради. Бу маълум даражада норасо онг белгиси бўлиши хам мумкин эди. «Ўғил бола» сабаби ҳали устунлик қилаётганди.

Бетти Барнарднинг ўлими ва унинг табиати менга бошқа аник йўналишларни берди. Унинг ўлими табиати муайян фикрларни уйғотарди (жаноб Фрэзер мени кечирсинг). Унинг ўз белбоғи билан бўғиб ўлдирилганидан бошласам, демак, уни, ҳойнаҳой, ўзи дустона ёки ишқий муносабатда бўлган одам ўлдирган. Унинг феъл-автори ҳакида баъзи нарсаларни билиб олганимдан сўнг хаёлимда бир манзара гавдаланди.

Бетти Барнард ишвагар бўлган. У кўркам эркаклар зига эътибор беришини ёқтирган. Демак, уни бирга айланниб келишга кўндириш учун АВС маълум дарожизбага эга бўлиши – эркак сифатида ўзига

тортиши керак эди! У, сиз инглизлар таъбири билан айтганда, «ҳамма нарсани ундирадиган» бўлиши лозим эди. У қойил қолдира олиши, муваффақият қозониши керак эди! Мен хаёлан пляждаги саҳнани шундай тасаввур киламан: эркак белбоғга қойил қолади. Қиз уни ечади. Эркак уни қизнинг бўйнига шўхлик билан ўрайди ва эҳтимол: «Ҳозир сени бўғаман», дейди. Ҳаммаси жуда ишвали бўлади. Қиз қиқирлаб кулади ва эркак камарни сиқиб тортади...

Дональд Фрэзер қип-қизариб иргиб турди.

— Мсье Пуаро, худо ҳақи!

Пуаро ишора билан тўхтатди:

— Бўлди. Бошқа ҳеч нима демайман. Тугатдик. Кейинги қотилликка — сэр Кармайл Кларкнинг ўлдирилишига ўтамиз. Бу ерда қотил ўзининг биринчи услуга — бошга уришга қайтади. Ўша-ўша алифбо комплекси. Фақат бир тафсилот мени ташвишлантиради: изчил бўлиш учун қотил шаҳарларни қатъий тартибда танлаши керак эди.

Агар Андовер А ҳарфида бир юз эллик бешинчи ўринда турган бўлса, В ҳарфи билан бошланадиган шаҳар ҳам бир юз эллик бешинчи ёки бир юз эллик олтинчи ўринда бўлиши керак эди, С ҳарфи билан бошланадигани эса — бир юз эллик еттинчи... Бу ерда яна шаҳарлар тартибсиз танланган булиб чиқяпти.

— Бу сизнинг шу нарсага бироз ёпишиб олганингиздан эмасмикин, Пуаро? — деб тахмин қилдим. — Ўзингиз, одатда, режали ва тартиблисиз. Бу жиҳатингиз деярли касалликка ўхшайди!

— Йук, бу касаллик эмас! Бу қандай фикр? Лекин бу ўринда бироз ошириб юбораётган бўлишим мумкин. Давом этамиз. Черстондаги қотиллик менга деярли

ёрдам бермади. Бу ишда омадимиз келмади, чунки у ҳақда хабар берувчи хат адашиб қолди. Демак, тайёрланишнинг иложи бўлмади.

Аммо D қотиллиги эълон қилинган пайтгача жуда катта ҳимоя тизими ташкиллаштирилди. АВСнинг ортиқ сувдан қуруқ чиқишга умид қилолмаслиги аён бўлиб қолди.

Бундан ташқари, айнан ўша пайтда менинг ихтиёrimda вазиятга ойдинлик киритувчи восита – пайпок пайдо бўлди. Ҳар бир жиноят жойи яқинида бир кишининг пайпок сотиб юриши тасодиф эмаслиги буткул аён эди. Демак, пайпок сотувчи қотил бўлиши мумкин эди. Айтишим керакки, унинг мисс Грей тасвирлаб берган қиёфаси менинг Бетти Барнардни бўғиб ўлдирган одам ҳақидаги тасаввуримга унчалик мос келмасди.

Кейинги босқични тез айтиб ўтаман. Тўртинчи қотиллик содир этилди – Жорж Эрлсфилд деган одам ўлдирилди – тахминларга кўра, гавда тузилиши худди уникига ўхшаган ва кинотеатрда ёнида ўтирган Даунз исмли одамнинг ўрнига янглиш ўлдирилган.

Энди, ниҳоят, тўлқин ортга қайтади. Воеалар АВСнинг ихтиёрида бўлиш ўрнига унга қарши ишлайди. Уни сезиб қолишиди, изига тушиши ва ниҳоят, ҳисбга олишиди.

Иш, Гастингс айтгандек, тугатилди!

Жамоатчилик манфаатдор бўлган даражада тугатилди. Одам камокда, шубҳасиз, яқинда Бродмурга жўнайди. Ортиқ қотилликлар бўлмайди. Бундан чиқди, тамом! RIP⁴⁶!

Requiescat in pace! (лот.) – Жони ором топсин!



Лекин мен учун эмас! Мен ҳеч нимани – мутлақо ҳеч нимани билмайман! На нима учунлигини, на нима сабабданлигини.

Қолаверса, яна бир ачинарли жиҳат бор. Үша Кастнинг Бекхисилда қотиллик содир бўлган тунга алибиси бор.

– Бу мени ҳамма вақт ташвишлантиряпти, – деди Франклайн Кларк.

– Ҳа. Бу мени ҳам ташвишлантираётганди. Чунки алиби ҳақиқийга ўхшайди. Аммо у ҳақиқий бўлиши мумкин эмас, агар... мана биз иккита жуда қизиқ назарияга яқинлашяпмиз.

Дўстларим, дейлик, Каст учта жиноятни – А, С ва Дни содир этган-у, В жиноятини содир этмаган.

– Мсье Пуаро. Бу...

Пуаро нигоҳи билан Меган Барнардни жим бўлишга мажбур қилди.

– Тинчланинг, мадемуазель. Мен ҳақиқат тарафдориман. Ҳа! Мен кўп ёлғонга чидадим. Дейлик, деяпман, АВС иккинчи жиноятни содир этмаган. У, эсингиизда бўлса, 25-сананинг ilk соатларида – у жиноятни содир этиш учун келган куни содир бўлган. Дейлик, кимдир ундан аввалроқ ишни битирган-а? Бундай вазиятда у нима қилиши керак эди? Иккинчи қотилликни содир этиши керакмиди ёки писиб олиб, ўзига хос бу тухфани қабул қилсинмиди?

– Мсье Пуаро! – деди Меган. – Бу нотуғри фикр! Ҳамма қотилликлар бир киши томонидан содир этилган бўлиши керак!

Пуаро унга эътибор бермай, хотиржам давом этди:

– Бундай фаразнинг афзаллиги шундаки, бир жиҳатни – Александр Бонапарт Каст шахси (у қиз болага



хеч қанақасига ёқиши мумкин эмасди) ва Бетти Барнарднинг қотили шахси ўртасидаги зиддиятни ойдинлаштиради. Кўпдан бери маълумки, қотил деб тахмин қилингандар бутунлай бошқа одамлар содир этган жиноятлардан фойдаланишади. Масалан, Жек Кирувчининг ҳамма жиноятларини Жек Кирувчининг айнан ўзи содир этмаган. Ҳозирча ҳаммаси яхши.

Бироқ у ҳолда мен маълум қийинчиликка дуч келаман.

Барнард ўлдирилмагунча АВСга оид маълумотлар овоза қилинмаганди. Андовердаги қотиллик катта қизиқиш уйғотмади. Очик қолдирилган темир йўл маълумотномаси билан боғлиқ можаро матбуотда ҳатто тилга олинмаганди. Бундан чиқди, Бетти Барнардни ўлдирган ким бўлмасин, бундан факат маълум доирадаги одамлар – мен, полиция, шунингдек, миссис Ашернинг қариндошлари ва кўшнилари хабардор бўлиши керак эди.

Кидиувнинг бу йуналиши мени боши берк кўчага олиб кириб қўяётганга ўхшарди.

Бошимиз қотиб қолди.

– Полиция ҳам ахир одамлардан иборат, – деди Дональд Фрэзер паришон. – Ва улар истарали одамлар...

У Пуарога саволомуз қараб, жим бўлиб қолди.

Пуаро аста бош чайқади:

– Йўқ, ҳаммаси анча оддий. Сизларга иккинчи мулоҳаза борлигини айтгандим.

Дейлик, Каст Бетти Барнарднинг ўлдирилишига жавобгар эмас. Дейлик, уни бошқа бирор ўлдирган. Унда ўша, бошқа одам бошқа қотилликларга ҳам жавобгар бўлиши мумкинми?



— Аммо бунда мантиқ йўқ! — деб хитоб қилди Кларк.

— Нахотки? Шундай мен бошиданоқ килишим керак бўлган ишни қилдим. Олингани хатларни ҳар томондан ўрганиб чиқдим ва дарров уларда қандайдир номувофикалик борлигини сездим — тасвирий санъат мутахассиси картинанинг қалбакиligини пайқагани сингари... Мен мулоҳазага берилмасдан, ўша «номувофикалик» уларнинг соғлом фикрли одам томонидан ёзилганида, деб таҳмин қилдим!

— Нима? — деб хитоб қилдим мен.

— Худди шундай — айнан шундай! Улар, қалбаки картиналар қандай бўлса, шундай сохта эди, чунки улар гирт қалбаки эди! Улар ойпараст-қотил жиннивинг хатларидек кўриниши керак эди, аслида эса бундай одамга хеч қандай алоқаси йўқ эди.

— Бунда мантиқ йўқ, — тақрорлади Франклин Кларк.

— Худди шундай! Ҳамма нарсанинг сабаби бўлиши керак. Бундай хатларни ёзилдан мақсад нима бўлиши мумкин? Муаллифга диккатни қаратиб, қотилликларга эътиборни тортиш! Бир қарашда, бунда мантиқ йўқ. Лекин кейин фикрим тиниклашди. Бу бир нечта қотиллик — қотилликлар гуруҳига эътиборни қаратиш максадида килинганди... Сизларнинг буюк Шекспириңгизда айтилмаганмиди ахир: «Дарахтлар ортида ўрмонни кўриб бўлмайди».

Пуаронинг адабий иқтибосларини тузатмадим. Мен уни тушунишга уринардим.

— Тўғиғаичга қачон энг кам эътибор берасиз? — деб давом этди у. — Қачонки у бошқалари сингари ёстикчага тикилган бўлганда! Алоҳида қотилликка қачон энг кам эътибор берасиз? Қачонки у ўзаро боғлиқ бир канча қотилликлардан бири бўлганда.

Мен ниҳоятда ақлли, топқир қотил – тишидан тирноғигача таптортмас, далил қиморбозга дуч келдим. Жаноб Кастига эмас! У бу қотилликларни асло содир этмаган бўларди! Йўқ, мен умуман бошқача фикрлайдиган – ёш болаларча мижозли (бундан мактаб боласи томонидан ёзилганга ўхшаш хатлар ва темир йўл маълумотномаси дарак беради) одам, аёллар наздида келишган одам, одам ҳаётини шафқатсизларча менсимайдиган одам, бу жиноятларнинг бирида, албатта, катнашган одамга!

Қаранглар: эркак ёки аёлни ўлдиришганда, полиция қандай саволлар беради? Туғилган имконият. Ҳамма қотиллик пайтида қаерда бўлган? Сабаб. Марҳумнинг ўлими ким учун фойдали эди? Агар сабаб ҳам, кулай имконият ҳам очик-аён бўлса, фараз килинган қотил нима қиласди? Алибини сохталашибди, яъни қандайдир йўл билан вақтни мослаштиришга уринади. Бирок бу ҳар доим қалтис иш бўлган. Бизнинг қотил бундан-да галати ҳимояни ўйлаб топган. Савдои қотилни яратган!

Менга фақат турли жиноятларни айланиб ўтиб, эҳтимолий айборни топишгина қолганди. Андовердаги қотиллик? Энг эҳтимолга яқин қотил Франц Ашер эди, лекин мен Ашер шундай маккорона режани ўйлаб топиб, татбиқ этганини, умуман, қасдан қотиллик қилишни режалаштирганини ҳам тасаввур қилолмадим. Дональд Фрэзер шундай қилиш имконига эга эди. У ақлли ва қобилиятли, тартиблилик унга хос. Бирок ўз севгилисини ўлдиришга фақат рашк сабаб бўлиши мумкин, рашкнинг эса қасдан уюштиришга мойиллиги йўқ. Мен унинг август бошида таътилга чиққанини ҳам билиб олдим. Бу эса унинг



Черстондаги қотилликка алоқадор бўлиши эҳтимолини камайтиради. Энди Черстондаги қотилликка келяпмизва шу заҳоти чексиз даражада баракали тупроқда пайдо бўляпмиз.

Сэр Кармайкл Кларк жуда бой эди. Пул кимга мерос қолади? Унинг хотини ўляпти, кейин эса ҳаммаси унинг укаси Франклинга ўтади. – Пуаро то кўзлари Франклин Кларкнинг кўзларига тўқнаш келмагунча шопшилмай ўгирилди. – Шунда мёнда шубҳа қолмади. Мен узоқ вақт ғайришуурий равишда таниган одам мен шахсан таниган одам билан бирлашди. ABC ва Франклин Кларк бир кишининг ўзи эди! Дадиллик, топқирлик, кўчманчи ҳаёт, хорижликларни мазах қилишда сезилар-сезилмас аён бўлган Англияга ҳавас. Енгил, эркин ва ўзига тортадиган муомала: унинг учун қиз бола билан қаҳвахонада танишишдан осонроқ иш йўқ. Тартибли, жадвал шаклида фикрлайдиган онг – бир марта у бошини «ABC» деб белгилаб, рўйхат тузди. Ба ниҳоят, леди Кларк тилга олган ёш болаларча фикрлаш тарзи. Бу ҳатто унинг фантастикага муҳаббатида ҳам намоён бўлади. Мен унинг кутубхонасида Э. Несбитнинг «Темир йўл болалари» номли китоб борлигини аниқладим. Менда ортиқ шубҳа қолмади: ABC, ўша хатларни ёзган ва жиноятларни содир этган одам – бу Франклин Кларк.

Тўсатдан Кларк хаҳолаб кулиб юборди:

– Жуда ажойиб! Қули қонга бўялган ҳолда ушланган дўстимиз Каст-чи? Пальтосидаги қон-чи? Ўз бошпанасига беркитиб қўйган пичоқ-чи? У жиноят содир этганини истаганча инкор қилиши мумкин...

Пуаро унинг гапини бўлди:

– Сиз мутлақо ноҳақсиз. У буни тан оляпти.



- Нима? – Кларк чиндан ҳам ҳайратга тушди.
- Ҳа, – деди Пуаро юмшоқ оҳангда, – мен у билан айбдорлигини тан олганидан кейин гаплашдим.
- Ҳатто бу ҳам мсье Пуарони қониктирмадими?
- сўради Кларк.

– Йўқ. Чунки уни кўришим биланоқ унинг айбдор булиши мумкин эмаслигини тушундим! Унда мустаҳкам асаблар ҳам, журъат ҳам, айтишим мумкинки, режа тузиш учун ҳам ақл йўқ! Бутун иш давомида қотил шахсининг иккиланишига амин бўлдим. Энди бу нимадан иборат бўлганини кўряпман. Икки шахс аралашган: ҳақиқий қотил – маккор, топқир, дадил, сохта қотил эса – тентак, журъатсиз ва таъсирга берилувчан.

Таъсирга берилувчан – жаноб Кастанинг сири айнан шу сўзларда акс этади! Жаноб Кларк, сизга бир қотилликдан эътиборни чалғитиш учун режа тузиш етарли бўлмаган. Сизга яна ҳамма жиноятга балогардон бўладиган одам керак бўлган.

Ўйлашимча, бу фикр биринчи марта хаёлингизга шаҳар қаҳвахонасида тасодифан исмлари дабдабали ғалати одамни учраттандан сўнг келган. Ўшанда хаёлингизда акангизни ўлдиришнинг турли режаларини ўйлаб юргансиз.

– Чинданми? Нима учун?

– Чунки сиз келажакдан жиддий хавотирда эдингиз. Билмадим, буни англадингизми ёки йўқ, жаноб Кларк, лекин акангиз ёзган хатни кўрсатганингизда, менга ёрдам бердингиз. Унда акангиз мисс Тора Грейга боғланиб қолгани ва уни яхши кўришини аниқ айтган. Унинг муносабати, балки, оталарча бўлгандир ёки бу ҳақда шундай деб ўйлашни маъкул кўргандир.



Шунга қарамай, аниқ хавф бор эди – хотинининг вафотидан кейин у, ёлғизлигини инобатга олганда, кўпчилик ёши қайтган эркакларда бўлгани каби шафкат ва далда истаб, ўша гўзал кизга юз буриши, ҳаммаси унга уйланиш билан тугаши мумкин эди. Мисс Грей туфайли хавотирингиз ортган. Сиз, назаримда, феъл-атворларнинг жуда яхши, маълум даражада орсиз билимдонисиз. Сиз, тўғрими ё нотўғри, билмайман, мисс Грей «ичидан пишган» аёллар тоифасидан, деб хулоса қилгансиз. Унинг леди Кларк бўлиш имконини кўлдан чикармаслигига шубҳа қилмагансиз. Акангиз ниҳоятда бадавлат ва тетик одам эди. Болалар туғилиши мумкин эди, у ҳолда сизнинг акангиздан давлатни мерос килиб олиш имконингиз йўкка чикарди.

Сиз, тасаввур килишимча, ўз ҳаётидан хафсаласи пир бўлган одам бўлгансиз. Сизга ўҳшаганлар ҳақида «Саёқ юрган таёқ ейди» дейишади. Сиз акангизнинг давлатмандлигига роса ҳасад қилгансиз.

Хаёлингизда турли режаларни ўйлаб юрганингиз ва жаноб Касть билан учрашув сизда ғоя уйғоттанига қайтаман. Унинг дабдабали исмлари, тутканоклари ва бош оғриклари, буткул дамдузлиги, ўзини камситиши – буларнинг бари хаёлингизда кутилмаган фикрни уйғотган; мана сизга мос восита. Бутун алифбо режаси хаёлингизда туғилган. Кастьнинг исмлари бош ҳарфлари, акангизнинг исми инглизча Сдан бошланиши ва унинг Черстонда яшashi режанинг асоси эди. Сиз ҳатто Кастьнинг қандай тамом бўлишини шама килишгача боргансиз, аммо унинг миясига сингдиришингиз бундай бой самара беришига умид қилганингиз даргумон!

Сиз жуда яхши тайёргарлик кўргансиз. Кастьнинг номидан катта партия пайложни ёздириб олгансиз. Ўзингиз ўҳшаш жўнагмадек кўринадиган бир нечзә



«ABC» маълумотномасини жўнатгансиз. Унга яхши ойлик ва воситачилик ҳақи ваъда қилиб, гўёки ўша фирма номидан муҳрланган хат юборгансиз. Режаларингиз аввалдан шунчалик яхши тузиб чиқилганки, бирданига ҳамма хатларни териб чиққансиз, кейин эса жўнатиб юборгансиз. Ундан сўнг хатларни терган ёзув машинкангизни унга совға сифатида бергансиз.

Энди исмлари тегишли равишда А ва Вдан бошланадиган ҳамда номи худди шу ҳарфлардан бошланадиган жойда яшайдиган икки қурбонни танлашингиз керак эди.

Сиз Андоверни жуда мос жой деб топдингиз. Дастреквилик текширувингиз биринчи жиноят жойи сифатида миссис Ашернинг дўконини танлашга сабаб бўлди. Унинг исми эшик тепасида аниқ ёзилганди. Сиз эса тажриба йўли билан, одатда, унинг дўконда ёлғиз бўлишини аниқлагансиз. Қотиллик учун мустаҳкам асаб, журъат ва бироз омад ҳам керак эди.

В ҳарфига келсак, усулни ўзгартиришингизга тўғри келган. Дўконлардаги ёлғиз аёлларни огоҳлантиришлари мумкин эди. Исмлари керакли ҳарфлардан бошланадиган ва сизнинг мақсадларингизга тўғри келадиганларни излаб, қанча қаҳвахона ва чойхоналарни айланиб, қизлар билан ўйин-кулги, ҳазил-хузул қилганингизни тасаввур қиляпман.

Бетти Барнард киёфасида излаганингизни топгансиз. Уйланганингизни, демакки, сайрлар махфий ўтиши кераклигини тушунтириб, бир-икки марта уни бирор жойга таклиф қилгансиз.

Шундай қилиб, тайёргарлигингиз тугаган ва сиз ишга киришгансиз! Кастга андоверлик мижозлар рўйхатини жўнатиб, у ерга маълум кунда жўнашни буюргансиз ва АВСнинг биринчи хатини менга юборгансиз.



Белгиланган кунда Андоверга жўнагансиз ва миссис Ашерни ўлдиргансиз – режаларингизнинг амалга ошишига ҳеч нима халал бермаган.

Биринчи рақамли қотиллик муваффақиятли амалга оширилган.

Иккинчи қотилликка келганда, эҳтиёткорлик чораларини кўргансиз ва чиндан ҳам уни бир кун аввал содир этгансиз. Бетти Барнард 24 июлда ярим тунгача ўлдирилганига ишончим комил.

Энди учинчи рақамли – сизнинг наздингизда, энг муҳим, ҳақиқий қотилликка келяпмиз.

Шу ўринда оддий ва кундек равshan, лекин биз эътибор бермаган нарсани айтган Гастингсга раҳмат ай, иш керак.

У учинчи хат атай адашиб қолган деб тахмин қилди!
Ва у ҳақ эди!..

Шу оддий тафсилотда мени ҳамма вақт қийнаган саволга жавоб бор. Нима учун бу учта хат, биринчи навбатда, Эркюль Пуарога, хусусий изқуварга юборилди, полицияга эмас?

Мен бирор шахсий сабаб бор, деб янгиш гумон қилдим.

Асло ундей эмас! Хатлар менга жўнатилишига сабаб шуки, режангизнинг асосига кўра, улардан бири нотўғри манзилга жўнатилиши ва адашиб қолиши керак эди. Аммо сиз Скотленд-Ярднинг жиноий қидирув бўлимига юборилган хат бирдан адашиб қолишини уюштиrolmasdiningiz! Сизга хусусий манзил керак эди. Сиз мени машҳур ва, шубҳасиз, хатни полицияга олиб борадиган шахс сифатида танлагансиз, шунингдек, ич-ичингиздан хорижлик устидан қозонилган ғалабадан роҳатлангансиз.

Конвертга жуда топқирлик билан ёзгансиз: Уайтхэйвн-Уайтхорс – жуда ишонарли хато. Лекин Гас-



тингс найрангга алданмасдан, манзилга тұғри юриш учун етарлича зәхнлилик қилди!

Тұғри, хат адашиб қолиши керак эди! Полицияга қотиллик муваффақиятли содир этилгандан кейин изга тушишга имкон бериш керак эди. Акангизнинг кечки сайрлари сиз учун қулай имконият бўлиб хизмат қилган. АВС террори эса жамоатчилик шуури ни шунчалик эгаллаб олдики, сизнинг айборд бўлингиз мумкинлиги ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмади.

Акангизнинг ўлимидан сўнг мақсадга етиб бўлинганди, албатта. Сизда яна қотиллик содир этиш нияти йўқ эди. Аммо бошқа томондан, қотиллар саббасиз тўхтаганда, кимдир ҳақиқатдан шубҳаланиб қолиши мумкин эди.

Сизнинг ҳамма балога балогардонингиз, жаноб Касть кўримсиз бўлгани учун кўринмас одам ролига жуда мос келди. Ҳеч ким учала қотиллик содир бўлган жой яқинида айнан бир киши айланишиб юрганини сезмади! Ҳафсалангизни пир қилиб, ҳатто унинг Комбесайдга боргани ҳам тилга олинмади. Бу иш мисс Грейнинг хаёлидан бутунлай кўтарилди.

Доим дадил бўлганингиз ҳолда, сиз яна бир қотиллик содир бўлиши керак, деган фикрга келдингиз. Лекин бу гал диққат билан йўл очиш керак эди.

Сиз воқеа жойи сифатида Донкастерни танладингиз.

Режангиз жуда оддий эди. Ўзингиз маълум вазијат юзасидан ўша жойда бўласиз. Жаноб Кастьни Донкастерга фирма жўнатади. Сизнинг мақсадингиз ҳамма ерда унинг изидан юриб, қулай фурсатни кутиш эди. Ҳаммаси жуда яхши амалга ошган. Жаноб Касть кинога борган. Сиз ундан бир неча ўриндиқ нарига ўтиргансиз. Бу ишингизни енгиллаштирган. Кетиш



учун турганда, сиз ҳам худди шундай қилгансиз. Ўзингизни қоқилиб кетгандек кўрсатиб, эгилгансиз ва олдинги қаторда мудраётган одамни пичоқлаб ўлдиргансиз. Унинг тиззасига «ABC»ни қўйиб, омадингиз келиб, эшикка етганда, жаноб Кастьга дуч келгансиз-у, пичоқни унинг енгига артгансиз ва чўнтағига солиб қўйгансиз.

Сизни исми Ддан бошланадиган қурбонни танлаш кераклиги заррача ташвишлантиргаган. Истаган одамни танлаш мумкин! Сиз буни хатолик бўлган, деб топишади, деб умид қилгансиз ва жуда тўғри ўйлагансиз. Ўша яқин атрофда исми Ддан бошланадиган кимдир, албатта, бўлиши керак эди. Ҳамма айнан у қурбонликка танланган, деб тахмин қиласарди.

Энди эса, дўстларим, бу ишни сохта ABC нигоҳи – жаноб Каствинг нигоҳи билан қўриб чиқайлик.

Андовердаги қотиллик унинг учун ҳеч нимани англатмаган. У Бексхиллдаги қотилликдан ҳайратга ва хавотирга тушган: у нима учун у ерда ўша вактда бўлиб қолди? Кейин Черстондаги қотиллик содир бўлиб, газеталарда сарлавҳалар тез-тез кўзга ташлана бошланади. Андоверда ABC қотиллик қилганда, у ўша ерда эди, Бексхиллда ABC жиноят қилганда, у яна ўша ерда бўлди... Учта жиноят, ҳар бири содир бўлганда, у ўша жойда бўлган. Тутқаноғи бор одамлар кўпинча нима қилганини эслолмайди... Унутманг, Касть асабий, жуда невротик киши ва ишонтириш осон бўлган одам эди.

Кейин у Донкастерга бориш ҳақида топширик олади.

Донкастер! ABCнинг кейинги жинояти ҳам Донкастерда бўлиши керак. У бу қисмат эканлигини хис қилган бўлса керак. Асаблари дош бермайди, бека унга



шубха билан қараётгандек туйилади, шунинг учун Челтенхэмга кетаётганини айтади.

У Донкастерга жўнайди, чунки бу – унинг мажбурияти. Кундузи кинога боради. Балки, у бир-икки дакикага мудраб қолгандир. Мехмонхонадаги хонасига қайтиб, пальтосининг енгиза қон, чўнтағида эса – конга бўялган пичок борлигини куриб, қай ахволга тушганини тасаввур қилинг. Ҳамма мавҳум ёмон сезгилари ишончга айланади.

У – унинг ўзи – қотил! У ўзининг бош оғрикларини, хотирасининг ёмонлигини эслайди. У Александр Бонапарт Каст ойпарамт-қотил эканлигини мутлоқ ҳақиқат деб хисоблайди.

Унинг кейинги ҳаракатлари – таъкиб қилинаётган ҳайвоннинг ҳаракатлари. У ўзининг Лондондаги бошпанасига қайтади. У ерда хавфдан холи. Улар уни Челтенхэмда деб ўйлашяпти. Пичок ҳали ҳам унда – бундай килиш фирт тентаклик, албатта. У пичокни холлдаги кийим илгич орқасига беркитади.

Кейин, ажойиб кунларнинг бирида уни полиция келади, деб огоҳлантиришади. Тамом! Улар билишади!

Таъкиб қилинаётган ҳайвон охирги марта олдинга ташланади...

Унинг Андоверга нима учун борганини билмайман – менимча, жиноят содир этилган, гарчи бу ҳақда ҳеч нима эслолмаса ҳам, ўзи содир этган жиноят жойини бориб кўриш патологик истаги бўлса керак.

Унинг пули колмаган, тинка-мадори қуриган... Оёклари ихтиёрий равишда уни полиция маҳкамасига судрайди.

Бирок бурчакка қисиб қўйилган ҳайвон ҳам курашни давом эттиради. Жаноб Каст қотилликларни

содир этганига тұла ишонади, лекин үзини айбсизман, деб қатый туриб олади. Ва у иккинчи қотилликдаги алибига ёпишади. Ҳар қалай, уни бунда айблаб бўлмайди.

Аввал айтганимдек, уни кургач, қотил эмаслиги ва менинг исмим унга ҳеч нимани англатаслигини дарров тушундим. У үзини қотил деб ҳисоблаётганини ҳам билардим!

У айбига иқрор бўлгандан сўнг назариямнинг тўғрилигига буткул ишонч ҳосил қилдим.

— Сизнинг назариянгиз, — деди Франклин Кларк, — бемаънилил!

Пуаро инкор маъносида бош чайқади:

— Йўқ, жаноб Кларк. Ҳеч ким сиздан шубҳа қилмаётганда, хавфдан холи эдингиз. Шубҳа қилиш бошлиниши билан исбот топиш осон бўлди.

— Исбот?

— Ҳа. Мен Комбесайддаги жавонда Андовер ва Черстондаги қотилликни содир этишда фойдаланган асонгизни топдим. Думалоқ тутқаси оғир оддий асо. Ёғочнинг бир қисми олиб ташланиб, қўрғошин билан қуйилган экан. Сизнинг суратингизни олти кишидан икки киши таниди — улар Донкастердаги отчопарда бўлгансиз, деб тахмин қилинган пайтда кинотеатрдан чиқаётганингизни кўрган. Бексхиллда сизни ўша машъум оқшомда сиз кечки овқатга олиб борган «Скарлет Раннер Роудхаус»даги қиз таниди. Ва ниҳоят, ҳаммасидан энг кечириб бўлмайдигани — сиз эҳтиёткорликнинг энг оддий чораларини писанд қилмагансиз. Кастанинг ёзув машинкасида — агар айбизиз бўлсангиз, сиз ҳеч қачон кўлингизда ушлashingиз керак бўлмаган ўша машинкада бармоқ изларини қолдиргансиз.

Кларк бир дақыла тинч үтирди-да, кейин шундай деди:

— Қизил, оқиб кетяпти, ёнимдан⁴⁷! Сиз ютдингиз, месе Пуаро! Аммо таваккал қилиш мүмкін зди!

У ниҳоятда чаққон ҳаракат билан чұнтағидан кичкина түппонча чиқарди-да, үзининг чаккасига тиради.

Мен қичқириб юбордим, үқ үзилишини кутиб, беихтиёр сесканиб кетдім. Лекин боёк⁴⁸ беҳуда шиқиллади.

Кларк ҳайратда қотиб, сұқинди.

— Йұқ, жаноб Кларк, — деди Пуаро, — сиз бугун хизматкорим янгилигини сезган бұлсангиз керак — у менинг дұстим, уста чұнтақкесар ўғри. У түппончанғизни чұнтақдан олиб, үқини чиқариб ташлади-да, жойига солиб қўйди, шундай солиб қўйдикі, сиз буни билмадингиз ҳам.

— Сиз — тасвирлаб бұлмайдиган, ночор маҳмадона-хорижликсиз! — деб юборди Кларк ғазабдан қипқизаріб.

— Ҳа, ҳа, сизнингча, шундай. Йұқ, жаноб Кларк, осон үлим топмайсиз. Сиз жаноб Кастанга чўкиб кетаёзганингизни айтгансиз. Сиз бу нимани англатишини — сизни бошқача қисмат кутаётганини биласиз.

— Сиз...

Унинг юзи бұздек оқ зди. Муштлари таҳдидли қисилди.

Қўшни хонадан Скотленд-Ярднинг икки изқувари чиқди. Улардан бири Кроум зди. У олдинга ўтиб, ушбу фурсатга мос гапни айтди:

— Сизни огоҳлантираман, айтадиган ҳамма гапнингиз исбот сифатида ишлатилиши мүмкін.

⁴⁷ Рулетка ўйини атамалари.

⁴⁸ Боёк — отиш куролларида тепкининг пистон чақадиган учи, наизаси.



— У етарлича гапириб бўлди, — деди Пуаро ва Кларкка қараб қўшимча қилди: — Сиз манманлик хиссига ҳаддан ортиқ тўлиб-тошгансиз, аммо шахсан мен сизнинг жиноятингизни на инглизча, на спортча деб ҳисоблайман...

35-боб Якун

Тан олиш қайғули, лекин Франклин Кларкнинг кетидан эшик ёпилгач, жазавага тушгандек қаҳ-қаҳ уриб кулиб юбордим.

Пуаро менга сал таажжубланиб қаради.

— Сиз унга жиноят спортча эмас, дедингиз, — деб нафасим қайтиб кетди.

— Бу рост. У жирканч — акасини ўлдирганидан кўра, бечора одамни тириклайн ўлимга ҳукм этишдек бешафқатлиги туфайли. Тулкини тутиш ва кутига қамаш, қочиб кетишига йул кўймаслик! Бу спортча эмас!

Меган Барнард оғир хўрсинди:

— Ишонолмайман... ишонолмайман. Шу ростми?

— Ҳа, мадемуазель. Даҳшат тугади.

Қиз унга қаради, юзи янада қизарди.

Пуаро Фрэзерга үгирилди:

— Мадемуазель Меганни ҳамма вақт иккинчи жиноятни сиз содир этгансиз деган қўркув таъкиб этаётганди.

Дональд Фрэзер хотиржам жавоб берди:

— Буни ўзим ҳам бир марта тасаввур қилдим.

— Тушингиз туфайлими? — У йигитга яқинроқ сурилиб, маҳфий равишда овозини пасайтириди: — Тушингизнинг буткул табиий изоҳи бор. Сиз сингилинг

сиймоси хотирангиздан ўчганини, унинг ўрнини оласи эгаллаганини тан олдингиз. Мадемуазель Меган юрагингизда синглисининг ўрнини эгаллади, аммо марҳумага шу қадар тез бевафолик қилишни хаёлингизга келтиромаганингиз учун ўша хаёлларни буғишга, уларни ўлдиришга урингансиз! Тушингизнинг изоҳи шу.

Фрэзер нигоҳини Меганга тикди.

— Унтишдан қўрқманг, — деди Пуаро юмшоқ оҳангда, — у эслаб юришга унчалик муносиб эмас. Мадемуазель Меган қиёфасида юздан бирига эга бўласиз – унинг қалби ажойиб!

Фрэзернинг кўзлари чақнаб кетди.

— Менимча, сиз ҳақсиз.

Ҳаммамиз у ёки бу тафсилотни аниқлаштириш мақсадида савол бериб, Пуарони ўраб олдик.

— Анави саволлар-чи, Пуаро, сиз ҳар бир кишига берган? Уларда қандайдир маъно бормиди?

— Уларнинг айримлари шунчаки бемаънилик эди. Лекин мен билишни истаган яна бир нарсамни – Франклин Кларк биринчи хат юборилган пайтда Лондонда бўлганини аниқладим. Шунингдек, мадемуазель Торага савол бераётганимда, унинг қандай муносабат билдиришини кўрмокчи эдим. У гафлатда колди. Унинг кўзларида қаҳр ва ғазаб кўрдим.

— Менинг туйғуларимга шафқат килдингиз, деб бўлмайди, – деди Тора Грей.

— Ҳакконий жавоб беришингизни кутмагандим ҳам, мадемуазель, – деди Пуаро қуруккина. – Энди иккинчи умидингиз ҳам рўёбга чиқмаяпти. Франклин Кларк акасининг пулларини мерос қилиб олмайди.

У бошини озод кутарди.



– Мен бу ерда қолиб, ҳақоратларни эшитишім көрекми?

– Асло, – деди Пуаро ва одоб билан унга әшикни очиб берди.

– Үша бармоқ излари ишни бутунлай ҳал қилди, Пуаро, – дедим мен үйланиб. – Бу ҳақда гапирганин-гиздан сұнг у буткул таслим бўлди.

– Ҳа, улардан фойда бор – бармоқ изларидан. – У маъноли қўшимча қилди: – Буни сизни хурсанд қилиш учун айтдим, дўстим.

– Бироқ, Пуаро! – деб хитоб қилдим. – Ахир бу ҳақиқат эмасми?

– Сира ҳам ҳам, дўстим, – деди Эркюль Пуаро.

Бир неча кундан сұнг бизникига жаноб Александр Бонапарт Каст қилган ташриф ҳақида ҳам гапириб ўтмаса бўлмайди. У зўр бериб, Пуаронинг қулини сиқаркан, миннатдорчиллик билдириш учун пойинтар-сойинтар гапириб, беҳуда уринди. Жаноб Каст ўзига келди ва:

– Биласизми, газеталар менга юз фунт таклиф қилишди, – деди у, – ҳаётим ва бу воқеа ҳақидаги қисқа ҳикоя учун юз фунт. Мен... мен буни нима қилишни билмайман.

– Мен юзга рози бўлмасдим, – деди Пуаро, – қатъий бўлинг. Нархингиз беш юзлигини айтинг. Ва битта газета билан чекланманг.

– Сиз чиндан ҳам шундай фикрдамисиз... шундай қилишим...

– Сиз бугун Англиядаги энг машҳур одам эканлигингизни тушунишингиз керак, – деди Пуаро жилмайиб.

Жаноб Каст янада рухланди. Юзи яшнаб кетди.

— Биласизми, менимча, сиз ҳаксиз! Машхурман! Ҳамма газеталарда! Маслаҳатингиздан фойдалана-ман, мсье Пуаро. Пул жуда маъқул, жуда маъқул. Мен бироз таътил оламан... Кейин эса Лили Марберига... дилбар қизга... жуда дилбар қизга чиройли тўй сов-ғаси ҳадя қилмоқчиман, мсье Пуаро!

Пуаро далда берган каби унинг елкасига қоқиб қўйди:

— Гапингиз жуда туғри. Завқланиб яшанг. Ва... ик-ки оғиз... окулистга куринишга нима дейсиз? Бу бош оғриклари... бу сизга янги кўзойнак кераклигидан бўлса керак.

— Сиз бу оғриклар шундан деб ўйлайсизми?

— Шундай деб ўйлайман.

Жаноб Кастанинг кўлини қизғин қисди:

— Сиз буюк одамсиз, мсье Пуаро!

Пуаро, одатдагидек, мактоворни эътиборсиз қол-дирмади. У ҳатто ўзини камтар кўрсатишни ҳам эп-полмади.

Жаноб Кастанинг виқор билан чиқиб кетганда, эски дўстим жилмайди:

— Шундай қилиб, Гастингс, биз яна дурустгина ов қилдик, шундай эмасми? Яшасин спорт!



МУНДАРИЖА

1-боб. Хат	5
2-боб. (Капитан Гастингс тилидан ёзилмаган)	11
3-боб. Андовер	12
4-боб. Миссис Ашер	17
5-боб. Мэри Дроуэр	23
6-боб. Жиноят жойи.....	29
7-боб. Жаноб Партриж ва жаноб Ридделл	38
8-боб. Иккинчи хат	43
9-боб. Денгиздаги-Бексхиллда бўлган қотиллик	52
10-боб. Барнард оиласи	62
11-боб. Меган Барнард	68
12-боб. Дональд Фрэзер	73
13-боб. Мажлис	77
14-боб. Учинчи хат	86
15-боб. Сэр Кармайл Кларк	93
16-боб. (Капитан Гастингс тилидан ёзилмаган)	103
17-боб. Эътиборга лойик вақт	106
18-боб. Пуаро нутқ сўзлайди	113
19-боб. Швеция орқали кетаётган	125
20-боб. Леди Кларк	129
21-боб. Қотилнинг тасвири	140

22-боб. (Капитан Гастингс тилидан ёзилмаган).....	146
23-боб. 11 сентябрь. Донкастер.....	153
24-боб. (Капитан Гастингс тилидан ёзилмаган).....	161
25-боб. (Капитан Гастингс тилидан ёзилмаган).....	163
26-боб. (Капитан Гастингс тилидан ёзилмаган).....	166
27-боб. Донкастердаги қотиллик.....	168
28-боб. (Капитан Гастингс тилидан ёзилмаган).....	176
29-боб. Скотленд-Ярдда.....	186
30-боб. (Капитан Гастингс тилидан ёзилмаган).....	190
31-боб. Эркюль Пуаро савол беради	191
32-боб. Тулкини тутиш	199
33-боб. Александр Бонапарт Кастан 34-боб. Пуаро тушунтиради	206 213
35-боб. Якун	234



Оммабон нашр

Алифбо бўйича қотиллик

Муҳаррир: *У. Ражабова*

Мусаххих: *З. Исакова*

Бадиий муҳаррир: *А. Журавлёва*

Техник муҳаррир: *Ж. Нематов*

Саҳифаловчи: *М. Мавлонова*

Нашриёт лицензияси А1 № 014, 20.07.2018

Босишига руҳсат этилди: 12.09.2018

Коғоз бичими: 84×108 1/32

Шартли босма табоғи: 12,6

Нашр ҳисоб табоғи: 7,3

Адади: 5000 (1- завод 2000) нусха

Буюртма № 89

«SPECTRUM MEDIA GROUP» МЧЖ нашриётида босмага
тайёрланди.

Тошкент ш., Кушбеги кўчаси, 6.

«SPECTRUM MEDIA GROUP» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

Тошкент ш., Кушбеги кўчаси, 6.

Телефон: (+99897) 155-11-47

Link: [@smgprint](http://smgprint)



«Алифбо буйича коттилар» Агат Кристининг энг машхур романлари дан бўлиб, у 1936 йилда нашр қилинган. Асарнинг асосий қаҳрамонлари Эркюль Пуаро, капитан Гастингс ва катта инспектор Джепп.

Эркюль Пуаро хатлар воситасида ўйин бошлаган жиноятчининг изига тушади, унинг имзосида атиги учта илк ҳарф мавжуд: А, В ва С. Инглиз тилида эса 26 та ҳарф бор. Демак, котил номлари алифбо тартибида жойлашган ҳарфлар билан бошланадиган жойларда котиллик содир этишни режалаштирмоқда. У курбонлари ҳётига нукта қўйиш олдидан Эркюль Пуарога мактуб юборади ва каерда, качон ўз жиноятини содир этишини маълум килади. Афсуски, Пуаро ва полиция ҳар сафар вокеа содир бўлган жойга кечикиб келади. Аммо изқуварнинг вазифаси алифбо асосида режалаштирилаётган котилликнинг амалга ошишига имкон бермаслик, Эркюль Пуаро бу вазифани закийлик билан удалайди...

ISBN 978-9943-5356-9-5

9 789943 535695